

ТУРКУМ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ВА  
МОЛИЯ-КРЕДИТ ТИЗИМИ

Ё. Абдуллаев, Ф. Каримов

КИЧИК БИЗНЕС  
ВА  
ТАДБИРКОРЛИК АСОСЛАРИ



66  
66-15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Ё. Абдуллаев  
Ф. Каримов

**КИЧИК БИЗНЕС  
ВА ТАДБИРКОРЛИК  
АСОСЛАРИ**

**100**

**САВОЛ  
ВА  
ЖАВОБ**

*(1-қисм)*

Тошкент – "Мехнат" – 2000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ  
МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
НАШР ЭТИШГА ТАВСИЯ ЭТГАН

*Тақризчилар:* Э. МАҲМУДОВ — иқтисод фанлари номзоди, профессор,  
А. ОРТИҚОВ — иқтисод фанлари номзоди, профессор.

*Мұхаррирлар:* И. УСМОНОВ, М. МИРКОМИЛОВ

A  $\frac{0605010204 - 48}{M 359 (04) - 2000}$  40 - 2000

ISBN 5-8244-1367-3

© «МЕҲНАТ» нашриёти, 2000 й.

## КИРИШ

Бозор иқтисодиёти бизнес ва тадбиркорликка асосланган иқтисодиётдир. Сүнгти йилларда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилиши туфайли мулкчилик-нинг тури шаклига асосланган фирмалар, корхоналар сони ортиб бормоқда. Йирик хорижий инвесторлар билан тенг шерикчилик асосида иш бошлаган қўшма корхоналар сони кўпайиб бораётир.

Бутунги кунда республикамида 180 мингдан ортик корхона мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётти. Жисмоний шахс сифатида, яъни юридик шахс мақомини олмай туриб, якка тартибда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 300 мингдан ошди. Дехқон, оиласвий хўжаликлар 3 миллиондан кўпроқ, бундан ташқари, 24 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Хунармандчилик, касаначилик фаолияти билан шуғуланаётган тадбиркорларнинг сони эса юз минглаб хисобланади<sup>1</sup>.

Ҳа, бугун бизнес уммонида осойишта сузаётган, сувнинг муздайлигидан чўчиб, орқага қайтиб кетаётган, ёинки энди кирғоққа етиб келган ишбилармонларимиз ҳам талайгина. Бироқ таассуфлар бўлсинки, баъзан эшкакни қандай эшишни билмай тубсиз сув қаърига гарқ бўлаётган, ҳайбатли тўлкинлар исканжасига тушиб қолаётган, баъзан эса билиб-бilmасдан қаллоблар чангалига илинаётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Баъзи «фирмач»ларимиз йирикроқ иш бошлаш учун кредит зарурлигини, қарз олишнинг ўзи бўлмаёттанлигини рўкач килишса, бошқа бири ишлаб чиқарилган маҳсулот-

<sup>1</sup> Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 22 май.

дан фойда эмас, зарар кўраётганлигидан, яна бири эса бошқа фирмага катта микдорда маблаф ўтказса-да, на маҳсулот, на пулдан дарак борлиги, ўргада эса ойлаб иш тўхтаб қолаётганлигидан нолишади.

Муаммоларни келтириб чиқараётган сабабларни излайдиган бўлсак, улар унчалик хавфли эмас. Баъзи ҳолларда оддий ички бозор эҳтиёжи, талаб ва таклиф билан ҳисоблашмаслик, қолаверса, бозор инфратузилмасини яхши ўрганмаслик ҳам ишимизнинг юришиб кетмаслигига олиб келаётпи. Фирмаларимиз раҳбарларида маркетинг ва менежмент асосларининг етишмаслиги аён бўлиб қолмокда. На пул, на маҳсулотдан дарак йўклиги, шерикларни яхши ўрганмаслик, уларнинг молиявий аҳволига кизикмаслик натижасида хайрли ишлар ижобий бўлмаётир.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, бугунги кундаги тадбиркорларимизга бизнеснинг асосий тамойиллари, умумий қоидалари, сир-синоатлари бўйича билимларнинг етишмайтганлиги сезилиб қолаятти.

Мазкур кўлланманинг асосий вазифаси тадбиркорлик нималардан ташкил топганини ёритиш, унинг турли шакллари ва усусларини батафсил кўриб чиқишдан иборат. Кўлланмада ҳар кун ва ҳар дакика учун аник кўрсатма йўқ, албатта. Бироқ унда муҳим жиҳатлар, яъни:

- тадбиркорлик санъати ва маданияти;
- тадбиркорликнинг хукукий асослари;
- ютуққа эришишнинг сир-синоатлари;
- бизнесмен бўлиш йўллари;
- тадбиркорнинг иши ривожланишига сабаб бўлувчи йўналишлар ва ҳоказолар батафсил ёритилган.

Мазкур кўлланма дарслик сифатида тайёрланаётган рисоламизнинг биринчи қисмидир. Ўн беш бобдан иборат дарсликнинг иккинчи қисми ҳам шу тариқа чоп этилади.

Ўқув кўлланмани мутолаа этган китобхонлар, хусусан тадбиркорлар, шунингдек, ўқув юртлари талabalari бизнес ва ишбилармонлик тўғрисидаги билимларини бир қадар оширсалар, муаллифларнинг муроди хосил бўларди. Шу боис ўқув кўлланманинг мазмун-мундарижаси бўйича билдирилган холосона истак, таклиф, фикр ва мулоҳаза, маслаҳатларни бажонидил қабул қиласиз.

# I | Б | О | Б

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

### 1.1. Тадбиркорлик ва бизнес тўғрисида умумий тушунчалар

1	Тадбиркор ва тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?	8
2	Бизнес ва бизнесмен деганда нимани тушунасиз?	10
3	Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўртасида фарқ борми?	11
4	Бизнеснинг мақсади нимадан иборат?	13
5	Бизнес қилишининг гайри қонуний усуллари ҳам мавжудми?	14
6	Тадбиркорнинг ilk қадами нимадан бошланади?	15

7

Тадбиркорликнинг қандай турларини  
биласиз?

17

## 1.2. Тадбиркорлик ва бизнес тарихи ҳақида

8

«Тадбиркор» тушунчаси қачондан бошлаб  
қандай маъниода кўлланила  
бошланган?

18

9

Қачондан бошлаб тадбиркор инноватор  
сифатида тушунила бошланди?

19

10

Тадбиркорликнинг ривожланиш тарихида  
учинчи ва тўртингчи «мавжлар» нима билан  
характерланади?

20

11

Ўзбекистондаги тидбиркорлик тарихи  
тўғрисида нималар дея оласиз?

21

## 1.3. Тадбиркорликнинг асосий тамойиллари ва қоидалари

12

Тадбиркорлик қандай тамойилларга  
асосланади?

25

13

Бизнес, яъни пул топниш ва уни асрашда  
қандай қоидаларга риоя қилиш  
керак?

27

14

Нима учун тадбиркор цулини ўзи билган  
нарсага сарфлаши керак?

28

15

Нима учун таъсирларга берилмаслик  
керак?

29

16	Нима учун режалар ҳисобига эмас, балки мулк ҳисобига пул топган маъкул ҳисобланади?	31
17	Нима учун сотиш мумкин бўлган нарсагагина пул сарфлаш керак?	32
18	Ўз фойдангизни олинг. Бу қоиданинг замирида нима ётади?	33
19	Нима учун тадбиркор ўз банкирининг сўзларини тинглаши зарур?	35
20	Нима учун нархлар арzonлигига сотиб олиш, қимматлигига эса сотиш керак?	36
21	Тадбиркор пулининг ҳар доим айланиб туришини таъминлашга зарурият борми?	38
22	Нима учун қанча пул кўйиш мумкин бўлса, шунча қарз олиш керак?	39
23	Манманлик учун эмас, ишингизни ривожлантириш учун қарз олишининг можияти нимада?	40
24	Нима учун ҳеч қачон қарз бермаслик керак?	42
25	12-қоида. Унинг можияти нимада?	43

# 1

## Тадбиркор ва тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?

Ўзбек тилининг изоҳди лугатида бу тушунчалар қуидагича талкин этилган:

**Тадбиркор** — бу тадбир билан, пухта ўйлаб иш қила-диган киши. Тадбир деганда бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси тушунилади.

**Тадбиркорлик** — бу пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар асосида иш тутмок демакдир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунида бу тушунчаларга қуидагича таърифлар берилган:

Тадбиркор — юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс. Якка тартибдаги тадбиркор — юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс.

Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) — қонун хужжатларига мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каране: Ўзбек тилининг изоҳди лугати. М., «Рус тили», 1981, 106-бет.

<sup>2</sup> «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 22 январ.

Тадбиркор — бу бозор иқтисодиётида хўжалик юритишининг асосий субъекти хисобланади. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чикариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гурухи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинки, бу кишилар ўзлари ихтиёрида бўлган ишлаб чикариши воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш ёрдамида бирлаштирадилар.

Тадбиркор — бу дадил, муҳим ва мураккаб мақсадларни рўёбга чикаришга жазм этиб, янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб таваккал иш юритувчи шахсадир. У тер тўкиб ишлаб ҳам ўзи фойда олади, ҳам А. Смитнинг «қўринмас қўллари» қоидасига биноан жамият фаровонлигига хисса қўшади.

Тадбиркорларнинг бир неча гурухлари борлиги хусусида кўп гапирилади. Улар:

- чайқов бозорида ҳаракат қилувчи тадбиркорлар;
- ўз иши ва ўз фирмаси бор ҳақиқий тадбиркорлар;
- ўз тижорат ишларини давлат муассасида ишлаб турив олиб борувчи тадбиркорлар;
- брокерлар, банк хизматчилари, қўшма корхона ходимлари ва ўз йўлини танлаётган ёшлар.

Улар орасида ўз иши ва ўз фирмаси бор бўлган ҳақиқий тадбиркорлар алоҳида ажралиб туради. Бундай тадбиркорда ўз мулкига ҳақиқий эгалик хисси юкори бўлиб, у бундай туйғунинг қадрига етади, уни кўз қорачигидай асрайди, ривожлантиради. Ўз маҳсулотини бозор талабларига тўла жавоб берадиган даражада сифатли қилиб чиқаради.

Тадбиркорлик — бу мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик, умуман, пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради.

<sup>1</sup> Каранг. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М., «Рус тили», 1981, 111-бет.

Ёлланиб ишлаш, ерни изараага бериб рента олиш, пулни банкка кўйиб фоиз олиш орқали ҳам пул топса бўлади. Аммо улар тадбиркорликка кирмайди.

## 2

### Бизнес ва бизнесмен деганда нимани тушунасиз?

Ўзбек тилининг изохли лугатида берилган таърифга кўра, **бизнес** — бу шахсий бойлик, фойда ортишишга қартилган иш. **Бизнесмен** эса, бизнес билан шуғулланувчи шахс<sup>1</sup>. Умуман, бизнес сўзи инглизча «business» — иш, тар-одам маъносини билдиради.

**Бизнес** — бу пулдан пул келтириб чиқаришдир. Пул топар кишини бизнесмен дейдилар. Бизнес ишини тўғри юрита билиш ўта муҳим. Шу нуқтаи назардан бизнес — бу ўлик, яъни харакатсиз колган пулни тўплаш эмас, балки, пулни ишлата билиш. Факат харакатдаги, даромад келтирувчи пулгина тирик пул бўлиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар 100 бизнесмендан факат 4 нафаригина бой ва пулни ўз қўлида саклаб қола олган шахслардир. Кўпчилик пул топади ва йўқотади. Ҳар 100 бизнесмендан 20 нафари 35 ёнда бадавлат бўлишга эришади, бироқ кейинчалик улардан 16 нафари қандайдир йўллар билан мол-мулкини қўлдан чиқариб юборади.

Ўртacha бизнесмен 50 ёнга қадар пул топади, ундан кейин эса топган бойлигини йўқотади. Нима учун шундай? Бу унинг **БИЗНЕС**, яъни пул топиш санъатини ўрганиб, уни саклашни ўрганмаганидан эмасмикин?

Бизнеснинг моҳияти айирбошлашдадир. Пулни товарга, товарни пулга ва яна пулни — товарга! Унинг шакли жуда ҳам оддий:

П—Т—П'

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ва Фармонлари. Т., «Ўзбекистон», 1992, 137-бет.

Бу ерда П' нинг микдори Пнинг микдоридан кўпdir, яъни фойдаси билан қайтган пулдир. Фойда келтирмаса, демакки бизнес эмас. Шу сабабли бизнесмен ҳар доим ўз маблағининг айланиб туришини таъминлаши лозим. Ҳар бир тийин — бу кичик бир ишчидир. Шундай қилиш керакки, у ухламасин, ҳар доим ишласин ва ишлатилсин, орқасидан янги-янги «тийинча»ларни эргаштириб келсин.

Шундай килиб,

Бизнес — бу рухсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шугулланиб, пул, даромад тошини билдиради.

### 3

## Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўртасида фарқ борми?

Тадбиркорликни кўпинча бизнес тушунчаси билан боғлашади. Ваҳоланки, уларнинг мазмуни бир-бирига яқин бўлса-да, бироқ айнан бир хил эмас. Бизнеснинг синонимлари:

- тижорат;
- савдо;
- тармоқ;
- фирма;
- фаоллик;
- корчалон, яъни ўзини ҳаммадан билимдан деб хисобловчи, билармон, маҳмадона, ишбилармон, эпчил.

Тадбиркорлик фаолияти эса — бу, энг аввало, кўлидағи озми-кўпми бойлигидан бизнес билан шугулланиш учун фойдаланадиган фаол ва ташаббускор кишининг интеллектуал фаолияти. Айни у — «динамизм», «дадиллик», «ташаббус» каби тушунчалар билан кўшилиб кетувчи ишбилармонлик каби самарали ғояларни рӯёбга чиқаради. Тадбиркорликнинг синонимлари:

- машаккатли меҳнат;
- улдабуронлик;
- моҳирлик;

- билимдонлик;
- ташаббускорлик.

Умуман, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўтасидаги фарқларни куйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

**Тадбиркорликнинг бизнесдан фарқи**

Тадбиркорлик	Бизнес
1) ташаббускорлик, улдабуронлик, эпчилик, ижодий фаолиятда изланувчаник 2) ўз ёясига эга киши 3) бошлангич капиталга эга бўлмаслиги хам мумкин 4) таваккалга мойил, ижодкор, иқтидорли киши  5) тадбиркорлик фойдасини олиш 6) ҳаётда камдан-кам учрайди	1) фаолиятни тиклашга, эришган ютукни мустахкамлашга интилиш 2) фойда келтирувчи фаолиятта эга киши 3) капиталга эга киши  4) барқарорликка интигувчи, фикрлаш ва хатти-харакатида консерватор, менежер маҳорати бор киши 5) капитал даромадини олиш 6) ҳаётда тез-тез учрайди

Генри Форд куйидаги фикрни такрорлашни маъкул кўради: «Ҳақиқий тадбиркор — бу ўзининг мустакил ёясига эга бўлган кишидир». Олимларнинг таъкидлашича, дунёдаги тадбиркорларнинг тахминан 15-20 фоизигина тадбиркорлик тафаккурига ва ҳаракатига эга. Америкаликлар эса тадбиркорларни миллатнинг «олтин фонди» деб хисоблашади. Ва, шу боис, улар мамлакат аҳолисида тадбиркорлик руҳининг сўнмаслиги учун ҳамма нарсани қилишади.

Гарчи, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўтасида назарий жиҳатдан фарқ бўлса-да, бироқ кундалик ҳаётда бизнес билан шуғулланувчи барча кишиларни тадбиркор (ишбилармон)лар деб аташ қабул қилинган.

Шу нуқтаи назардан:

Тадбиркорлик бизнеснинг энг асосий унсуридир. Тадбиркорлик бизнеси — бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш орқали даромад топишни кўзловчи фаолиятдир.

**4****Бизнеснинг мақсади нимадан иборат?**

**Бизнеснинг мақсади**, одатда, фойдани баркарор холга келтириш ва уни муттасил ошириб боришидир. Тадбиркорнинг ҳамма ўй-фикрлари, харакатлари ва сарф-харажатлари айнан фойда олишга қаратилган бўлади. Бу фойда бизнеснинг кейинги ривожланишини ва социал эҳтиёжларни қондиришга қаратилгандир (1-чизма).



1-чизма. Бизнес мақсади.

Зарар кўришга, йўқотиш ва умуман, иқтисодий инкиrozga қаратилган бизнес бўлмайди. Аммо бошқа ҳар қандай ишда бўлганидек, бизнесда ҳам муваффакият ўз-ўзидан келмайди. Унинг заминида ҳамиша машаққатли меҳнат, улдабуронлик, мохирлик, билимдонлик ва ташабbus ётади. Шу билан бирга бу фазилатлару хислатларни тўхтовсиз камол топтириб бориш керак бўлади.

Мақсад нуқтаи назаридан бизнесга иборали қилиб қўйидагича таъриф бериш мумкин. Бизнес, маълум маънода, иссиқкина жой учун курашдир. Ишингиз қанчалик катта бўлса, шунчалик кўп курашишга ва шунчалик кўп товон тўлашга тўғри келади. Ва агар, тадбиркор бир бор тушкунликка тушса, у бундан кейин ўзини тиклай олмайди.

Бизнеснинг мақсадлари, вазифалари ва пировард натижалари нечоғлиқ аниқ белгилаб олинган бўлса, унинг хатари ҳам шунга яраша кам бўлади.

Шундай қилиб:

Бизнес билан шугулланишдан асосий мақсад фойда олишшир. Шу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятни бозор талабларига мослаштириб режага солади, харидорлар учун зарур ва керакли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, хизматлар кўрсатишга, харид килишга, сотишга, ракобатлашувда фаол катнашишга харакат қилади.

## 5

### Бизнес қилишнинг файри қонуний усуслари ҳам мавжудми?

Бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир. Маърифатли бозор муносабатлари пул топишнинг файри қонуний усусларини тан олмайди. Шу боисдан:

- қаллоблик, яъни ўз манфаатини кўзлаб, бошқаларни алдаш мақсадида турли найранглар ишлатиш;
- товламачилик, яъни кишиларни лақиллатиб кун кўриш;
- порахўрлик;
- ўғрилик;
- фоҳишлик;
- тиламчилик;
- босқинчилик;
- наркотик моддалар билан шугулланиб, пул топиш кабиларни ҳақиқий бизнес, деб аташ мумкин эмас.

Ман этилган йўллар билан даромад топишни бизнес муносабати тан олмайди. Аллоҳ таоло Куръони Каримда: «Ҳалол ва покиза нафака енглар ва солих ишлар бажа-ринглар», деб буюрган<sup>1</sup>. Ҳадис шарифлардан бирида пайғамбаримиз: «Ҳалол нафака билан таъминлаш ҳар бир мусулмон учун фарздир»<sup>2</sup>, деганлар.

<sup>1</sup> Собир Сайхон. Тижорат ва лукма ҳалол ош.Т., «Нур», 1992, 6-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 6-бет.

Ислом таълимотига кўра, меҳнатсиз қўлга киритилган лукма ҳаромдир. Тадбиркорлар ҳам ўз ризку насибасини ҳалол меҳнат билан топишлари шарт, ҳалоллик — имижга, обрў-нуфузга эга бўлишни кафолатлайди.

Хозирги замон тадбиркори — бу юқорида қайд қилинган бизнес қилишнинг файри қонуний усусларини рад килувчи, энг аввало, бозорни талағир товарга тўлдира оладиган товар ишлаб чиқарувчидир. У янгиликни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиб, иктисадий ўсишни таъминлайдиган, ўзи ва жамиятининг бойлигини оширадиган, кишилар фаровонлигига ҳисса кўша оладиган бўлиши зарур.

### 6

### Тадбиркорнинг ilk қадами нимадан бошланади?

Ҳар қандай тадбиркор бирор ишни бошлашдан олдин, энг аввало, у икки муҳим омилни, яъни:

- мазкур вактдаги шарт-шароитни;
- ўзининг туттан ўрни ва имкониятини аниқлаб олиши зарур.

Биринчи омил бўйича тадбиркор ўзининг иш фаолиятини фирма (корхона)нинг ташки муҳитга нисбатан қуввати ва камчилиги, шунингдек, ташки муҳитдан келиб чиқадиган имкониятлар ва тахлилларни инобатга олиб белгилаши лозим.

Бошқача қилиб айтганда, бирорта жилдий иш бошлашдан олдин тадбиркор:

- қайси ишлаб чиқариш соҳасида иш юритиш;
- қанча пул сарфлаш;
- ҳозирги шароитда қандай соҳалар бошқалардан маълум устунликка эгалиги;
- талаб ва унинг қандай қондирилишини;
- ўзининг имкониятларини эринмай ўрганиб чиқмоғи лозим.

Бундай таҳлил фирма фаолиятининг ҳолати ва бизнес ривожланишининг йўналишларини, келажакдаги истиқболини баҳолашга имкон беради.

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

Ишни бошлашнинг иккинчи омили — бу тадбиркорнинг салоҳияти ва унинг қайси бир турдаги фаолиятни тўғри танлаб олиш масаласидир. АҚШда фаолият йўналишини танлашдаги хато кишига моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам биздагига қараганда анча қимматга тушади. Омадсизлик — иши юришган ва юришмай қолганлар ўртасидаги фарқни жуда ошириб юборади.

Шу боис, америкаликларнинг олдин ўзининг касб нуктаи назаридан кучли ва кучсиз томонларини, қизиқишлирини, ақл-идроқини, билимини, жисмоний ёки интеллектуал меҳнатга қобилиятини аниклаб олиб, пухта тайёрланган ҳолда бирор бир ишга кўл уришининг боисини тушуниш мумкин. Мана, уларнинг ўзига берадиган асосий саволлари:

- Мен нимани маъқул кўраман — буюмлар ва ашёлар билан ишлашними ёки одамлар ва foss-fикрлар билан шуғуланишними?
- Ўз меҳнатимнинг моддий натижасини кўришни истайманми?
- Якка тартибда ишлашни афзал кўраманми ёки жамоа таркибидами?
- Бажарилиши жисмоний куч талаб қиладиган ишни улдалай оламанми?
- Бировга раҳбарлик қила оламанми?

Бу саволларга ҳар бир тадбиркор ҳаққоний, тўғри жавоб излаши лозим. Аммо америкаликлар биладики:

АҚШда кўлидан келмайдиган ёки мукаммал дарожада бажара олмайдиган ишни бўйнига оладиган кишиларни ёқтиришмайди.

Тадбиркорликда дастлабки қадамни тўғри ташлаш ва муваффакиятга эришиш имкониятига эга бўлиш учун фаялот ишлаш керак.

## 7

## Тадбиркорликнинг қандай турларини биласиз?

Тадбиркорлик фаолиятини кўйидаги белгилар бўйича турларга бўлиш мумкин (2-жадвал):

2-жадвал

Тадбиркорлик турлари

T/p	Тадбиркорликни турларга бўлиш белгилари	Тадбиркорлар гурухлари
1	2	3
1.	Янги товар ёки хизматни лойихалашни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>инновация тадбиркорлари, яъни интеллектуал мулк эгалари. Бу тадбиркорлар янги товар ва хизматларни лойихалаш, ишлаб чиқариш жараёнларини таомиллаштириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан илмий изланишлар олиб борувчи тадбиркорлар</li> </ul>
2.	Фаолият йўналиши бўйича тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар;</li> <li>товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар</li> </ul>
3.	Қандай вазифани бажариши бўйича тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>ишлаб чиқаришни бошқарувчи тадбиркорлар;</li> <li>молия ва сугурта билан шуғулланувчи тадбиркорлар;</li> <li>воситачилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар;</li> <li>маслаҳат билан шуғулланувчи тадбиркорлар</li> </ul>
4.	Фаолият турларининг сони бўйича тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>битта соҳадаги тадбиркорлар;</li> <li>кўп соҳадаги тадбиркорлар</li> </ul>

1	2	3
5.	Фаолиятнинг мураккаблиги бўйича тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• маҳсус билим талаб қилмайдиган фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар;</li> <li>• маҳсус билим талаб қиласиган фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар;</li> <li>• юкори технология ва нодир билим талаб қиласиган фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар</li> </ul>
6.	Фаолиятнинг тармоқ йўналишлари бўйича тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• саноат;</li> <li>• кишлоп хўжалиги;</li> <li>• курилиш;</li> <li>• савдо ва хизмат кўрсатиш;</li> <li>• транспорт ва бошқа секторлардаги тадбиркорлар</li> </ul>

Тадбиркорлик турлари, айниқса, ижтимоий-иктисодий салоҳияти турлича бўлган мамлакатларда анча хилма-хил. Халкаро бизнес билан бир қаторда катта, ўрта ва кичик бизнес тадбиркорликнинг энг кўп русум бўлган турларидир. Булар ташкилий жиҳатдан, одатда, тегишлича катта, ўтрага ва кичик корхоналарда ўз ифодасини топади.

## 8

### «Тадбиркор» тушунчаси қачондан бошлаб қандай маънода кўлланила бошланган?

Иктисодиёт оламига «тадбиркор» тушунчаси XVIII асрда кириб келган ва дастлаб полисемантик (кўп) маънога эга бўлган. А. Смитнинг фикрича, тадбиркор бу қандайдир коммерция (тижорат) фоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадида иктисодий таваккалдир. Унинг ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қиласиди ва натижаларни тасарруф этади.

Ж.Б. Сейнинг фикрича, тадбиркор бу бирор мақсадни кўзлаб ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштиради-

ган иқтисодий агентдир. Австрия мактабининг (Й.Шумпетер, Ф.Хайек ва бошқа) қарашларича, тадбиркор бу ўзига хос социал-рухий тоифадаги хўжалик юритувчидир. Унинг учун турли-туман бозор имкониятларини таҳлил қилиш ва фойдаланиш, янги фояларни сафарбар қилиш муҳимдир.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки заарарлигини белгиловчи **ноаниқлик омили** хисобланган. Тадбиркорнинг ижтимоий-иктисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф ўртасида мувозанат ўрнатишга доир таваккалчилик фаолиятидан иборат, деб тан олинган.

Кейинчалик «сармоя эгаси» ва «тадбиркор» тушунчалари бир-биридан фарқлана бошлайди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юришини, кўпайиб боришини тъминлайди ва бу борада у венчур сармоядор, яъни жалб қилинган молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга ўз фоялари, билими ва кўникумаларини татбиқ қилиб, кўп фойда олиш мақсадида ўша маблағларни таваккалли ишларга сарфлайди.

Неоклассик мактаб намояндалари (Р.Кантильондан кейин) ўз асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида ракобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб хисоблай бошладилар. Бундай талқинда тадбиркорларнинг даромадига таваккалчилик учун тўлов деб қаралди, бу даромаднинг бўнак (аванс) кўйилган сармоядан келадиган даромад ва иш ҳакидан тафовуги ҳам ана шунда деб тушунишади. Олинадиган даромаднинг тарзи хусусий сармоядор ва менежернинг тадбиркорликка доир вазифаларини бир-биридан фарқлаб туради, лекин бу вазифаларни битта жисмоний шахснинг ўзи ҳам бажариши мумкин.

### 9

### Қачондан бошлаб тадбиркор инноватор сифатида тушунила бошланди?

XX аср ўртасига келиб тадбиркорни инноватор сифатида тушуниш қарор топди. Инновация фаолияти тад-

биркорликнинг асосий ва ажралмас белгиси, деб эътироф этила бошланди. Бу ҳол иктиносидий ривожланган мамлакатларнинг янги ривожланиш даврига боғлиқ эди. Бу давр ишлаб чиқаришни ривожлантиришга илмий-техник тараққиётта кўшган ҳиссасининг устунлиги (сармоя ва ишчилар сонининг ўсиши билан таққослаганда) ва ахборотнинг роли ошиб борганлиги билан ифодаланади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлариданоқ АҚШ саноатининг ривожланишига Ж.Рокфеллер (нефть), Ж.Морган (пўлат ва банк иши), Энрю Меллон (алюминий), Эндрю Корнеги (пўлат), Генри Форд (автомобил) сингари бир гурӯҳ тадбиркор-инноваторлар томонидан асос солинган эди.

Янги Австралия мактабининг (Й.Шумпетер, Ф.Хайек ва бошқалар) фикрича (1883-1950), тадбиркор — бу ўзига хос социал-психологик типдаги хўжалик юритувчи сифатида талқин қилиниб, унинг учун турли-туман бозор имкониятларини излаб топиш ва тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиш, новаторлик ғояларини амалга ошириш асосий хисобланади.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик инновация фаолияти тарзига кирса, яъни техника ва технология янгиликларини жорий этиш билан боғлиқ бўлса, иктиносидий ўсиш тезлашади. Инновация туфайли меҳнат унуми ўсади, янги товарлар пайдо бўлади, бозор янада тўйинади. Аммо инновацион тадбиркорлик учун илмий-техникавий ишланмалар, яъни патент, лицензия, ноу-хау бозори эркин ва байналминал миёнда амал қилиши шарт, токи инновацион компаниялар бозорда керакли янгиликларни топа олсинлар.

## 10

### Тадбиркорликнинг ривожланиши тарихида учинчи ва тўртгинчи «мавжлар» нима билан характерланади?

Тадбиркорликнинг ривожланиш тарихининг «биринчи инқилобий тўнтариши»да: тадбиркор — бу таваккалга борувчи, иккичисида эса: тадбиркор — бу инноватор деб қаралган бўлса, «учинчи тўлқинида» тадбиркорларга:

- изланувчи;

- юзага келган янги имкониятларни реализация қи-  
лувчи;
- новаторлик фояларини ўзлаштира олувчи;
- сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи;
- янги технологияни ихтиро қилувчи;
- янгиликларни амалга оширувчи ва ривожланиш-  
нинг келажак омилларини эгаллай олувчи;
- истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг янги усул-  
ларини топувчи;
- инвестиция қилишга янги соҳаларни изловчи  
субъект сифатида таъриф берилади.

У тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва уни олиб боришга қобилиятли, ташаббускорликни юзага келтирадиган ва ундан фойдаланадиган, таваккалчиликдан кўркмайдиган, тўсиқ ва қаршиликларни енга оладиган ва бошқа сифатларда таърифланади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор биринчи навбатда ижодкор, новатор, ташкилотчи сифатида гавдalanади.

«Тўргинчи тўлқин»да тадбиркорнинг бошқарувчилик маҳоратига ургу берилади. У ишлаб чиқариш омиллари ва жараёнини, унинг натижаларини оқилона бошқара оладиган, социал-иктисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзининг ва ўз жамиятининг бойлигини оширадиган, кишиларнинг фаровонлигига ҳисса қўша оладиган раҳбар сифатида гавдаланади.

### 11

### Ўзбекистондаги тадбиркорлик тарихи тўғрисида нималар дея оласиз?

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес таракқиёти бир неча тарихий даврларга бўлинади:

#### Биринчи давр

Буни мутахассислар «Вужудга келиш даври» деб атайдилар. XIX асрнинг учинчи чорагидан то 1917 йилга қадар иқтисодиётда хусусий бўлимнинг ривожланиш палласидир. Шу вақтда Ўзбекистонда сармоядорлик тизими шаклланиб келаётган эди.

Маълумотларга мурожаат қиласиган бўлсак, Октябр инқилобидан аввал Ўзбекистон ҳудудида 50 минг хунарманд ва косиблар ишлаб турган. Уларда эса қарийб 110 минг киши саноат меҳнати билан банд бўлган. Бундан ташқари, 1915 йили:

- Тошкентда — 111 та;
- Андижонда — 62 та;
- Самарқандда — 52 та;
- Кўконда — 49 та;
- Наманганда — 44 та;
- Марғилонда мавжуд эди.

### Иккинчи давр

Бу давр «Стагнация», яъни «Ҳаракатсизлик» деб атади. Бу давр етмиш йилларни 1918 — 1985 йилларни камраб олади ва кичик бизнес учун акс емирувчи замон ҳисобланади. Бу вактда тадбиркорлик маъмурий равишда бостириларди. 1926 йили умумий аҳоли орасида якка дехқонлар ва бирлашмаган хунармандлар 80,2 фоизни, ишчи ва хизматчилар эса 19,8 фоизни ташкил этган бўлса, унда жамоатлаштириш ва саноатлаштириш тугаши биланок манзара кескин ўзгарди. 1939 йил ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, жамоа ҳўжалиги дехқонлари ва бирлашган хунармандларнинг сони 64 фоизга, ишчи ва хизматчиларники эса 32,2 фоизга тенг бўлган ва факат 2,9 фоизи якка дехқон ҳамда бирлашмаган хунармандлардан иборат бўлган.

60-йиллар бошида собиқ иттифоқ компартияси дастури қабул қилингандан сўнг, бу жабхага кескин равишда салбий муносабатда бўлинди. Оқибатда Ўзбекистонда хунарманд ва косиблик ишлаб чиқаришларида банд бўлганлар сони ҳалқ ҳўжалигига ишлайдиганларнинг умумий сонининг 0,1 фоизига ҳам етмасди. Кейинчалик бу гурӯҳ ҳисоботда, умуман, кайд қилинмай кўйилди.

70-йилларнинг ўртасига келиб, кичик ва ўртача корхоналар сони 30 фоиздан камроқ ва уларда 3,5 мингдан кам киши ишлаган.

### Учинчи давр

Бу давр «Жонланиш» даври деб аталиб, амалда социалистик иқтисодни ислоҳ қилишдан бошланиб, то СССРнинг парчаланиб кетишига қадар давом этди (1985-1991). Бу эса, ўз навбатида кичик бизнеснинг ноқонуний негиздан чишигга туртки берди ва уни ижобий тарзда жадаллаштириди. Натижада, 1991 йил 1 январидаёқ республикамизда 268,5 минг киши (шу жумладан, 61,6 минг нафар икки вазифани бажарувчилар) ишлайдиган 9,7 мингдан ошиқ амалдаги ширкатлар мавжуд эди.

Тадбиркорликнинг бир шакли сифатида якка меҳнат фаолияти ҳам ривож топди: бунда 1990 йили 29,4 минг, 1991 йили эса 28,5 минг киши ишларди. Қўшма корхоналар сони ҳам 30 тага етди. 80-йилларнинг охирида ширкат бўлимида жами 1,5 миллион киши, якка тартибда 1,1 миллион, шу жумладан, шахсий ёрдамчи хўжаликда қарийб 1 миллион киши иш билан банд эдилар.

### Тўргинчи давр

Бу давр «Тикланиш» деб аталиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган вақтдан бошланади. Қисқа вақт ичиде кичик ва ўртача корхоналар ривожланишини бошқарувчи ва рағбатлантирувчи асосий меъёрий-хукукий хужжатлар кабул қилинди. Натижада, 1994 йилнинг охиридаёқ нодавлат бўлими мамлакат соғф мoddий маҳсулотининг 53 физини ишлаб чиқарди. Шу хисобда:

- ижарачи корхоналар — 2,7 фоизни;
- ҳиссадорлик корхоналари — 5 фоизни;
- ширкат хўжаликлар — 9,7 фоизни;
- жамоа хўжаликлари — 10,5 фоизни;
- якка хўжаликлар — 21,6 фоизни;
- ҳусусий хўжаликлар — 0,5 фоизни;
- қўшма корхоналар — 1,1 фоизни яратар эди.

Нодавлат бўлимида ҳаммаси бўлиб, 4,8 миллион киши ишлар эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиёт тараққиётининг асосий тизимини ташкил этади. Хукуматимиз барча даражаларда кичик ва ўрта корхона-

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИ

ларнинг унумли ишлаши учун зарур шароитларни яратишига интилмокда.

Масалан, Давлат мулк кўмитаси ҳамда товар ишлаб чикарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан 1999 йил учун рақобат мухитини шакллантириш бўйича амалий чора-тадбирларнинг ҳар томонлама дастури ишлаб чиқилди. Дастурни амалга ошириш факат 1999 йилнинг ўзида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг 15 минг янги субъектларини очишга, бир катор бозор инфратузилмаси шахобчаларини ишга туширишга ва шунинг хисобига 98,2 минг кишини иш билан таъминлашга имкон берди.

Агар давлат биринчи босқичларда кичик бизнеснинг пайдо бўлиши учун асос яратишига интилган бўлса, кейинги босқичларда уларнинг ривожини рағбатлантиришга ҳаракат килди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини эслашнинг ўзи кифоя.

Хозирги кунда республикамизда 180 мингдан ортиқ корхона мустакил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатайтган корхоналарнинг сони 300 мингдан ошди. Дехқон, оиласвий хўжаликларнинг сони эса 3 миллиондан кўпроқ, шунингдек, 24 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Хунармандчилик, касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг сони эса юз минглаб хисобланади.

Факат 1998 йилнинг ўзида 15 мингта кичик ва хусусий корхоналар, дехқон хўжаликлари барпо этилди. Бу эса ўз навбатида:

- янги иш жойларини ташкил этишга;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига;
- ички истеъмол бозорининг таъминланишига;
- аҳоли даромадларининг кўпайишига ёрдам беради.

Кичик ва ўрта бизнеснинг муваффакиятли ишлаши учун бозорнинг худудий инфратузилмаси шахобчаси кенгайтирилди, Масалан, 1998 йилдаёк:

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

- кўчмас мулк сотиш бўйича — 32 та;
- қимматли қофозларни пуллаш бўйича — 26 та;
- янги улгуржи тузилма бўйича — 151 та янги агентликлар фаолият кўрсатди.

Ички истеъмол учун 1,4 миллиард сўм микдоридаги захиралар ва маҳсулотларни сотиш бўйича 1400 дан ортиқ ёйма бозор, савдо шахобчалари ишлайти.

Республикамиздаги тадбиркорликни хорижий давлатлар ҳам қўллаб-куватлайти. Масалан, Оврупо қайта куриш ва тараққиёт банки 2 йил муддатга 120 миллион долларлик кредит линияси очди. Осиё тараққиёт банки эса 3 йилга 50 миллион доллар маблағ тақдим этди ва 1999 йилнинг иккинчи ярмига келибок 20,2 миллион долларлик 16 та лойиҳа маблағ билан таъминлаш учун қабул қилинди.

### 12

### Тадбиркорлик қандай тамойилларга асосланади?

Тадбиркор аниқ бир ишлаб чиқариш фаолиятини танлаб олиб, ўз корхонасини юргизиб юборгандан сўнг, унинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жараёнини тадбиркорликнинг куйидаги асосий тамойилларига таяниб, узлуксиз бошқаришдан иборат бўлади (3-жадвал):

3-жадвал

#### Тадбиркорлик тамойиллари

Т/р	Тадбиркорлик тамойиллари	Изоҳ
1	2	3
1.	Мулк соҳиби бўлиш	<ul style="list-style-type: none"><li>• тадбиркорлар ресурслар ёки маҳсулотларнинг эгаси бўлиши керак. Агар бундай хукуқка эга бўлмаса, у холда уларга мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан тўла хўжалик юритиш хукукига эга бўлишлари керак.</li></ul>

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

3-жадвалнинг давоми

1	2	3
2.	Фойда олишга интилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорлик билан шуғулланишдан асосий мақсад фойда олишидир. Шу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз кўл остидаги ишлаб чиқариш восьиталаридан, ёлланган ишчи кучларидан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид килишга, сотишга, рақобатлашувда фаол катнашишга ҳаракат қилади.</li> </ul>
3.	Иктисолий эркинлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркор бозорга караб нимани, қанча, қандай технологияда ишлаб чиқаришни, яратилган товарни кимга, қачон ва неча пулга сотишни, қайси банк билан алоқа қилишни, ўзига шерик топишни, хуллас, ҳар қандай иктисолий фаолиятни хеч бир тазыйксиз, ўз билганича амалга оширади.</li> </ul>
4.	Иктисолий масъулият	<ul style="list-style-type: none"> <li>• иш натижасига жавоб бериш, таваккал килиб иш юрита олиш, иктисолий хатарли ишга ќўл уриш, ќўрган фойда-зарарага ўзи жавоб бериш кабиларни тадбиркор ўз зиммасига олади.</li> </ul>
5.	Иктисолий таваккалчиллик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркор таваккал килиб "ё устидан, ё остидан", "гардкам" қабилида иш тутади, иктисолий хавф-хатарни зиммасига олиб, чув тушиб қолишдан кўркмайди.</li> </ul>
6.	Қонун-коидаларга риоя қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркор саъи-ҳаракатининг ўз коидалари бор. Уларга итоат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз хисобланади. Тадбиркор ҳукумат томонидан чиқарилган қонун ва тадбирларга катъий бўйсуниши, ўзининг қундалик фаолиятида уларга риоя қилишнинг юкори намунасини кўрсатishi, бу ишда бошқаларга ибрат бўлиши керак.</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

3-жадвалнинг давоми

1	2	3
7.	Рақобат курашида қатнашиш	• тадбиркор бозорда амал қилувчи қоидаларга риоя этган холда ҳалол рақобатда қатнашиб, унинг фирром, ноконуний усулларидан воз кечиши керак.
8.	Тадбиркорлик сири	• бизнес ишида технология, янги товар яратиш, бозор топиш, нарх белгилаш, контракт тузиш ва бошқалар сир сакланади.
9.	Ҳалоллик билан иш юритиши	• тадбиркорлик ҳалол йўл билан пул топишга асосланиши зарур, қаллоблик ва алдамчилик унинг табиатига зид.
10.	Нуфуз (имиж)га эга бўлиш	• нуфуз ҳалқ орасида, тадбиркорлар доирасида обрў-эътиборли бўлишни билдиради. Тадбиркор ўз шаънини авайлаши, фирма номини эъзозлаб, унга доғ туширмаслиги, яхши ном чиқариши шарт.
11.	Ўз-ўзини бошқариш	• тадбиркорликда ўз-ўзини бошқариш тартиби бор. Давлат Фирма ишига аралашмайди, балки иқтисодий сиёсати билан тадбиркорларга кўмаклашади, конунлар орқали тадбиркорлик учун шароит яратади.

### 13

## Бизнес, яъни пул топиш ва уни асрарашда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?

Молия, хусусан бизнес соҳасида ҳеч ким ўзини ҳар томонлама билимдон мутахассис, деб айтольмайди. Ҳар биримиз у ёки бу масалаларда хатоларга йўл кўямиз. Бизнесда мутлақ ишончли тушунча йўқ. Унда ҳар бир одам ўз ташвишида югуриб-елади. Бизнес дунёсида математикадаги «аксиома»ларни кам учратамиз. Бирок, шунга қарамасдан, мъ-

лум қоидаларга амал қилинади. Ана шундай қоидалардан күйидаги 12 тасини Герберт Ньютон Кессон<sup>1</sup> тадбиркорларга тавсия қиласы:

### Тадбиркорлик қоидалари

1. Пулни ўзингиз билган нарсага кўйинг.
2. Таъсиirlарга берилманг.
3. Режалар хисобига эмас, мулк хисобига пул қилинг.
4. Сотиш мумкин бўлган нарсагагина пул сарфланг.
5. Ўз фойдангизни олинг.
6. Банкирингизнинг сўзларини тингланг.
7. Нархлар арzonлигига сотиб олиб, кимматлигига сотинг.
8. Пулингизнинг ҳар доим айлануб туришини таъминланг.
9. Қанча пул кўшиш мумкин бўлса, шунча карз олинг.
10. Манманлил учун эмас, ишингизни ривожлантириш учун карз олинг.
11. Ҳеч қачон карз берманг.
12. Пулингизни бутун бошли тармоқка кўйиб, нархнинг тебранишини кузатиб боринг.

Бу қоидалар сармояга эга бўлган ва уни йўқотишни истамаганларга мўлжалланган.

14

### Нима учун тадбиркор пулини ўзи билган нарсага сарфлаши керак?

Яъни, биринчи қоида — бу ўзингиз билган нарсаннина сотиб олинг ёки шу нарсага пулингизни қўйинг. Бу сатрларни ўқиётган ҳар бир тадбиркор, эҳтимол, қачонлардир айнан шу омонатнинг биринчи талабига риоя килмагани учун зиён кўргандир.

Хўш, пулни нимага қўйган маъкул?

- Агар сиз савдогар (ёки дўкондор) бўлсангиз, пулларингизни сиз учун мол сотиб оладиган энг яхши компанияга қўйинг.

<sup>1</sup> Бу қоидалар бизнес оламида машхур назариётчи ва амалиётчи Герберт Ньютон Кессоннинг «Пулдорлик санъати» китобидаги пул топиш ва асраш борасидаги 12 қоидаси асосида тайёрланди.

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

- Бордию, темир йўлчи бўлсангиз, пулингизни саранжомроқ темир йўл компаниясининг акция ёки бошқа кимматбаҳо қофозларига омонат қилинг.
- Курувчи бўлсангиз, ер сотиб олинг.
- Зиёли бўлсангиз ва савдо-тижоратнинг йўл-йўриклирини билмасангиз, бошингизни қотириб ўтирганг, давлатнинг кимматли қофозларини сотиб олинг.

Ҳисса сотиб олиш масаласида ҳамма вақт бурнингизнинг тагидаги бизнесни танланг. Яъни:

- Пулингизни ўз шахрингизга кўйинг.
- Кўзингиз билан кўриб турган нарсанигина сотиб олинг. Узокдаги дала ҳамиша ям-яшил кўринади. Агар сиз унга ўз пулингизни ишонадиган бўлсангиз, демакки, ўзингиз ундан ҳам «яшилрок» — фўрсиз.
- Албатта, иложи бўлса, пулингизни ҳамма вақт ўзингиз билган бизнесга омонат қилинг.
- Пул кўяётган пайт укувсиз ва лакма бўлманг.
- Жохиллик — ҳамиша хавфли, айниқса, молия соҳасида.
- Ўзингиз билган бизнес билан шуғулланишингиз даркор.

Шундай килиб, пулни саклаш санъати ва улар орқали яна пул топиш усули деб аташ мумкин бўлган молия соҳасида амал қилинадиган илк қоида қўйидагича:

Эшиттан эмас, балки билган нарсангиз билан шуғулланинг. Эҳтиёткорлик билан иш кўринг. Ўзингиз билган нарсанигина сотиб олинг.

**15**

**Нима учун таъсиrlарга берилмаслик  
керак?**

Бу қоидани бизнесга ҳам, молияга ҳам татбик қилиш мумкин. Яъни, кимнингдир қандайдир микдорда пули бўлса, қўйидаги тамойилга қатъий амал қилиши керак:

- уларни ҳеч қачон ҳавога совурмаслик;
- насияга бермаслик;
- пулни бирорнинг таъсири билан омонат кўймаслик лозим.

Сиздан кимдир пул сўраган тақдирда уни беришга шошилманг, жавобини эртага колдиринг. Бу сизни бехуда зиёндан куткаради. Атрофингизда хоҳлаган кишини хоҳлаган нарсага ишонтириш қобилиятига эга бўлган одамлар бисёр. Инсон ҳар дакиқа, ҳар сонияда ана шундайларнинг таъсирида бор-йўғидан ажраб қолиши ҳеч гап эмас.

Молия соҳасида **ҳимоя санъатини ўрганиш зарур**. Ўз пулини сақлаш ёки уни ўзича сарфлашни истаган ҳар бир тадбиркор бу санъатни ўрганиши керак. У ҳеч қачон сикувга ён бермаслиги даркор. Ҳамма вакт хотиржам ва совукконлик билан ўзига шундай саволни бериши керак:

### «Мен бундан нима фойда кўраман?»

Аввал ўз пулингизни ишлаб топинг, кейин уни ҳимоя қилинг ва ўз тадбiringизга кўра ишлатинг — соғлом фикр, ҳалоллик ва олийхимматликнинг мезони шулардир.

Ҳамма вакт пул қўйиш ҳақида гап кетганда, «хозир ёки ҳеч қачон» талабини қўйишмоқчи бўлишса, сиз «ҳеч қачон» деб жавоб беринг. Нима учун ҳаракат килиш керак-лигининг сабабини англаб етмагунингизча, «тезроқ бўлиш» қабилидаги огоҳлантиришларга шубҳа билан қараңг. Сизга ҳар дакиқада «Тезроқ бўл, пулни беракол», дейишлари мумкин, аммо сиз ҳеч қачон ҳеч кимга пул берманг!

Шошилинч ишни эртага қолдириш билан сиз ҳақиқатан ҳам яхши бир имкониятни қўлдан бой беришингиз мумкин ва бу ҳечам хавфли эмас: пировардидага сизнинг барабир пулингиз кўп, бош оғриғингиз эса камроқ бўлади.

Ўз ишингиз билан шуғулланаётган пайтда иложи борича эпчилроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Бироқ пулингиз ёки мулкингиз ҳақида гап бораётганда, ҳечам шошилманг. Бир йилда йикқанингизни бир сонияда йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Ҳеч қачон қандайдир ўзга бир кучнинг таъсири ҳақида ўйламанг.

## 16

### Нима учун режалар ҳисобига эмас, балки мулк ҳисобига пул топган маъқул ҳисобланади?

Инсон табиатининг тушуниб бўлмайдиган жиҳатларидан бири шундаки, у кўпинча мулкдан кўра режаларни афзал кўради. Буни ҳар қандай режа инсонга мукаммал бўлиб кўриниши билан изоҳлаш мумкин. Аммо, режалар ҳар хил бўлади. Уларнинг ичидаги яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, ўртамиёналари ҳам бор. Бошида уларнинг яхши-ёмонлигини ажратиш мушкул.

Агар пулни йўқотишини истамасангиз, иложи борича режалардан узокроқ туриб, уларни факат мулкка айлантирган маъқул.

Чунки:

- мулк — бу бўлинмас ва моддий бойликдир. Режа эса — бу фоя ва унинг қиммати мавҳум;
- мулкни эҳтиёж бўлгани тақдирда бир-икки ҳафта ичидаги сотиб, пулга айлантириш мумкин. Режа эса моддий заминдан маҳрум;
- ифодали қилиб айтганда, режа — бу ҳали туғилмаган ҳомила. Мулк эса, у қанчалик эски ёки зиён кўрган бўлмасин, барибир пул.

Мулк яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин, бироқ ҳеч қачон бутунлай йўқ бўлмайди. У режага ўхшаб, ҳавога учеб кетмайди. Ақлли ва узокни кўра оладиган одам мулкни ҳамма вақт пул ёки фойдали бир бизнесга айлантира олади.

Ҳар бир фирма ёки корхона одатда режа ва мулкдан таркиб топади.

Яхши корхона пирамидага ўхшайди, унда пойдевор мустаҳкам бўлади. Ҳавфлиси — тўнкарилган пирамидадир: унда оғирлик маркази юқорида бўлади. Бундай корхонада режа керагидан ортиқчадир.

Молия соҳасида эҳтиёткорликнинг ҳам, журъатлиликнинг ҳам ўз вақти-соати бор. Аммо биринчи қоида ҳамма вақт қуйидагича бўлиши керак:

Режани, мулкни ҳамда ўзингизни пухта ўрганиб чиқинг.

Бу маслаҳат молия дунёсида йиллар давомида муваффакият қозониб келаётган, етарли тажрибага эга бўлган ва ўзига ишонган кишилар учун эмас. Бироқ ҳатто ўшалар ҳам вакт-вакти билан режаларнинг тузогига тушиб қоладилар. Юқоридаги маслаҳат, асосан, бизнес дунёсига эндиғина кириб келаётган тадбиркорлар учундир. Бу ерда куйидаги акида ўта муҳим:

Юришни ўрганмасдан туриб, югуришга шошилмаслик керак.

Мулк билан ишлашда камида ўн йиллик тажрибага эга бўлгандан кейингина режалар учун пул кўйиш ҳақида ўйлаб кўрса бўлади. Мулк билан мумомала қилишни билган одамни алдаш кийин. Уй, ер ва жиҳознинг қадрини билган шахс ҳеч қачон саробнинг орқасидан чопмайди.

## 17

### Нима учун сотиш мумкин бўлган нарсагагина пул сарфлаш керак?

Яъни, тўртинчи қоида: сотиш мумкин бўлмаган нарсага яқинлашманг. Бу қоиданинг аҳамияти нечоғли катта эканини ҳар бир машхур бизнесмен айтига олади. Чунки ҳар бир катта иш одами бу қоидани унутгач, зиён кўрганини жуда яхши эслайди. Худди шу қоидага амал қилмаганликлари учун ҳам беҳисоб ишбилармонлар ўзларининг унча катта бўлмаган маблағларидан ажralиб қолишган.

Масалан, минглаб одамлар ҳовли ёки ер сотиб олишда ана шундай хатога йўл қўйишади. Улар қандайдир бир овлоқ жойда уй кура бошлашади. Орадан муайян вакт ўтиб, уйларини пулламоқчи бўлишганда эса, харидор тополмай сарсон бўлишади. Ҳеч кимга кераги бўлмаган уйни арзонга беришга мажбур бўлинади ёки уни яхши пулга сотиб оладиган биронта нодон топилгунича сабр киладилар. Деярли барча бошловчи тадбиркор шундай хатога йўл қўяди. Яъни, сотиш мумкин бўлмаган нарсани сотиб олади.

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИ

Молиявий нуқтаи назардан имкон қадар пулга якинроқ ёки унга ўхшаш нарсани сотиб олишга ҳаракат килишкерак. Пулнинг энг буюк киймати шундаки, у ҳаммага керак. Пулни ҳамма вақт товарга алмаштириш мумкин.

Тўртинчи қоида кичик бизнесмен учун ҳам, йирик бизнесмен учун ҳам бекиёс аҳамиятлидир. Бугунги кунда тезда сотиб, пулга айлантириш мумкин бўлмаган мулк учун пулни музлатиб кўйиш ўта хавфлидир. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, зарур бўлган тақдирда мулкни тез ва ҳар қандай йўқотишларсиз пулга айлантириш мумкин бўлсин. Бу нарса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бироқ, шунга қанчалик якин бўлмасангиз, инқироздан шу қадар узоксиз.

Юкорида таъкидланганимиздек, бизнес товарнинг пулга ва пулнинг товарга айирбошланиш жараёнидир. Фойда келтиргани тақдирда бизнес «товар — пул — товар — пул» демакдир. Фойда келтирмаса, демакки бизнес эмас.

Шунинг учун ҳам бир нарсани сотиб олаётганда ўйланг: «Устига кўйиш мумкинми, сотиб оладиган одамлар топиладими?» Агар «ҳа», дейдиган бўлсангиз, ҳеч иккиланмасдан сотиб олинг. Мулкнинг киймати қисман унинг соғилиш имкониятига боғлиқ.

Хулоса шуки, бўлар-бўлмасга пул сарфлаш бемаъниликдир. Шунақасиям бўладики, бирон-бир товарни керак бўлмаса ҳам, факат арzonлиги (ёки бой-бадавлатлилигини кўз-кўз қилиш) учунгина харид қиласидар. Ёки бўлмаса, бошқалар олаётганлиги учунгина сотиб олишади. Бу ачи-нарли ҳолдир. Зарур жойга пул сарфлайдиган тадбиркор мақтovга лойик.

Бундайларнинг шиори:

Агар лозим бўлса, ҳар қандай катта пулни ҳам аяма,  
лекин зарурат бўлмаса, сариқ чака ҳам сарфлама.

**18**

## Ўз фойдангизни олинг. Бу қоиданинг замирида нима ётади?

Бизнесда, айниқса, фойда муҳим. Масалан, рассом каерда бўлмасин, у биринчи навбатда, пейзажда акс эттириш мумкин бўлган гўзал манзараларни илғайди. Балиқчи ба-

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОХИЯТИ

лик яхши илинадиган жойни излаб қолади. Тадбиркор эса ҳамма вакт пул топиш усулини қидириб, фойда олиш пайида бўлади. Машхур «ДЭУ» корпорациясининг раиси мұхтарам Ким У Жун ўзининг «Бизнеснинг буюк дунёси» деб номланган, том маънодаги кўхна ва янги Шарқни улуғловчи асарида шундай ёзди:

«Мен бирор жойга бориб қолсан, одатда, бу ерда нимани фойда билан сотиш мумкину, нимани сотиб олишга арзийди, дархол кўраман ва натижада фойда қиласман»<sup>1</sup>.

Албатта, ҳар бир тадбиркор фойда ҳақида ўйлаши керак. Бусиз бизнес бўлмайди. Лекин, кимки ҳаётнинг маъноси факат фойда олишда деса, у — ноҳак. Тадбиркорлар бор факат фойда учун яшашади, тадбиркорлар бор ўз ишининг муваффакияти учун ҳаракат қилишади.

Ҳўш, уларнинг қайси бири яхши яшайди? Бу саволга Ким У Жун куйидагича жавоб беради:

«Мен бир нарсага қатъий ишонаман. Кимки факт бир мақсадга — фойда олишни кўзлаб ишласа, у хаёт кувончлари нималигини билмайди. Очкўзлик, яни ҳамма нарсани фойдага чакиши ва ўз мулкига айлантириш чегара билмайди. Бу дардга мубтало бўлган одам, гўёки ҳеч вақси йўқ қашшоқ.

Бундай одам 99 га эга бўла туриб, юзни ҳам эгалаш учун бошқанинг борини тортиб олишга тайёр. Бу тўймас очоғатлик қанчалик жирканч-а!»

Демак, фойда олишга интилиб, рақибни синдиришга ҳаракат қылмаслик керак. Агар, битим натижасида кўйилган капиталнинг, айтайлик бешдан бири(20 фоизи)га тенг фойда олинадиган бўлса, демак тадбиркор шериги учун ҳам худди шундай фойда олиши тўғрисида ғамхўрлик қилган бўлади. Тадбиркор ўз чўнтағи ҳақида ҳам, шеригининг чўнтағи ҳақида ҳам ўйлаши керак. Бу ерда куйидаги тамойилга амал қилиш зарур:

Тенглик, адолат ва ўзаро фойда.

<sup>1</sup> Караган: Ким У Жун. «Бизнеснинг буюк дунёси». «Осиё бозори» газетаси, 1997 йил 14-20 феврал.

Бу тамойил сиз билан бирга ишлаб зарар кўрмаслигига шерикни ишонтириш учун ўта мухим. Ҳар бир тадбиркор доимо офишмай шу қоидага амал қилиши зарур. Ўзаро инсоний муносабатларда бўлгани каби бизнес дунёсида ҳам, ўзгалар манфаати билан хисоблашмаслик мумкин эмас.

Бироқ кечроқ келиши мумкин бўлган катта фойдани кутиандан, унча катта бўлмаган фойдани ўз вақтида олган маъқул. Узокдаги куйруқдан кўра якиндаги ўпка афзал наклига амал қилиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки бизга бойликни кўлга киритишимиз учун жуда ҳам оз вақт берилган: бор йўғи 20-30 йил, холос. Ҳамма гап шунда. Шу нуктаи назардан, умрида меҳнат қиласидиган ёши 40 йилдан ошмайдиган инсондек ўткинчи ва ожиз мавжудот учун «кейин» сўзи ноўриндир.

## 19

### Нима учун тадбиркор ўз банкирининг сўзларини тинглаши зарур?

Молия чангальзорларида ҳарита ҳам, йўл ҳам йўқ. Бу чангальзорга кирган ҳар бир киши ўзини адашган, деб хис килади. Айни пайтда, бутун умрини ана шу чангальзорларда ўтказган, шунинг учун ҳам унинг ўзига яраша қонун ва хавф-хатаридан хабари бўлган мугахассислар, масалан, брокерлар ва банкирлар бор. Шу маънода кўпроқ банкирларга ишониш мумкин. Олтинчи қоида сизни катта зиёнлардан саклаб қолиши мумкин.

**Банкир** — бу молия чангальзоридаги ўзига хос бир кузатувчидир. У қўрикловчи, пулларни зиёндан асрагувчидир. У чангальзордаги ёлғизоёқ йўлларни билмагани тақдирда ҳам хавф-хатардан қандай кутилиш усулларини билади. Унинг фаолияти — хавф-хатарни ўрганиш. У эҳтимол қандай қилиб 12% фойда олиш мумкинлигини айтиб беролмас, бироқ қандай қилиб 6% фойда олишни аниқ айтиб бера олади.

Банклар маблагни қандай қилиб икки ҳисса ортиришни ўргата олмаслиги мумкин, аммо уни саклаб қолишининг ишончли йўлларини кўрсата олади. У олтин тоғига

олиб борувчи йўлни кўрсата олмаслиги мумкин. Ҳолбуки, вакт-вакти билан кимдир тасодифан ёки онгли равишда уни топиши ва эртаклардагидай бойиб кетиши мумкин. У чангалзорлар хакида шунчалик кўп нарса биладики, ўзини ҳеч иккиланмай йўлбошчи деб аташи мумкин. Худди шу жиҳатлари билан у брокердан анча устун туради.

**Брокер**, ўз мижозлари сингари қоидаларга эмас, балки миш-мишларга қараб иш тутади. Югуриб-елади. У давлат миқёсидаги анъаналарни жуда ҳам кам ҳолларда ўрганади. Унда режа ҳам, ҳарита ҳам, компас ҳам йўқ. Шу сабабли у йўл бошловчи эмас. У шерик, холос. Шуларни ўзлаштириб олса, брокерлик хизматидан яхшигина фойдаланиши мумкин. У амрларнинг фаол ижрочиси. У буюрилган топширикни баҳаради, кундалик янгиликлардан огоҳ қиласди, битим тузади, бирор ҳеч қачон йўлбошловчилик қилмайди.

Брокернинг ягона мақсади — ўз мижозларини доимо олди-сотди ҳолатида ушлаб туриш. Банкир эса уларни зиёндан кутқариш учун елиб югуради. Брокерга ҳак тўланса, банкир факат маош олади. Факат банкиргина холисона маслаҳатлар берishi мумкин. Унинг табиий ҳолати шуни тақозо этади. Банкир сўзини тинглаш билан сиз икки хисса ютасиз:

- биринчидан, оқилона маслаҳат оласиз;
- иккинчидан эса, банкирнинг ишончини қозонасиз.

Бугунги кунда банкир — бу марказий фигурадир. У бутун дунёни ўз елкасида тутиб туради. У оддий ҳисобчи эмас. У хоҳлаймизми, хоҳламаймизми бундан қатъи назарсоқчи. У — васий. У — етакчи.

Шундай қилиб, олтинчи қоиданинг талаби: Банкирнингизга кулоқ солинг. Ўзингизнинг унчалик бой бўлмаган тажрибангизга ҳам; Сизнинг зиёнингиздан фойда олишни кўзлаган инсонларнинг маслаҳатига ҳам ишонманг.

## 20

**Нима учун нархлар арzonлигига сотиб олиш, қимматлигига эса сотиш керак?**

Молия бозорида ҳамиша икки хил оломонни кўрасиз. Бири сотиб олувчи бўлса, иккинчиси сотувчи. Деярли ҳамма оломонга қараб сотиб олади ва сотади. Ҳатто бозорга

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИ

кирган ҳар қандай одам ўзи истамаган ҳолда каттароқ оло-монга қўшилади. Зиёнга юз тутишининг энг асосий сабабларидан бири шу.

Тўғри, сиёсатда ва ўзаро муносабатларда кўпчиликка қўшилсангиз ютасиз. Аммо молияда бундай эмас. Бу соҳада оломон ҳамиша ютқазади. Молияда, агар пул қўйиш ва олиб-сотиш санъатини ўрганмоқчи бўлсангиз, озчилик тарафда турганингиз маъқул.

Ҳеч қачон сотувчилардан олувчилар кўп бўлган пайт ҳарид қилманг. Акс ҳолда ортиқча пул тўлашга мажбур бўласиз. Ҳеч қачон олувчилардан сотувчилар кўп бўлган ҳолларда сота кўрманг. Акс ҳолда сариқ чакага ҳам эга бўлмайсиз. Шу ўринда бир миллионернинг сўзларини келтириш ўринлидир:

«Қишида ўзингта похол шляпа сотиб ол».

Сотиш удум бўлган пайт сотиб олинг, сотиб олиш удум бўлганида эса сотинг. Маълумки, нархлар бекарордир. Шов-шув ва депрессия (инқироз, тушкунлик) даври ҳамма вакт бор. Ҳар бир шов-шув ўз орқасидан депрессияни, ҳар бир депрессия эса шов-шувни эргаштириб келади. Кўпчилик шов-шувга нисбатан оптимист ва депрессияга нисбатан пессимист бўлади. Албатта, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Бироқ бизнесмен бутунлай тескари кайфиятда, яъни шов-шув пайтида пессимистик, депрессия пайтида оптимистик кайфиятда бўлгани маъқул.

Ҳамма вакт, бир нарса сотиб олгудек бўлсангиз, пессимистлардан сотиб олинг, мабодо соттудек бўлсангиз, оптимистларга сотинг.

Еттинчи қоиданинг моҳияти ҳам худди ана шунда. Бу — оломонга қўшилмаслик ва нархларнинг ўзгаришига сабаб бўладиган имкониятлардан фойдаланиш демакдир. Ўзиза ана шундай жасоратни топа олган тадбиркор бойлик ва эгалик хукуқини кўлга киритади. У бозорни барқарорлаштирувчидир. У бозорни оломой ваҳимага тушиб, ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборадиган ҳолатдан саклайди.

21

## Тадбиркор пулининг ҳар доим айланиб туришини таъминлашга зарурят борми?

Мазкур саккизинчи қоида ёрдамида молиянинг энг буюк қонуни каşф этилади. Яъни:

Маблағнинг ҳаракати унинг микдорига нисбатан каттароқ аҳамият касб этади.

Оддий нон сотувчи заргарнидан 10 баравар кам бўлган маблағ билан яхши иш қилиши ва мўмай фойда олиши мумкин. Чунки, у жуда ҳам тез пулни — нонга, нонни эса — пулга айлантиради. У ҳар куни ўзининг бутун товар заҳирасини сотиб бўлади. Заргар эса ўз молини борйўғи бир марта айлантиради. Шунинг учун ҳам олмос бизнесида фойдадан кўра, унинг ўзидаи «ялтироқлик» кўп.

Аксарият фирмалар даромади унчалик катта бўлмаслигининг сабаби улардаги катта микдордаги пулнинг ўлик эканидадир. Жуда кўп моллар чанг босиб ётади. Жихозлар кам ишлатилади. Хом ашё заҳираси хаддан ташқари катта. Бинолар керагидан ортиқча. Буларнинг ҳаммаси ўлик маблағлар. Демак, бу ўзига хос бир фалажликдир.

Аксарият фирма маблағларининг 2/3 қисми ўлик кисмiga юкланди. Нархлар ошаётган ҳоллардан ташқари, барча ҳолларда товарни ушлаб туриш факат зарап келтиради. Жихоз ёки бинонинг қиймати унинг баҳосига эмас, балки фойдаланишига боғлиқ. Бизнес олами қимматли, лекин хеч қандай фойда келтирмайдиган нарсалар билан тўлиб-тошиб ётибди. Мамонт кувватига эга бўлган, аммо ишламайдиган мотордан кўра, бир мушук кучига эга бўлган ва ишлайдигандвигател афзалроқдир. 2 миллион сўмлик бозори ўтмас молга эга бўлгандан кўра, 200 минг сўмлик қарз олиб, давомли айлантириб турган маъкул.

Бизнеснинг моҳияти айирбошлишадир. Пулни товарга, товарни — пулга ва яна пулни — товарга! Ва буни имкон қадар тезрок қилиш керак — катта дивидендларнинг сири худди шунда.

Фойда кўпроқ нархнинг баландлигига эмас, балки савдонинг суръатига боғлик бўлади. Бир йилда 30% даромад килгандан кўра, ҳар ойда 5% фойда олган маъқулроқ. Бу ҳамма судхўрларга маълум. Бироқ барча тадбиркорларга эмас. Шунинг учун ҳам ўлик товар заҳираларига эга бўлган тадбиркорларни кўплаб учратиш мумкин.

Ҳамма вакт у ёки бу бизнесмендан: «Сиз учун энг муҳими нима?», деб сўрасангиз, «Катта маблағ» деб жавоб беради. Бу нотўғри. Аксинча, ўзида бор маблағдан фойдаланишини тезлаштириш керак. Ҳар бир киши товар айланиши тезлигини шунчаки орттириш билан шуғулланмасдан ҳам ўз маблағини икки ҳисса кўпайтириши мумкин.

Худди, баликни ейишни ўрганишдан кўра, уни тутишни ўрганиш маъқул бўлганидек, маблағга фоиз тўлагандан кўра, сотишни ўрганган маъқул. Чунки ўз молини реклама қилиш, фоиз тўлаганга нисбатан арzonроқ тушади.

### 22

### Нима учун қанча пул қўйиш мумкин бўлса, шунча қарз олиш керак?

Герберт Кессон тадбиркорларга қўйидаги энг зарур маслаҳатни беради:

Журъатли бўлинг ва қарз олинг.

Бу деган сўз, тадбиркор етарли даражада журъатга эга бўлиши керак. У ўзини ўзи синаб кўрмоғи лозим. Таваккал қилиб, завқ ола билиши керак. Зоро, бизнесда энг фойдалиси — аклли таваккал. Тадбиркорнинг хавфдан, таваккал қилишдан ўзини олиб қочиши чумчукдан кўркиб, тарик экаслик билан баробар.

Аммо, қарз олиб, кечалари ухламай чиқадиган одам тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланмагани маъқул. У яхшиси хотиржам ишлаб, тинчгина маошини олиб юраверсин. Борди-ю, у ўз кучини синаб кўрган ва ўзгаларнинг пулни муваффакият билан ишлатиш мумкинлигига кўзи етган бўлса, қарздан кўркмаслиги ҳамда қанча пул қўйиш зарур бўлса, шунча қарз олмоги керак.

Қарз-қаволасиз пул топиш имконияти бўлса, бундан яхшиси йўқ. Бирок қарз олиш зарур бўлса-чи, аммо кимдан? Табиийки, судхўрдан эмас. Агар кимсасиз ва чорасиз ҳолга тушиб қолган бўлмаса, ҳеч ким уларнинг яқинига йўламайди. Судхўрдан олинган қарз ҳеч қандай даромад келтирмайди, чунки унга ойда 10% тўлаб туриш керак. Қолаверса, судхўрнинг идораси тузок.

Шунинг учун ҳам қарзни иложи бўлса банкдан олган маъкул. Банкнинг функцияларидан бири — бу қарз беришдир. Айни пайтда, банк нисбатан қулай шартларни таклиф қиласди ва қийин шароитларда сизни ҳар қандай дўст ёки қариндошингиздан ҳам яхшиrok тушунади. Нимагадир кўпинча банкирларни шафқатсиз ва бағритош, деб тасаввур қилишади. Аслида эса бундай эмас. Банкир ўз мижозининг синишини ҳаммадан ҳам кўра камроқ исташи мумкин.

Агар банқдан қарз олишнинг имкони бўлмаса, демакки, ҳақиқатан ҳам қарз олишга арзимайди. Банкир қарз бериш масаласида устаси фарангдир. У қачон қарз бериш ва қачон бермаслик кераклигини жуда яхши билади. Албатта, бошқалардан қарз сўрайдиган одамнинг олдин нимасидир бўлиши керак. Айни пайтда, пулдан фойдалана олишнингизга кўзингиз етган тақдирдагина кўпроқ қарз олганингиз маъкул. Агар тезроқ мўмайгина пулга эга бўлишни истасангиз, тўққизинчи қоидага амал килинг. Яъни:

Қанча пул кўйишга кодир бўлсангиз, шунча қарз олинг.

**23**

**Манманлик учун эмас, ишингизни ривожлантириш учун қарз олишнинг моҳияти нимада?**

Жуда кўп фирма, корхоналар худди шу қоидага амал қилмагани учун ҳам банкротлик ёқасига бориб қолади. Улар ривожланишни манманлиқдан ажратса олишмайди. Ваҳоланки, бизнесда ривожланиш, ўсиш деган тушунчалар бор.

Ривожланаётган бизнес улгаяётган болага ўҳшайди. У бир умр бешикда қололмайди-ку! Унга кенгроқ майдон ло-

зим. Манманлик эса, аксинча, жizzакилик, холос. У ҳақиқаттада бүйбезаб күрсатади. Жумладан:

- ёмғирпүш (зонтик)ни сотиб олиш — бу зарурият, бирок қаердаги олтин дастаның тутқа)ли ҳасса учун пул сарфлаш нодонликдир;
- оёқ кийим сотиб олиш учун қарз олинаёттан бўлса тўғри бўлади, бирок кўнж сотиб олиш учун қарз олиш ва пул сарфлаш ақлга тўғри келмайдиган нарса;
- ойнабанд ва фиштили бинода ўтириб, зарап кўргандан оғилхонада ишлаб фойда топган минг марта афзал.

Манманликка берилиб, ўзини бойитиб, ўз бизнесини қашшоқ ҳолга келтириб кўядиган тадбиркорлар кўп. Манманлик уларни катта-катта харажатларга туширади. Натижада бизнес ўлиб, бор-йўғидан ажралиб қолади. Генерал, биринчи навбатда, ўз аскари ҳақида қайғуради. Худди шунингдек, бизнесмен ҳам, энг аввало, ўз бизнеси ҳақида ўйлаши лозим.

Фойда бизнес билан шуғулланишга ундейди. Агар фойда учун қарз олаёттан бўлсангиз билингки, ҳаммаси жойида. Бироқ **кибр ҳаво** учун қарз олаёттан бўлсангиз, билингки, сизнинг бизнесингиз хавф остида. Олинган қарз — ундан қандай фойдаланишингизга қараб ё сизни чўққига олиб чиқади ёки пастга туширади. Хулоса шуки:

Манманлик учун эмас, ривожланиш учун қарз олиш худди шунинг учун керак.

Агар қайси бир тадбиркор манманлик ва дабдабали ҳаёт кечириш учун тадбиркор бўлишни орзу қилаёттан бўлса, яхшиси, у бундай орзуни ташлаб, ўзига бошқа йўл танлагани маъкул. Зеро, асл тадбиркорнинг вазифаси манманлик чўққисига интилиш эмас, балки корхонани ривожлантириб, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга кўмаклашишдан иборатдир.

24

## Нима учун ҳеч қачон қарз бермаслик керак?

Қарзга пул бериш — бу нима килиш лозимлигини билмаслик, демакдир. Қарз бериш — совға килиш ҳам, пул қўйиш ҳам эмас. У сизга раҳмат ҳам, даромад ҳам келтирмайди. Бу — гаров ўйнагандан ҳам ёмонроқдир. Чунки, қарз берган пайтингиздан бошлабоқ, Сиздан омад юз ўгириши мумкин.

Шу сабабли қарз беришни банкирларга қўйиб беринг. Улар буни яхши биладилар, сиз эса йўқ. Сиздан фарқли ўла-роқ, ўзларини химоя килишни биладилар, сиз эса йўқ. Агар дўстингиз сиздан қарз сўрайдиган бўлса, сиз ундан нима учун банкирга мурожаат қўлмаганинги сўранг. Агар у ўзига қарз беришни ёпиб қўйганиларини тан олса, унга қарз бера кўрманг. Ёки ундан унча катта бўлмаган ҳиссани сошиб олинг.

Ҳамма вақт қарз бергандан кўра, пул қўйган маъкул.

Шунда, агар сиз шерик бўлсангиз, таклифда ҳам, даромадда ҳам тўла шериклик хуқукини кўлга киритасиз. Агар дўстингизнинг ишлари яхши юришиб кетса, сиз 6% қарзнинг ўрнига, даромаднинг маълум қисмини оласиз. Борди-ю, синиб қолса, ҳеч бўлмаганда ўз пулингизни қайтариб олиш имкони бор.

Ҳар бир тадбиркор (яратувчи) тиланчи (қарз сўрайдиган)лар томонидан ўраб олинган. Улар орасида доимий можаро мавжуд. У узил-кесил ғалаба қилгунга қадар давом этади. Рим салтанатини ҳалок қилган ҳам ана шу тиланчилар эди.

Яратувчилар тиланчилардан ўзларини асрашлари керак.

Ўн биринчи қоиданинг маъноси шу. Банкда ўз хисобингизни очганингиз биланоқ, Сиз бағритош бўлмаслигиниз керак, бироқ «йўқ», дейишни ўрганиш лозим. Пулни саклаш уни топишдан осон эмас. Дейдиларки: инсон пул топи-

ши учун аклининг 1/10ни ишлатар экан. Уни сарфлаш учун эса 9/10ни ишлатар экан. Ҳар бир бадавлат тадбиркор буни яхши билиши керак.

25

## 12-қоида. Унинг моҳияти нимада?

12-қоида — бу оддий маслаҳатдан кўра кўпроқ нарсани ифода этади. У биржадаги нарх тебранишларидан фойдаланиб, пул килишнинг зукко йўлларини кўрсатиб беради. Фонд биржаси дунёдаги энг фойдали ва ажойиб нарсалардан биридир. Бу молия тараққиётининг энг олий ютуғидир.

Фонд биржаси бозордан бошқа нарса эмас. Бу шундай жойки, унда кимматбаҳо қофозларни бир вактнинг ўзида ҳам сотиб олиш, ҳам сотиш мумкин. Лондон биржасида 6000 дона ҳар хил қимматбаҳо қофозларнинг баҳоси белгиланади. Уларни сотиш ва сотиб олиш мумкин.

Темир йўл ёки кемасозлик корхонаси қанчалик зарур бўлса, фонд биржаси ҳам шунчалик зарурдир. Бугун биттасини йўқотсангиз, эртага иккинчиси пайдо бўлади. Биржа — бозордан ҳам кенгроқ бир нарса. У — савдо ва тижоратнинг барометридир. Ҳар бир тадбиркор уни ўрганиши ва худди шу мақсадда кундалик молиявий нашрлардан бирига обуна бўлиши керак. Фонд биржаси жамоатчилик фикрини ифодалайди. У вактнинг аломатлари ҳакида маълумот беради. Шунингдек, келажакка назар ташлаш имкониятини яратади. Энг сўнгти хабарлар фонд биржаси орқали ўтади. У ҳамиша олдинга қараб ҳаракат қиласи.

Биржадаги нархлар кийматни акс эттиrmайди. Улар амалдаги майл ва истиқболни акс эттиради.

Улар молия дунёсида кўзга кўринган шахсларнинг умид ва хавотирларини ифодалайди. Ҳеч ким биржадан ақлли ва кучли бўла олмайди. Ҳеч ким нархларни сунъий равишда яратса олмайди. Агар бордию, бирон корчалон нархлар билан ўйнашадиган бўлса, бозор унинг уринишларини пучга чиқариши турган гап.

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИ

Нархлар давомли ҳаракатда бўлади. Дунёдаги барча ҳодиса ва ғоялар унга таъсир килади. Об-хаво, ҳосил, иш ташлашлар, урушлар, сайловлар, банк бўйича белгиланган маошлар, бюджет — буларнинг ҳаммаси юқори ёки пастига тортади. Нархлар билан бирга далил ва уйдирмалар, қўркув ва миш-мишлар, истак ва орзулар ҳам юради.

Шундай килиб:

Пул топиш — бу амалдаги нарх билан реал қиймат ўртасидаги фаркни кўра билиш, демакдир. Энг катта муваффакиятни кимнинг нима деяёттани билан эмас, балки реал қиймат билан қизиқкан тадбиркор кўлга киритади.

Пулингизни бутун бошли тармоқقا, масалан, ҲИФ га қўйиб, нархнинг тебранишини кузатиб боринг, дейишнинг мөҳияти ҳам ана шунда.

# П | Б | О | Б

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

### 2.1 Тадбиркорликни ҳуқуқий таъминловчи асосий қонунлар

- |    |   |    |
|----|---|----|
| 26 | Тадбиркорлик муносабатларини тартибга<br>солувчи қандай қонунларни биласиз?   | 48 |
| 27 | Тадбиркорлик фаолиятининг умумий<br>ҳуқуқий асослари нималарни кўзда<br>тутади?   | 52 |
| 28 | «Тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонун неча<br>ва қандай моддаларни ўз ичига<br>олади?   | 53 |
| 29 | Тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш Давлат<br>кўмитасини ташкил қилишдан мақсад<br>нима?  | 55 |
| 30 | Узбекистон Республикаси Президентининг<br>1994 йил 21 январдаги Фармонининг<br>моҳияти нимада?                                  | 56 |
| 31 | «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар<br>фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги<br>Қонуннинг мақсади ва вазифалари<br>нималардан иборат? | 58 |

**32**

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? 59

## 2.2. «Тадбиркор» мақомини олиш шартлари

**33**

Тижорат ва нотижорат юридик шахслар «тадбиркор» мақомини олишлари шартми? 61

**34**

Хўжалик юритувчи субъектларга лицензия (руҳсатнома) бериш тартиби қандай? 63

**35**

Корхонани таъсис этиш учун қандай хужжатлар талаб қилинади? 66

**36**

Қайси ҳолда корхона ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган деб ҳисобланади? 67

**37**

Жисмоний шахснинг «тадбиркор» мақомини олиши учун қандай шартлар мавжуд бўлиши лозим? 69

## 2.3. Тадбиркорнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

**38**

Тадбиркор қандай хуқуқларга эга? 70

**39**

Тадбиркорнинг мажбуриятлари нималардан иборат? 71

**40**

Қайси ҳолларда тадбиркор мулкий жавобгар бўлиб ҳисобланади? 72

**41**

Кимларга тадбиркорлик фаолияти билан  
шуғулланиш тақиқланган? 73

**42**

Қайси ҳолларда тадбиркор фаолияти суд  
орқали тўхтатилади? 74

## 26

### Тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи қандай қонунларни биласиз?

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ва уни ривожлантириш зарурий хукукий хужжатлар яратилишини тақоюз этади. Бу меъёрий хужжатлар тадбиркорликка оид бўлиб:

- бир-бирига зид қарорларни қабул килишга йўл кўймасликка;
- меъёрий база (асос)ни доимо такомиллаштириб боришга имкон беради.

Мустакил республикамида тадбиркорлик тўғрисида шундай қонунлар қабул қилинганки, улар тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг юридик қоидаларини белгилайди (4-жадвал).

4-жадвал

Тадбиркорлик ва бизнесга оид қабул қилинган Фармонлар,  
Қонунлар ва қарорлар

Т/р	Фармонлар, Қонунлар ва қарорлар	"Халк сўзи" газетасида чоп этилган	
		Йил	кун, ой
1	2	3	4
I. Президент Фармонлари			
1.	Республикада дехкон (фермер) хўжаликларини мустахкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан кўллаб-куватлаш тўғрисида	1991	29.11

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҶУКИЙ АСОСЛАРИ

1	2	3	4
2.	Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлар уюшмасини ва ахолига машший хизмат кўрсатиш ташкилотларини ташкил қилиш тўғрисида	1992	7.04
3.	Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрга тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил қилиш тўғрисида	1993	21.07
4.	Иктисадий ислоҳотларни янада чукурлашириш, хусусий мулк манбаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида	1994	21.01
5.	Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш Давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида	1994	8.02
6.	Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида	1995	6.01
7.	Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи Агентликни ташкил қилиш тўғрисида	1995	27.07
8.	Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш фонди (Бизнес-Фонд)ни ташкил этиш тўғрисида	1995	27.07
9.	Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасини ташкил қилиш тўғрисида	1996	12.03
10.	Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида	1996	30.11
11.	Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантириш оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида	1997	27.08
12.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги "Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида"ги Фармонга қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	1998	28.03

**ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ**

1	2	3	4
13.	Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	1998	11.04
<b>II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари</b>			
14.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	1992	8.12
15.	Мулкчилик тўғрисида	1990	31.10
16.	Корхоналар тўғрисида	1991	16.02
17.	Кооперация тўғрисида	1991	24.07
18.	Тадбиркорлик тўғрисида (1993 йил 7 майда ўзгаришишар киритилган)	1991	16.02
19.	Ижара тўғрисида	1991	20.10
20.	Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (1992 йил 2 июнда ўзгаришишар киритилган)	1991	16.02
21.	Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида	1992	10.12
22.	Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида	1992	3.07
23.	Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида	1995	21.12
24.	Истьемчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида	1996	17.05
25.	Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва ракобат тўғрисида	1997	8.01
26.	Товар ишлаб чиқарувчilar ва тадбиркорлар кафолатлари тўғрисида	1997	5.04
27.	Солиқ кодекси	1997	25.04
28.	Ер кодекси	1998	20.01
29.	Кишиюқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида (лойиха)	1998	5.02
30.	Фермер хўжалиги тўғрисида (лойиха)	1998	6.02
31.	Деҳон хўжалиги тўғрисида (лойиха)	1998	7.02
32.	Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида	1998	21.05
33.	Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида	1996	26.04
34.	Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида	1993	21.07

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1	2	3	4
35.	Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида	1999	22.01
36.	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисида	1998	9.01

### III. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

37.	Ўзбекистон Республикасида ҳуқукий тадбиркорлик тўғрисида Низом Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова	1995	16.02
38.	Хусусий тадбиркорлика ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечикириги бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида	1995	15.02
39.	Чорвачиликда хусусийлаштириши давом этириш ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш чора тадбирлари тўғрисида	1995	25.05
40.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришини рағбатлантириш давлат дастури тўғрисида	1995	28.08
41.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида	1997	7.02
42.	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан соликлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида	1997	24.10
43.	Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб килишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	1998	19.11

Қайд килинган ҳуқукий ҳужжатларда, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент Фармонлари, амалдаги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан тортиб, токи вазирликлар ва идораларнинг ҳуқукий ҳужжатларигача барчасида тадбиркорликнинг ҳуқукий асослари белгилаб берилади.

27

## Тадбиркорлик фаолиятининг умумий ҳуқуқий асослари нималарни кўзда тутади?

Тадбиркорлик фаолиятига оид барча ҳуқуқий ва меъёрий хужжатлар қуидагиларни кўзда тутади:

- қонунчилиқда ҳусусий бизнеснинг эркинлигини, унинг ҳимоясини ва қўллаб-кувватланишини таъминлайдиган аниқ ҳуқуқий кафолатларни белгилаш;
- мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани янги қонунларга мослаштириш;
- ҳусусий мулкнинг ҳеч ким олиб қўя олмайдиган ҳуқукини Конституция орқали мустаҳкамлаш;
- фуқаролар ва ҳусусий корхоналарнинг мустақил равишда хўжалик фаолияти юритишни, ҳусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлигини кафолатлаш;
- қонун хужжатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари, шунингдек, тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайдиган ноҳукумат ташкилотлари орқали амалга ошириш механизмини шакллантириш;
- ҳудудий, тармоқ бошқарув ва ҳукумат органларининг, жамоат ташкилотларининг ўзаро келишиб фаолият кўрсатиши ва ҳоказо.

Ташкилий нуқтаи назардан меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилишини қуидагилар таъминлайди:

- қонун чиқарувчи органлар — Олий Мажлис комиссиялари ва қўмиталари;
- ҳукумат органлари, Давлат қўмиталари ва муассасалари;
- давлат тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш марказий ва маҳаллий органлари;
- ҳокимиятлар;
- тадбиркорлик доиралари манфаатларини ифодаловчи ноҳукумат ташкилотлари, шу жумладан, тадбиркорлар уюшмалари ва бирлашмалари;

## **ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

- республика қонун ҳужжатларига риоя килинишини ва уларнинг бир хил талқин этилишини назорат қиласидаган органлар;
- қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқловчи, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини эксперт баҳоловчи, уларни амалда қўллаш самарадорлигини олдиндан айтиш ва мониторинги билан шуғулланувчи илмий муассасалар (хорижий эксперталар ҳам шунга киради);
- микроиктисодиётнинг стратегик ва инновация йўналишларини белгиловчи ижтимоий-институциян ташкилотлар ва гурӯҳлар.

Шундай қилиб, инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида тадбиркорлик умумий ҳуқуқий ҳужжатларга таянади.

**28**

### **"Тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун неча ва қандай моддаларни ўз ичига олади?**

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар асосан маҳсус Қонун, яъни 1991 йил 16 февралда қабул қилинган ва 1993 йил 2 июлда ўзгартиришлар киритилган "Тадбиркорлик тўғрисида"ти Қонун асосида тартибиға солинади. Ушбу Қонунда умумий қоидалар, тадбиркорликнинг иқтисодий манбалари, шакллари, тадбиркорлининг ҳукуқ ва бурчлари кўзда тутилади.

Қонун кириш қисми ва ўн моддадан иборат. Кириш қисмida тадбиркорликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги можияти ва аҳамияти берилган. Тегишли моддалар 5-жадвалда баён этилган. Мазкур Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилийтини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилиармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

5-жадвал

### «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Конуни моддалари

Т/р	Моддалар номи	Мазмуни
1.	Тадбиркорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорлик тушунчаси унинг турли йўналишдаги фаолиятини амалга ошириш бўйича иктиносидий асос ролини бажарувчи мол-мулкнинг турли шакллари келтирилган.</li> </ul>
2.	Тадбиркорлик тўғрисидағи қонунлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорлик билан боғлик бўлган ҳуқукий манбалар келтирилган.</li> </ul>
3.	Тадбиркорликнинг умумий қоидалари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари келтирилган.</li> </ul>
4.	Тадбиркорлик субъектлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорлик фаолияти билан кимлар шуғулланиши мумкин ва кимларга бу фаолият тақиқланиши баён этилган.</li> </ul>
5.	Тадбиркорлик шакллари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорлик шакллари келтирилган.</li> </ul>
6.	Тадбиркорлик ташкилоти (ширкати) ва унинг фаолияти асослари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорлик ташкилот (ширкат)ларини тузиш, уларни қайта ташкил этиш ва тутатишнинг умумий ҳуқукий, иктиносидий ва ижтимоий асосларини "Корхоналар тўғрисида"ги Конунда ёритилгандиги кўрсатилган.</li> </ul>
7.	Тадбиркорнинг ҳуқуклари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорнинг ҳуқуклари ёритилган.</li> </ul>
8.	Тадбиркорнинг мажбуриятлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорнинг мажбуриятлари ёритилган.</li> </ul>
9.	Тадбиркорнинг масъулияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорнинг кредит, солиқ ва шартномалар тузиш бўйича мажбуриятлари келтирилган.</li> </ul>
10.	Тадбиркорлар ҳуқуклари ва манфаатларининг кафолатлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тадбиркорликни амалга оширишнинг ҳуқуклари ва манфаатларини кафолатловчи қонунлар қайд этилган.</li> </ul>

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ни эркин танлаш, бу шаклларнинг teng ҳуқуклилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашувни таъминлайдиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

29

## Тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш Давлат қўмитасини ташкил қилишдан мақсад нима?

Республикада иктиносидий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш ва кўллаб-кувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 февралдаги Фармони билан:

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш Давлат қўмитаси ташкил этилди.

Унинг асосий вазифалари ва йўналишлари кўйида-гилардан иборат қилиб белгиланди:

- кўп тармокли иктиносидётни шакллантиришда ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлашда ягона сиёсатни ўтказиш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чикиш ҳамда устувор йўналишарини белгилаш;
- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш жараённинг ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, тегишли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараённда республика аҳолисининг мулкни ҳукукларини химоя қилиш, давлат мулки объекtlарини бошқа мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушган маблагларни иктиносидётдаги таркибий ўзгаришларга оид вазифаларни ҳал қилиш учун сафарбар этиш;
- давлат мулки объекtlарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида хорижий сармояларни жалб этиш, шунингдек, улардан фойдаланишининг асосий йўналишлари ва шаклларини белгилаш;
- сармоя жамғармаларини, консалтинг ва аудиторлик хизматларини, холдингларни, жамғарма биржалари ва кўчмас мулк биржаларини, ўзгача биржаларни ҳамда бошқа тузилмаларни ташкил қилиш.

Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат мулки жамғармаси Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш Давлат кўмитаси таркибига ўтказилди.

30

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 1994 йил 21  
январдаги Фармонининг моҳияти  
нимада?

Республикамизда тадбиркорликни рағбатлантириш ва уни янада янги босқичларга кўтариш мақсадида Президентимиз 1994 йил 21 январда:

"Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя килиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармонга имзо чекди ва унинг аҳамияти тўғрисида Олий Кенгашининг XV сессиясида шундай деди: "Хўш, 21 январ Фармони бизга нималар берди?".

Биринчидан, у мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада юксак босқичга кўтарди, уларга янгича сифат йўналишларини ва кафолатларини берди.

Иккинчидан, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш ва уни ҳимоялаш, мулкнинг барча шаклларидаги ҳар бир корхона ҳамда ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятлар очди.

Учинчидан, бизнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларимизни кенгайтиради, чет эл сармоялари учун юртимизга йўл очади, уларга ҳуқукий ва иқтисодий имтиёзлар беради, пировардида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини кескин кўпайтиради.

Тўртингидан, у яқин келажакда маъмурий-буйруқбозлиқ замонидан қолган барча тўсикларни бартараф этади, шу баробар, иқтисодий ҳаётимизга эркинлик баҳш этади.

Мазкур Фармон бозор иқтисодиёти ва тадбиркорликни асословчи куйидаги ташкилий тадбирларни белгилаб берди:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро Кенгаши ташкил этиш;
- Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш бўйича Давлат дастурини ишлаб чикиш;
- Республика кўчмас мулк савдоси биржасини ташкил этиш;
- хорижий инвестициялар сугуртаси бўйича "Ўзбекинвест" давлат компаниясини ташкил этиш;
- Республика фонд биржасини ташкил этиш ҳамда унда хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини жойлаштиришни таъминлаш.

### Фармон қуидагиларга рухсат беради:

- хусусийлаштирилаётган обьектларни сотиб олишда жисмоний ва юридик ҳамда хорижий шахсларнинг маблағлари манбалари бўйича декларация талаб қилмасдан танлов асосида хусусий мулк қилиб сотиш;
- валюта бозорини ривожлантириш ва муомаладаги мавжуд валюта ресурсларидан фойдаланиш самародорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият миллий банкида жисмоний шахсларга чет эл валютасида **счетлар очиш**;
- фуқароларнинг товарлар келтириш ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий-тадбиркорлик фаолиятини рафбатлантириш, майда улгуржи оиласидаги тузилмаларни ташкил этиш учун уларга миллий ва чет эл валютасида **кредит бериш**;
- нақд чет эл валюталари ва МДҲ мамлакатлари пул белгиларини республика фуқаролари ва хорижий фуқаролар томонидан республикага келтириш ва четта чикариш бўйича чеклашларни бекор қилиш;
- кўшма корхоналар халқ истеъмол моллари ишлаб чикаришга ихтисослаштирилган бўлса, Устав фондида хорижий сармоя улуши 50% дан ортиқ бўлса, хорижий валютадаги тушумдан солик тўлашдан, шу корхонанинг Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкида рӯйхатта олинган пайтдан бошлаб 5 йил муддатта мажбурий сотишдан озод қилиши.

Фармон саноат учун мўлжалланган маҳсулотларни ва ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга қўйиладиган давлат буюртмаларини бекор қиласди. Давлат ва аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш, давлатлараро битимларни бажариш ва экспорт мақсадлар учун керакли озиқовқат, ёнилғи, хом ашё ва бошқа ресурсларни харид этишини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширадиган бўлади.

Корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қоладиган товарлар ва маҳсулотларни миллий валютада товар, хом ашё биржаларида, улгуржи ярмаркаларда сотиш жорий этилди. Шу тарзда:

Сотиб олинган товарларни республикадан ташқарига чиқарища лицензия талаб этилмайдиган ва бож олинмайдиган бўлди.

Фармон бозор муносабатлари шарт-шароитларига жавоб бермаётган давлат концернларини тугатиб, давлат акционерлик уюшмалари ва корпорацияларни тузишни жорий килди. Фармон ҳокимликлар ва юқори бошқарув органлари томонидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳамда хўжалик фаолиятига ҳар қандай аракалашини тақиқлади. Фармонда хусусий мулкчилик ҳукуқига нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан қатъий ва аёвсиз бартараф этилиши белгиланди. Хуллас, Фармоннинг мазмунини лўнда қилиб айтадиган бўлсан, у иктиносидий эркинликни кучайтиришга асос солди.

**31**

**"Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?**

Ушбу Қонуннинг лойиҳаси 1999 йил 22 январда умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилиниб, 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинди. У 47 моддани ўз ичига оловчи куйидаги олти бобдан иборат:

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- I боб. Умумий қоидалар;
- II боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуклари ва мажбуриятлари;
- III боб. Якка тартибдаги тадбиркорликнинг хусусиятлари;
- IV боб. Тадбиркорликни рағбатлантириш;
- V боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқукларининг давлат кафолатлари;
- VI боб. Якунловчи қоидалар.

Мазкур Қонуннинг мақсади тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек, тадбиркорларга кафолатлар беришдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- фукароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шартшароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаолигини ошириш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш;
- мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожланишириш жараёнини жадаллаштириш.

Ушбу Қонуннинг якунловчи бобида тадбиркорлик субъектини тутатиш, яни фаолиятини тұхтатиш (45-модда), низоларни ҳал этиш (46-модда), тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари түғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик (47-модда) каби масалалар ёритилади.

**32**

### Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси — бу тармоқ хұжалик бирлашмалари таркибига кирмайдыган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатта қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотdir.

Палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартағи Фармони билан ташкил қилиниб, бу борадаги Қонун 1997 йил 24 апрелда қабул қилинди. Шу Қонунга биноан Палата:

- Ўзбекистон Республикаси иктисодиётини ривожлантириш, унинг жаҳон хўжалик тизимига кўшилишига кўмаклашиш;
- бозор инфратузилмасининг яхлит тизимини шакллантириш;
- тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш;
- тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иктисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади.

Палата қўйидаги вазифаларни бажаради:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органдарига, жамоат ва ҳалқаро ташкилотларда, шу жумладан, бошқа мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайди;
- кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқища ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорат механизmlарини рўёбга чиқаришда иштирок этади;
- корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистри асосида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг реестрини юритади;
- уч томонлами ҳамкорлик (ёлланма ишчилар иттифоки, иш берувчилар иттифоки ва хукumat) тизимини вужудга келтиришда, миллий иктисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб боришда иштирок этади;
- тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини уюштиради;
- тадбиркорликнинг ривожланишига тўскинилик қилаётган муаммоларни аниқлайди, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг фаолият юритиш шаротларини яхшилашга қаратилган қонун хужжат-

## **ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

---

- ларини такомиллаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади;
- хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этишга кўмаклашади;
  - молиявий ёрдамга бўлган эҳтиёжни аниклашда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини, аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва юритишда палата аъзоларига ёрдам беради;
  - ҳалқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни, Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда фирмаларнинг тақдимотларини уюштиради;
  - товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантиришга кўмаклашади, ташкил бозорда операциялар ўтказишда ва иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ўзлаштиришда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палаталари тизимишин туман (шаҳар) палаталари, ҳудудий палаталар ҳамда Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ташкил этади.

### **33**

### **Тижорат ва нотижорат юридик шахслар "тадбиркор" мақомини олишлари шартми?**

Ташкил бўлиш тартиби ва қонуний ҳуқуқларнинг мажмуаси бўйича республикада тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уч тури фарқ қилинади:

- тижорат юридик шахслар;
- нотижорат юридик шахслар;
- юридик шахсни ҳосил қилмаган хусусий тадбиркорлар (жисмоний шахслар).

Ташкил бўлиб ва давлат рўйхатидан ўтказилгач, тижорат юридик шахслар тадбиркор мақомини олади. Тижорат ташкилоти (корхонаси) ҳисобланган юридик шахс:

- давлат корхонаси;
- хўжалик жамияти ва ширкати;

кооператив;

жамоат бирлашмаси ва ҳоказо шаклида тузилиши мумкин.

**Нотижорат юридик** ва жисмоний шахслар — бу ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишини ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз аъзолари (таъсисчилари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нотижорат ташкилот ҳисобланган юридик шахслар:

- матлубот кооперативи;
- жамоат ташкилоти (бирлашмаси);
- диний ташкилот (бирлашма) тарзида мулк эгаси томонидан маблағ билан таъминланадиган муассаса, хайрия фонди ва бошқа жамоат фонди ҳамда конунда кўзда тутилган бошқа шаклларда тузилиши мумкин.

Нотижорат ташкилоти:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқувлари ва конуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларини химоя қилиш;
- ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш;
- маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш;
- хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нотижорат ташкилоти юридик шахс ҳисобланади.

Агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади. Нотижорат ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этилиши ва тутатилишининг хусусиятлари маҳсус қонулар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун (1999 йил 14 апрел) билан тартибга солинади.

Тижорат ва нотижорат юридик шахслар "тадбиркор" мақомини олишлари шарт. Бунинг учун улар давлат рўйхатидан ўтишлари зарур. Рўйхатдан ўтмаган тадбиркор фаолияти тақиқланади, борди-ю тадбиркор фойда олса, унинг фойдаси суд томонидан маҳаллий бюджетта ундирилади.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби анча мураккаброк. Рўйхатдан ўтказишга ариза ва бож тўлағанилиги ҳакидаги хужжатлардан ташқари куйидаги хужжатларни тақдим этиш лозим:

- нотариусда тасдиқланган юридик шахс тузувчи таъсис хужжатлари (Низом ва бир неча шахс томонидан корхона тузиш ҳакидаги шартнома) нусхаси;
- юридик манзилини (таъсис этувчилардан бирининг турар жойи ёки иморат берувчи бирон бир ташкилот манзилгоҳи бўйича рўйхатдан ўтказиш мумкин) тасдиқловчи хужжат;
- агарда таъсисчи ишламаса, меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки иш жойидан эгаллаб турган лавозими ҳакида маълумотнома.

Хужжатлар топширилгандан сўнг бир ой мобайнида корхона рўйхатдан ўтказилиши керак. Рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжат бўлиб, рўйхатдан ўтказилганлиги ҳакида гувоҳнома хизмат қиласи. Рўйхатга олинган кундан бошлаб корхона Қонунга асосан барча турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин. Корхона лицензия олиши лозим бўлган фаолият турларига, албатта, лицензия олиши керак.

### 34

### Хўжалик юритувчи субъектларга лицензия (руҳсатнома) бериш тартиби кандай?

Тадбиркорликнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун давлат томонидан вакил қилинган органлардан лицензия олингандан кейингина ижозат берилади. Бундай органлар б-жадвалда келтирилган.

Лицензия корхонани бошқаришдан манфаатдор бўлган шахснинг таъсис хужжатлари нусхаси илова қилинган аризасига қараб берилади. Керакли хужжатлар ва ариза берилгандан сўнг 30 кун давомида руҳсатнома бериш ҳакидаги қарор қабул қилинади.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҶУҚИЙ АСОСЛАРИ

б-жадвал

### Лицензия берувчи органлар

T/р	Лицензия берувчи органлар	Фаолият турлари
1.	Вазирлар Махкамаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ракета-космик мажмуи;</li> <li>• алоқа тизимлари;</li> <li>• қимматбаҳо металлар ва ноёб ер металлари;</li> <li>• қимматбаҳо тошлар қазиб олиш;</li> <li>• қимматбаҳо тошлар ва металлардан заргарлик буюмлари ясаш;</li> <li>• ҳаво транспорти ва ҳоказолар.</li> </ul>
2.	Адлия вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• юридик шахсларнинг юридик фаолият билан, масалан, адвокатлик маслаҳати, нотариал ва бошқа фаолиятларга.</li> </ul>
3.	Молия вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• қимматли қофозларни чиқариш;</li> <li>• лотерея ўйинларини ўтказиш ва ҳоказо.</li> </ul>
4.	Марказий банк	<ul style="list-style-type: none"> <li>• валюта қийматликлари билан операциялар ўтказиш ва ҳоказо.</li> </ul>
5.	Ички ишлар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• овчилик ва спорт ўқотар куроллари хамда уларга ўқ-дорилар ишлаб чиқариш, тузатиш ва сотиш;</li> <li>• совук куроллар ишлаб чиқариш ва сотиш;</li> <li>• таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни экиш, қайта ишлаш ва сотиш;</li> <li>• наркотик моддалар тайёрлаши, сотиш ва ҳоказо.</li> </ul>
6.	Соғлиқни саклаш вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш;</li> <li>• тиббий хизмат кўрсатиш;</li> <li>• парфюмерия ва косметика буюмлари, маиший кимё товарларини тайёрлаш ва ҳоказо.</li> </ul>
7.	Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• соғломлаштириш ва бошқа болалар, ўсмиirlар хамда ёшлар лагерларини ташкил қилиш;</li> <li>• хусусий ўкув муассасаларини очиш ва ҳоказо.</li> </ul>
8.	Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• алоқа хизмати кўрсатиш ва ҳоказо.</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Агар лицензия бериш учун керакли қарор қабул қилишда экспертиза талаб қилинса, бу экспертизани ўз вазифаси — назорат қилиш бўлган давлат органлари амалга оширади. Экспертиза хulosаси олингандан сўнг 15 кун мобайнида ариза ва керакли ҳужжатлар топширилгач, 60 кундан кечиктирмай қарор қабул қилинади. Бунда экспертиза ўтказиш учун кетган харажатларни аризачи тўлайди.

Рухсатнома икки нусхада бўлиб, ҳужжат беришга жавобгар шахс томонидан кўл кўйилиб, бераётган органнынг муҳри босилиб, бир нусхаси аризачига топширилади. Рухсатномага:

- рухсатнома бераётган муассаса номи;
- юридик шахс исм-шарифи ва манзили ёки фаолиятини амалга ошираётган шахснинг исм-шарифи, турар жойи;
- рухсатнома бериллаётган фаолият тури;
- фаолиятни амалга ошириш қоидалари ва шарт-шароитлари;
- рухсатнома рўйхат раками, берилган вақти ва муддати ёзилади.

Агар тадбиркор рухсат этилган фаолиятни амалга оширишда рухсатномада белгиланган қонун-қоидаларни, амалдаги қонунни бузса ёки аҳоли ҳётига хавф-хатар келтирувчи бирор бир ҳодиса ёки таҳлика туедирса, у ҳолда рухсатнома берган муассаса маълум бир муддатга корхона фаолиятини камчиликларни бартараф қилгунича тўхтатишга ёки рухсатномани тўхтатмасдан камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида корхона раҳбарига керакли йўл-йўрик беришга ёки назорат қилиш органларининг керакли хulosасига асосланиб, огоҳлантиришсиз корхона ёки тадбиркорни рухсатномадан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳакли.

Агар корхона фаолияти тутатилса ёки рухсатномадан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинса, у рухсатнома берган муассасага қайтарилади.

## 35

### Корхонани таъсис этиш учун қандай хужжатлар талаб қилинади?

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун унинг Низоми ва агар корхона бир неча шахслар иштирокида тузиладиган бўлса, у ҳолда корхонани ташкил этиш ҳақида шартнома асосий таъсис хужжати бўлиб хизмат қиласди. Корхона Низоми ва таъсис шартнома лойиҳасини корхонани ташкил этувчи шахс тузади.

Низомда қўйидагилар ўз аксини топиши керак:

- корхонанинг киска ва тўлиқ номи (давлат ва рус, инглиз тилида);
- хўжалик фаолиятининг мақсади, уни амалга ошириш йўллари, вазифалари;
- тадбиркорлик турлари, шунингдек, махсус рухсат олиниши лозим бўлган фаолият турлари;
- корхона манзилгоҳи, телефон ва телекоммуникациялари;
- биринчи молиявий йил бошланиш вақти;
- хўжалик фаолиятини бошлаш учун Низом мабланинг ҳажми;
- амалдаги қонунларга биноан корхона ҳак-хукуқлари;
- дивиденdlар тўлаш ва даромадни бўлиш тартиби;
- корхона бошқаруви, унинг олий органи;
- корхона раҳбари ва унинг муовинлари, уларнинг вазифалари ва хукуклари;
- корхона тафтиш комиссиясини сайлаш шартлари ва унинг вазифалари;
- иш қофозларини олиб боришига бўлган талаблар ва бошқа шарт-шароитлар кўрсатилиб ўтилади.

Таъсис шартномада қўйидаги саволлар ўз аксини топиши керак:

- корхонани тузиш бўйича томонларнинг розилиги;
- корхонанинг мақсади;
- юридик шахс ҳак-хукукларини эгаллаш шартлари;
- Низом маблағи ва эгалик хукуки;
- манфаатлар, низоларнинг ҳал қилиниши;

- корхона ишчиларининг ҳуқук ва мажбуриятлари (бурчлари);
- сармоянинг тақсимланиши;
- захира фондини ташкил қилиш;
- бошқарув органлари;
- шартноманинг кучга кириш шарт-шароитлари;
- корхона фаолиятини тұхтатиш ва ҳоказо.

Корхонанинг Низоми ва таъсис шартнома лойиҳаси умумий мажлисда күрилади ва баённома тузилади.

### 36

### Қайси ҳолда корхона ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган деб ҳисобланади?

Давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва тадбиркорлик фаолиятига рухсат этилгандан сўнг, корхона раҳбарияти:

- думалоқ муҳр ва тамғага буюртма бериш;
- банкда ҳисоб раками очтириш;
- солик инспекцияси;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш фонди;
- бандлик марказидан рўйхатдан ўтказиши керак.

Думалоқ муҳр, штамп (тамға)ларни тайёрлатишга буюртма беришдан олдин корхона ўзи жойлашган тумандаги ички ишлар бўлимига муҳр ва штампини кўрсатиши, корхонанинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳокимият қароридан кўчирма, ҳокимият тасдиклаган икки нусхадаги муҳр ва штамп чизмалари тақдим этилгандан сўнг амалга ошириши мумкин.

Ички ишлар бўлими рухсатни алоҳида хат ёки илтинос хати кўринишида беради. Чизмалар эса керакли ёзув, муҳр билан тасдикланган бўлади. Муҳр ва штамп тайёрлаш учун буюртмага иш юзасидан ёзишув учун маҳсус бланкни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Банкда ҳисоб раками очиш учун:

- ариза;
- ҳокимият тасдиклаган таъсис ҳужжатлари;
- нотариус тасдиклаган имзо намуналари;
- муҳр ва штамп билан тасдикланган карточкалар;

- ҳокимиятнинг маҳаллий кенгаши корхонани давлат рўйхатидан ўтказгандиги ҳакида қарор кўчирмаси ёки нотариус тасдиқлаган маълумотнома ёки кўчирма;
- солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтганлиги ҳакидаги қарор маълумотномаси берилиши керак.

Банк муассасаси аризачига ҳисоб рақами очади, унинг рақамини корхонанинг Низоми (асл нусхаси)га ёзди ва бош ҳисобчининг имзоси кўйилиб, банкнинг гербли мухри босилади.

Ҳисоб рақамига нақд пул билан келадиган тушум ва нақд пулсиз келадиган маблағни ҳисобга ўтказиш, банкдан нақд пул олиш, ҳисоб рақамидан таъминловчига пул ўтказиш, кредит олиш ва бошқа масалалар шартнома асосида корхона ва банк муассасаси томонидан ҳал килинади. Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, баъзи тадбиркорлар билан бўладиган аниқ ҳисоб-китоби шартнома билан белгиланади.

Шунингдек, юридик шахс бўлмаган тадбиркор, банк муассасасида ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини олиб бориш учун ҳисоб рақами очиши мумкин. Бунинг учун:

- ариза;
- тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳакидаги хужжат;
- нотариус тасдиқлаган ўз имзо намунаси бўлган карточка;
- солиқ инспекциясида рўйхатга турганлиги ҳакидаги маълумотнома бўлиши керак.

Тадбиркор ўз ҳисоб рақамидан фойдаланишини нотариус тасдиқлаган ишонч қозоги орқали бошқа шахсга бериши мумкин.

Агар тадбиркор вафот этса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича мажбуриятлар унинг меросхўрига ўтади. Бунда унинг номига очилган ҳисоб рақамини бошқатдан расмийлаштиришга тўғри келади. Меросхўр қонуний равища ўз фаолиятини бошлашдан олдин; банк муассасасига ҳисоб рақамини ўз номига қайта расмийлаштириш ҳакида ариза, нотариус тасдиқлаган ўз имзосининг

намунаси бўлган карточка ва меросхўрлик ҳакидаги гувоҳномани топшириши керак.

**37**

### Жисмоний шахснинг "тадбиркор" мақомини олиши учун қандай шартлар мавжуд бўлиши лозим?

Жисмоний шахснинг "тадбиркор" мақомини олиши учун куйидаги икки:

- умумий;
- маҳсус шартлар мавжуд бўлиши лозим.

**Умумий шартлар**, аввало, ҳуқуқ обьекти сифатида жисмоний шахснинг муайян аломатлари: тўлиқ маънода ишга лаёқатлилик ёки ҳуқуққа эгалик аломатлари билан боғлиқ.

Ишга лаёқатлилиги чекланган, ишга лаёқатли бўлмаган ва вактингчалик муайян ҳуқуклардан маҳрум қилинган (масалан, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо муддатини ўтаётган) шахслар тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин эмас.

Жисмоний шахс 18 ёшга тўлганидан сўнг, тўлиқ ишга лаёқатли ҳисобланади ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бу қоидада икки истиснога йўл қўйилади:

**биринчидан**, агар фуқаро 18 ёшга тўлмай туриб, қонуний асосда никоҳдан ўтса, **иккинчидан**, эмансиپация — бу янги фуқаролик қонун хужжатларида белгилаб қўйилган.

**Эмансиپация** — бу меҳнат шартномаси бўйича ишлатаган ёки ота-оналарининг рухсати билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 16 ёшга тўлган ўспирини тўлиқ ишга лаёқатли деб эълон қилишни англатади.

**Маҳсус шартлар**, аввало, тадбиркорликнинг маълум тури-тарзи билан тадбиркорда шу фаолият тури учун талаб қилинадиган касбга доир кўникмалар ва тайёргарлик бўлиши билан боғлиқ.

Фақат маҳсус русхат (лицензия) асосидагина шуғулланишига йўл қўйиладиган фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 18 апрелдан 1034-XII сонли қарори билан, лицензиялар бериш

тартиби түғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган.

38

## Тадбиркор қандай ҳуқуқларга эга?

"Тадбиркорлик түғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига биноан ҳар бир фуқаро (бир гурух фуқаролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда қўйида-ти ҳуқуқларга эга:

- қонуларда белгиланган шартдарга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;
- тадбиркор турили даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;
- бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;
- қонуларга мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;
- тадбиркорликдан қонуларда белгиланган тартибда солинадиган чексиз микдорда шахсий даромад ортириш;
- қонуларга мувофиқ ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий суғурта килиш ва х.к.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-харакатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслashiшга ҳақли. Қонуларга мувофиқ ҳеч сўzsиз кўлланиладиганлари бундан мустаснодир.

39

## Тадбиркорнинг мажбуриятлари нималардан иборат?

Ривожланган мамлакатларнинг қонун хужжатларига кўра, шахсни тадбиркор сифатида зътироф этиш унинг учун бир қатор маҳсус мажбуриятларни туғдиради. Қўшимча мажбуриятлар, биринчи навбатда, хўжалик оборотидаги бошка иштирокчиларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя килишни, қўшимча ҳукуклар эса тадбиркорларга баъзи имтиёзларни беришни тақозо қиласди.

"Тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига биноан тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир тадбиркорларга юкландиган мажбуриятлар доирасига куйидагилар киради:

- амалдаги қонунлардан ҳамда тузилган шарт-шароитлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;
- ёлланиб ишлаёттган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномаларини тузиш;
- ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий ахволидан қатъи назар улар билан тўла ҳисоб-китоб килиш;
- ёлланиб ишлаёттган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта килиш;
- қонунларга мувофиқ маҳсус билим ва қўнишка талаб килинадиган ишга фақатгини зарур тайёргарликка эга, касб-кори жихатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнингина жалб этиш.

Булардан ташқари, тадбиркорлар зиммасига юкландиган маҳсус мажбуриятлар ҳам бор. Булар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

- амалдаги йўрикномаларга биноан корхона фойда-си эвазига атроф-муҳит (экология) хавфсизлиги-ни, ишлаб чиқариш санитария гигиенаси ва маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- истеъмолчиларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларига амал қилиш;

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

- мамлакат қонунларига биноан лицензияланиши (рухсат олиниши) кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда маҳсус руҳсатнома (лицензия) олиш;
- ўзининг банк хисоб варагини очиш.

Тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган маҳсус молиявий тартибдан келиб чиқадиган баъзи бир бошқа мажбуриятлар ҳам шу санаб ўтилганлар қаторига қўшилади.

### 40

#### Қайси ҳолларда тадбиркор мулкий жавобгар бўлиб ҳисобланади?

Тадбиркорликнинг жавобгарлик чегараси амалдаги қонунчилик, таъсис хужжатлари ёки мулк эгаси билан тузиленган шартнома асосида белгиланади.

Тадбиркор, одатда, ўз фаолиятини амалга оширишда бошқа бир хўжалик юритувчи шахс билан шартнома асосида муносабатларга киришади. Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда амалдаги қонун хужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ у мулкий жавобгар ҳисобланади.

Мулкий жавобгарлик факат шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учунгина эмас, балки куйидаги ҳолатларда ҳам вужудга келиши мумкин:

- амалдаги қонунчилик бузилганда;
- ҳусусий мулк эгаси ёки бошқа субъектларнинг ҳуқуки поймол бўлганда;
- атроф-мухит ифлосланганда;
- аввалдан бажарилмаслигини била туриб шартномалар тузилганда;
- солик ва кредит мажбуриятлари бажарилмагандা;
- истеъмолчига маҳсулот сифати масаласида ёки уни ишлатиш усули тўғрисида била туриб нотўри ёки тўла бўлмаган ахборот берилганда;
- ракоғатчилар тўғрисида ёлғон маълумот етказилган ёки тарқатилганда;
- ўз маҳсулотини бегона ишлаб чиқарувчилар товарининг ташки қиёфаси ва безаклари билан ишлаб чиқарганда;

- тижорат сирини рақобатчига ноконуний ошкор килганда ёки уни ёйганда;
- хўжалик обороти (айланмаси)да шеригинингномида бўлган товар ёки фирма белгиси ҳамда ишлаб чиқариш маркасини унинг розилигисиз ишлатганда;
- товарларни бозорга кам микдорда чиқариб, улар бўйича сунъий танкислик бунёд этиб, сўнгра оширилган нархларда сотиб, кўшимча даромад олганда ва бошқа ножўя ҳаракатлар килганда.

Қайд қилинган ҳолатлар юз берганда, даъвогарнинг талаби билан суд тадбиркорни қилган жинояти учун жавоб беришга, ножўя ҳаракатларни тўхтатиш ва ҳакикатни тиклаш, келтирилган заарни тўлашга мажбур килади.

Мулкий даъвогар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллукли бўлади, аммо улар мерос қилиб қолдирилган молмулк ҳажмидан ошмайдиган даражада бўлади.

### 41

#### Кимларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган?

Фуқароларнинг муайян тоифалари, ҳаттоқи ҳам умумий, ҳам маҳсус шартлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқукига эга эмас. Гап Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартағи қарорига мувофиқ, тадбиркорлик билан шуғулланиш тақиқланган шахслар ҳақида бормоқда.

Шу қарор билан тасдиқланган рўйхатта мувофиқ күйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган<sup>1</sup>:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда.

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хукукни ҳимоя қилиш органлари ходимларига;
- давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгилари ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бор мансабдор шахсларга;
- давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг банк ҳужжатларига имзо чекиши хуқуқига эга ўринбосарларига;
- давлат таъминот ва сотиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбар ходимларига;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки уни назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифасини ҳам ўтайдиган давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига;
- чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналари, савдо бошкармалари, трестларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, бош мутахассисларига, тузилмавий бўлинмалар бошликларига, моддий жавобгар шахсларга.

### 42

## Қайси ҳолларда тадбиркор фаолияти суд орқали тўхтатилади?

Тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш мулк эгасининг хоҳиши ёки суд карори билан ҳал қилинади. Тадбиркорнинг фаолияти суд орқали қўйидаги ҳолларда тўхтатилади.

- бир неча маротаба огохлантириш ва бошқа турдаги жазо чоралари қўлланишга қарамай, қонун қўпол равишида бузилса;
- тадбиркор банкрот деб топилса;
- тадбиркор қонунда ман қилинган фаолият билан шуғулланса;
- маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган тадбиркорлик фаолиятини бундай рухсатномасиз амалга ошираси;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш меъёрлари бузилганда ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

## **ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

---

→ тадбиркорлик фаолияти шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда шартнома мухлати туғаган ҳолатлар юз берган ва шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ёки томонлар розилиги билан унинг амал қилиш муддати тўхтатилганда.

Ўз фаолиятини шахсий мулк асосида олиб бораётган тадбиркор вафот этганда унинг ҳуқук ва мажбуриятлари меросхўрларига ўтади. Юридик шахс ташкил этилиши билан олиб борилаётган тадбиркорлик фаолияти амалдаги қонун хужжатлари, шу жумладан, «Корхоналар тўғрисида»-ги Қонун асосида тўхтатилади.



## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

### 3.1. Корхона (фирма) — тадбиркорликнинг бошлангич бўғини

43

Корхона деганда нимани тушунасиз? У  
фирмадан нимаси билан фарқ қиласди? 80

44

Корхоналар қандай турларга  
бўлиниади? 81

45

Корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари  
нималардан иборат? 83

### 3.2. Кичик ва ўрта бизнес

46

Кичик ва ўрта бизнес нима? Улар  
тадбиркорликда қандай рол ўйнайди? 84

47

Кичик ва ўрта корхоналар қандай  
хукуқларга эга? 86

<b>48</b>	Кичик ва ўрта бизнеснинг афзаликлари нимада?	89
-----------	--	----

<b>49</b>	Кичик ва ўрта бизнеснинг камчиликлари нимада?	91
-----------	---	----

### 3.3. Якка ва хусусий тадбиркорлик

<b>50</b>	Тадбиркорликнинг қандай шаклларини биласиз?	92
-----------	---	----

<b>51</b>	Якка тадбиркорликнинг моҳияти нимада? У қандай турларга бўлинади?	92
-----------	---	----

<b>52</b>	Хусусий тадбиркорлик якка тадбиркорликдан нима билан фарқ қиласди?	94
-----------	--	----

<b>53</b>	Якка тадбиркорликнинг афзаликлари ва камчиликлари нималардан иборат?	96
-----------	--	----

### 3.4. Жамоа тартибидаги тадбиркорлик

<b>54</b>	Жамоа тартибидаги меҳнат фаолияти деганда нимани тушунасиз? У қандай кўринишларда бўлади?	98
-----------	---	----

<b>55</b>	Фаолият миқёсига қараб фирмалар қандай турларга бўлинади?	100
-----------	---	-----

<b>56</b>	Ширкат фирма хусусий фирмалардан нимаси билан фарқ қиласди?	101
-----------	---	-----

57	Ширкат фирмаларнинг қандай турларини биласиз?	102
58	Акциядорлик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва қулайликлари нимада?	104
59	Акциядорлик жамиятлари қандай турларга бўлинади?	105
60	Акциядорлик жамиятини ташкил этиш тартибини биласизми?	107
61	Акциядорлар қандай ҳукукларга эга?	108
62	Корпорация қандай корхона турига киради?	109
63	Холдинг компанияларининг моҳияти нимада?	110
64	Холдинг компанияларининг қандай турларини биласиз?	111
65	Холдинг компаниясини ташкил этиш учун қандай хужжатлар талаб қилинади?	112
66	Қайси фаолият соҳаларида холдинг компанияларини тузишга йўл қўйилмайди?	114

### **3.5. Аралаш тадбиркорлик**

**67**

Давлат ва қўшма корхоналар тўғрисида  
нималар дея оласиз? 114

**68**

Хорижий корхоналарнинг ўзига хос  
хусусиятлари нимада? 116

**69**

Консалтинг фирма деганда нимани  
тушунасиз? 117

**70**

Инжинириング ва венчур корхоналар қандай  
ишларни бажаради? 118

**71**

Аудиторлик фирмалари қандай мақсадда  
тузилади? 119

**72**

Концерн, консорциум, концессия,  
кооператив, картел ва синдикатлар  
тўғрисида нималар дея оласиз? 120

## 43

### Корхона деганда нимани тушунасиз? У фирмадан нимаси билан фарқ қилади?

Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига биноан корхона — бу:

- юридик шахс хукукига эга бўлган;
- мулкчилик хукуки ёки хўжаликни тўла юритиши хукуки бўйича ўзига қарашли мол-мулқдан фойдаланиш асосида:
  - маҳсулот ишлаб чиқарадиган;
  - маҳсулотни сотадиган ёки айирбошлайдиган;
  - ишларни бажарадиган;
- бўллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг хукуклиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъектиди.

Шу Қонуннинг 2-моддасига кўра, тадбиркорлик ширкатлари ҳам корхона деб юритидади. Тадбиркорлик корхонадан бошланади. Корхона нима билан шугулланмасин, қандай мулк шаклига эга бўлмасин, барибир бозор учун ишлайди, унга товарлар ва хизматлар етказиб беради, унинг тирикчилиги бозор билан ўтади. Зоро, бозорда ҳам сотувчи, ҳам харидор сифатида қатнашади.

Корхона бозорга ўз товарини чиқаради. У ерда ишлаб чиқаришга керакли ресурсларни сотиб олади. Шу сабабли корхона бозор билан мунтазам алоқада бўлади, аммо бошқалардан алоҳидалашган хўжалик юритувчи субъект сифатида майдонга чиқади. Корхонанинг мана шу мақоми унинг иқтисодий эркин бўлиши, мустақил иш тутишини билдиради.

Корхона ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Ишлаб чиқариш омиллари корхонада бирикиб, бу ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар яратилади. Бошка бозор тузилмалари қатори корхоналарнинг асосий мақсади ҳам фойда олишдир. Бу фойдани корхона соликлар ва бошка тўловларни тўлагандан кейин ўз ихтиёри бўйича сарфлайди.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида корхона ўз ўрнига эга, маълум соҳада ихтисослашган бўлади ва шунга кўра корхонада муайян техника, технология жамланади. Шунга мослашган ишчи кучи фаолият олиб боради, яъни маълум касбий малака ва маҳоратга эга бўлган кишилар меҳнат жараёнига киришадилар.

Фирма корхонадан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини англатади. Бундай номни саноат корхонаси ва даволаш муассасаси учун ҳам, курилиш трести ва воситачилик ташкилоти учун ҳам, савдо ва консуллик фаолияти учун ҳам, ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сайёхдик ва бошка ташкилотлар учун ҳам нисбатан ишлатиш мумкин.

### 44

### Корхоналар қандай турларга бўлинади?

Меҳнат тақсимоти айрим корхонага ёки турдош корхоналар гурухига факат уларга хос, яъни бошқалар бажармайдиган иш ва хизматларни бириктириб кўяди. Корхоналар фаолияти соҳаси, мулк шакллари, иш қўлами ва эркинлик даражасига қараб қўйидаги турларга бўлинади (2-чизма).

Бу корхоналарнинг барчasi республикамизда мавжуд бўлиб, уларнинг қайси бири кенг тарқалиб, қайси бири камайиб бормоқда. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида кооператив корхоналар кўп бўлган бўлса, бугунги кунда жамоа корхоналари сони ортиб бормоқда. Яъни ислоҳотлар жараёни бошлангунга қадар иқтисод давлатлаштирилган ва мулкчиликнинг давлат, колхозкооператив шакли устунилик қилган бўлса, ҳозир мулкчиликнинг нодавлат шакли анча тарақкий этди ва унинг аҳамияти ошди.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ



2-чизма. Корхона турлари.

Ўзбекистон иктисолидётида мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакли 1999 йилда қуйидагилар билан характерланади (7-жадвал):

7-жадвал

### Давлат ва нодавлат корхоналарининг асосий кўрсаткичлардаги саломот (%)

T/p	Кўрсаткичлар	Давлат сектори	Нодавлат сектори
1.	Корхоналар сони	25,4	74,6
2.	Банд бўлганилар сони	30,6	69,4
3.	М и л л и й м а х с у л о т и ш л а б чиқаришда	56,2	43,8
4.	Саноат маҳсулоти	49,8	50,2
5.	Кишлек хўжалиги маҳсулоти	4,9	95,1
6.	Пудрат ишлари ҳажми	39,0	61,0
7.	Чакана товар айланиси ҳажми	6,2	93,8

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётган корхона шаклларидан бири кичик корхоналардир. 1999 йил 1 июнга қадар республикада 100 мингдан ортиқ кичик корхона рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатган.

**45**

### Корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Бозор муносабатларининг бошлангич бўфини сифатида корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари борки, улар куйидагилардан иборат (8-жадвал):

8-жадвал

#### Корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари

T/p	Хусусиятлар	Изоҳ
1	2	3
1.	Мустакиллик, эркинлик хусусияти	<p>Ушбу мустакиллик:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• ишла б чиқариш ва маҳсулот сотишнинг ракобатқобил ҳажмини аниқлаш ҳамда товар ассортиментининг таркибини бозордаги талаб ва таклифга қараб мустакил белгилашда;</li><li>• шартномалар тузиш, товар ва хом ашё етказиб берувчиларни, харидорларни, воситачиларни мустакил танлашда;</li><li>• амалдаги қонунчилик доирасида баҳоларни мустакил белгилашда;</li><li>• соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, қолган фойдани мустакил тақсимлаш, даромадларни ва харажатларни мустакил режалаштиришда;</li><li>• ходимларни мустакил танлаш ва жойжигита кўйишида;</li><li>• узок муддатли маблағлар манбаларини қидириш ва уларни сарфлаш йўналишларини топиш каби соҳаларда ўз ифодасини топади.</li></ul>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

8-жадалнинг давоми

1	2	3
2.	Мулкка хукмронлик, эгалик хусусияти	<p>Бу уч нарсада намоён бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарган маҳсулоти, даромадига мулқдор бўлиб, улардан хоҳлаганича фойдаланади;</li><li>• тўла хўжалик ҳисоби асосида юридик шахс ҳукуклари ва бурчлари миқёсида фаолият юритади;</li><li>• тадбиркор ўз мулкини чекланмаган ҳолда ишлатади.</li></ul>
3.	Корхоналар фаолиятининг давлат томонидан мувофиқлаштирилиб турилиши	<p>Давлатнинг бу соҳадаги воситаларига:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• соликлар ва уларнинг табакаланичи;</li><li>• табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўланадиган ҳак;</li><li>• харажатлар (масалан, амортизация) ва табиий камайиш меъёрлари;</li><li>• валюта курси;</li><li>• божхона тўловлари;</li><li>• экологик меъёрлар ва атроф-мухитга ташланган чикит учун тўланадиган ҳак;</li><li>• социал ва мөхнат шароитлари меъёрлари;</li><li>• монополияга карши кураш меъёрлари;</li><li>• давлат стандартлари ва техник шартлар каби воситалар киради.</li></ul>

**46**

Кичик ва ўрта бизнес нима? Улар тадбиркорликда қандай рол ўйнайди?

Кичик бизнес тадбиркорлик шаклларидан бири бўлиб, бу тушунча бизнинг иқтисодий сўз бойлигимизда яқинда пайдо бўлди. Мамлакатимизда кичик бизнес эндинга шаклланиб келаяпти. Ваҳоланки, у ривожланган мамлакатларда аллақачон ўз ўрнини топган ва иқтисодиётда муайян аҳамият касб этган.

Кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятларини тор ишлаб чиқариш дастурларига, илғор технологияга, кам тур-

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

кумли илм-фан талаб қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чи-каришга мосладилар ҳамда бозор «асос»ларини тез ўзлаштириб оладилар.

Кичик ва ўрта корхоналарни кўйидагича гурухлаш мумкин:

- хусусий;
- якка тартибдаги;
- оиласвий;
- жамоа;
- ривожланган мамлакатлардаги шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар;
- давлат;
- аралаш (хусусий ва давлатта карашли);
- консалтинг фирмаси;
- воситачилик савдо фирмалари ва ҳоказо.

Бу корхоналар давлат, кооператив, ижара мулки асосида, масъулияти чекланган жамият, оиласвий ёки якка тартибда меҳнат фаолияти асосида ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида ихтиёрий мулк шаклида ташкил этилиши мумкин.

Кичик ва ўрта корхоналарни кўпинча иқтисодиёт-нинг монополиядан холи бўлган мустақил сектори деб атади. Фарб амалиётидан маълумки, кичик ва ўрта корхоналар бозордаги ўзгариб турувчан вазиятта йирикларига қараганда тезроқ мослашиб олади, янги техника ва технологияларни, янги иш ўринларини анча жадаллик билан яратиб, жорий эта олади. Уларгэ ташаббускорлик, ишбилармонлик ва эпчиллик рухи ҳам хос.

Дастлабки автомобиллар, самолётлар, кондиционерлар, бир лаҳзада сурат чиқариб берадиган фотоаппаратлар ва видеокамералар, нусха кўчирадиган автоматлар, ксерокслар, шарикли ручка ва бошқа кўпгина товарлар истеъододли ва ишбилармон кишилар томонидан ихтиро этилган айнан шундай кичкина ва ўрта корхоналарда яратилган. Ҳамфир бўлиб, техник янгиликлари устида яқдиллик билан ишланган кам сонли ходимлар жамоасининг кейинчалик молиявий жиҳатдан улкан муваффақиятларга эришган фирмаларга айланиб кетганини кўпгина мисоллар билан кўрсатиш мумкин. Деярли бутун жаҳонга донғи кетган IBM, «Ксерокс», «Поляроид» фирмаларини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Республикамизда кичик ва ўрта корхоналарни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга. Ў — биринчидан, меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса кишлоп жойлардаги ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатта тортишда мухим рол ўйнайди. Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда янги иш жойлари ўсишининг ярмидан кўпроғи ана шу корхоналар хиссасига тўғри келаётганлигини таъкидлашнинг ўзи кифоя; иккинчидан, тез бузиладиган кишлоп хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда бу типдаги корхоналар жуда кўл келади; учинчидан, бозорни халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда, умумий овқатланиш тармоқларини кенгайтириш ва улар ишининг сифатини яхшилашда корхоналарнинг роли бекиёсdir.

Хўш, республикамизга қанча корхона керак? Аник бир сонни айтиш қийин, лекин бозор иқтисодиёти қанчани талаб қиласа, шунча кичик ва ўрта корхоналар бўлиши керак. Бу борада мавжуд имтиёзлардан кенг фойдаланиш, майда сохибкорликка давлат томонидан бериладиган ёрдами кучайтириш мухим аҳамиятта эга.

### 47

### Кичик ва ўрта корхоналар қандай хукуқларга эга?

Амалдаги қонунчилик талабларига биноан юридик шахс деб танилган ва юридик хукуклардан фойдаланувчи кичик ва ўрта мулк субъектлари ҳисобланган кичик ва ўрта корхоналарнинг белгилари қўйидагича (9-жадвал):

9-жадвал

Кичик ва ўрта корхоналар хукуклари

T/p	Хукуклар	Изоҳ
1	2	3
1.	Ташкилий бирлик	<ul style="list-style-type: none"><li>• бу юридик шахснинг жамиятда мулк ва хукуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, қонунларга биноан муайян хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини билдиради.</li></ul>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

9-жадвалнинг давоми

1	2	3
2.	Мулкий мустакиллик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фукаролик хукукини субъекти бўлиши учун юридик шахс хисобланган ҳар қайси хўжалик субъекти ўзига хос хусусий мулкчилик асосидаги муайян мулкка эга бўлиши, давлат мулкчилиги асосида ташкил томпган юридик шахслар эса давлат томонидан ўзига биринтирилган мулки бўлишилигини тақозо килади.</li> </ul>
3.	Мустакил мулкий жавобгарлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу деган сўз, юридик шахс хукуидан фойдаланаётган ёки юридик шахс хисобланган хўжалик субъектлари қонунларга кўра, ўз зиммаларига олган мажбуриятлари юзасидан келиб чиқдан жавобгарликини, иқтисодий зарарни ўз мулки хисобидан қоплайди.</li> </ul>
4.	Мустакил шартномавий жавобгарлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мустакил тузилган шартнома бандларида белгиланган қондаларга кўра, ўз зиммаларига мажбуриятлар олиши хукукий жihatдан табний бўлиб, уларни ҳар иккала томон ҳам бажариши шарт. Бунинг учун улар баб-баравар жавобгардирлар.</li> </ul>
5.	Фукаролик ахборотида ўз номидан ҳаракат килиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу деган сўз, юридик шахс бўлиб хисобланган мулк ёки хўжалик субъекти ўз мулкига ишониб:</li> <li>• унинг номидан хилма-хил битимлар туза олади;</li> <li>• хукукий муносабатларда катнашиб, мулкий ва мулкий характерда бўлмаган хукукларга эга бўлади;</li> <li>• ўзга мулк субъектларига иқтисодий алокаларни мустаҳкамлашда мажбуриятлар туғдиради ва ўз зиммасига олган мажбуриятлар учун конун олдида жавоб беради.</li> </ul>
6.	Бозор хўжалигини юритишда ўз номидан шартномалар тузиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Юридик шахс хисобланган корхоналар бозор иқтисоди шароитида иқтисодий фаолиятларини ташкил килган мулк субъектлари билан (қайси мулкчилик шакли асосида ташкил бўлганилигидан</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

9-жадеалнинг давоми

1	2	3
7.	Хўжалик фаолиятини мустакил ташкил этиши	<p>қатъи назар) хўжалик фаолиятини мустаҳкамлашнан назарда тутиб, таваккал асосида, тадбиркорликка ва ташаббускорлик ҳамда амалдаги қонунчилийка таяниб хўжалик шартномаларини тузадилар.</p> <p>Бу деган сўз кичик ва ўрта корхоналар юридик шахс сифатида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўз хўжалик фаолиятларини мустакил режалаштиради;</li> <li>• маҳсус дастурлар ва лойиҳалар воситасида иқтисодий фаолиятларни юритадилар;</li> <li>• ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан келиб тушган даромадни ва соғ фойдани қонунца белгиланган тўловлар тўлангандан кейин мустакил фойдаланади ёки тақсимлайди.</li> </ul>
8.	Ёлланма ишчи кучидан мустакил мулк сифатида фойдаланиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Юридик шахс ҳисобланган кичик ва ўрта корхоналар хўжалик иқтисодий фаолиятини юритишда амалдаги қонунчилийка тасдиқланган Низомда белгиланган қоидаларга кўра, ёлланма меҳнат шартномаси воситасида меҳнат муносабатларини ташкил қиласидар.</li> </ul>
9.	Ишлаб чиқариш ва молиявий хўжалик фаолиятини мустакил ташкил этиши	<p>Кичик ва ўрта корхоналар юридик шахс сифатидаги таъсисчилар томонидан тузилган кенгаш карорига мувофик:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• иш хаки;</li> <li>• ижтимоий-иктисодий ривожланиш;</li> <li>• моддий рафбатлантириш;</li> <li>• захира жамғармаларини мустакил ташкил этади ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилашда ўз Низомида кўрсатилган қоидаларга асосланади.</li> </ul>
10.	Хўжалик фаолиятини ташкил қилишда хўжалик ҳисоби тамойилларига тўлиқ бўйсуниш	<p>Бу деган сўз кичик ва ўрта корхоналар мустакил кичик мулк субъекти сифатида иқтисодий фаолиятини ташкил қилишда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзини-ўзи бошқариш;</li> <li>• ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш;</li> <li>• мустакил режалаштириш;</li> <li>• мустакил ишлаб чиқилган дастурлар, лойиҳалар воситасида ишлаб чиқарish муносабатларидан фойдаланиш тушунилади.</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Шундай қилиб, юридик шахс ҳисобланган кичик ва ўрта корхоналарнинг хуқуқ лаёқати ўзи қатнашаётган хуқуқий муносабатлар характеридан келиб чиккан хуқукий вазифалар билан белгиланади.

**48**

### Кичик ва ўрта бизнеснинг афзаликлари нимада?

Бизнесни бошловчи ишбилармон кичик ва ўрта корхонани ташкил этиб фаолиятини муваффакиятли олиб боришида улардан тўғри фойдаланиш учун кичик ва ўрта корхонанинг асосий афзал жиҳатларини яхши тасаввур этиши лозим. Мана, улар (10-жадвал):

10-жадвал

#### Кичик ва ўрта бизнеснинг афзаликлари

Т/р	Афзаликлар	Изоҳ
1	2	3
1.	Ҳаракат эркинлиги	• Кўпчилик кичик корхоналарда юкорига бўйсуниш деган гап йўқ. Бу эса ташаббускор ва ҳаракатчан тадбиркорларга катта имкониятлар беради.
2.	Мослашувчанлик ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти	• Йирик корхоналарга нисбатан майдо бизнесда ишлаб чиқариш ва бозордаги ўзгаришларга мувофиқ ҳолда иш олиб бориши имкониятлари кенг. Кичик корхоналар тезкорлик билан, бозор талабига биноан, зарур товар ишлаб чиқаришга ўта оладилар.
3.	Маҳаллий шарт-шароитларга тез кўнигма ҳосил қилиш	• Майдо бизнес маҳаллий бозорнинг урф-одатлари, талаблари, нимани афзал кўриши ва бошқа ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, ишини шунга мувофиқ ташкил этишга аъло даражада мослашган.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

10-жадвалнинг давоми

1	2	3
4.	Mайда бизнесга нисбатан хайриҳоҳлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Майда бизнес — "Америка орзуси", шу боис жамоатчилик ўртасида унга қизиқиш ва хайриҳоҳлик жуда кучли. Майда бизнесни АҚШда конгресс ҳам доимо кўллаб-куватлайди, турли солиқ имтиёzlари белгиланади.</li> </ul>
5.	Операцион ҳаражатларнинг камлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иш ҳақига, ускуналарга кетадиган маблаг ҳам, бошқариш ҳаражатлари ҳам нисбатан кам.</li> </ul>
6.	Тезлик билан моддий ютуқка эришиш имконияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бир вактнинг ўзида маош ва бизнесдан тўла дивиденdlар олишга эришиш мумкин.</li> </ul>
7.	Келгусидаги фойдали томонлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Агар иш яхши юришиб кетаверса, тадбиркор зарур бўлиб қолганда ишини осонгина ва катта фойда билан сотиб юбориши мумкин.</li> </ul>
8.	Бир неча касбни кўшиб олиб бориши	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўпинча тадбиркор ўз корхонасида ишларни бирдай бажариб бориши мумкин.</li> </ul>
9.	Ихтисослашган ёки хусусийлашган шароитдаги афзалликлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Йирик ракобатчиларда юқори органлар белгилаб кўйган турли қонун-қоидалар сабаб ҳаракат эркинлиги етарли эмас. Майда бизнес эса мосланувчан, айниқса, яққол мавсумий характеристдаги ёки ихтисослашган бозор шароитида катта афзалликларга эга.</li> </ul>
10.	Ишбилармонлик руҳининг сақданиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кичик ва ўрта корхоналарда тадбиркорлик, ишбилармонлик руҳи яққол намоён бўлади. Уларнинг замонавий тармоқларда (электроника, компютерлаштириш) кўплиги ҳам шундан далолат беради.</li> <li>• АҚШда қачонлардир ҳар бир американлик ишбилармонинг хос бўлган романтизм айни пайтда бизнесменларга хос, деб гапиришади.</li> </ul>

Майдада ва ўрта бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ресурслари бир киши томонидан маблағ билан таъмин этилади;
- меҳнат ресурслари камроқ жалб килинади;
- ижодкорлик, ташаббус ривожланади;
- янги фоялар тез амалга оширилади.

### 49

#### Кичик ва ўрта бизнеснинг камчиликлари нимада?

Кичик ва ўрта бизнесда юқорида қайд қилинган афзаликлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Улар куйидагилардан иборат:

- ходимларни жалб этиш қийинрөк бўлади;
- шахсий муаммолар кийин ечилади (таътилнинг йўклиги, хом ашё, ёнилғи-энергетика ресурслари нархи кўтарилиши, соликлар оширилгани);
- тадбиркор якка жавобгар ҳисобланади;
- ўз мажбуриятларини доимий равишда адо этиб боришига тўғри келади;
- ихтисослашган менежерлик етарлича бўлмайди;
- фаолият муддатининг ноаниклиги, унинг факат фаол пайтдагина сердаромад бўлиши ва ҳоказо.


Ўзларининг фаолият мақсади бўйича кичик ва ўрта корхоналар катталардан фарқ килмаганларда, амалиёт шуни кўрсатадики, унча катта бўлмаган корхоналар жамиятда мухим ижтимоий-иктисодий рол ўйнасалар ҳам, улар бозор шароитида чидамли эмас.

Шунинг учун, кичик ва ўрта корхоналар, давлатнинг кўллаб-куватлашига муҳтождир. Ушбу ҳолни ҳисобга олиб, барча давлатлар кичик корхоналарни катталаридан ажратиш учун маълум кўрсаткичларидан фойдаланилади ва уларни қонуний хужжатлар воситасида банкрот бўлишдан ҳимоя килишади.

50

## Тадбиркорликнинг қандай шаклларини биласиз?

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик тўғрисида»-ги Конунининг 5-моддасига биноан тадбиркорлик шакллари куйидагилардан иборат (3-чизма):



3-чизма. Тадбиркорлик шакллари.

Келиб чикиш тарзига қараб, тадбиркорлик тузилмасини:

- давлат тасарруфидан чиқарилган;
- хусусийлаштирилган;
- тижоратлаштирилган;
- нодавлат мулк эгаларининг улушлари ҳисобига;
- фуқароларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига янгидан ташкил қилинган турларга ажратиш мумкин.

Маъмурий-хуқукий аломати бўйича тадбиркорлик тузилмаларини якка мулк эгаси томонидан ҳам, жамоат тарзидаги тадбиркорлик (ижара хўжалиги, хўжалик ширкати ёки жамияти, жамоа корхонаси, қўшма корхона ва ҳоказо) томонидан ҳам тақдим қилинадиган жисмоний ёки юридик шахс мақомини олиши мумкин.

51

## Якка тадбиркорликнинг моҳияти нимада? У қандай турларга бўлинади?


Якка меҳнат фаолияти тадбиркорликни амалга оширишнинг энг оддий шакли бўлиб, уни ташкил қилиш тар-

## **ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

тиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик түғрисида Низом»да белгиланган. Бу Низомга мувофиқ, ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган якка тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда якка фаолиятни амалга оширишда факат хусусий тадбиркорнинг меҳнати кўлланилади. Қонун баъзи ҳоллардагина оила аъзолари меҳнатини жалб қилишга рухсат беради.

Якка тартибда фаолият кўрсатувчилар, одатда майдиша ишлаб чиқариш билан шугууланадилар. Фукаролар бундай фаолият билан юридик шахс макомини олмасдан шугууланишади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик қуйидаги турларга бўлинади (4-чизма):



4-чизма. Якка тартибдаги тадбиркорлик турлари.

1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қабул қилинган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида шахсий тадбиркорлик тушунчаси қуйидагича баён этилган:

«Шахсий тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзи томонидан мулк ҳукуқида, шунингдек, мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга мулкий ҳукуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустакл равишда амалга оширилади».

Шахсий тадбиркорликни амалга ошириш учун эрхотиндан бири уларнинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланган ҳолларда эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб килинади. Шу Конуннинг 16-моддасида биргаликдаги тадбиркорлик ва унинг шакллари хусусида кўйидагилар баён этилган.

**Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик шаклларига кўйидагилар киради:**

- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик, шу жумладан, дехқон хўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизида амалга ошириладиган дехқон хўжалиги;
- ўзларига умумий улуши мулк ҳукуқида тегишли бўлган умумий мулк негизида якка тартибдаги тадбиркорликни амалга оширадиган оддий ширкат.

Юридик шахс ҳосил қилмай, ўз фаолиятини амалга оширадиган тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахсга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳакидаги гувоҳнома берилади ва у, албатта, жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш реестрида қайд қилинади. Ушбу гувоҳнома бошқа бирор қўшимча келишувларсиз банкда ҳисоб-китоб вараги очиш, муҳр ва бошқа реквизитларни тайёрлатиш учун асос ҳисобланади.

Гувоҳноманинг бир нусхаси тадбиркорга берилади, яна бир нусхаси бир ҳафталик муддатда тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига юборилади. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган муддатда амалга оширилмаса ёки тадбиркор асоссиз деб ҳисобланган сабабларга кўра рўйхатдан ўтказиш рад қилинса, у ҳолатда судга му рожаат қилиши мумкин.


**52**

**Хусусий тадбиркорлик якка тадбиркорликдан нима билан фарқ қиласди?**

«Ўзбекистон Республикасида «Хусусий тадбиркорлик тўғрисида Низом»да хусусий тадбиркорлик фаолиятига кўйидагича таъриф берилган:

Хусусий тадбиркорлик — бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулький жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш максадида амалдаги конунчиллик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий тадбиркорликнинг якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорликдан фарқи шундаки, бу ерда фаолият кўрсатувчилар ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар. Улар юридик шахс сифатида иш кўрадилар ва ўз корхоналарини рўйхатдан ўtkазишга мажбурдирлар. Хусусий тадбиркорлик икки хил кўринищда ташкил килиниши мумкин (5-чизма).



5-чизма. Хусусий тадбиркорлик турлари.

Фаолиятини ёлланма ишчи кучи жалб қилган ҳолда амалга ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва корхонани рўйхатдан ўtkazishга мажбурдир. Хусусий корхоналар мустақил балансига, муҳрига, ҳисоб-китоб варагига эга бўлади. Хусусий корхона ўзи жойлашган манзилдаги туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туман ҳокимликларида рўйхатдан ўtkazilgan кундан бошлаб юридик шахс ҳукукини олади.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (якка тартибдаги тадбиркорлик) ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширади. Хусусий тадбиркор бундай фаолият турини амалга оширишда хўжалик юритувчи бошқа субъектлар ва мижозлар билан ўз муносабатларини шартнома асосида олиб боради.

Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман ҳокимиятлари томонидан рұксатнома берилади. Солик солиши идоралари уларга рўйхатдан ўтказгандык ҳамда юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқи берилгандык түғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлігиге белгилаган шаклидаги гувоҳнома беради.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳамда юридик шахс мақомини олмасдан:

- аҳолига енгил автомобильда транспорт хизматлари кўрсатиш;
- сураткашлик;
- курилиш, фуқароларга тегишли уйлар ва бошқа биноларни таъмирлаш ва ободонлаштириш;
- фуқаролар ўтказаётган тўйлар, тантаналар ва бошқа тадбирлар чоғида артистлик ва мусиқий хизмат кўрсатиш;
- мулкни (бинолар, уйлар, хоналар ва автомобиллардан ташқари) ижарага бериш;
- аквариумда боқиладиган балиқларни кўпайтириш каби тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқи борлиги тўғрисидаги гувоҳнома фуқаролар белгиланган микдордаги даромад солишини тўланларидан сўнг берилади. Даромад солишининг аниқ микдорини туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман ҳокимиятлари белгилайди.

### 53

### Якка тадбиркорликнинг афзаллilikлари ва камчиликлари нималардан иборат?

Якка тадбиркорлик — бу шундай фаолият (корхона)-ки, унинг эгаси бутун даромадни ва бизнеснинг бутун таваккалчилигини тўла ўз зиммасига олувиши якка шахс ёки бир оиласидир. Одатда, бундай корхона эгалари унинг энг фаол менежерлари ҳамдир. Якка эгалик — бизнеснинг энг оддий шаклларидан бири. АҚШдаги тадбиркорлар очган корхоналарнинг 80 фоизи якка эгалик корхоналаридир. Бу усул,

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

айниқса, савдода, маслаҳат-йўриқчилик бизнесида, овқатлантириш соҳасида кенг тарқалган. Якка эгаликнинг ўз афзаллик ва камчилларини бор (11-жадвал):

11-жадвал

**Якка тадбиркорликнинг афзаллик ва камчиллик томонлари**

T/p	Афзалларини	Изоҳ
1	2	3
1.	Тўла мустакиллик, ҳаракат эркинлиги ва тезкорлик	• Тадбиркорга бирор қарор қабул килишда юқори ташкилотларга мурожаат килишининг ёки шериклар розилигини олишининг зарурати йўқ.
2.	Кизиқтирувчи жиҳатларининг жуда кўплиги	• Барча даромад битта, яъни корхона чўнгагига тушади. У тер тўқиб ишлашдан, ишнинг боришини изчил назорат этиб боришдан, қарорларни эҳтиёткорона қабул килиш ва иш операциялари миёсини иложи борича кўпроқ кенгайтиришдан кучли манбаатдор.
3.	Фаолиятнинг конфиденциаллариги	• Якка тадбиркорлик маҳфийликни саклашга имкон яратади. Баъзи бир бизнес турларида маҳсус услуб, йўллар, технологиялар тадбиркорлик фаолиятининг асосий бойлигини ташкил қиласди.
4.	Ташкилий хукукий мақомни ўзгартиришдаги енгиллик	• Якка тадбиркорликда унинг ташкилий-хукукий шаклини ўзгартириш нисбатан енгил кўчади (масалан, масъулияти чекланган жамиятлар тузиши).

T/p	Камчилларини	Изоҳ
1	2	3
1.	Заиф пойдеворга эга эканлиги	• Унда инвестицияларни ўз ишига жалб этиш имкониятлари улкан эмас. Якка эгалик фирмаларининг кредит тўловини таъминлаш қобилияти йирик фирмаларнига нисбатан учча юқори бўлмаганлиги боис у кредитлар учун анча юқори фоизлар тўлашга мажбур.

1	2	3
2.	Фаолият муддатининг ноаниклиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>Якка эгалик фирма эгасининг вафот этиши, синиши, қамоққа олиниш ёки руҳий касалликка чалиниши билан хуқуқий жиҳатдан ўз фаолиятини тутагатди.</li> <li>Якка эгалик фирма ўз эгасининг фаолияти ҳисобига яшайди ва у фаол пайтдагина сердаромад бўлади, холос. Бундай фирма яшаш муддатининг ноаниклиги боис бошқа бизнесменлар у билан хоҳламайгина узоқ муддатли молиявий шартномалар тузадилар ёки умуман тузмайдилар.</li> </ul>
3.	Чекланмаган жавобгарликкниг хўм суриши	<ul style="list-style-type: none"> <li>Якка эгалик фирма омадсизликка учраб қолса, фирма хўжайини ўзининг қарзини тўлаш учун гаровга қўйилган бутун мол-мулки ва жамғармаларидан айрилиб қолиши мумкин.</li> </ul>
4.	Ихтисослашган менежерларнинг этишмаслиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>Одатда, якка эгалик фирма раҳбарининг ўзи бош менежер, ўзи олиш-сотиш ва реклама бўйича менежер, ўзи молиячи, ўзи таъминотчи, ўзи кадрлар билан шугууланди.</li> </ul> <p>Ваҳоланки, юқоридаги барча йўналишлар бўйича бирдай музваффакиятли иш олиб бориш кобилиятига ҳамма тадбиркорлар бирдай эга эмас.</p>
5.	Функционал камчилислар	<p>Будар жумласига:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>фирманинг нокулай жойга жойлашганилиги;</li> <li>бино ва ускуналарнинг номувофиқлиги;</li> <li>ходимлар меҳнатига арзирли маош тўлай олмаслиқ;</li> <li>ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва маҳсулотларни етарлича сотиб олиш кобилиятининг йўқлиги кабилар киради.</li> </ul>

**54**

**Жамоа тартибидаги меҳнат фаолияти деганда нимани тушунасиз?  
У қандай кўринишларда бўлади?**

Жамоа тартибидаги меҳнат фаолияти деганда бир гурух фуқароларнинг ўзларига маъқул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

ташкил килишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари тушунилади.

Бунда тадбиркорлик фаолияти фирмалар фаолиятида ўз ифодасини топади. Фирма бозор учун ишловчи корхонадир. Корхона қайси мулкка тааллукли бўлмасин бундан катъи назар, улар фирма, завод, фабрика номлари билан юритилади. Дехқон хўжалиги бундан истисно, у фермер хўжалиги деб аталади. Қишлоқ хўжалигига агрофирмалар ҳам фаолият кўрсатади.

Фирма муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашади, бозордаги талаб ва таклифга қараб иш тутади, иктисолий жихатдан эркин ва мустақил бўлади.

Фирмаларнинг турлари жуда кўп, уларни чизмада куйидагича тасвирилаш мумкин (6-чизма):



6-чизма. Фирма (корхона) турлари.

55

Фаолият миқёсига қараб фирмалар  
қандай турларга бўлинади?

Ўзининг фаолияти миқёсига қараб фирмалар кичик, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Қонунларига кўра, кичик корхоналар уларда ишловчилар сонига қараб ажратилади. Унга биноан, **кичик корхоналар** туркумига, одатда, хисобот даврида улардаги ходимларнинг ўртача сони қўйидаги чегарадан ошмаган корхоналар киради:

- саноатда ва курилишда — 50 нафаргача;
- фан ва илмий хизматда — 10 нафаргача;
- кишилек хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларнда — 25 нафаргача;
- ноишлаб чиқариш соҳасида — 10 нафаргача;
- чакана савдода — 5 нафаргача.

Кичик фирмалар асосан истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан ўгуллашишади. Ривожланяётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, узоқ давом этадиган иқтисодий инқироз муҳитида асосан истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар йирик корхоналарга нисбатан камроқ жабрланади, ҳаттоқи, бозорда ўз мавқенин мустаҳкамлайди. Бу ҳол эса уларни иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилига айлантиради. Шуни таъкидлаш керакки, собиқ итифоқ республикалари ичida биринчи бўлиб Ўзбекистон кичик бизнесни ривожлантира бошлади. Дастлабки хусусий корхоналар 1990 йилдаёқ Президент И. Ка-римовнинг кўрсатмаси билан Тошкент ва Самарқандда рўйхатдан ўтказилди.

Ўрта фирмалар кооперациялашган ва ихтисослашган қисмлар ва деталлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда умумий технологик ва техник инфратузилма соҳасида фаолият кўрсатадилар. Кичик ва ўрта фирмалар серкапитал бўлмайди, шароитта тез мослашади, улар учун пул топиш осон, муҳими иқтисодий хатар камроқ бўлади.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Йирик фирмалар мустаҳкам ишлаб чиқариш, технологик ва хом ашё базасига эга бўлиб, халқаро меҳнат тақсимида иштирок этади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуну кўрсатадики, нисбатан йирик ишлаб чиқариш учун ўрта ва майда фирмалар билан ҳамкорлик қилиш фойдали. Бу тажриба республикамида ҳам кенг кулоч ёймокда.

### 56

### Ширкат фирма хусусий фирмалардан нимаси билан фарқ қиласи?

Хусусий фирма деганда айрим шахс ёки оиласага тегишили бўлган якка хусусий мулкка асосланиб фаолият кўрсатадиган корхона тушунилади.

Ширкат фирма деганда бир неча сохибнинг мулкини бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинган фойдани баҳам кўришга асосланган шерикчилик корхонаси тушунилади. Бу иккала кўринишдаги фирмалар бир-биридан куйидагилар билан фарқ қиласи (12-жадвал):

12-жадвал

#### Хусусий ва ширкат фирмалар ўргасидаги фарқлар

Хусусий фирмаларда	Ширкат фирмаларда
1	2
<ul style="list-style-type: none"><li>• ўзгаларни ёллаб ўз фаолиятларини олиб борадилар;</li><li>• фирма эгаси якка сохиб, унинг устидан ҳеч ким хўжайинлик қила олмайди;</li><li>• топган фойдасини ўзи олади, яъни уни бошқалар билан баҳам кўрмайди, зарарни ҳам фақат ўзи кўтаради;</li><li>• фирма мулки тадбиркорнинг хусусий мулки эвазига шаклланади;</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• ширкат аъзолари хўжалик шартномаси асосида иш юритадилар;</li><li>• фирмага якка сохиб эмас, балки жамоа сохиблик қиласи. Унинг фаолияти учун барча аъзолар жавобгар бўлади;</li><li>• олинган фойда ширкат аъзоларининг устав фондидаги хиссасига қараб тақсимланади. Зарар ҳам баҳам кўрилади;</li><li>• фирма мулки ширкат аъзоларининг хиссавий бадаллари асосида шаклланади;</li></ul>

1	2
<ul style="list-style-type: none"> <li>• фирмада хавф-хатар факат бир киши — соҳиб зиммасига тушади. Агар у ўз мулкини гаровга кўйиб қарз олса ва уни тўлай олмаса, мулкидан маҳрум бўлади;</li> <li>• фирма солик, қарз, иш ҳақини тўлай олмаса, унинг эгаси ўз уйи, кўлга илинадиган асбоб-анжомларини сотиб бўлса ҳам ўз зиммасидаги пулни тўлашга мажбур этилади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фирмада хатар тенг ҳуқуқли шериклар зиммасига тушади. Бордию фирма синса, шериклар зарарини ҳамжиҳатликда кўтариш, яъни бир шерик бошқасининг жавобгарлигини ҳам ўз зиммасига олади;</li> <li>• бу ерда "кемага тушганнинг жони бир", деган коида амал килади.</li> </ul>

Хусусий фирма — бизнеснинг энг оддий шаклларидан бири. АҚШдаги ишбилармонлар очган корхоналарнинг 80 фоизи хусусий фирма ҳисобланади. Бу усул, айниқса, савдода, маслаҳат-йўриқчилик бизнесида, овқатлантириш соҳасида кенг таркалган. Кўп сонли хусусий фирмалар ҳиссасига бутун Америка бизнеси молиявий ишлари ҳажмининг 10-14 фоизи тўғри келади.

**57**

### Ширкат фирмаларнинг қандай турларини биласиз?

Тадбиркорликда жавобгарликни камайтириш максадида ширкат шаклидаги фирмалар тузилади. Уларнинг асосий икки тури мавжуд:

- масъулияти чекланмаган ширкат;
- масъулияти чекланган ширкат.

**Масъулияти чекланмаган ширкат** икки ёки ундан кўпроқ кишиларнинг мулки асосида юзага келади. Шерикларнинг дастлабки мулки фирманинг устав капитали деъйлади. Бу капиталга ҳар бир шерик ўз ҳиссасини кўшади. Улар устав фондига қанча пул кўйса, шу ҳиссага биноан фойда олишади. Борди-ю фирма синса, шериклар зарарни

ҳамжиҳатликда кўтаради, яъни бир шерик бошқасининг жа-  
вобарлигини ҳам зиммасига олади.

Ширкатнинг хукукий асоси бўлиб, унинг аъзолари ўртасида тузилган битим ҳисобланади. Бу битим, одатда, ку-  
йидаги бандларни ўз ичига олади:

- ҳар бир ҳамкорнинг ваколатлари;
- битимнинг муддати;
- ҳар бир вакилнинг умумий ишга кўшган маблағи ҳажми;
- даромадлар ва юз бериши мумкин бўлган зарар-  
ларни ўзаро бўлиш йўл-йўриклари;
- ҳар бир ҳамкорнинг товон олиш усули;
- уюшма маблағларидан ҳар бир ҳамкорнинг олиши  
мумкин бўлган аниқ ва белгиланган пул ҳажми;
- уюшмада амалга ошириш зарур бўладиган молия-  
вий ишлар тартиби ҳақида баёнот;
- янги ҳамкорни қабул қилиш тартиби;
- ширкатни тарқатиб юбориш тартиби.

Ширкатга давлат, кооператив, жамоа ва бошка таш-  
килотлар, шунингдек, хорижий ташкилотлар ва фуқаролар  
ҳам қонун йўл кўйган ҳолларда аъзо бўлиши мумкин.

Масъулияти чекланган ширкатнинг устав фонди фа-  
қат таъсисчилар маблағ (акция)лари ҳисобига барпо этила-  
ди. Жамият қатнашчилари ўзларининг кўшилган улушлари  
доирасида жавобгар бўлади. Ширкат ўз фаолияти учун ус-  
тав фонди микдорида жавобгар ҳисобланади.

Шундай фирмалар номига «лимитед» сўзи кўшила-  
ди, бу инглизча «чекланган» маъносини билдиради. Маса-  
лан, фирма «Фарангиз-омад ЛТД» деб аталса, дарҳол унинг  
мажбурияти чекланганлигини тушуниш керак. Бундай фир-  
малар билан муносабатда бўлганда фирманинг фаолиятида  
ишканлик юз берса, ундан факат устав капиталига тенг  
пулни ундириш мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.  
Унинг тўлов мажбуриятидаги бундан ортиқча бўлган қарз-  
ни ҳеч қандай йўл билан ундириб бўлмайди.

## 58

### Акциядорлик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва қулайликлари нимада?

Масъулияти чекланган фирманинг бир қатор турлари мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалган шакли акциядорлик жамиятлари ёки корпорациялардир. Акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил килиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунда ифодаланган. Бу Конуннинг 2-моддасига мувофик:

Акциядорлик жамияти — бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чикариш йўли билан ташкил этилади.

Жамият жамланган капиталига қараб, маҳсус қимматли қофоз — акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланышади ва фойдалдан ўз ҳиссаси — дивидендин олиб туради. Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади. Акциядорлар жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарлар учун фақат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида таваккал қиласди.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциядорлар сотиб олган акцияларнинг номинал қийматларидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Акция бўлинмас ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятини таъсис этишда унинг жами акциялари таъсисчилар орасида тарқатилиши керак.

Акциялар фонд биржаларида муомалада бўлади, бир шахсдан иккинчисига эркин ўтади ва акциялар учун унинг ҳиссаси тўғрисидаги хужжат ҳисобланади. Акциядорлик жамиятини:

- акциядорларнинг умумий мажлиси;
- кузатув кенгаши;
- ижро органи бошқаради.

Акциядорларнинг умумий мажлиси олий бошқарув органи хисобланади. Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш ҳукукига эга. Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши жамият фаолиятида умумий раҳбарликни амалга оширади. Акциядорлик жамиятининг жорий (кундалик) фаолиятига ягона ижро органи (директор) ёки коллегиал (маслаҳат) ижро органи (бошқарув, дирекция) раҳбарлик қилиши мумкин.

Акциядорлик шакидаги тадбиркорликнинг қўйидағи афзаликлари бор:

- акциядорлик жамияти — бу бизнеснинг кўпроқ демократик шакидир. Унга хоҳлаган киши бевосита ёки обуна бўлиш йўли билан акцияни сотиб олиб, аъзо бўлиши ва мулк эгасига айланни мумкин;
- вактнча бекор турган сармояларнинг марказлашувига эришилади;
- нисбатан самарали соҳаларга капитал оқимини ташкил қилиш имконияти туғилади;
- давлат мулкини хусусийлаштириш имкониятлари кенгайди;
- молиявий барқарорликка эришилади;
- тадбиркорликда таваккалчилик хавфи камаяди (хиссадор ўз акцияси миқёсида зиён кўрса, корхона эгаси бутун мулкидан ажралади);
- бир вактнинг ўзида ишлаб чиқарувчилар, товар етказиб берувчилар, харидорлар ва маҳаллий давлат органлари манбаатларининг ўзаро мувоффикашувига эришилади (чунки уларнинг барчаси акция сотиб олган бўлиши мумкин).

**59**

### Акциядорлик жамиятлари қандай турларга бўлинади?

Акциядорлик жамияти очиқ ва ёпик турда бўлиши мумкин (7-чизма).

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ



7-чизма. Акциядорлик жамияти турлари.

**Очиқ турдаги АЖ** — акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф кила оладиган жамият. У чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш хукукига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам чекланмаган. Очиқ турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори — АЖ рўйхатидан ўтказилган санада қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳаки суммасининг иккиси юз карралик миқдорига тенг бўлиши керак.

**Ёпик турдаги АЖ** — бу акциялари номланган (эгаси ёзилган) ва улар факат АЖ таъсисчилари ўртасида тақсимланган жамиятдир. Унинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлади. Ёпик турдаги АЖ таъсисчилари камидан уч киши, акциядорлар сони эса, 50 кишидан ортаслиги керак. Ёпик турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори — АЖ рўйхатидан ўтказилган санада қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳаки суммасининг камидан юз карралик миқдорига тенг бўлиши керак.

Очиқ турдаги АЖни бошқа турдаги жамиятларга айлантириш мумкин эмас. Ёпик турдаги АЖ эса ўз акцияларига очиқ обуна ўтказиш ёки уларни фонд бозорига сотиш учун чиқариш йўли билан очиқ АЖга айланиши мумкин. Бошқа турдаги жамоа корхоналари ва ширкат хўжалиги ўз акцияларини чиқариш йўли билан иккала турдаги АЖларга ҳам айлантирилиши мумкин.

Очиқ турдаги АЖ ҳар йили оммавий ахборот восита-ларида:

- йиллик ҳисоботни;
- бухгалтерлик балансини;

- фойдалар ва заарлар хисоб варафини;
- жамият акциялари эмиссиялари проспектини;
- умумий мажлисни ўtkазиш санаси ва жойини маълум қилиб туриши шарт.

## 60

### Акциядорлик жамиятини ташкил этиш тартибини биласизми?

АЖни ташкил этиш учун куйидагилар зарур:

- жамиятни ташкил этиш ва биргаликда фаолият кўрсатиш ҳамда бир ёки бир неча шахсга жамиятни ташкил этиш учун ваколат бериш тўғрисида шартнома тузиш;
- акцияларга обуна ўtkазиш;
- таъсис конференциясини ўtkазиш;
- жамият ва унинг акцияларини давлат рўйхатидан ўtkазиш.

Жамиятни ташкил этишдаги харажатлар шартномага имзо чеккан шахсларга тақсимланади. Давлат мулкини хусусийлаштириш орқали куйидаги усувларда АЖ ташкил этилиши мумкин:

- оддий йўл билан, яъни бунда фуқаролар ёпиқ ёки очик АЖ ларининг объекtlарини аукцион орқали ёки конкурс йўли билан сотиб олишади;
- давлат корхонаси меҳнат жамоаси томонидан ёпиқ АЖни ташкил этиш ва мазкур юридик шахс томонидан корхона сотиб олинади;
- давлат ёки ижара корхоналари очик АЖларига айлантирилади.

Барча жамоа корхоналари учун куйидаги умумий жиҳатлар мавжуд:

- низом капиталининг тегишли бўлакларга ёки акцияларга мажбурий бўлиниши;
- жамиятнинг ўз мажбуриятлари ва фақат ўзининг мулки бўйича чекланган жавобгарлиги;
- акциядор (шерик)лар орасидаги ўзаро муносабатлар, даромад ва мулкни тақсимлаш, корхонани бош-

- кариш бўйича муносабатлар уларнинг киритган улушлари микдорига қараб тақсимланади;
- жамият аъзолари унинг капиталига ўз улушларини киритишлари зарур, аммо ўз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари мажбурий эмас.

Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш жараёнлари «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Ҳиссадорлик жамиятлари», «Корхоналар тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалари» ва бошқа Қонун актлари асосида бошқарилади.

## 61

### Акциядорлар қандай ҳукуқларга эга?

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда акциядорлар қуидаги ҳукуқларга эга эканликлари белгилаб қўйилган:

- барча аъзоларни акциядорлар реестрига киритиш;
- акциядорлар реестридан ўзи ҳакида кўчирма олиш (бу кўчирма қимматли қороз ҳисобланади);
- жамият фойдасининг дивидендлар шакидаги қисмини олиш;
- АЖ тутатилган тақдирда мулкнинг ўзига тегишилсига мувофиқ улушини олиш;
- АЖ уставига мувофиқ, эмитентнинг молия-хўжалик ва ишончли ахборотни олиш;
- олинган дивидендларни эркин тасарруф килиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органларида, шунингдек, судда ўз ҳукукларини химоя килиш;
- инвестиция муассасалари ва эмитентлардан укувсизлик ёки гирромлик билан қилган хатти-харакатлари туфайли кўрилган заарларни ундириб олиш;
- ўз манбаатларини билдириш ва химоя килиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олишда кўрилиши мумкин бўлган заарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалларни суурита килдириш.

Хукуқлар билан бир каторда АЖ аъзолари зиммаларига жавобгарлик ҳам юклатилади. Ҳар бир аъзо ширкатчилик қарзлари олдида ўзининг инвестициядаги хиссасидан қатъи назар, тўла жавобгарликка эга бўлади, яъни бирор аъзонинг хатоси бошқа аъзоларнинг ҳам хароб бўлишига олиб келади.

**62**

### Корпорация қандай корхона турига киради?

Корпорация атамаси лотинча «согратего» сўзидан олинган бўлиб, бирлашма, ҳамжамият маъносини беради. Корпорация йирик акционер жамиятлар бирлашмаси хисобланиб, бир хил маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради. Натижада ишлаб чиқариш монополашади.

Корпорация инвестиция капиталининг марказлашувини, илм-фан тараққиётини, маҳсулотнинг рақобатбардошли бўлишини ва узок ҳаёт циклини таъминлайди. Корпорациялар тадбиркорлик билан шугулланувчи акционер жамиятларнинг хоҳиши-ихтиёри билан пайдо бўлган. Ҳар бир корхона фаолиятини юргизиш учун ўз ҳолича турли функцияларни, яъни:

- ҳом ашё, материаллар, энергия, ускуна қидириб топиш, сотиб олиш ва технологик такомиллаштириш;
- маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш бўйича катор ишларни бажариши лозим бўлган.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир қанча корхона йиғилишиб, барча учун умумий бўлган корхоналар фаолиятини таъминловчи функцияларни ҳамма учун бажарадиган бир идора, муассаса тузишни режалаштирганлар. Натижада шундай бирлашма юзага келганки, унда корхоналар ўз мулки ва иктисадий мустакиллигини сақлаган ҳолда ҳаммалари учун умумий бўлган функцияларни бажаришдан озод бўлганлар ва шу функцияларини бажарганлиги учун умумий идора-муассасага ҳақ тўлаганлар.

Ўз таркибидаги акциядорлик жамиятларни назорат пакетларини эгаллаш билан корпорациялар холдинг компанияларига айланган.

## 63

### Холдинг компанияларининг моҳияти нимада?

Холдинг ибораси инглизча «holding» сўзидан олинган бўлиб, эга маъносини беради. Холдинг компания — бу мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган хиссадорлик жамиятдир. Холдинг компанияси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари «акцияларнинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар кўринишда фойда олишдир.

Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бирор бир ишлаб чикариш вазифаларини бажаришмайди.

Уларнинг вазифаси — соф бошқарувчиликдан, яъни эътиқод (ишонч)ли мулк эгаси сифатида уларга ўз акциялари ёки акциялар назорат пакетини берувчи компанияларнинг фаолиятига умумий хўжалик раҳбарлигини бажаришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида холдинг компанияларнинг хукукий мақоми Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган Низом (холдинглар ҳақидаги Низом) асосида белгиланади. Бу Низомга мувофиқ, активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялар назорат пакети кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади. Холдинг компаниясига республикамизда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги холдинг компанияси — «Ўзқишлоқхўжмашхолдинг»ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Холдинг бирлашган корхоналар, яъни холдинг активлари таркибига кирадиган, акциялар пакетини назорат қиласидиган корхоналар шўъба корхоналар деб аталади. Улар


мустақил юридик шахс ҳисобланади. Шўъба корхона, кўпинча, корхонанинг ривожланиб бориши давомида бош корхона (холдинг компанияси) томонидан ташкил қилинади.

Холдинглар давлатта қарашли ёки хусусий бўлиши мумкин. Давлат холдингида акциялар назорат пакети давлат мулкига, шўъба корхоналар акциялари эса бош холдинг компаниясининг мулкига айланади. Шўъба корхоналар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк, шу жумладан, асосий корхона, яъни холдингта тегишли акциялар назорат пакетининг қиймати билан ҳам жавоб беради. Холдинг шўъба корхона қарзи бўйича унинг таъсис шартномасида айтилган шартларда жавобгардир.

### 64

### Холдинг компанияларининг қандай турларини биласиз?

Холдинг компаниялари икки турда бўлиши мумкин (8-чизма).



8-чизма. Холдинг компанияси турлари.

**Молиявий холдинг** факат маҳсус назорат ва бошқарув мақсадларида тузилади. Сармоясининг 50 фоизидан кўпини бошқа эмитентларнинг қимматли қофозлари ва бошқа молиявий активлар ташкил қиласидиган холдинг **молиявий холдинг** ҳисобланади. Молиявий холдинглар активлари таркибиға факат қимматли қофозлар ва бошқа молиявий активлар, шунингдек, холдингни бошқариш аппаратининг фаолиятини таъминлаш учун бевосита зарур бўлган мол-мулк кириши мумкин.

Молиявий холдинглар факат инвестиция фаолияти билан шугулланиши ҳукукига эга, фаолиятнинг бошка турлари билан шугулланишга рухсат берилмайди.

Улар шўъба корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларига аралашиб ҳукукига эга эмас. Молиявий холдинг вакиллари факат шўъба корхоналарнинг акциядорлари йигилишларида қатнашиши мумкин. Уларга кузатув кенгаши, бошқарув ва шўъба корхоналарини бошқарадиган бошка органларга киришга рухсат берилмайди.

Молиявий холдинглар ўзларига тегишли акциялар билан факат ташкил қилинган қимматли қофозлар бозорида, яъни фонд биржаларида битимларни амалга оширади. Бу талабни бажармаслик амалга оширилган битимларнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

**Аралашиб холдинг** — назорат ва бошқарув вазифалари билан бир қаторда саноат, савдо, транспорт, кредит-молия ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шугулланиш мақсадларида тузилади.

65

### Холдинг компаниясини ташкил этиш учун қандай хужжатлар талаб қилинади?

Мамлакат қонунчилигига биноан холдинг компаниялари куйидаги йўллар билан ташкил этилади:

- Йирик корхоналарни қайта ташкил қилишда уларнинг таркибий бўлинмаларини мустакил юридик шахс (шўъба корхоналар) сифатида бунёд этиш йўли билан;
- юридик жиҳатдан мустакил корхоналарнинг акция пакетларини бирлаштириш йўли билан;
- янги акциядорлик жамиятларини таъсис этиш йўли билан.

**Холдинглар монополияга қарши органнинг рухсати** билан ташкил этилади. Холдингни ташкил этишга рухсат олиш учун монополияга қарши органга бошқа хужжатлар билан бирга:

- устав лойиҳаси;
- холдингни тузишга ҳоҳиш ҳақида баённома ёки таъсисчилар шартномаси;
- тулизадиган холдингга киритиш учун тавсия қилинаётган корхоналар рўйхати;
- шу корхоналардан ҳар қайсисининг хўжалик фаолияти турлари ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар топширилади.

Агар холдингни тузиш бирон бир маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш монополиясига олиб келадиган бўлса, бундай холдингни тузишга рухсат берилмайди. Агар холдинг бир турдаги ёки ўзаро алмаштириладиган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)нинг муайян гурухи бўйича монополия деб тан олинса, шу гурух бўйича монополчи — корхоналар реестрига кўшилган бўлса, нархлар амрини ўтказиш воситасида бозорда ўзининг устунлик ҳолатини амалга оширса, унга ва унинг шу гурухдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган шўъба корхоналарига монополияга қарши қонун хужжатларида кўзда тутилган жазо чоралари кўлланилади. Қонун хужжатларига мувофиқ монополиячилар жумласига киритилган корхоналарнинг акциялар назорат пакетларига эга бўлган холдингларни ҳам тузишга рухсат берилмайди.

Бозорда бир турдаги ёки ўзаро алмаштириладиган маҳсулотларнинг муайян гурухининг умумий улуши монополияга қарши орган белгилаган энг юқори қийматдан ошадиган корхоналарнинг акциялар назорат пакетларига эга холдингни ҳам тузишга рухсат берилмайди, чунки бундай шароитларда у мустақил ёки шўъба корхоналари билан бирга фаолият кўрсатиб:

- товарларнинг айланиши шароитига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади;
- бошқа хўжалик субъектларининг бозорга киришини қийинлаштиради;
- истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зиён келтиради.

66

## Қайси фаолият соҳаларида холдинг компанияларини тузишга йўл кўйилмайди?

Куйидаги фаолият соҳаларида холдинг компанияларини ташкил этишга рухсат берилмайди:

- ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари савдосида;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий техниказий таъминотида;
- умумий овқатланиш ва ахолига майший хизмат кўрсатища;
- транспортда (темир йўл, авиация, трубопровод ва факат ҳалқаро юқ ташиш билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари).

Холдинглар барча турдаги хўжалик ассоциациялари (уюшмалар, концернлар, концорциумлар, корпорациялар ва ҳоказо) ёки бошқа корхоналар бирлашмалари, шунингдек, давлат бошқаруви органлари бирлашмаларининг меросхўри бўла олмайди.

67

## Давлат ва қўшма корхоналар тўғрисида нималар дея оласиз?

Давлат корхоналари — бу давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида ишловчи корхоналар бўлиб, улар ишлаб чиқаришдаги давлат секторини ташкил этади, энг муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажаради (мудофаа, алоқа, энергетика, транспорт ва бошқалар). 1999 йил 1 октябр холатида Ўзбекистонда 178200 та фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, шундан 19785 та, яъни 11,1 фоиз давлат корхонаси бор эди.

Қўшма (аралаш) корхоналар хусусий, давлат ва жамоа мулкининг аралаш маблағларига таянади. Аралаш фирмаси

ларнинг миллий ва хорижий капиталга таянган корхоналари кенгроқ тарқалган. Уларнинг капитали ҳиссадорлик қоидасига биноан ташкил топади, фойдаси шунга қараб тақсимланади.

Кўшма корхона тузишга ҳамкорларни нима мажбур килади? Америкалик олимлар қўйидаги омилларни келтирадилар:

- капитал харажатлар ҳажмининг қисқариб кетиши ва яна қувватларни барпо этишдаги хавотирлик;
- аниқ жуғрофик бозорга кириш;
- янги фаолият соҳасига ўтиш;
- ишлаб чиқариш соҳасининг базаси ёки хом ашё манбасини кўлга киритиш;
- ишлаёттган ишлаб чиқариш линияларининг кенгайганилиги;
- товар ёки хизматларни сотишнинг янги тармоқлари пайдо бўлганлиги;
- мавжуд маркетинг самарадорлигининг ошганлиги;
- такрорланиб турувчи ёки мавсумий бекарорликни (пасайиш, ўсиш ва ҳоказо) бартараф этиш имконияти;
- кўшма корхонадаги ҳамкорлар ёрдамида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконияти.

Кўшма корхоналар ўзаро манфаатдорлик негизида, ҳукumatлараро шартномалар асосида ташкил қилиниб, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошқа вазифаларни ечишга қаратилган. Улар саноат, кишлок хўжалиги, курилиш, транспорт, савдо, фан ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин.

Кўшма корхоналар, асосан, чет эл техникиси ва технологияси асосида барпо этилиб, маҳаллий хом ашё ва иш кучи ҳисобига ишлайди. Корхона ўзининг мустақил балансига эга ва хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритади. Республикаизда АҚШ, Италия, Туркия, Франция, Германия, Англия, Корея, Япония каби қатор давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда кўшма корхоналар, объектлар курилиб, ишга туширилмоқда.

# 68

## Хорижий корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Хорижий корхона деб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, акция (улуш, пай)ларининг ёки устав фондининг 100 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналарга айтилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай ташкилий хукукий шаклларда фаолият кўрсатади.

**Хорижий корхона** — бу юридик шахс, унинг низом капиталида факат хорижий капитал ишлатилади. У хорижий инвестор томонидан бевосита таъсис этилиши ёки республикадаги мулк эгаларидан конвертацияланувчи валютага сотиб олинган мулк асосида ташкил этилиши мумкин.

Хорижий корхона фаолияти даромад олишга йўналтирилган бўлиши керак. Улардан мамлакат корхоналарига белгиланган тартибда солиқ олинади. Солиқ имтиёзлари амалдаги қонунчилик доирасида жорий қилинади. Хорижий корхоналар шу соҳада ваколати бўлган банкларда ҳисоб рақами очиш хукуқига эга. Ҳисоб хорижий ва миллий валютада очилиши мумкин. Миллий валюта хусусийлаштириш мақсадида, хом ашё, товарлар сотиб олиш учун ишлатилади. Аммо, бу маблағ хорижий корхонанинг республика ҳудудидаги хўжалик фаолияти ҳисобига топилган бўлиши керак.

Хорижий инвестицияларга асосланган корхоналарнинг маблағлари, шунингдек, банкларга, сурурта компанияларига, корхоналарга, уларнинг улушки низом капиталини 50% дан ошмаслиги шарти билан кўйилиши мумкин. 1999 йилда Ўзбекистон ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакати вакиллари томонидан ташкил этилган 3500 га яқин корхона рўйхатга олинган.

69

## Консалтинг фирма деганда нимани тушунасиз?

Консалтинг — бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат күрсатиши соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати күрсатиши ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иктиносидий фаолиятдир.

Консалтинг фирмаларининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шериклар танлаш;
- маслаҳатчилик ташкилотларини тараққий топишига ва хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;
- ягона ахборот-сўровнома фондини яратиш ва ягона реклама стратегияси (йўналиши)ни амалга ошириш йўли билан уларнинг аъзолари фаолиятини умум мақсадлар йўлида жамлаш ва ҳоказо.

Консалтинг фирмаларининг кичик бизнес соҳасида кенг тарқалган маслаҳат хизматлари қуидагилардан иборат:

- барча мулк шаклларидаги корхоналарни рўйхатга олиш учун таъсис хужжатларни тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериш;
- маркетинг бўйича изланишлар ўтказиш;
- хусусийлаштириш, акциядорлаштириш дастурлари ни ишлаб чиқиш;
- ташки иктиносидий фаолият бўйича маслаҳат бериш;
- реклама стратегиясини ишлаб чиқиш, реклама материалларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш;
- ҳукуқ, молия, ташкилий бошқариш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- интеллектуал (аклий) мулкни ҳимоя қилиш масаласи бўйича маслаҳатлар бериш;
- хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий топтиришга хизмат қилувчи тадбирларни ўтказиш;

- фирма иш услубини ишлаб чикиш;
- хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, маданияти, атроф-мухитни ҳимоя килиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредит олиш, зарурый ресурсларни ва капиталларни сотиб олиш бўйича ва бошқа маслаҳатлар бериш ва ҳоказо.

Зарурият туғилса, консалтинг фирмалари кичик бизнес корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини оширишни ҳам ташкил этиши мумкин. Консалтинг фирмалари кўпчилик ҳолларда савдо, саноат палатаси, республиканинг миллий ва тижорат банклари билан яқиндан алоқа ўрнатади. Бу эса уларнинг ахборот хизмати бозорини шакллантириш йўлида амалга ошираётган ишлари даражасини орттиради ва кичик бизнес тараққиёти учун сезиларли улуш кўшади.

Кичик бизнесда консалтинг фирмалари тараққий топган маслаҳат хизмати бозорини бунёд этиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётига ёрдам кўрсатади. Чунки бу каби хизматларни алоҳида фирмалар талаб дараҷасида бажара олишмайди.

## 70

### Инжинииринг ва венчур корхоналар қандай ишларни бажаради?

Инжинииринг инглизча *engineering* — инженерлик санъати маъносини беради.

Инжинииринг корхона — мұхандислик-маслаҳат хизматларни тижоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширади. Бундай корхона (фирма):

- ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- маҳсулот сотишни уюштириш;
- ишлаб чиқариш объекtlарини куриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш билан шугулланади.

Экспорт инжинииринг фирмалари бошқа мамлакатларга хизмат кўрсатади, чет элдаги илмий ғоялар ва техник

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

ишланмалар бозорида лицензиялар сотади. Техник янгиликларни хорижда жорий этади, мураккаб ва улкан лойиҳаларни амалга оширади. Инжинииринг билан бирга машина ва ускуналарни экспорт килиб етказиб беради.

Инжинииринг корхонадан инжинииринг хизматлар бозорини фарқлаш лозим. Бу — халқаро бозорнинг бир тури, яъни инжинииринг хизматларининг давлатлараро олди-сотди қилиниши. Инжинииринг хизматлар бозорида асосий ҳаридор ривожланаётган давлатлар бўлса, сотувчилар эса юқсак ривожланган мамлакатлардир.

Венчур корхоналар — бу кичик бизнеснинг бир тури бўлиб, улар:

- илмий мухандислик ишларини бажариш;
- янги техника, технология, товар намуналарини яратиш;
- ишлаб чиқаришни бошкариш;
- тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш каби ишларни амалга оширадилар.

Бу вазифаларни улар давлат ва йирик фирмалар буюртмасига биноан контракт-битимлар асосида бажаришади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида фаоллик кўрсатади ва шу билан фан-техника тараққиётига ўз хиссасини кўшади.

71

### Аудиторлик фирмалари қандай мақсадда тузилади?

Аудитор лотинча *audire* сўзидан келиб чиққан бўлиб, хўжалик фаолиятини текшириш ва таҳлил этишини билдиради. Аудитор фирма корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустакил фирма. Одатда акционер жамият ёки кооператив шаклида фаолият кўрсатади, ўз хизмати учун ҳақ олади.

Аудитор фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, деч кимга қарам бўлмайди. Уз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халкаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қондаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сакланиб, эълон қилинмайди.

Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар деб аталади. Улар вақтбай ишлаб, хизмат ҳаки ишлаган кун ҳисобига қараб тўланади. Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб «Ўзбанкаудит» банкларо акционер жамият иш олиб бормоқда. Бу ташкилот банклар, кредит мусассасалари, суғурта компаниялар, ташкилот ва корхоналарнинг тижорат ва молиявий-хўжалик фаолиятини текширади, мижозлар буюртмаси бўйича экспертизалар ўтказади. Корхоналар аудиторлик хизматидан фойдаланиш натижасида ўзларининг молиявий ахволларидан чукурроқ хабардор бўлишади.

### 72

#### Концерн, консорциум, концессия, кооператив, картел ва синдикатлар тўғрисида нималар дея оласиз?

Бозор иқтисодиёти шароитида ассоциациялар, бирлашмалар жуда хилма хил бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин (13-жадвал):

13-жадвал

#### Бирлашма турлари

T/p	Бирлашма турлари	Изоҳ
1	2	3
1.	Концерн	• Бу ишлаб чиқариш диверсификацияси, яъни корхоналарнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туриши асосида таркиб топадиган йирик кўп тармоқли корпорация. Концерн таркибига

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

13-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<p>саноат, транспорт, савдо, банк каби тармокларга тегишли, айрим ҳолларда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар ихтиёрий асосларда киради. Концерн таркибига кирган корхона ва ташкилотлар орасида ўзаро корпорацияланган турғун алоқалар мавжуд бўлиб, улар концерн ривожи йўлида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• умумий молиявий ресурслардан;</li> <li>• ягона илмий-техник имкониятларидан муштарак фойдаланадилар.</li> </ul> <p>Концерн — бу бошқарув тизимининг бир тури. Ўзбекистонда Курилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзбек Давлат концерни ("Ўзқурилишматериал"), фармацевтика саноати ўзбек Давлат акционерлик концерни ("Ўзфармсаноат"), "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.</p>
2.	<b>Консорциум</b>	<p>Бу:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг мувакқат бирлашмаси;</li> <li>• кўп тарафлама кўшма корхона;</li> <li>• молиявий операцияларни бажариш учун тузилган банклараро ёки саноат корхоналараро битим.</li> </ul> <p>Консорциум аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб кўйилади. Кўйилган вазифани бажариш учун консорциум иштирокчилари бадаллари хисобидан ягона молия ва моддий фонdlар барпо этади, бюджет маблағлари ва давлат банкidan кредитлар олади. Вазифа бажарилгач, консорциум тарқалади. Консорциумларга бошқарув бўйича кўмиталар, директорлар кенгаши кабилар бошчилик қиласи, Консорциумлар авиация, космос, компютерлардлоқа каби юксак технологик ва катта микдордаги сармояли соҳаларда кенг тарқалган.</p>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

13-жадвалнинг давоми

1	2	3
3.	<b>Концессия</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу лотинча сўзидан олинган бўлиб, рухсат, ён бериш маъносини англатади. Миллий иктисадиётни ривожлантириш ёки тиклаш, табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида давлат ёки муниципалитетта карашли:</li> <li>• ер участкалари;</li> <li>• казилма бойликлар;</li> <li>• мол-мулк;</li> <li>• корхоналар ва бошқа хўжалик обьектларини муайян муддатга ва шартлар билан фойдаланиш учун чет эллик инвесторга давлат номидан бериладиган рухсатнома, улар билан тузиладиган шартнома ёки келишув. Концессиячилар фаолиятида вужудга келадиган ҳукукий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг " Концессиялар тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солиниб турилади.</li> </ul> <p style="text-align: center;"><b>Концессиячи</b> — бу концессия шартномаси тузилган чёт эллик инвестор.</p>
4.	<b>Кооператив</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу — кооперациянинг бирдамчи бўгини. Кооперация эса:</li> <li>• меҳнатни ташкил этиш шаклларидан бири, кўпчилик ходимлар бир меҳнат жараёнида ёки ўзаро боғлиқ турли меҳнат жараёнларида ҳамкорликда иштирок этадилар;</li> <li>• гурӯх мулкчилигига асосланган хўжалик юритиш шарти;</li> <li>• маълум бир маҳсулотни ўзаро ҳамкорликда тайёрлаш билан банд бўлган корхоналар ўртасидаги узоқ ва баркарор алоқалар шакли.</li> </ul> <p style="text-align: center;"><b>Кооператив</b> — бу юридик шахс ҳукукига зга бўлган, хўжалик юритувчи субъект. У жамоа мулки ҳукукидаги мулкка эгалик килади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.</p>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

13-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<p>Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кенг тарқалган. У товар етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фукароларнинг ихтиёрий равиша бирлашишига асосланган, юридик шахс хукукларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.</p> <p>Кишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тутгатилиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солиниб турилади.</p>
5.	Дехқон хўжалиги	<p>• Дехқон хўжалиги — бу оиласвий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос килиб қолдириладиган умброд эгалик қилиш учун қила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Дехқон хўжалигидага майда товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан боғлиқ ва хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.</p> <p>Дехқон майда товар хўжалиги ўз фаолиятида доимий асосдаги ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мумкин эмас. Дехқон хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, ҳайта ташкил этилиши ва тутгатилиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солиниб турилади.</p>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

13-жадвалнинг давоми

1	2	3
6.	<b>Фермер хўжалиги</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фермер хўжалиги — бу ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқаришини юритувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳукуқларига эга мустакил хўжалик юритувчи субъектиди.</li> <li>Фермер хўжалигининг бошлангич унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, асрарни болалари, ота-оналари, бошка кариндошлари ҳамда меҳнат ёшига етган, фермер хўжалигини бирга юритаётган, меҳнат фаолияти жойи бўлган бошка шахслар фермер хўжалиги аъзолари ҳисобланади. Меҳнат шартномаси асосида ишлатган шахслар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди.</li> <li>Фермер хўжалиги танлов асосида кўпроқ меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва худудларда, қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади:</li> <li>• чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва молга бўлган тақдирда ташкил этилади;</li> <li>• фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги сугориладиган ерларда камида 0,3 гектар;</li> <li>• Қорақалпогистон Республикаси ва бошка вилоятлардаги сугориладиган ерларда 0,45 гектар, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.</li> </ul> <p>→ Денгончлилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галлачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошка экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.</p>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

13-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<p>→ Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (5 йил учун ўргача йиллик ҳосил хисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини тъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб кўйилади.</p> <p>→ Фермер хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тутатилиши билан боғлик муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солиниб турилади.</p>
7.	<b>Картел</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу — монополистик бирлашма шакли. Бир тармоқдаги мустақил корхоналар нархлар, бозор, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ҳар бир иштирокчининг хиссаси, иш кучи ёллаш, патентлар ва бошқа масалаларда ўзаро битим тузилади. Бу тузилманинг максади монопол фойда олишишdir.</li> </ul>
8.	<b>Синдикат</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу — монополистик бирлашманинг бир тури. Улар бир тармоқ корхоналари хукукий ва ишлаб чиқариш мустақилигини сақлаб қолган ҳолда:</li> <li>• буортмаларни тақсимлаш;</li> <li>• хом ашё сотиб олиш;</li> <li>• ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб, ягона идора тузадилар.</li> </ul>
9.	<b>Ижара корхона</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу мол-мулкни ёллаш бўйича мулк эгаси билан тадбиркор ўртасидаги иктисолий муносабат.</li> <li>→ Ижара шартномасига асосан бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижаракчи) маълум, тўлов эвазига ва маълум шартга кўра мол-мулкини вақтинча фойдаланиш учун беради.</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

13-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<p>→ Ижара ҳақи мулк эгаси мол-мulkининг кийматига ва келтирадиган даромадга боғлиқ бўлиб, ўзаро келишув билан белгиланади.</p> <p>→ Ер, уй-жой, савдо-саноат бинолари, саноат ва савдо корхоналари, машина ва ускуналарни ижарага бериш ва олиш жаҳондаги кўпгина мамлакатлар учун хос.</p> <p>→ 80-йилларнинг охирларига келиб республикамиз қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• жамоа;</li><li>• оила;</li><li>• якка тартибда ижара пудрати шаклида ривожлана бошлади.</li></ul> <p>→ Бугунги кунда саноат ва бошқа соҳаларда ижара корхоналари пайдо бўла бошлади ва мулкни давлат тасаруфидан чиқаришнинг бир кўриниши бўлиб, ижара муддати даврида корхона жамоаси шу корхона мулкининг эгаси бўлиб қолади.</p>

# IV БОБ

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

### 4.1. Тадбиркорлик шароитлари

- 73 Тадбиркорлик фаолияти учун қандай шароитлар бўлиши лозим? 129
- 74 Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз? У тадбиркорлик учун омил вазифасини бажароладими? 130
- 75 Тадбиркорлик мухитини яратишда рақобат қандай рол ўйнайди? 132
- 76 Сиёсий ва хукуқий мухит тўғрисида нималар дея оласиз? 134
- 77 Худудий омиллар деганда нимани тушунасиз? 135
- 78 Эркин иқтисодий зоналарнинг қандай турларини биласиз? 136


## 4.2. Тадбиркорлик омиллари

- 
- |           |  |     |
|-----------|--|-----|
| <b>79</b> | Тадбиркорлик омилларига нималар киради?  | 137 |
| <b>80</b> | Нима учун тадбиркорлик субъекти ва объекти тадбиркорлик фаолиятида бош омиллардан ҳисобланади? | 138 |
| <b>81</b> | Тадбиркорлик омиллари таркибидә капитал қандай ўринга эга?                                     | 140 |
| <b>82</b> | Корхонанинг активлари деганда нимани тушунасиз?  | 142 |
| <b>83</b> | Шахсий инсоний омил тадбиркорлик фаолиятида қандай рол ўйнайди?                                | 143 |
| <b>84</b> | Тадбиркор ишчи кучи омиллига бўлган талабни қандай аниклайди?                                  | 144 |
| <b>85</b> | Тадбиркорлик фаолиятида қандай касб згалари бўлиши керак?                                      | 147 |
| <b>86</b> | Технология тадбиркорлик омили сифатида нималарда ўз аксини топади?                             | 152 |
| <b>87</b> | Тадбиркорлик ғояси нима? У омил вазифасини бажара оладими?                                     | 153 |
-

**73**

## Тадбиркорлик фаолияти учун қандай шароитлар бўлиши лозим?

Тадбиркорликнинг маданийлашган тарзда шаклланиши ва шу асосда тараккий этиши учун қўйидаги шарт-шароитлар талаб этилади (9-чизма):



9-чизма. Тадбиркорлик омиллари.

Тадбиркорлик шароитлари деганда, энг аввло, иқтисодий фаолиятдаги эркинликни тушунамиз. Эркинлик бор жойда бунёдкорлик, ижодкорлик завки жўш уради. Кўнгилнинг хотиржамлиги, хавотир ва тазииклардан холи бўлиш янгидан янги имкониятларни ишга солади. Шу ўринда турили шароитларда бокилган кўйлар устидан ўтказилган ўзига хос тажриба ҳакидаги ҳикоя фикримизни тасдиқлайди. Айтишларича, бир кўйнинг охурига мўл-кўл емиш кўйишибди-ю, лекин жоноворнинг ёнгинасидағи кафасда тишларини фижирлатиб бўри турармиш. Бошқа бир жойда эса кўйга етар-етмас озука беришибдию, аммо уни эркин саклашибди. Охури емга тўла кўй кун сайин озиб, ночор ҳолатга тушибди, иккинчиси эса борган сари дуркун, соёлом ўсиб семириб бораверибди.

Маъмурий таъсирдан холилик, буйруқ ва мажбурийликнинг тубдан йўқ килиниши туфайли тадбиркорликка йўл очиш мумкин. Тадбиркорликда нима ишлаб чиқариш, қанча ва қандай ишлаб чиқариш, товарни қаерда ва қайси баҳода сотиш эркин ҳолда бозор таъсири остида ҳал килиниши керак. Тадбиркор бозордаги талаб ва таклиф таъсири, уларнинг мувозанати талаби асосида харакат килади. Баҳо эса эркин шаклланиб, талаб ва таклиф мувозанати таъсирида юзага келади. У доимо ўзгарувчан бўлади. Тадбиркор тармоқ танлови, фаолияти соҳаси танловида тўла эркин бўлмоги зарур. Ўз капиталини қаерда, қандай, нима учун ишлатишни тўла мустакиллик билан ҳал килади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида:

Тадбиркор факат бозор учун ишлаб, талаб ва таклиф, эркин баҳо таъсирида бўлиши лозим.

Аммо ишлаб чиқарувчига, тадбиркорга реал фойда бермайдиган ортиқча эркинлик керак эмас. Инчинун, берилиши зарур бўлган эркинлик (масалан, баъзи зарур имтиёз ва енгилликлар) ўз вактида амалга ошмай, бўлар-бўлмас сабаблар рўйчиликни килиниб, расмиятчилик ва бошқа бюрократик тўсиклар охир-оқибатда ислоҳотлар жараённига, хусусан тадбиркорлик фаолиятига путур етказади.

**74**

**Иқтисодиётни эркинлаштириш  
деганда нимани тушунасиз?**

**У тадбиркорлик учун омил  
вазифасини бажароладими?**

Бозор иқтисодиёти, энг аввало, эркин иқтисодиётдир. Маъмурий, тоталитар марказлашган режали иқтисодиётга қарама-карши ўлароқ, эркин иқтисодиётнинг пойdevори мустаҳкам ишлаб чиқариш соҳасида рўй берадиган барча жараёнлар, яъни:

- ишлаб чиқариш;
- тақсимот;

→ айирбошлаш;  
→ истеъмол либералаштирилади. Бунда:

- монополлашган иқтисодиётдан эркин иқтисодиётга;
- социалистик мусобақадан эркин ракобатта;
- қатъий белгиланган нархлардан эркин нархларга;
- давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчиликка

таянган иқтисодиётга ўтилиб, демократик иқтисодиёт шаклланади.

Иқтисодиётнинг эркин тараккиёти, энг авалло, кўп шаклли мулкчилик ва рақобат шароитларининг яратилишида ифодаланади. Ўтиш даврида иқтисодий асоснинг негизини давлат мулкини хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ташкил этади. Тадбиркорликнинг шаклланиши ва унинг тақдиди шу жараёнга, унинг услубига, суръатига, ҳажмига ўхшаган муҳим томонларига боғлиkdir. Шунинг учун ҳам мулкнинг хусусийлашуви, унинг якка шакллилиги хукмронлигига барҳам бериш тадбиркорлик ривожининг асосидир.

Маълумки, мулкни хусусийлаштириш жараёни араш иқтисодиётни юзага келтириш билан тадбиркорликка йўл очади. Хусусий тадбиркорлик, биринчи навбатда, оз ҳажмли капитал талаб этадиган, тез фойда келтирадиган тармоқларда ривожланади. Бу эса майда корхоналарнинг авж олиши, бандлик ва ҳалқ истеъмоли муаммоларини ҳал килишда жуда кўл келади.

Нодавлат секторининг бирламчи асосини ташкил этувчи савдо-тижорий, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштиришнинг афзаллигини тезда исботлаб берди. Яъни, дўкон пештахталари тўрли-туман товарлар билан тўлди, умумий овқатланиш корхоналаридан хизмат кўрсатиш даражаси ошди, савдо шахобчалари, қаҳвахоналар ва кафелар ўзларининг турли-туманлиги ва гўзаллиги билан одамлар кўз ўнгидаги қайта жонланди. Мана шу мисоллар ахолида хўжалик юритишнинг янги шакллари истиқболли эканлигига ишонч турдирди.

Юқоридаги фикрлардан республикмизда хусусийлаштириш жараёни кўнгилдагидек кетаяпти, ҳакиқий мулкдорлар синфи шаклланган, деган фикр түғилмаслиги керак. Боз устига Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувоффиклаштирувчи кенгаш мажлисисда мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнинг хорижий инвестицияларни жалб килиш коникарсиз, деб топилди. Хусусийлаштириш ҳамда акциялар сотилиши жадаллаштирилишини таъминловчи пухта ишловчи механизмнинг йўклиги таъкидланди. Ушбу жараёндан ўзларининг ғаразли мақсадларида даромад ва дивидендлар олишга интидувчи коррупция ҳоллари учраётганлиги хусусида фикр билдирилди.

75

### Тадбиркорлик мұхитини яратишида рақобат қандай рол ўйнайди?

Мулкни хусусийлаштириш, айни пайтда тадбиркорлик учун зарур бўлган рақобат шароитларини яратиб беради. Тадбиркор учун хўжалик юритиши рақобат курашини олиб бориш деган гап. Шу сабабли бозор иктисадиёти шароитида ўзаро эркин рақобат мұхим аҳамият касб этади. Рақобат бўлмас экан, иктисадий ўсиш ҳам бўлмайди. Иктисадиётни эркинлаштириш ҳам соғлом рақобат мұхитини яратиши билан боғлиқдир. Рақобатсиз бозор иктисадиётини тасаввур этиш мумкин эмас. «Барча соҳалардаги рақобат эса бозорнинг энг асосий қонуни», деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида.

Рақобат — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг ўргасида төвар (хизмат)ларни қурай шаронгда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш ва шу йўсинда мусобақада голиб чиқиш жараёни кечади.

Ишлаб чиқариш ёки муайян турдаги хизмат амалга оширилар экан, демак, рақобат курашига эътибор бериш зарур, яъни:

- талабга, ижтимоий истеъмолга тўғри келмайдиган ва бозор томонидан сикиб чиқарилаётган товарни (хизматни) эътиборга олмаслик ва шу асосда ишни ташкил этмасликнинг иложи йўқ.

Ҳар бир товар бўйича агарда кўп микдорли ишлаб чиқарувчилар бўлмаса, рақобат ҳам бўлмаслиги мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг: маҳсулот факат бир жойда сотилса қандай холда бўлади-ю, ўн ерда турса нима бўлади? Истеъмолчида танлаш имконияти бўлганда нарх ҳам, сифат ҳам рақобат майдонига чиқади. Фарбагиларнинг фикрича, рақобат шароити бўлиши учун одатда камида 8-15, лекин 4-5 дан кам бўлмаган микдорда бир хил товар ишлаб чиқарувчилар бўлиши талаб этилади.

Ушбу масала бозор иқтисодиётида ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим муаммо десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки 70 йил мобайнида иқтисодиётимиизда оддий минерал сув ишлаб чиқаришдан тортиб, то тракторгача монополлашган эди. Турли мулк шаклларига асосланган корхоналар ўртасида маҳсулотнинг маълум бир турини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, давлат монополияси мавқенини кескин тушириш учун жиддий тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Гарчи, қисқа вақт ичida мулкчиликнинг ҳар хил тури вужудга келган бўлса-да, ҳали улар ўртасида ҳакиқий рақобат шакллангани йўқ. Айнинса, кичик, ўрга ва хусусий тадбиркорлик мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган корхоналар билан тенг рақобатлаша олмаётиди. Масалан, кичик ва ўрта корхоналар жами юридик шахсларнинг 88 фоизини ташкил этган бир пайтда, уларнинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши атиги 4,9 фоизга тенг бўлмокда. Иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнеснинг муҳим ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида яқин 2-3 йил ичida уларнинг сонини 2 баравар ошириш, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушкини 25 фоизга етказиш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро эркин рақобат тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқади. Рақобат шундай омилки, у.

- ишлаб чиқарувчиларни новацияга, янги техника ва технологияни жорий қилишга ундаиди;
- иш билан банд бўлган ҳар бир фуқаронинг масъулитини, уларнинг меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширади;
- қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатади;
- арzonлаштиришда катта рол ўйнайди.

Хуллас, рақобат ҳар қандай иқтисодиётни танглиқдан олиб чиқишга қодир локомотив, маҳсулот сифатига кафолат берувчи, тадбиркорликни ривожлантиришга, халқ фаронлигини оширишга хизмат килувчи воситадир.

## 76

### Сиёсий ва хукуқий муҳит тўғрисида нималар дея оласиз?

Бозор иқтисодиёти шароитида сиёсий вазият тадбиркорликка кулагилик яратиши, яъни барқарорлик, демократик ривожланиши шароитларини таъминлаши зарур. Бу ерда гап, энг аввало, тадбиркорликнинг:

- эркин фаолияти;
- жамият ва жамият аъзолари билан бўлган эркин муносабати;
- тижорий эркинлиги;
- фаолият соҳаси танлови эркинлиги;
- даромад ошишининг чегараланмаслиги;
- ресурслардан фойдаланиш, ишчи кучини ёллаш эркинлиги;
- мулк ва сармоялар ҳажмининг чегараланмаслиқдаги эркинликларни таъминлаш тўғрисида боряпти.

Чунки бу эркинликлар тадбиркор иқтисодий фаолиятининг негизини белгилайди.

Тадбиркор бўлиш учун хукуқий муҳит ўта зарур. Тадбиркор учун, энг авалло, тадбиркорлик кафолати керак. Агар тадбиркорлик учун ишонч бўлмаса, конунан химоя этилмаса, қандай килиб у фаолият кўрсатади, тижорат билан шуғулланади ва бозорни тўйинтира олади? Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш қанчалик хукуқий муҳитга

жавобгар бўлса, тадбиркор ҳам шунча хукукий ва қонуний химояга муҳтож. «Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни ва тадбиркорликка оид бошка қонунлар (4-жадвалга каранг) бу борада ўта аҳамиятли бўлиб, улар тадбиркорлик фаолияти учун йўл очадиган хукукий мажмуадир. Мавжуд қонунлар тадбиркор фаолиятининг миқёси, ҳажми, чегараси ва шахсий хукукларини ҳамда унинг қандай харакатда бўлишини белгилаб бериши зарур. Шунда тадбиркор қонун асосида эркин иш тутиб, маъмурят ва шахсларга боғлик бўлмасдан факат қонун олдида жавобгарликни сезган ҳолда иш тутади. Демак, қонун тадбиркор учун фаолият асосини белгилаб беради.

Шу сабабли, энг муҳими тадбиркорлик учун хукукий муҳит яратишdir.

77

### Худудий омиллар деганда нимани тушунасиз?

Тадбиркорлик учун ягона харакат майдонининг мавжудлиги, ягона пул бирлиги аҳамиятлидир. Мамлакатлар аро иқтисодий майдонда эркин иш тутиш, иқтисодий битимлар тузиб иш кўриш мумкин. Бу бир давлат худуди билан чегараланмайди. Шу иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шароит, яъни:

- божхона;
- валюта;
- солик;
- виза;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқалар бўйича маҳаллий ҳамда чет эллик тадбиркорларга, инвесторларга берилган имтиёзлар киради.

Эркин савдо зонаси — бу маълум бир худудларни иқтисодий ўз ичига олган, бож тўловларидан озод килинган савдо зоналаридир.

**78**

## Эркин иқтисодий зоналарниң қандай турларини биласиз?

Маълумки, эркин иқтисодий зоналар — бу қўшма соҳибкорлик зоналари, хориж капиталининг эркин амал килиши учун ажратилган маҳсус ҳудуд. Бу зоналар мамлакатлар ҳудудида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турлари бўйича чет эл фирмалари ташаббусини фаоллаштиришга қаратилган. Эркин иқтисодий зоналар иқтисодий ўсишни таъминлаш, социал ва экологик муаммоларни ечиш учун ташкил этилади. Эркин иқтисодий зоналарда бож пули олинмайди ёки жуда оз микдорда белгиланади, экспорт-импорт устидан назорат бекор килинади. Эркин иқтисодий зоналар ўз фаолият йўналишига караб, қуйидаги турларга бўлинади:

- банк ва сугурта зоналари;
- технологик зоналар.

Эркин банк ва сугурта зоналари билан банк муаммолари ва сугурта ишлари учун имтиёз ва капиталнинг кириб келишига қулай шароит яратилади.

Эркин технологик зоналарда янги техника ва технологияни киритиш учун имтиёзлардан хорижий, шунингдек, миллий корхоналар ва ҳар хил ташкилотлар ҳам фойдаланади. Комплекс характердаги алоҳида иқтисодий зоналардан савдо, саноат, технология ишлари учун қулийликлар барпо этилади.

Технология тадбиркорга нимагадир эришиш, янгиликни синааб кўриш, ўз ўрнини топиш ва ўз мустақиллигига эга бўлиш сингари майллар ҳаракатга келтириб турадиган шахс сифатида карайди. У факат ўз бойлигинигина эмас, миллий бойликни ҳам кўпайтиради, ишлаб чиқариш омилларини яхшироқ ишга солиш ва бирлаштириш усусларини излаб топади, янги иш жойларини вужудга келтиради, янгиликларни амалга оширади.

**79**

## Тадбиркорлик омилларига нималар киради?

Тадбиркорлик фаолиятининг ўта муҳим жиҳати — бу ишлаб чиқаришдир. Бу жараёнда иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Маълумки, ишлаб чиқариш юз берини учун унинг омиллари харакатта келиши шарт. Иқтисодий назарияда бу омиллар турлича талқин этилади. Француз иқтисодчиси Ж. Сей ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясини асослаб, уларга ер, капитал ва ишчи кучини кирийтган, уларнинг ўзаро таъсирида ишлаб чиқариш содир бўлишини қайд этган.

Хозирги Farb мамлакатларида йирик иқтисодчилар иқтисодий ресурс тушунчасини олға суриб, уларга ер, капитал, меҳнат ва ниҳоят тадбиркорлик қобилиятини киритадилар<sup>1</sup>. Демак, тўртингчи омил ҳам мавжуд деб ҳисоблашади (10-чизма).



10-чизма. Ишлаб чиқариш омиллари.

Ер ва капитал ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омили бўлиб, ўз таркибига:

- табиий ресурслар, улардан олинган хом ашёлар;
- машина-механизм;
- асбоб-ускуна;
- курилма иншоотлари киради.

<sup>1</sup> Кемпбелл Р., Макконнелл, Стенли Л. Бро Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Т.1. М., «Республика», 1992, стр 37.

Улар ишлаб чиқариш воситалари ёки ишлаб чиқариш фондлари деб ҳам юритилади. Моддий омил таркибан уч кисмдан иборат (11-чизма).



11-чизма. Ишлаб чиқаришнинг моддий-сиёсий омиллари.

Моддий ашёвий омил билан шахсий-инсоний омил — ишли кучи бирикиб, меҳнат жараёни, яъни ишлаб чиқариш юзага келади. Бунинг натижасида турли-туман маҳсулотлар ва хизматлар яратилади.

**80**

Нима учун тадбиркорлик субъекти ва объекти тадбиркорлик фаолиятида бош омиллардан ҳисобланади?

Тадбиркорлик субъекти ва объекти тадбиркорлик фаолиятига бевосита таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Субъект сўзи лотинчадан олинган бўлиб эга, объект эса предмет, нарса маъносини англатади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида субъект деганда:

- акл-заковат ва ирода эгаси, борликни билишга ва ўзгартиришга қодир, фаоллик билан ҳаракат қила-диган шахс ёки ижтимоий гурухни;

объект деганда эса:

- киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган, киши билишга интилган (масалан, илмий текшириш объекти) ва ўз фаолиятини шунга қаратган (масалан, курилиш объекти) предмет, ходиса тушунилади.

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Тадбиркорлик тўғрисидаги Конунга мувофиқ, Ўзбекистонда кўйидагилар тадбиркорлик субъектлари бўла олади:

- акли-хуши расо бўлиб, ўз иши юзасидан қонун олдига жавоб берга оладиган ҳар бир фуқаро;
- фуқаролар (шериклар) гурухи, жумладан, давлатта, кооперативга қаражали ва бошқа турдаги корхонажамоа тадбиркорлиги;
- чет эл фуқароси ёки юридик шахси, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- аралаш мулк субъектлари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлишлари мумкин эмас<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари турлича бўлиши мумкин. Унда, аввало, аксарият кўпчиликни ташкил этувчи хусусий шахслар ёки якка шахслар бўлиб, улар кичик ва ўрта корхоналар очиб фаолият кўрсатадилар ва ўз шахсий меҳнатларига асосланадилар.

Жамоа тадбиркорлиги ҳиссадорлик жамиятлари асосида ташкил қилиниши мумкин. Ижара жамоалари ер ва корхонани ижарага олиб, фаолият кўрсатади. Кооператив эса сармояларни бирлаштириб, бирга иш тугади. Давлат корхоналари бизнес асосида фаолият кўрсатса, тадбиркорлик субъекти бўла олади. Бизнес қоидалари, тартиби, назорати билан шуғулланувчи давлат органлари ва ундаги меҳнат жамоалари тадбиркорлик субъектлари бўла олмайди.

Тадбиркорлик обьекти, энг аввало, кўйидаги фаолиятлар кўринишида намоён бўлади:

<sup>1</sup> Каранг: «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 29 апрел.

- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятидаги тадбиркорлик;
- воситачилик соҳасидаги тадбиркорлик;
- молиявий соҳадаги тадбиркорлик.

Хозирги кунда республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг 88,8 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Уларда ялпи ички маҳсулотнинг 64,5 фоизи ишлаб чиқарилало. Мехнатта лаёқатли аҳолининг 74,2 фоизи ишламокда.


## 81

### Тадбиркорлик омиллари таркибида капитал қандай ўринга эга?

Тадбиркор учун иккичи муҳим омил капиталдир, яъни у сармоядор бўлмаса, ўзи мустакил ўз фаолиятини ташкил эта олмайди. Капиталсиз иш юритувчи тадбиркор ҳар қандай шароитда ҳам қарам ва ижараби, аникроғи ярим мустакил бўлиб қолади.

Капитал — бу ўз эгасига даромад келтирувчи маблағ ва ресурс. Янги киймат келтирадиган, яъни ўзини-ўзи кўпайтирувчи энг муҳим, асосий, бош омил.

Тадбиркорлик капитали ўз манбаи билан уч хил бўлиши мумкин: хусусий, қарз-кредит ва йифма, кўшма капиталлар (12-чизма).



12-чизма. Тадбиркор капитали манбалари.

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Хусусий капитал — тадбиркорнинг энг муҳим ва ҳал килувчи аҳамиятта эга бўлган сармоясидир. Ҳар бир тадбиркор иш бошлиши учун, аввало маълум микдордаги зарур, эркин ишлатиш имконини берадиган пул маблағига эга бўлиши шарт. Бусиз унинг хўжалик юритиш жавобгарлиги, ҳакиқий ва бозор шароитида иш юритувчи тадбиркор-соҳибкор даражасида бўлмайди.

Тадбиркорнинг хусусий капитали у оладиган фойда, амалга оширадиган амортизация ажратмалари эвазига шаклланади.

Шахсий капитали етарли даражада бўлмаган тадбиркор қарз олиб, уни тўлдиради ва кичик бўлса ҳам корхона очиб иш бошлайди. Аммо факат қарз ҳисобига иш бошлашни мўлжаллаш реал нарса эмас. Шуни ёдда тутиш керакки, қарз қуруқ ваъдага ёки илтимосга берилмайди. Ишлаб чиқариш воситалари ҳам изярага берилмайди. Қарз олиш учун унинг ўрнини қоплайдигин моддий асос бўлмоғи лозим.

Тадбиркорнинг ишлатадиган капитали таркибида қарз катта ўрин эгаллайди ва одатда унинг хиссаси хусусий капиталдан юқори бўлади. Бу, айниқса, айланма сармоя ва инвестицияга таалуклидир. Ишонч ҳосил қилинса, қарз олиш қийин эмас, чунки кредит катта даромад келтиради ва бундан, аввало, қарз берувчи манфаатдор бўлади. Унинг қарз учун бериладиган пули қанча тез ҳаракатда бўлса ва хажми катта бўлса, даромади ҳам шунчалик ортиб боради.

Тадбиркорнинг қарз-кредит капитали банк, бюджет, бошқа корхоналардан олинадиган кредитлар, чиқариладиган облигациялар эвазига шаклланади.

Кўшма капитал — бу четдан жалб этилган ресурслар бўлиб, у асосан акцияларни сотиш, пай ва кириш бадалларини тўплаш, корхоналарни бирлаштириш натижасида активларнинг кўпайиши эвазига шаклланади. Бу асосан, кооператив корхоналар, яъни ширкат, кооператив ҳамда хисседорлик корхоналарига таалуклидир. Чунки булар ўз сармояларини бирлаштирган ҳолда кўшма капитал пайдо килиб, биргаликда иш кўради.

Бу капитал хилининг шакллари кўп ва микдоран асосан майда ва ўрга капиталлар ташкил этса, акцияли капиталлар, корпорация капиталлари жуда йирик бўлиши мумкин. Якка-якка ҳолда бу сармояллар мустақил иш бошлаш имконини бермаса, йифилганда ва бирга қўшилганда зарурый капитал микдори юзага келиб, капитал мухтожлиги муаммосини ҳал қилиб боради.


### 82

### Корхонанинг активлари деганда нимани тушунасиз?

Тадбиркорлик омиллари орасида корхонанинг асосий активлари муҳим ўринни эгаллади. Улар инсон билан меҳнат предметлари ўртасида туради. Меҳнат ҳеч қачон беш бармокнинг ўзи билан бажарилмаган.

**Корхонанинг активлари** — бу корхонада ишлаб чиқариш фондлари шаклида банд бўлган капиталлар.


Бу капитал икки катта гурухга бўлинади (13-чизма).



13-чизма. Корхонанинг активлари.

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Бу фондлар ишлаб чиқариш жараёнида доимий айланишда бўлади.



Бу жараён доимий такрорланиб туради.

Тадбиркорлик фаолиятида 1992 йилдан бошлаб куйидаги янги турдаги номоддий активлар хисобга олина бошланди:

- кашфиётчилик патентлари;
- патентдан фойдаланишга устувор хукуқ берувчи лицензиялар;
- савдо маркаси;
- ноу-хау, кашфиёт сифатида патентлаштирилмаган, самара келтириши кафолатланган, тадбиркор томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш бўйича ўйлаб топилган ҳамда жамоатчиликдан сир сакланяётган янгилик;
- фаолиятга хос турли хукуқлар: ижара хукуки, солиқ имтиёзлари хукуки, табиий бойликлардан фойдаланиш хукуки ва бошқалар.

**83**

### Шахсий инсоний омил тадбиркорлик фаолиятида қандай рол ўйнайди?

Инсон омили деганда ишчи кучини, унинг амал қилиш натижаси бўлган меҳнат тушунилади. Иш кучи — бу инсоннинг меҳнат қилишга қаратилган жисмоний ва аклий қобилияти, билим савияси, малака ва маҳоратидир. Маз-

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

кур аҳоли Ўзбекистонда 1999 йилда 11,8 миллион киши эди. Бу омил инсоний қобилият бўлгани сабабли киши шахси билан биргаликда, ундан ажралмаган ҳолда намоён бўлади ва одамзот шахсида гавдаланади.

Жамиятдаги меҳнатта қобилиятли кишилар унинг ресурсларини ташкил этади. Унинг таркибига меҳнат (16-60) ёшидаги кишилар киради. Иш кучини фақат жисмоний куч билан чеклаб бўлмайди. Иш кучи сохиблари билим, малака, маҳорат ва иш тажрибасининг ҳам сохиблари бўладилар. Шундагина улар маҳсулот ва хизматларни яратувчи куч бўла оладилар.

Иш кучининг микдорий ва сифатий ўлчами бор. Микдоран олганда — бу ишлаш қобилиятига эга ва ишлай оладиган кишиларнинг сони. Сифат жиҳатдан — бу ишловчиларнинг малака маҳорати, билими-тажрибасидир. Тадбиркорнинг нечоэлик ноз-неъматлар яратса олиши мана шу икки жиҳатта боғлиқ. Иш кучи шундайки, уни инсондан ажратиб бўлмайди. У моддий шаклга ҳам эга эмас, яъни инсоннинг ўзидағи қобилият. Шу сабабли уни ишлаб чиқаришининг инсон омили деб ҳам аташади.

Иш кучи тадбиркорлик фаолиятида бирламчи омил бўлиб хисобланади. Чунки инсон меҳнатисиз, унинг ижодисиз энг мукаммал машиналар бўлганда ҳам, тирикчилик буюмларини яратиб бўлмайди.

Ишчи кучи, унинг меҳнати муҳим ресурс бўлиб, ишлаб чиқаришга килинадиган сарф-харажатларнинг деярли 3/4 кисми шу ресурсга тўғри келади.

Шу сабабли тадбиркорлар учун корхонада ишчи кучининг сони ва сифати ўта муҳим аҳамият касб этади.

**84**


**Тадбиркор ишчи кучи омилига бўлган талабни қандай аниқлайди?**

Бозор ва рақобат шароитида тадбиркорлар ишчи кучидан шундай микдорда фойдаланадиларки, бунда меҳнат-


нинг юқори маҳсул реал иш ҳақи билан тенг бўлиши ёки иш ҳақи ҳажмининг пулдаги ифодаси меҳнатнинг юқори маҳсул кийматига тенг бўлиши керак.

Агар реал иш ҳақи ҳажми ошса, тадбиркор ишчи кучига бўлган талабини қискартиради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса ишчи кучига бўлган талаб ортади. Бу ерда тадбиркор шу йўл билан даромаднинг камайишини мувозанатлаштиради.

Макро кўламдаги талаб ва таклиф назарияси асосида меҳнатга бўлган талаб ва таклиф назарияси асосида талаб ва таклифнинг эгри чизиқлари қўйидаги кўринишларга эга бўлади (14-15-чизмалар):



14-чизма. Мехнат бозоридаги талаб эгри чизиги.



15-чизма. Мехнат бозоридаги таклиф эгри чизиги.

Бу ерда,

$L$  — талаб килинадиган меҳнатнинг миқдори;

$\frac{W}{P}$  — реал иш ҳақи миқдори;


$L_d$  — меҳнатга бўлган талабнинг эгри чизиги;

$L_s$  — меҳнат таклифининг эгри чизиги.

14-чизмадан кўриниб турибдики, эгри чизиқнинг салбий томонига оғиши тенденцияси мавжуд реал иш ҳақини қискартириш натижасида меҳнатга бўлган талаб ошмоқда ва аксинча реал иш ҳақи ошса, меҳнатга бўлган талаб камаяди.

Энди меҳнатнинг таклиф функциясига келсак, бу ерда индивид ўзининг самарали хизматини таклиф қилади. Индивид ўз хизматини иш ҳақининг пулдаги ифодасидан келиб чиқиб эмас, балки иш ҳақининг ўлчовларидан келиб чиқиб таклиф қилади. Буни биз 15-чизмадан кўришимиз мумкин.

Бу ерда таклиф эгри чизигининг оғиши қонуний тенденциядир. Кўриниб трибдик, агар реал иш ҳақи катта бўлса, унга мос равишда меҳнатнинг таклифи ҳам юқоридир, агар кичик бўлса, пастроқ бўлади. Талаб ва таклиф эгри чизикларини умумлаштириб графикда ифодаласак, куйидаги графикка эга бўламиз (16-чизма):



16-чизма. Мехнат бозоридаги талаб ва таклиф эгри чизиклари ва уларнинг мувозанати ( $E$ ).

Графикдан кўриниб турибдик,  $\frac{W}{P}$   $E$  га тенг бўлган иш ҳақи доирадасида меҳнат бозорида мувозанат вужудга келади. Бунинг маъноси шуки, агар иш ҳақининг шу даражасида ким иш излёттан бўлса, у иш билан таъминланади, иккинчи томондан, барча тадбиркорлар ўзларига керак бўлган ишчи кучи миқдорини топиш имкониятига эга бўладилар.

Маълум вактдаги мувозанат нуқтаси ( $E$ ) тўла иш билан бандлилик ҳолати деб аталади, чунки бу ҳолатда ўзларига иш излаб тополмаганлар бўлмайди, яъни бозор икти-содиёти, ракобат шароитида ҳамманинг иш билан таъмин-

ланиши мумкин бўлади. Реал иш ҳақининг бошқача қийматида меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатиб бўлмайди.

Аникроқ қилиб айтганда:

1) агар иш ҳаки мувозанат нуктаси ( $E$ ) дан юқори бўлса, масалан  $\left(\frac{W}{P}\right)$  нуктада меҳнатнинг таклифи  $A_1B_1$  катталиқдаги талабдан ошиб кетади, яъни:

$$L_4 > L_1$$

2) агар иш ҳаки мувозанат нуктаси ( $E$ ) дан паст бўлса, масалан  $\left(\frac{W}{P}\right)$  нуктада меҳнатга бўлган талаб  $A_1B_1$  катталиқдағи таклифдан ошиб кетади, яъни:  $L_5 > L_1$

Биринчи ҳолатда (1) ишсизлик вужудга келса, иккинчи ҳолатда (2) эса иш жойлари бўшаб қолади. Иш билан бандлилиқ классик назариясининг асосий тамойили шундан иборатки, рақобат шароитида бу икки ҳолатда баркарор бўла олмайди. Бозор муносабатлари ҳар доим меҳнат бозоридаги «талаб» ва «таклиф» ўргасидаги мувозанатни ўрнатишга ва ишчи кучининг тўла бандлигига эришишга ҳаракат қиласди.

### 85

### Тадбиркорлик фаолиятида қандай касб эгалари бўлиши керак?

«Касб эгалари» тушунчаси умумий бўлиб, мазкур корхона ва ташкилотнинг барча ёлланган ходимлари сонини камраб олади, улар мутлақо аниқ вазифаларни бажаришади. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан жорий килинган ҳисоботларда корхоналарнинг барча ходимлари ишлаб чиқариш жараёнида бажариладиган вазифалар бўйича куйидаги тоифаларга бўлинади:

- ишчилар (асосий ва ёрдамчи);
- муҳандис-техник ходимлар (МТХ);
- хизматчилар;
- кичик хизмат кўрсатувчи персонал (КХКП);

- шогирдлар;
- қоровул (соқчи)лар.

Бозор иқтисодиёти корхонада банд бўлган ходимларнинг янада ихтисосланишини, янги-янги касб эгаларининг фаолият кўрсатишини талаб этади. Шу жиҳатдан Америка бизнесидаги касбларни кўриб чиқиш тадбиркорларимизнинг келажак фаолияти учун фойдалдан холи бўлмайди (14-жадвал).

14-жадвал

**Америка бизнесидаги касблар**

Т/р	Касблар	Вазифалари	
		1	2
1.	Менежерлар	• Улар корхонанинг асосий функцияларини режалаштирадилар, ташкиллаштирадилар, бошқарадилар ва бажарилишини назорат қилиб боришиди. Кўпгина тармокларда улар жами ишловчиларнинг 8 фоизини ташкил этади.	
2.	Иқтисодчилар	• Улар хизмат ва товарлар ишлаб чиқариш соҳасини, ҳаракатланиши, тарқалиши ва истеъмол қилинишини ўрганадилар, талаб ва таклифнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракатланиши омилларини таҳлил этадилар, хом ашё ва бошқа моддий кувватлардан самарали фойдаланиш бўйича режаларни ишлаб чиқадилар.	
3.	Кадрлар билан ишловчилар	• Улар бўш вазифаларга билимли ва малакали, тажрибали мутахассисларни кидириб топадилар, фирма раҳбариятига кадрлар масаласи бўйича маслаҳатлар берадилар ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг мақбул тизимини ишлаб чиқадилар.	
4.	Клереклар	• Уларнинг асосий вазифаси корхона фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳатлар, дужжатлар ва бошқа ишга онд турли маълумотлар ҳаракатининг бошқарилишини таъминлаш билан боғлиқ.	

1	2	3
5.	Котиб ва стенографлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Энг мухим ахборотларнинг тезда ишлаб чиқилиб, тегишили кишиларга етказиш айнан шуларга боғлик. Котибларнинг малакали ишлай олиши айниқса қадрланади.</li> </ul>
6.	Техник мухаррир ва референтлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар янги илмий тадқиқотлар, ихтиrolар, технологиялар ва янги маҳсулотлар хақидаги ахборотларни қайта ишлаш билан шуғулланишади. Уларнинг вазифаси: бу ахборотларни мутахассисга ҳам, оддий кишиларга ҳам бирдай тушунарли ҳолга келтириш.</li> </ul>
7.	Таҳдилчи — математиклар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар амалий муаммоларнинг ечимларини амалий математика воситалари ёрдамида топиш бўйича иш олиб боришиади. Бу мутахассислик турли лойиҳаларга маблағ сарфланаётганда эҳтимоллиги мавжуд хавфни аниқлашда, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни назорат қилиш усулларини жорий қилишда катта рол ўйнайди.</li> </ul>
8.	Маркетинг тадқиқотчилари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар келаётган маълумотларни таҳдил қиладилар, текширув ўюнтирадилар, янги хизмат ва товарларнинг ҳаракатланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида сўровлар ўtkазадилар. Шунингдек, улар янги маҳсулот рентабеллигининг келажаги хусусида прогноз қиладилар, талабни ўрганиш бўйича ўтказган тадқиқотлари асосида реклама ва товарларни безаш бўйича таклифларини беришади.</li> </ul>
9.	Иккисодчи тадқиқотчилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар шахсий истеъмол этувчи маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш имкониятларини тадқиқ этишади, ўрганишади.</li> </ul>
10.	Истеъмол бўйича рухшунос	<ul style="list-style-type: none"> <li>• У инсоннинг харидорлик ақидалари, одатлари ва кўнікмалари билан боғлик хислатлари ва қарашларни ўрганади. Истеъмолчиларнинг янги хизмат ва товарларга муносабатини аниқлаш ҳамда реклама матнларининг самарали чиқишига ҳамкорлик кўрсатиш мақсадида руҳшунослик тестларини ишлаб чиқади.</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

14-жадвалнинг давоми

1	2	3
11.	Чакана савдода ишловчи сотувчилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Залдаги савдо операциялари учун жавоб беради.</li> </ul>
12.	Улгуржи савдо кўлувчилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Товарларни чакана савдо қилувчи фирмаларга тарқатади.</li> </ul>
13.	Витрина ва кўргазмалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар кўргазма комплекслари учун безаклар ишлаб чиқишиди, витриналарни жизозлашиди.</li> </ul>
14.	бўйича мутахассис Реклама бўйича менежер	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мижозлар буюртмаларига мувофик агентликнинг реклама дастурини бошқаради. Бу вазифада ишлаш учун коллеж ёки университет хажмидаги маълумот ва 5-10 йиллик реклама бўйича иш тажрибасига эга бўлиши керак.</li> <li>• Улар рекламадаги тасвир ёки матнни безашда ва охирги нусхани тайёрлашда реклами референтлари билан хамкорликда ишлайди.</li> <li>• Бу соҳа ходимлари фирманинг жамоатчилик олдидаги қиёфасини яратишиди. Улар фирма лойихаларининг бажарилиши, матбуот органлари билан иш олиб бориши учун ҳам жавобгар.</li> </ul>
15.	Тижоратчилик ишлари бўйича рассомлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ийтиҳодчиликни ишлаб чиқарувчи</li> </ul>
16.	Жамоатчилик билан алоқалар соҳасидаги ходимлар .	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу соҳа ходимлари фирманинг жамоатчилик олдидаги қиёфасини яратишиди. Улар фирма лойихаларининг бажарилиши, матбуот органлари билан иш олиб бориши учун ҳам жавобгар.</li> <li>• Улар соҳа ходимлари фирманинг жамоатчилик олдидаги қиёфасини яратишиди. Улар фирманинг штатидаги турувчи ходимлар хисобланишмайди. Факат контракт асосида ишлашиди. Агентлар бажарган ишларига яраша комиссиян ажратмалар кўринишида мукофот оладилар.</li> <li>• Улар фирманинг молиявий хўжалик фаoliyatiни таҳдид этадилар.</li> </ul>
17.	Коммивояжерлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар фирманинг молиявий хўжалик фаoliyatiни таҳдид этадилар.</li> </ul>
18.	Ишлаб чиқарувчи фирма агентлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар ҳам амалда компания вакиллари шуғулланадиган иш билан шуғулланишиди, бирок, фирманинг штатидаги турувчи ходимлар хисобланишмайди. Факат контракт асосида ишлашиди. Агентлар бажарган ишларига яраша комиссиян ажратмалар кўринишида мукофот оладилар.</li> <li>• Улар фирманинг молиявий хўжалик фаoliyatiни таҳдид этадилар.</li> </ul>
19.	Эккаунтант (молиячи-бухгалтерлар)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар фирманинг молиявий хўжалик фаoliyatiни таҳдид этадилар.</li> </ul>
20.	Молия бўйича вице-президент ёки директор, назоратчи, хизматчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар фирманинг молиявий хўжалик фаoliyatiни таҳдид этадилар.</li> <li>• Улар фирманинг молиявий хўжалик соҳаси раҳбарларидир. Уларнинг хизмат вазифасига эккаунтантнинг ва молиявий хизматчи ишларига яраша назорат килиши, фирма раҳбарияти билан доимий алоқада бўлиши, инвестиция банклари ва бошқа молиявий муассасалар билан мунтазам алоқани ушлаш киради.</li> </ul>

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

14-жадвалнинг давоми

1	2	3
21.	Банк хизматчилари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар жамғармаларни олиш ва расмийлаштириш, жамғармаларни ишлаб чикиш жараёни ва тарқатиш ҳамда банк операцияларини рўйхатдан ўтказишга жавобгардирлар.</li> </ul>
22.	Кредит бўйича мутахассислар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар тижорат банкларига карз сўраб кирган бўлажак мижозларнинг тўлов қобилияти даражасини аниқлашади. Тижорат қарзлари бериш тўғрисидаги аризаларни ишлаб чикишади.</li> </ul>
23.	Кимматли коғозлар операциялари бўйича мутахассислар	<p>АҚШда уларни икки асосий табакага бўлишади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>диллерлар</b></li> <li>• <b>таҳалилчилар</b></li> </ul> <p><b>Диллерлар</b> кимматли коғозларни сотаётган ёки сотиб олаётган маблағ эгаларининг ишончли вакили сифатида иш кўришади. Улар фонд биржаларида кимматли коғозларни сотиши ёки сотиб олиш хусусида каор қабул қиласидар ҳамда мижозларга кимматли коғозлар операциялари бўйича маслаҳатлар беришади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Таҳалилчилар</b> брокерлик фирмалари, банк ва бошқа молия муассасаларида акцияларнинг нархини, компанияларнинг бўлажак дивиденд ва даромадларини аниқлаш учун ёлланиш учун ишлашади.</li> <li>• Уй, ер участкалари каби мулкларнинг эгалари, агар уларни сотмоқчи ёки ижарага бермоқчи бўлса шу соҳа брокерларига мурожаат килишади.</li> <li>• Янги мижозларни сугурта килаётгандан хавф даражасини белгилайди.</li> </ul>
24.	Кўзғалмас мулклар брокери ёки воситачилари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• У даромадли, шу билан рақобатта дош бера оладиган сугурта мукофотлари даражасини аниқлаш мақсадида статистика мазъумотларини ишлаб чиқади, таҳдил этади.</li> <li>• Улар бевосита мижозлар билан ишлайди.</li> </ul>
25.	Сугурта компаниясининг сугуртачиси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улар заарни баҳолаш бўйича мутахассислар бўлиб, сугурта пули олишга доир барча дъзволарни кўриб чиқади ва шу масала бўйича сугурта компанияси олган маҷбуриятларга мувофиқ, ўз заарини қоплашни сўраб мурожаат этадиган мижозлар билан алоқада бўлади.</li> <li>• Улар конун ва қоидалар химоячиларидир.</li> </ul>
26.	Сугурта компаниясининг актуарчиси	
27.	Сугурта агенти ёки сугурта брокери	
28.	Диспашер	
29.	Хукукшунос ва адвокатлар	

86

## Технология тадбиркорлик омили сифатида нималарда ўз аксини топади?

Тадбиркорлик деганда, аввало, янгича ишлаш, янги маҳсулот, янгича хизмат хилларини яратиш, янги технология ва уларни кўллаш тушунилади. Тадбиркорлик самара-дорлиги янги ишлаб чиқариш фан янгиликлари ва янги технологияни жорий килиш даражаси билан белгиланади. Демак:

Тадбиркорлик, аввало, янгилик билан, янги технология билан боғлиқдир, яъни у инновацион тадбиркорликдир.

Янгиликнинг даражалари сифатида, улар кўйидаги уч кўрининишида бўлади:

- оддий янгилик;
- технологик янгилик;
- инқилобий кашфиёт.

**Оддий янгилик** товардаги тўхтовсиз ўзгаришлар, уларнинг такомиллашиб боришидан иборатдир. Мода, товарлар хусусиятларининг янгиланниб бориши, истеъмол қулийликларини кенгайтириб боришлар шулар жумласидандир.

**Технологик янгилик** эса хом ашёларни, материаллар, энергетика хилларини ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг янги усулларини кўллашни ўз ичига олади. Бунда автоматлаштириш, кимёвий усуллар жуда қўл келади.

**Инқилобий кашфиёт** янги хил товарлар ва уларнинг мажмуаси, ишлаб чиқаришнинг туб ўзгариши билан боғлиқдир. Бунда янги тармоклар юзага келади. Масалан, компьютер тизими, электроника, видеотехника, туб янги алоқа воситалари, косметика кабилар шулар жумласидандир.

Технология тадбиркорларга нимагадир эришиш, янгиликни синааб кўриш, ўз ўрнини топиш ва ўз мустақиллигига эга бўлиш каби майларни ҳаракатга келтириб турдиган шахс сифатида қарайди. У факат ўз бойлигигина эмас,

миллий бойликни ҳам кўпайтиради, ишлаб чиқариш омилларини яхшироқ ишга солиш ва бирлаштириш усулларини излаб топади, янги иш жойларини вужудга келтиради, янгиликларни амалга оширади.

Шу сабабли замонавий тадбиркорликни, ҳозирги пайтда мавжуд ресурслардан қатъи назар, технологияга, бозорга доир имкониятларни излаш ва ишлаб чиқариш сифатида таърифласа бўлади. Тадбиркорлик фаолиятига дикқат-эътиборини қаратган иқтисодчи олим Й.Шумпетер тадбиркорликнинг беш муҳим томонини, яъни:

- истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши;
- янги ишлаб чиқаришни қўллаш ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлаши;
- янги товарларни ўзлаштириши;
- янги ҳом ашёларни ишлатиши;
- тармоқни такомиллаштиришини кўрсатиб берди.

Барча қайд қилинган тамоийиллар технологияга бориб тақалади. Янги техника ва технологияни қўллаш, унумдорликда туб бурилиш ясайди. Масалан, замонавий роботлар техникасининг қўлланилиши меҳнат умумдорлигини 8-10 марта оширади. Олимлар ҳисобига кўра, меҳнат унуми ўсишининг 2/3 қисми фан-техника тараққиёти ҳисобига, 1/3 қисми эса бошқа омиллар ҳисобига юз беради, айтайлик меҳнат унумдорлиги йилига 6 фоиз ўсган бўлса, шундан 4 фоиз техника тараққиёти ҳиссасига тушади.

**87**

### Тадбиркорлик ғояси нима? У омил вазифасини бажара оладими?

Бошқа ҳар қандай ишда бўлганидек, тадбиркорликда ҳам асосий ғоя бўлмаса, у худди пуч ёнғокдек бўлиб қолади.

Тадбиркорлик ғояси — бу ўзида инновацион (бунёдкорлик) жихатларни ифода этувчи ғоядир.

Тадбиркорлик ғоядан бошланади. Бу — ҳамма аввал нима қилиш кераклиги, қандай бизнес билан шугулланиш

## ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

зарурлиги тўғрисида ўйлаб олиши, яъни тадбиркорлик рояси-ни ишлаб чиқиши лозим, дегани.

Фоянинг доимо шакланиб бориши учун тадбиркорда:

- тадбиркорлик қобилияти;
- у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳақида зарурий билим;
- савдо ва молия мухитида воситачилик;
- инновацион (бунёдкорлик) фаолият ҳақида тушун-чалар бўлиши керак. Буларсиз у тадбиркор бўла олмайди. Тадбиркорнинг бутун фикри-зикри, рояси истеъмолчиларнинг эҳтиёжини билиш ва уни кондириш пайида бўлмоғи лозим.

Афсуски, тадбиркорликка оид тамомила янги роялар амалда тез-тез пайдо бўлавермайди. Лекин бу нарса роянинг аҳамиятини иккинчи ўринга суриб кўйиш ёки роясиз ҳам бизнес бўлаверади, деб хисоблаш учун асос бўлмайди. Бизнес билан шуғулланадиган ва муваффакиятга эришаман, деб мўлжаллайдиган одам тадбиркорлик роялари билан банд бўлиши керак.

Морган, Форд, Рокфеллер каби АҚШнинг машхур қишилари ўзларининг сармояси, укуви бўлгани, омади юриб қолгани учунгина эмас, балки доимо янгидан-янги тадбиркорлик роялари билан бандлиги, фан-техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиб боргани туфайли ҳам шу даражага етишган. Агар тадбиркорлик роясини обдон ўйлаб, пухта режа тузиб олинмаган бўлса, бизнес касодга учрайди, қилинган ҳаракатлар заرارга айланади. Шунинг учун тадбиркорлик рояси ишлаб чиқилар экан, «етти ўлчаб, бир кес» мақолига амал қилиш керак.

Тадбиркорлик рояси тадбиркорнинг қай даражада қобилията эга эканлигидан далолат беради. Тадбиркорлик қобилияти оддий ишчи кучидан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришда бошқаришдан иборат бўлган алоҳида вазифани баҳаради. У табиатан ишбилармонлик бўлиб, алоҳида бир искеъдод, юксак билим, маҳсус тайёргарлик ва масъулият мујассами демакдир.

Тадбиркорлик қобилияти моддий омиллар билан бирикмайди, балки шу омиллар билан иш кучининг самарали бирикишини, икғисодий фаолиятдан яхши натижга олинишни таъминлайди.

# V БОБ

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ

### 5.1. Тадбиркорнинг ахлоқий меъёрлари

**88**

Бизнесменнинг ахлоқ кодекси билан  
танишмисиз?

158

**89**

Тадбиркорнинг ўн сифати нималардан  
иборат? Уларга риоя қила оласизми?

161

**90**

Тадбиркорликнинг ўн қатъий тамойилига  
нималар киради? Улар доирасида фаолият  
кўрсата оласизми?

167

**91**

Тадбиркор қандай талабларга жавоб  
бериши керак?

172

**92**

Тадбиркор раҳбарда қандай сифат  
хислатлари мужассамлашган бўлиши  
керак?

174

**93**

Қайси хислатлар тадбиркорни эл  
назаридан қолишига олиб келади?

178

**94**

Рахбарлик услубидаги салбий қусурларни бартарап этишининг қандай усулларини биласиз? 181

## 5.2. Тадбиркор маданияти

**95**

Тадбиркор маданияти деганда нимани тушунасиз? 183

**96**

Ўзига, жамоага ва жамиятта нисбатан тадбиркор маданияти нималарда намоён бўлади? 188

**97**

Ходимларни қабул қилиш маданияти билан танишмисиз? 190

**98**

Муаммо мухокамасида тадбиркор ўзини қандай тутмоғи лозим? 192

**99**

Кенгаш ва мажлисларни олиб бориш маданиятини биласизми? 193

**100**

Минбарга чиққанда тадбиркор ўзини қандай тутмоғи лозим? 196

**101**

Музокараларда тадбиркор нималарга эътибор беришини биласизми? 197

**102**

Телефонда сўзлашиш маданиятини биласизми? 199

**103**

Топшириқ берини маданиятига риоя қиласизми? 201

**104**

Низоли ҳолатларда нима қилиш  
керак?

203

**105**

Үзингизни яхши биласизми?

205

## 88

### Бизнесменнинг ахлоқ кодекси билан танишмисиз?

Тадбиркор фаолияти факат тадбиркорликнинг хукукий ва ташкилий асосларига боғлиқ бўлмасдан, у инсонлар, ўзининг кўл остида хизмат қилувчи мутахассислар ва ишчилар, айниқса, чет эллик ҳамкаслари — бизнесменлар доирасида умумахлоқий меъёрларга риоя қилиши билан ҳам баҳоланади. Ишдаги муваффакиятнинг ярмидан кўпроғи унинг одобига, маданиятига, дунёқарашига, ишбилармонлик қоидаларини қай даражада билишига бевосита боғлиқдир.

Умуман, тадбиркорлик — бу маданият. Айтишларига қараганда:

Маданиятли одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданиятли бўлиши лозим.

Арасту (Арестотель) ўз замонида биринчи бўлиб ахлоқ тўғрисида гапириб:

Ахлоқ — нимани қилишимиз ва нимадан ўзимизни тийишимиз кераклигини аниқлашимизга ёрдам беради,

деган эди. Президентимиз И. Каримов ахлоқ тушунчасига қўйидагича таъриф берди:

Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчалик салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу, аввало, инсоғ ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани.

Дарҳақиқат, ахлоқ биз учун – аввало, инсоний муносабатларни, шунингдек, инсонларнинг феъл-атворларини, уларнинг қанчалик мақбул нуқтаи-назардан кўриб чиқишига ва баҳолашга имкон берувчи билим соҳасидир. Тараккӣ этган давлатларда, айниқса, Япония ва АҚШда фирмаларнинг “Этика кодекси” ва бизнесменларнинг алоҳида касб усталари гурухларининг “Ишбилармонлик кодекси” кенг кўлланилади. “Бизнесменнинг ахлоқ кодекси” биринчи марта АҚШда 1913 йили ишлаб чиқилган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг асосий қоидалари қабул қилинган. Бу қоидалар ягона асосга жамланган бўлиб, улар бизнес соҳасидаги усул ва сиёсатни баҳолашда, ҳақиқат ва адолатлилик тушунчалари билан уйғунлашиши белгиланган.

Вақт ўтиши билан кодекс бир неча бор такомиллашди. Натижада, бу борада турли фирмалар ва компаниялар томонидан тўплланган, уларнинг тажрибасига асосланган, умумлашган Farb ишбилармонлик дунёсида кенг маълум бўлган кўйидаги “Бизнесменнинг ахлоқ кодекси” шаклланди:

### 1. Умумий қоидалар

Хусусий мулк мұққадас, дахлсиз ва мудкчиликнинг қолган барча шакллари билан бир каторда теппа-тengdir.

Тадбиркор — ишчанлик ва яратувчаник миссиясининг жонсуяридир. Унинг касби астойдиги фаолиятни, ишлаб пул топишни талаб қиласиди. Бу унинг обрў-эътибори манбаидир.

Тадбиркор ўз меҳнатининг аҳамиятини англай олади. У ўз ҳамкорларидан ишга масъулият билан ёндошишни талаб қиласиди ва уни кўллаб-куватлайди.

Хусусий хўжалик фаолияти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишга олиб келади ва тадбиркорга ўзига хос мажбуриятлар юклайди.

### 2. Тадбиркор ва давлат

Тадбиркор давлат ва унинг конунларини тўғридан-тўғри хурмат қилиши ва уларга амал қилиши лозим. Ўз навбатида, у бундай ёндошувни давлатдан ҳам талаб қилиши керак.

### 3. Тадбиркор ва мижоз

Тадбиркор мижоз манфаатлари, жамият, давлат ва атроф-мухит учун зарар келтирмасликка, унга амал қилишга мажбурдир.

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ

Мижоз манфаатлари давлатнинг қонун ва манфаатларига зид бўлган ҳолларда тадбиркор бу тўғрида мижозларни огоҳ қилишга мажбурдир.

Мижоз оферталар ва ишлаб чиқарувчиларни танлаш хукукига эгадир. Рақобат юксак сифат кафолатидир.

Тадбиркор мижозни билмаслик ёки атайлаб уни адашириш, шунингдек, бажара олишга ишончи бўлмаган буюртмаларни қабул қилиш ҳолларига йўл кўйиши мумкин эмас.

Ваъдага вафо ва аниқлик тадбиркорнинг қимматли капиталидир. Кўл бериб тасдиқланган сўз, имзо чекилган шартнома кучига эгадир. Зеро, унга биноан мажбурий тартиба оғзаки келишувни акс эттирувчи ёзма шартнома расмийлаштирилади.

Шартнома муносабатларини бажармаслик ва ёмон сифат тадбиркорнинг жамият ва ҳамкаслари оддидаги фоят оғир айбидир, чунки бу тадбиркорнинг шарафи, нуфузи ва яхши номига зарар келтиради.

Тадбиркор ва мижоз ўртасидаги муносабатлар мажбураш асосида эмас, балки ихтиёрий ва ўзаро ишонч асосида вужудга келади.

### 4. Тадбиркор ва ёлланган ишчилар

Тадбиркор ёлланган ишчиларнинг иқтисодий манфаатлари ва инсоний кадр-кўйиматларига нисбатан барча масъулиятни ўз зиммасига олади. У ўз ишчиларидан қонуларга амал қилишини талаб этади ва ўзи ҳам шунга риоя қиласи.

Муайян хукуқ ва мажбурияtlар мавжуд қонун доирасида меҳнат шартномаларини тузиш чоғида акс эттирилади.

### 5. Тадбиркор ва тадбиркорлар иттифоқининг бошқа аъзолари

Тадбиркорлар иттифоқи аъзолари учун қонунга мувофиқ бўлган (лояльный) рақобат мажбурийдир ва ахлокнинг муайян тамойилларига амал қилишини талаб қиласи.

Тенг хукукли бўлмаган шароитдаги ҳар қандай бозор фаолияти (ракобат) қабул қилинган меъёрларга зид ҳисобланади. Ўз хусусий маҳсулоти ёки хизматларини рақобатчилар заифлиги ҳисобига реклама қилиш ахлоқсизликка киради.

Рақобатчилар курашида тадбиркор сиёсий мансублиги ёки жамиятдаги эгаллаган мавқеидан, афзалликларидан фойдаланишига ҳаққи йўқ. Тадбиркорлар рақобатчиларнинг муаллифлик хукуки ёки патент хукукини тан олиши шарт.

Кредит ва нафакаларга тааллукли таклифлар танлов асосида тақсизланади, натижаларни зудлик билан барча манбаатдор томонларга етказилади. Иттифоқ иззолари ўтасида мунозарали масалалар вужудга келган тақдирда, улар ўзаро келишувга мувофик бу масалани иттифоқ назорат кенгашига киритиши мумкин. Қабул қилинган карор иккала томон учун ҳам бажарилиши мажбурий хисобланади.

#### 6. Жавобгарлик ва тақицлар

Тадбиркорлар иттифоқига аъзолик, ҳар бир тадбиркордан мазкур ахлоқ кодексига риоя этилишини талаб қиласиди.

Ахлоқ кодексига амал қилмаслик ва унинг ҳар қандай тамойилларини бузиш, иттифоқдаги муайян аъзонинг аъзолигини тўхтатиши учун асос бўлади. Ҳар бир алоҳида ҳол иттифоқ бошқаруви томонидан иттифоқ аъзоси иштирокида кўриб чиқиласиди.

Карор устидан шикоят қилишга факат тадбиркорлар иттифоқи съездидан олдидан имконият мавсуд бўлиб, уни бекор қилиш ёки кучда колдириш масаласи кўрилиши мумкин.

Кўриб турибмизки, кодексда гап тадбиркорнинг хулқатвори меъёрлари тўғрисида, унинг иш усулига, кишилар билан муомала қилиш табиатига, ижтимоий қиёфасига нисбатан маданий жамият қураёттан талаблар тўғрисида бормокда.

89

Тадбиркорнинг ўн сифати нималардан иборат? Уларга риоя қила оласизми?

Тадбиркор бўлмок учун туфма қобилиятта эга бўлиш керак, деган фикр кўп вақтлардан бери хукм суриб келди. Аммо эндилиқда, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар ким ҳам тадбиркор бўлиши мумкинлигини кўплар тан олмокда. Хўш, бунинг учун нима килмоқ керак?

Бу саволга тўла-тўқис жавоб бериш қийин. Аммо фикримизча, ҳозирги замон тадбиркори қуйида келтирилган ўн фазилатта эга бўлиши керак (15-жадвал).

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КЎРИНГ**

15-жадвал

**Тадбиркорнинг ўн сифати**

T/p	Фазилатлар	Изоҳ
1	2	3
1.	Ҳалоллик ва ростпўйлик	<ul style="list-style-type: none"><li>• Бу тушунчалар тадбиркорликнинг асоси бўлиб, ҳалол фойда олиш ва ишда яхши муносабатлар ўрнатишнинг бирдан бир шартидир. Тадбиркор биринчи галда ишнинг кўзини биладиган, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига борадиган шахс бўлиши керак. Сабаби, тадбиркор қанчалик ҳалол ишласа, маҳсулотлари сифатли бўлса, бозорда унинг мавқеи баланд, маҳсулотлари шунча харидоргир бўлади. Чунки ҳалол тадбиркорларга ҳамма ишонади.</li><li>Ҳалол килинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум. Ҳаром килинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримлари кўйидагилар:<ul style="list-style-type: none"><li>• яроқли бўлатуриб беиш юриш;</li><li>• зинокорлик;</li><li>• ота-онага оқ бўлиш;</li><li>• фолчилар сўзига ишониши;</li><li>• сеҳр-жоду билан шуғулланиш;</li><li>• шумланиш-ирим килиш;</li><li>• сайдо-сотикка фирромлик килиш;</li><li>• бирорвнинг ҳаққига, омонатига хиёнат килиш;</li><li>• қасамхўрлик;</li><li>• судхўрлик;</li><li>• ўғрилик, қарокчилик;</li><li>• майхўрлик;</li><li>• бирорни масхара килиш;</li><li>• гийбат;</li><li>• тухмат, бўхтон;</li><li>• жосуслик;</li><li>• ёлғончилик, чакимчилик;</li><li>• порахўрлик;</li><li>• қотиллик ва х.к.</li></ul></li></ul>

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ**

*15-жадвалнинг давоми*

1	2	3
		<p>Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхис салом ўз ҳадисларида деганлар: "Эй одамлар, тангридан күркінглар, ризқларингизни яхши йўл билан топиб ейишга ҳаракат қилинглар. Ҳеч бир инсон ўз ризқ насибасини еб тутатмагунча оламдан ўтмайди. Эртами, кечми барибир унга ўз улуши келади. Шунинг учун тирикчиликни йўлга кўйиб, ҳалолликни олинглар, ҳаромни кўйинглар". Ушбу сўзлар ҳар биримизга, хусусан, тадбиркорга ҳам тўла таалуқидир.</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• Ҳалолликка йўл аслида ростгўйликдан бошланади.</li></ul>
2.	Мажбурийлик, сўсиз бажаришлик	<p>• Тадбиркор қачон ўз сўзининг устидан чиқса олса, ваъдасида турса ва берилган топширикларни бажарсагина иши ўнгидан келади. Сўзининг устидан чиқиши, келишилган шартномада кўрсатилган мураккаб ва оддий оғзаки вазифаларнинг (бирор ерга айтилган вақтда бориши) бажарилишини ўз ичига олади. Берилган ваъда ҳар кандай шаронтда бўлса ҳам бажарилиши шарт. Ҳақиқий тадбиркор ўз мижози (ракаби)ни алдамаслиги керак. Вазифани ўз вактидан кечикиб бажариш ҳам субутсизликка киради.</p>
3.	Масъулиятли бўлиш	<p>• Ҳақиқий тадбиркор қўлимиши учун ўз пули ёки маблағи билан жавоб беради. Агар у айбдор бўлса, йўл қўйган хатосини тузатиши, кўрилган зарарни қоплаши лозим. Шуни билингки, тадбиркор бу ўз олдига қўйган мақсадни рӯёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган бутун масъулиятни ўз зиммасига олувчи, доимо янгиликка интигувчи, борини янада яхшиловчи, таваккалчи ва бунёдкор бетиним инсондир.</p>

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КҮРИНГ**

*15-жадвалнинг давоми*

1	2	3
4.	Бошқалар билан муносабат чоғида уларга нисбатан хурматда бўлиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хўшмуомала, одобли бўлиш ва кишилар билан сўзлаша билиш — бу санъат. Тадбиркор бошқаларга шундай муносабатда бўлиши керакки, унга бошқалар хам худди шундай муносабат билан жавоб кайтаришсин. Куйидаги ўз хурматини билмайдиган ўн тоифа одамдан нарида бўлиб, улар билан ҳамкорлик қилимаган маъкул:</li> <li>• илмсиз бўлатуриб, маслаҳат берган билан;</li> <li>• сўзида маҳкам турмай, фикрини тез-тез ўзgartиривчи билан;</li> <li>• мол-духёта берилган билан;</li> <li>• акли заиф билан;</li> <li>• узоқ хатарли йўлга отланган билан;</li> <li>• сир айтганга сир айтган билан;</li> <li>• ўзига алокаси бўлмаган масалаларга бурнини тикиб, можаро қылган билан;</li> <li>• разабига парво қилмаганга, разаб ўтини согчан билан;</li> <li>• жонта шошилувчи билан.</li> </ul> <p>Аммо, ортиқча ёки ҳаддан ташқари мулоҳим хам бўлмаслик керак. Чунки ундиylарни дунёталаб, тагамагир одамлар "ютиб" юборади. Деярли барча омадли кишилар бошқалар билан жуда тез мулокотта кириша олган экан. Хорижий тилларни билиш мақсадга эришишини осонлаштиради ва уни тезлаштиради.</p>
5.	Қонунга итоат килиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тадбиркор бўлиш истагида юрган ҳар бир киши қонун ва бошқа ҳукукий хужжатларга итоат килиши, уларни оғишмай бажариши шарт. Қонун талабаридан чекини ш қонунчиликни бузиш ҳукуқтартиботга, пировардида эса давлат томонидан кўрикланадиган манфаатлар ва ўзаро муносабатларга тажовуз килиш демакдир.</li> </ul> <p>Буюк соҳибқирон Амир Темур хам ўз тузукларida "тегишли тартибга ва қонунга амал этиш менинг тақдирим ва ютукларимнинг асоси ҳамда таянчи бўлиб хизмат қиласди", деб ёзган эди.</p>

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛӘ ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

15-жадвалнинг давоми

1	2	3
6.	Сахий, хайр-эҳсонли бўлиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Халққа хайр-эҳсон қилиш энг улуг фазилат. Саховатли, сахий тадбиркор шундай кишики, бирор нарса сўрамай туриб, олдиндан хадя қилиб улашади. Саховатнинг асли — бу очик қўллилик. Бироқ,</li> <li>эвазига бир нима кутиб килинган хайр-эҳсон яхшилик хисобланмайди;</li> <li>сўраганда нарса берган кишини ҳам сахий демайдилар.</li> </ul> <p>Билингки, беш фарзнинг биттаси ҳам закот беришдир. Саховатли тадбиркорнинг корхонаси, ўзи олтин конга ўхшайди, у ҳар қанча берса ҳам тутамайди.</p>
7.	Инсофли бўлиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Инсоф — бу адолат ва виждан амри билан иш тутиш туйгуси ва қобилияти, ишда, кишилар билан муносабатда:</li> <li>халоллик;</li> <li>тўғрилик;</li> <li>баробарлик;</li> <li>соғдилик;</li> <li>ҳақиқатпўйликдир.</li> </ul> <p>Ўзгани ўз ўрнига ёки ўз ўрнига ўзгани хаёлан кўйиб кўриш ҳам инсофга киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>тўқ очни;</li> <li>бой камбағални;</li> <li>бахтили бахтсизни;</li> <li>толеи баланд толеи забунни;</li> <li>омадли омадсизни;</li> <li>соғлом беморни ўз ўрнига кўйиб кўра олса ва аксинча ҳам худди шундай бўлса, олам гулистон — инсофилар сафи кентайиб боради.</li> </ul>
8.	Вазмин ва сабрли бўлиш, эҳтиросларга берилмаслик	<ul style="list-style-type: none"> <li>Баъзи шошма-шошар тадбиркорлар шошқалоқлик ёки шумлигидан пушаймонлик чукурига йиқиладилар, ўйламасдан шошилиб иш бошлаганлар бало гирдобига гарқ бўладилар.</li> </ul>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

15-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<p>Ақли, тажрибали ва вазмин тадбиркорлар эса тадбир ва сабрни ўзларига йўлдош килиб оладилар. Фикр ойнасини донишмандларнинг ишорат ва насиҳатлари билан пардозлайтилар, унга сайқал берадилар, енгилтаклик, шошма-шошарликдан, эхтирослардан хазар киласидилар.</p> <p>Шунинг учун икбол ва давлат эшиги ундай тадбиркорларнинг назарларига очилади, бошлари узра баҳт, саодат дурлари сочилади.</p> <p>Сабрли, эхтиросларга берилмай-диган тадбиркор кўп яшайди. Қийин, оғир кунларда сабр килган тадбиркорроҳат кўради. Аллоҳнинг берган ризқига қаноат килиш мушкул кунларни сенишга ёрдам беради.</p>
9.	Хизмат этикасига риоя қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Энг аввало, ҳукуматга ҳурмат билан қаранг. Давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва социал сиёсатини ўзингизнинг асосий қуролингиз қилиб олинг ва уларга риоя қилинг. Билингки, ҳукуматга ҳурмат ва хизмат этикасига риоя қилиши — бу тадбиркорликни муваффакиятга элтувчи икки локомотивидир.</li> </ul>
10.	Ўз ишининг мутахассиси бўлиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Биз шундай даврда яшайпмизки, бунда факат мутахассисгина, факат ўз ишининг устасигина обрў-эътибор топади. Шунинг учун мутахассис бўлинг. Қайси соҳада ишлашга тўғри келмасин, албатта, биринчи бўлишга ҳаракат килинг. Савол туғилади: бунга қандай қилиб, кайтарзда эрнишлади? Жавоб битта. Бу ҳам бўлса меҳнат ва ўз устингизда бетиним шуғулланиш лозим. Кимки онгли равишда, тиришқоқлик билан шуғулланса, бир кун келиб у, албатта, тақдирланади. Бу — қонун.</li> </ul>

1	2	3
		<p>Бугунги кун учун ушбу сўзлар долзарбдири: қаерда аниқ мақсад бўлса ўша ерда йўл ҳам бор. Янги фоя кетидан қувиб келаётган ишни қолдириш бемаънилик, фақат тинимсиз меҳнат натижасидагина яхши фоя юзага келади.</p> <p>Даҳони меҳнат яратади. Етукликка йўл эса — тиришқоқлиқ.</p> <p>Халқимизда: "Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйисин", деган ибора бор. Бунинг маъноси: бир ишни қиласдан бўлсанг, шу ишнинг мутахассиси бўл. Ёки бир ишни бирорвга қиласдан бўлсанг, у иш арзимаган бўлса ҳам устасига, қўлидан келадиган одамга мурожаат кил.</p>

Шундай қилиб, тадбиркор бўлишга аҳд қилган ҳар бир киши, ўзининг имкониятлари, қобилиятлари, шу жумладан, ўз изланувчанлик қобилиягини, ўз ишининг устаси ҳамда юқорида қайд қилинган сифатларнинг ўзида мавжудлиги-ни аниқ ўлчай билиши керак.

90

### Тадбиркорликнинг ўн қатъий тамойилига нималар киради? Улар доирасида фаолият кўрсата оласизми?

Бўлажак тадбиркор қуидаги ўн қоида доирасида фаолият кўрсата олиши лозим:

#### 1. Тадбиркорлик фаолиятига оид фоя топинг

Сиз бозорга қандай товар (мол), хизмат турларини таклиф қилаётганингиз хусусида аниқ тасаввурга эга бўлингиз керак. Дастреб ўзингиз кила оладиган нарсадан нимани сотиш мумкинлигини ҳал қилиб, сўнгра ишлаб чиқариш керак. Янгиликка интилинг.

## 2. Рақобатдан кўркманг

Бу тўғрида ўйлаб туриш ўринсиздир. Чунки бу бозорнинг муҳим регуляторларидан биридир. Эсда тутингки, рақобатчиларга қарши курашда Сизда уч бекиёс қурол мавжуддир. Улар:

- сифат;
- баҳо;
- реклама.

Жаҳон бозори тажрибасида рақобатнинг шарт-шароитлари мавжуд:

- Агар рақобатчилар кучи тенг ва стратегиялар бир-бирига ўхшаш бўлса, бозорда мувозанат узоқ сакланмайди, улар ўргасида келишмовчилик сусаймайди.
- Сизнинг рақобатчингиз ҳамма нарсадан хабардор деб билинг.
- Рақобатчилар ғашини келтирадиган ҳаракатлар қилманг.
- Сизнинг ҳаракатларингиз ўзингизнинг имкониятларингизга мос эканлигига рақобатчингизни ишонтиринг.

Фирманинг бозордаги улушларига караб, рақобат кўрсаткичлари аникланади:

- илғор (зўравон) — 40 фоиз;
- илғорликка даъвогар — 30 фоиз;
- ўрта миёна — 20 фоиз;
- бозорда унча омади келмаган — 10 фоизгача.

## 3. Сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўл кўйманг

Сифат — бу истеъмол хусусиятларининг мажмусидир. Харидорга охир-оқибатда бундай буюмлар ёки хизматлар керак эмас. Унга олдида турган муаммонинг ечими, эҳтиёжининг қониқтирилиши керак. Айнан шу катта пул турди ва нисбатан юқори фойда келтиради. Масалан, девор блокларини ишлаб чиқариш ва сотиш мумкин. Аммо, бутун куч-кувватини жамлаб, харидорга тайёр уй тақлиф қилиш анча фойдалидир.

Иш сифати учун шахсий масъулият, қолаверса на кўрсатмалар, на буйруклар кафолат бўла олмайди. “Рисоладаги одам ёмон ишламайди, ёмон ишлаш — уят” шиори остида ижодий имкониятларни изланг.

#### 4. Бизнес-режа тузинг

Агар ўз фаолиятингизни бизнес режасиз бошлайдиган бўлсангиз, тез кунлар ичида инқирозга учраб, синишингиз турган гап. Бизнес режаси шундай нарсаки, у яқин келажакда биз учун кўнкарли бўлиб қолган техник-иктисодий хужжатларнинг ўрнини эгаллади. Унда:

- Нима сотиш керак?
- Уларни нимадан тайёрлаш керак?
- У қанча туради?
- Ким уни сотиб олади?
- Харидорлар товар ҳақида билишлари учун нима қилиш керак?
- Сотувни қандай қилиб кенгайтириш каби масалалар ўз аксини топади.

#### 5. Нархни туширишдан ҳавфсираманг

Билингки, факат нархлар рақобати орқали талаб ва таклиф мувозанати таъминланади. Нарх қанча паст бўлса, талаб шунча ошади. Иложи борича нархни кўтаришдан кўрқинг. Фойда иккита буюмни киммат сотища эмас, балки икки минг, икки юз минг, миллион харидорга ўз товарингизни ёки хизматингизни уларга мос нархда сотишингиздир.

#### 6. Товарингизни реклама қилинг

Реклама – бу рақобатчиларга қарши курашнинг учинчи куролидир. Маҳаллий газетада ўз фаолиятингиз ҳақида маълумот беринг. Эълонлар, плакатларга буюртма беринг ва уларни одамлар гавжум жойларга ёпиштириб чиқинг.

Сотмоқчи бўлган нарсангиз хусусидаги маълумотларни қандай қилиб қиска ва аниқ баён қилиш ҳақида ўйлаб кўринг.

#### 7. Кредит олишдан қўрқманг

Сиз пул топиб кредитни қайтарасиз ёки пул топмайсиз ва уни қайтармайсиз. Бор муаммо шу! Юқори кредит фоизлари – бу банк таваккалчилиги учун тўловдир. Банкдан уй куриш учун кредит олинг, уни куриб ишлаб чиқариш фонди (базаси) сифатида фойдаланинг. Хўжалик блоки курсангиз – бу Сизнинг омборхонангиз бўлади.

Ўша жойдан яна кредит олинг ва машина сотиб олинг. Машинасиз бирор ишни бажариш жуда қийин ёки машинани ҳайдовчиси билан ижарага олинг.

### 8. Хайриҳоҳ ва очиқ кўнгил бўлинг

Чунки, ҳар қандай амалдор, фаолият бўйича ҳар қандай ҳамроҳингиз, ҳар қандай кўл остингиздаги ходим — бу худди Сиз каби инсондир. Қанақа одам билан бирга ишлаш шахсан Сиз учун ёқимлидир. Ўзингиз ҳам шундай бўлинг ва кўл остидагиларингиздан бирданига кўп нарса талаб қилманг.

Кишилар билан муносабатда айтилмаган нарсани англашга ўрганинг. Ишда уч “инкор”га амал қилинг:

- ғазабланманг;
- ўзингизни йўқотманг;
- ҳовлиқиб кетманг.

Кўл остингиздаги қобилиятлilarни чўчитманг. Корхона мақсадларига эришиш учун ходимларга имкон бори-ча энг кўп эркинлик беринг. Кишиларни кўз олдида мақтанг, якка ҳолда танбех беринг. Инсон учун камситишдан кўра, аччикроқ ва аламлироқ нарса йўқлигини ёдда тутинг. Камситиш хеч қачон унутилмайди ва кечирилмайди. Адолатсизлик килишдан кўркинг — у инсонни жуда қаттиқ ранжитади. Хайриҳоҳлик ва ҳамдардлик кўпинча пулдан қадрлироқ. Барчани тинглай билинг, сабр-тоқатли бўлинг.

### 9. Ҳамма тухумни бир саватда сакламанг

Бир ишингиз олдинга кетдими, унга дарҳол бошқасини уланг. Бири бўлмаса ёки тўхтаб қолса, иккинчиси юришиб кетади. Дастлаб, Сиз машиналар ижараси ва прокатини ташкил қилинг, сўнгра эса уларнинг таъмирланишини, кейин эса эҳтиёт қисмлари сотишни ташкил қилинг.

### 10. Эсда тутингики, бугун асосий капиталингиз Сизнинг ўзингиз ва Сиздаги вактдир

Бу капитални кун давомида 24 соат самарали ишлашга мажбур қилинг. Дунёда қадрли нарсалар кўп: мулк, касб. Лекин яна ҳам қадрлироқ нарса — бу вакт. Вакт — мисоли отилган ўқ. Вакт қайтмайди. Вакт ҳамма нарсани ўзлаштиради, лекин биз уни тутиб қола олмаймиз. Биз уни орқага қайтара олмаймиз. Бу мумкин эмас.

## СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ

Вақт — бу олий ҳакам. Уни ҳеч ким енголмайды. У енгилмасдир. Биз “хозир” деймиз, лекин бу лаҳза факат бир мартагина бўлади. Агар шу лаҳзани қўлдан чиқарсан, уни бошқа қайтара олмаймиз. Бу лаҳзани биз “хозир” деб айтмаймиз, лекин бу “хозир” ҳозирнинг ўзидаёқ бутунлай фойиб бўлади. Бу — вақтдир.

Мана нима учун биз вақтни қадрламогимиз даркор. Мулкка ва касбга эга бўлиш мумкин, лекин бой берилган вақтта — ҳеч қачон.

Оlamга машхур “ДЭУ” корпорациясининг раиси йирик бизнесмен Ким У Жун ўзининг “Бизнеснинг буюк дунёси” китобида вақт ва ундан самарали фойдаланиш хусусида қуидагиларни ёзди:

Биз пешона теримиз ва меҳнатимизни аямаймиз, лекин вақтни қизғанамиз — бу “ДЭУ”нинг бир вақтлардаги шиори. “ДЭУ”нинг бутун моҳияти — шунда. Биз вақтнинг муҳимлиги ва аҳамиятини анча яхши тушунамиз. Ютуқ ва омадсизлик вақтдан қандай фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бир хил шароитларда вақтдан унумли фойдалана олган одамгина голиб бўла олади. Вақтни беҳуда сарфлаш пулни беҳуда сарфлашдан ёмонроқдир. Пулни яна ишлаб олиш мумкин, вақтни эса — йўқ. Вақтни дўконда сотмайдилар ҳам. Компаниямизнинг машхур бўлишида сабаб битта. У ҳам бўлса вақтдан самарали фойдаландик. Ҳакикатда биз бошқаларга қараганда икки баробар кўп ишладик. Биз ҳамма каби соат 9 дан 5 гача эмас, 5 дан 9 гача меҳнат қилдик.

Бир кеча-ю кундуз 24 соатдан иборат. Бу ҳамма учун бир хил. Лекин, гап бу 24 соатдан қандай фойдаланишда! Айтгайлик, агар бирор киши бошқалардан кўра уч баробар кўпроқ ишлайяпти ёки ўқияпти. Бу ҳолда унинг учун кеча-ю кундуз 24 соат эмас, 72 соатдан иборат. Биз бунда соатлар микдори ёки умуман, сарфланган вақтни эмас, балки, унумли, сифатли фойдаланилган вақтни ҳисобга олмоғимиз керак.

Вақтни тежаш керак. Вакт факат бир марта берилади. Нима бир марта берилса — у доимо қадрли. Айниқса, у ёшлик йилларида кексайтандагига нисбатан уч-тўрт марта қадрлироқдир. Чунончи, инсон феъл-автори, ҳаётининг ёшлик йилларида вақтдан қандай фойдаланганига боғлиқ бўлади.

91

## Тадбиркор қандай талабларга жавоб бериши керак?

Тадбиркор ўз навбатида раҳбар ҳамдир. Шу нүктай назардан у бир қатор талабларга жавоб бериши керак. «Раҳбарлик қилиш» сўзига изоҳли лугатда бошқариш, маслаҳат бериш, кузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш каби таъриф берилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда менежер (раҳбар)лар қондириши зарур бўлган талаблар жуда кўпдир. Уларни кўйидаги беш йирик гурухга бўлиш мумкин (16-жадвал):

16-жадвал

### Тадбиркор раҳбарга кўйиладиган талаблар

T/p	Талаблар	Изоҳ
1	2	3
1.	Маънавий етуклик	<ul style="list-style-type: none"><li>• сиёсий етуклик;</li><li>• ҳукукий етуклик;</li><li>• аҳлоқий етуклик;</li><li>• юкори савия ва онглилик;</li><li>• маърифатлилик;</li><li>• маданиятлилик;</li><li>• ходимларни ватанпарварлик рухида тарбиялашта қодирлик;</li><li>• тоғиширилган иш учун шахсий жавобгарликни хис қилиш, ҳалоллик, вижданлилик;</li><li>• шахсий манфаатларни жамоат манфаатларига бўйсундиришга қодирлик;</li><li>• кишиларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш;</li><li>• ташаббус ва илғорликни қўллаб-куватлаш қобилияти;</li><li>• принципиалик;</li><li>• танқидга чидамли бўлиш, ўз-ўзини танқид қила билиш.</li></ul>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

16-жадвалнинг давоми

1	2	3
2.	Ингизом ва меҳнатга бўлган муносабати	<ul style="list-style-type: none"> <li>• меҳнатсеварлик;</li> <li>• жамоа ўртасида интизомни йўлга кўя билиш;</li> <li>• атрофдагиларда меҳнатсеварликни тарбиялай билиш;</li> </ul> <p><i>Бир ношуд раҳбарнинг беғамлиги юзлаб, минглаб кишилар тақдирининг бедаҳл қирраларига таъсир этиши мумкин. Боқибебаг бу тоифа раҳбарларнинг иш услуги билан муроса қилиб бўлмайди.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ишни режали олиб бора билиш, режасиз ишлаган раҳбар ходимлар жамоаси олдига кўйилган вазифаларни муваффакиятли бажара олмайди.</li> </ul>
3.	Билим даражаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• иктиносидётни билиши;</li> <li>• техника ва технологияни билиши;</li> <li>• бошқариш илмини, функциялари ва структурасини билиш;</li> <li>• истиқболни билишта қодирлиги ва х.к.</li> </ul> <p><i>Раҳбар аник, куқур ва кенг билимга эга бўлиши, уни доимо тўлдириб ва янгилаб бориш керак. Акс ҳолда у обруқозона олмайди, ходимларнинг ишончига сазовор бўла олмайди.</i></p>
4.	Ташқилотчилик қобилияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланишини таъминлай олишлиги;</li> <li>• кўл остидагиларни меҳнатта ўргатиш ва тарбиялашни билиш;</li> <li>• жипслашган жамоани вужудга келтира олиш;</li> <li>• мақсад сари интилувчанлик;</li> <li>• кутубхонани вазиятларда бошқариш қобилиятини йўқотмаслик;</li> </ul> <p><i>"Ёмон корхона ёки ташкилот йўқ, лекин ёмон раҳбар бор". Бу избора шуни билдирадики, ёмон ишлаб турган корхонага жамоани яхши бошқарадиган, ташкилотчилик қобилияти юқори, меҳ-</i></p>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

16-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<p>натсевар, талабчан, билимдон раҳбар қўйилса, у корхона тезда яхши корхона сафига кўшилади.</p> <p><i>Агар яхши ишлаб турган корхонага масодиған ташкилотчилик қобилияти наст раҳбар келиб қолса аксинча, у корхона аста-секин ёмон ишлайдиган корхонага айланади.</i></p>
5.	Бошқариш самарадорлигини таъминлай олиш	<ul style="list-style-type: none"><li>• бошқаришни коллегиал тарзда ташкил қила олиш қобилияти;</li><li>• иш ҳакида қисқа ва аник гапириш қобилияти;</li><li>• и шга оид ҳатлар, буйруқлар, фармойишлар ёза билиш;</li><li>• турли манбалардан иш учун зарур ахборотларни олиш қобилияти;</li><li>• раҳбарларни ва кўл остидагиларни тинглай билиш қобилияти;</li><li>• асосланган қарорларни мустақил ва тез қабул қила билиш қобилияти;</li><li>• режаларни бажаришдан ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш қобилияти;</li><li>• бошқарув органи қарорларини бажариш устидан назоратни таъминлай билиш;</li><li>• бошқариш структурасини тақомиллаштириб бориши қобилияти ва х.к.</li></ul>

**92**

**Тадбиркор раҳбарда қандай сифат  
хислатлари мужассамлашган бўлиши  
керак?**

Тадбиркор раҳбарнинг сифат хислатларини белгиловчи мезонлар бисёрдир. Бироқ қўйидаги ижобий хислатлар улар орасида алоҳида мавқега эга:

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ

**Довюраклик** – бундай тадбиркор раҳбарда мардона-ворлик, ботирлик, дадиллик мавжуд бўлади. Улар омадсизликдан кўркмайди. Кўркув уларни жасоратга чорлайди ва зафарларга олиб келади. Ҳар бир янги ҳаракатни тараққиётга ва ҳаётий тажрибаларга эришиди.

**Сабрлилик** – бундай тадбиркор раҳбар муваффакиятга бирданига эришиши мумкин эмаслигини яхши тушунади. Унга факат бардош ва сабр-тоқатли бўлиб, сабот-матонат билан қийинчиликларни енгиш орқали эришиш мумкинлигини билади. Чидам, сабр тўғрисида Абдулла Авлоний шундай деган эди:

Сабр шундай бир кучли нарсадирки,  
• газабни щижоатта,  
• катталикни тавозеъга (камтарликка),  
• ёмонликни яхшиликка айлантиրмакка куввати етар.

Бир ҳакимдан сўрадилар: «Одамларни ўзингдан узоқлаштирумасликнинг боиси нима?». У деди: «Чидам ва мулоимлик». Яна ундан: «Мушкул нарсаларни қандай ҳал қиласа бўлади?», деб сўрадилар. У яна: «Чидам ва мулоимлик билан!», деб жавоб берди.

**Яхши ниятлик** – бундай раҳбар хайриҳоҳ ва илтифотли ҳамда, кишиларга нисбатан доимо эзгу ниятда бўлади. Ўзидаги қаноатсизликни фирром ракобатчилик йўли билан эмас, балки хайриҳоҳлик йўли билан бартараф қилишга харат қиласи.

«Бирни кўриб шукур қил, бирни кўриб зикр қил»,  
бўлмоғи даркор.

Шу ўринда қуйидаги ҳикматли сўзларни таъкидлаш ўринлидир. Уч дардга даво йўқдир:

- дангасаликдан келган камбағалликка;
- ҳасаддан туғилган душманликка;
- ҳўжайнликдан келиб чиккан касалликка.

**Софлом шубҳалик** – бундай тадбиркор кўпинча «ҳар нарсада шубҳада бўл» шиорига амал қиласа-да, бироқ нософлом шубҳа – бу хоин, у кишиларни уриниб кўришдан кўркитиб, эришишлари мумкин бўлган яхши нарсалардан кўп

холларда маҳрум этилишни яхши билади. Шу билан бир каторда улар ўз кучига ишониш, унга соғлом шубҳа билан қараш, ишчан масъулиятли қарорларни қабул қилишга чорлашини, уларни бажариш йўлида киши кучига куч қўшишини яхши тушунишади.

**Камтаринилик** – бундай тадбиркор камтарликнинг деярли ҳар доим истеъоддига тўғри пропорционал эканлигини, камтарликнинг етишмаслиги эса нодонликнинг даракчиси эканлигини яхши тушунади. Улар:

Камтарлик – жасорат тожи.  
Камтарга камол, манманга завол.  
Камтарлик кўкка кўттарар, манманлик ерга киритар.  
Камтар керилмайди, мол-дунёга берилмайди.  
Камтарлик аълодир, мағрурлик балодир.

каби халқ мақолларига риоя қилишади. Шунингдек, камтарин раҳбарнинг:

- ўзини бошқалардан устун кўймаслигини;
- илму фан ёки меҳнат соҳасидаги ютуғи билан мағруланмаслигини;
- катта-кичикни бирдек хурмат қилишини;
- одамлар оғирини енгил қилишини;
- хушмуомала бўлишини;
- қандай даврада бўлмасин доимо ўзини оддий тутишини;
- шону шуҳратга учмаслигини яхши англашади.

**Самимий хушмуомалалик** – бундай тадбиркор соғдил, очик кўнгил бўлади, чин юракдан гапиради. Кўл остидагиларга садоқат билан ихлос кўйиб хизмат қиласади. Улар самимийликнинг оғир ва жуда нозик масала, у акл ва чукур маънавий одобни талаб этишини, шунингдек, кимки ўзглар билан носамимий муносабатда бўлишга одатланган экан, у пировард натижада ўзига ҳам самимий бўлолмай қолишини яхши тушунади.

Доноларнинг айтишларича, хушмуомалаликнинг ўнта белгиси бор. Улар куйидагилар: инсоф, акл, илм, ҳилм(мулойим), олийжаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр ва мулойимлик.

**Рахмдилиллик** – бундай тадбиркор барчага раҳм-шафкатли бўлади. Улар бошқаларни кўп нарсада кечиришади,

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ

аммо ўзларини эса ҳеч нарсада кечиришмайди. Улар раҳм-шафқат инсонларнинг энг олий фазилатларидан бири эканлигини, раҳм-шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзишини, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туриш лозимлигини яхши биладилар.

**Хушхулқилик** — бундай тадбиркор раҳбар инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқида эканлигини, айнан, хушхулқилик инсонни улуғликка олиб боришини, ёқимли хулқ эгасидан барча катта-кичик хурсанд бўлишини, бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд килишдан ташқари, ҳам ўзи доимо хурсанд юришини, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулойимлик қайтишини яхши тушунади.

Доноларнинг фикрича, хушхулқиликнинг ўн нишонаси бор:

1. Яхши ишларда одамлар билан ҳамиша бирга бўлиш.
2. Нафс куйига кирмаслик.
3. Ўзгалар айбини қидирмаслик.
4. Бирорда бирор айб содир бўлса, уни яхшиликка йўйиш.
5. Айбдор узр сўраса, гунохини кечириш.
6. Мухтожлар хожатини чикариш;
7. Ўзи ҳакида ўйлайвермай, бошқалар тўгрисида ҳам қайгуриш.
8. Ўз айбига иқрор бўлиш.
9. Очик юзли бўлиш.
10. Хушмуомала бўлиш.

**Қаноатлилик** — бундай раҳбар қаноатсизликдан келадиган оғатларни, яъни нафс балоси, ҳасад, худбинлик, баҳиллтик, тамагирлик кабиларни яхши англайди. Улар нафс балоси одамни ҳар куйга солишини, нафсини тийган хурмат-иззат топишини ва бехавотир яшашини, қаноатнинг эса, иззатнинг асоси, ўлмайдиган бокий ҳазина, куримайдиган дараҳт, завол топмайдиган мулк эканлигини яхши тушунишади.

Бу ўринда куйидаги ҳикматни келтириш ўринлидир:

Ҳар кимнинг нафси ақлига хизмат килса, ундај кишига баҳт ва давлат юзланади. Ҳар кимнинг ақли нафси-га хизмат килса, баҳту иқбол ундај кишидан юз ўтиради.

Тамагирлик ҳам қаноатсизлиқдан келиб чиқади. Тамагир тадбиркор ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун турли қабиҳликлардан қайтмайди, ҳеч қандай гунохдан кўркмайди, ёлғон гапирмай юра олмайди, ёлғон сўзни исботлаш учун, ёлғон қасамлар ичади. Тамаси кўпнинг инсофи оз, очкўз бўлур.

Бир киши ўғлига деди:

— Нафсингни шундай машқ қилдирики, токи у амринга кулоқ соладиган бўлсин.

Ўғил сўради:

— Мен қайси пайтда ақсли бўлишим мумкин?

Ота:

— Нафсингта ҳоким бўлганингда!

93

### Қайси хислатлар тадбиркорни эл назаридан қолишига олиб келади?

Инсонларга хос юқорида қайд қилинган ижобий хислатларнинг ҳаммасини бир киши тўла-тўқис эгаллаб олиши жуда қийин, албатта. Лекин шундай фазилатларга эга бўлишга барча тадбиркорлар интилиши керак. Зоро, обрўли бўлиш фазилати ҳар бир тадбиркор раҳбар учун шак-шубҳасиз зарурдир.

Обрў — бу барча томонидан тан олинган ҳамда меҳнат эвазига ортирилган, тадбиркор раҳбар учун зарур ишонч ва қалқондир. Айни пайтда ҳар бир тадбиркор ўзидан юқори турувчи раҳбарлар олдида ҳам, ўзига бўйсунувчи ходимлар олдида ҳам, ўзи билан хукуки teng бошка раҳбарлар олдида ҳам обрўга эга бўлиши лозим.

Обрў ҳалол меҳнат, ташаббускорлик ва ўз вазифасига масбулият билан муносабатда бўлиш, жамоа аъзоларига талабчанлик ва ғамхўрлик қилиш, ўз ишини чуқур билиш билан ортирилади.

Шуни эсда тутиш лозимки, хизмат мавқеи ўз-ўзидан обрў келтиравермайди. Раҳбар тадбиркор хизмат мавқеига фақат муайян неъматлардан фойдаланиш усули деб қарамаслиги зарур. У шуни ёддан чиқармаслиги керакки, раҳбарлик мансабига сайлаб қўйилган ёки тайинланган экан, энди фақат битта афзалликка эга бўлади, у ҳам бўлса:

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ

Ўз жамоаси, умуман халқ манфаати учун бор кучи билан ишлапши, элим деб, юртим деб ёниб яшаши керак.

Раҳбар тадбиркор шу талабларга риоя қилмас экан, у ўз раҳбарлик услубида куйидаги салбий ҳолатларга йўл қўйиши, пировардда эса ўз обрўйини кеткизиши ва эл назаридан қолишига сабаб бўлиши мумкин (17-жадвал).

17-жадвал

### Тадбиркор обрўсига шутур етказувчи унсурлар

Т/р	Салбий унсурлар	Изоҳ
1	2	3
1.	Бюрократизм	<p><b>Бюрократ:</b></p> <ul style="list-style-type: none"><li>ишлаб чиқилган қоида, кўлланмаларга ўта риоя қилади. Уларни ўзининг бирдан-бир мақсади деб билади;</li><li>одамларга тўраларча муносабатда бўлади;</li><li>қоғозбозликини авж олдиради;</li><li>бошқаришга котиб қолган, эски усуллар билан ёндошади;</li><li>иш мөхиятини расмиятчилик билан кўмиб ташлайди;</li><li>масалани ҳал этишдан, шахсий жавобгарлиқдан ўзини чепта олади.</li></ul> <p><b>Бюрократизм:</b></p> <ul style="list-style-type: none"><li>жамоанинг ва шахснинг ташаббус-корлигини, дадил фикрларини бўғади;</li><li>аклли, қобилиятли кадрлардан кутулишга ҳаракат қиласди.</li></ul>
2.	Маҳаллийчиллик	Бундай "дардга" мубтало бўлган тадбиркорлар: <ul style="list-style-type: none"><li>ишга тор тармоқ, тор функционал нуктаси назардан ёндошадилар;</li><li>уларда сиёсий, маънавий стуклик этишмайди;</li><li>узокни кўра олишмайди;</li></ul>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

17-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<ul style="list-style-type: none"> <li>• бошқалар хисобидан фойдаланиб қолишга интиладилар;</li> <li>• қариндош-уругчилик, таниш-билишлик, ошна-оғайнагарчиликка йўл кўяди.</li> </ul>
3.	Ҳадиксираш	<p>Бундай тадбиркор:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• унча мураккаб бўлмаган масалаларни ҳам мустакил ҳал эта олмайди, юкори турувчи раҳбарлар билан келишиб олишга интилади;</li> <li>• ҳар ишда сусткашлик килади;</li> <li>• хизмат конасида ўралашиб, қорозбозлик билан банд бўлади.</li> </ul>
4.	Баландпарвозлик	<p>Бундай тадбиркор:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзининг кичкина, кўз илғамас муваффақиятни бўрттириб кўрсатади, шов-шув кўтариб ногора килади;</li> <li>• юкори органлардан мақтov эшитишни ёқигради;</li> <li>• тилга тушинши, матбуотда ёзишларини, телевидениега чиқишини истайди;</li> <li>• соҳта ташаббуслар атрофида шов-шув кўтаришга, ижодий изланиш ўрнига ишни хўжакўрсинга ташкил этишга интилади;</li> <li>• ишчанилик ўрнига кўзбўямачилик ва кўшиб ёзиш билан шуғулланади.</li> </ul> <p>Бундай тоифадаги тадбиркор раҳбарлар учун камчилик ва муаммоларни хаспўшлаш, хизматларини бўрттириб кўрсатиш ва ўзини мақташ характерлидир.</p>
5.	Бошқа салбий кусурлар	<p>Раҳбарлик услубидаги гарчи кам бўлса-да, ҳар ҳолда учраб турадиган ва умумий ишга зарар келтирадиган бошқа салбий томонлар ҳам борки, булар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• худбинлик;</li> <li>• такаббурлик;</li> <li>• мақтанчоқлик;</li> </ul>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КЎРИНГ**

17-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<ul style="list-style-type: none"><li>• тамагирлик;</li><li>• ёвузлик, золимлик;</li><li>• хушомадгўйлик;</li><li>• димоғдорлик;</li><li>• хасислик, баразгўйлик;</li><li>• айёрлик;</li><li>• жizzакилик;</li><li>• бокибекамлик;</li><li>• баднафслик;</li><li>• субутсизлик;</li><li>• бахиллик;</li><li>• мансабпараматлик ва х.к.</li></ul> <p>Бундай салбий қусурлар мавжудлигини англасак, кўрсак ҳам лекин кўпинча уларни йўқотиш кийин кечади. Чунки ҳар қандай кишига, хусусан тадбиркорга унинг мазкур фазилати ёки иш услубидаги нотўрилик айтилса, табиий равишда норози бўлади.</p> <p>Шу сабабли бундай нуксонларни бартараф килиш учун кураш жуда ҳам осон ва силлик ўтмайди. Бунинг учун кундалик меҳнат, изчиллик ва саботматонат талаб қилинади.</p>

**94**

**Раҳбарлик услубидаги салбий  
қусурларни бартараф этишнинг  
қандай усусларини биласиз?**

Раҳбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этиш дегани — бу бошқаришнинг барча унсурларига эътиборни кучайтириш демакдир. Энг аввало, тадбиркор юқоридаги нуксонлардан холи бўлиши ва иш услубини қўйидаги ижобий фазилатлар замирида ташкил қилиши лозим:

- Тадбиркор ўз хукуқ ва ваколатидан умумдавлат манфаатларини жамоа ва ходимларнинг шахсий манфаатлари билан уйғун олиб борища моҳирона фойдаланиши зарур. Аммо давлат манфаатла-

рига путур етказмасдан, шахсий манфаатлар умум-манфаатларга бўйсуниши лозим.

- Ишлаб чиқаришни фақат жамоада обрў-эътиборга эга бўлган тадбиркоргина яхши бошқара олади. Айни пайтда шуну унутмаслик керакки, обрў фақат хизмат мавқеи билан эмас, балки, аввало, билим, тажриба, ишга ва ходимларга муносабат билан орттирилади.
- Раҳбар вазмин, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута биладиган, одобли ва хушмуомала бўлиши зурур. Ўз хатти-харакатини назорат қила оладиган, кайфияти ва сезгиларини тия биладиган, юриш туришида бўйсунувчиларга ўрнак кўрсатадиган бўлишга мажбурдир.
- Буйруқ ҳаммага ҳам ёқавермайди. Шу сабабли бўйсунувчи ходимларга бериладиган фармойиш фақат бевосита буйруқ шаклида бўлмасдан, балки топшириқ ва вазифа, маслаҳат тарзида ҳам бўлиши керак. Бу ўринда куйидаги ибратли иш услубини билиб кўйиш фойдадан холи эмас.

Оуэн Янг дурустгина лавозимни эгаллаб турган бўлишига қарамай, кўл остидаги ходимларнинг ҳеч бирига ҳеч қачон буйруқ оҳангига иш буюрмаган. У буйруқ беришдан кўра маслаҳат солишини афзал билган. Бундай юмшок муомала биринчидан, Оуэннинг ўзига катта иззат-обрў келтирган бўлса, иккинчидан идора ишининг ҳар доим бир маромда муваффакиятли кечишини таъминлаган.

Янг ҳеч қачон «Мана бу ишни ундаи ёки бундай қилинг» ёки «Бундай ё ундаи қилманг», демаган. Бунинг ўрнига «Шу масалада бир ўйлаб кўрсангиз» ёки «Шундай қилинса, яхши натижа беради деб ўйлайсизми?» қабилида муомала қилишга одатланган.

- Раҳбар бўйсунувчи ходимларнинг фикр ва маслаҳатларини диккат ва ҳурмат билан тинглаши, ҳатто шу таклифларга шахсан қўшилмаган такдирда ҳам уларга осойишта қулоқ солиши ва муҳокама қилиши лозим.

Янг бирор ташкилотга хат йўллаш зурурати туғилиб қолган ҳолда мактуб матнини бошидан охиригача айтиб туриб ёздиради-да, пировардидага ходимига шундай савол

билин мурожаат қиласди: «Сизнинг хат матни хусусидаги фикрингиз қандай?». Агар хат матнини бирор ходими тайёрлаган бўлса, уни ўқиб чиққач, мабодо камчилиги учраса ёки ёкмаса, буни ходимнинг юзига солиш ўрнига маслаҳат йўсинида фикрлашади: «Балки хат матнини бироз бошка-чароқ қилиб ёзганимиз маъқулмиди, сиз нима дейсиз?».

Янг ўз ходимларига нима қилиш кераклиги ҳакида хеч качон кўрсатмалар бермайди, зиммаларидағи вазифани мустакил бажариши учун имкон яратади. Мустакил ҳаракат қилишга, ўз хатоларидан тегишли хулоса чикириш ва бошка тақрорламасликни одат қилишга унрайди.

Ҳакиқатан ҳам бундай муносабат ходимларни мустакилликка ўргатади, хатоларни тез тузатиш ва ишни охиригача пишик-пухта бажаришга одатлантиради. Қолаверса, бундай усул ишчи-хизматчиларнинг иззат-нафсини ҳеч қаҷон камситмайди ва, айниқса, уларда ўз имкониятлари ва маҳоратларига қатъий ишонч, меҳнатта иштиёқ туғдиради.

Демак, агар тадбиркор инсонларда ўзига нисбатан иликлиқ, иззат-хурмат хиссини уйғотмоқчи бўлса, у салбий хислатлардан, яъни буюриш, кўрсатма бериш оҳангларидан воз кечиб, маслаҳат солиши, улардан Фикр олиши керак. Шунда унинг умумий ишга кўпроқ нафи тегади. Раҳбар интизом ва тартибга риоя қилишини қатъий талаб қилиши ва бўйсунувчиларнинг бирон ножӯя ҳаракатини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Талабчанлик тарбиянинг асоси ва онгли интизомнинг энг мустаҳкам заминидир.

Хуллас, раҳбардаги жамоани бошқариш қобилияти, одамлар ҳакида ғамхўрлиги, ташаббускорлик, қатъиятлик, мустакиллик, талабчанлик, бўйсунувчи ходимлар билан маслаҳатлаша билиш, ўз сўзини устидан чиқиш каби ижобий фазилатлар ундағи салбий қусурлардан кутулишга ёрдам беради.

95

### Тадбиркор маданияти деганда нимани тушунасиз?

Умуман, тадбиркор маданияти деганда тадбиркор адаби ва иқтидори ўргасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Бу боғланиш қуйидаги фазилатлар мажмуасида ўз аксини топади:

Адаб — аклнинг суюнчиғи, барча фазилатларнинг мезони. Беҳудага ҳалқимиизда: «Ақл билан адаб — эгизак», дейишмайди. Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чироили фазилатлардан безайди.

Адаб тадбиркорни энг чироили хулқ билан куроллантиради. Натижада ақл эгалари бундай тадбиркордан ҳар ишда рози бўлишади. Адабли тадбиркор эса кундан кунга обрў топади, нуфузи ошади, ишлари равнақ топади.

Баъзи ҳакимлар адабни энг масъум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш деб таъриф беришади. Демак, тадбиркордаги адабнинг мавжудлиги, бу ноёб неъматнинг мавжудлигидир.

Умуман адаб икки хил бўлади:

- ҳикмат адаби;
- ҳизмат адаби.

Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Ҳизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказади. Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз килса, иккинчиси кудратли қиласди.

Адаб раҳбарни ақл ва ахлоқ эгаси бўлишга, вижонли, ор-номусли, соғ кўнгилли, субутли бўлишга давват этади.

Иймон арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси — ишончдир. Иймонли кишини, хусусан раҳбарни ёки тадбиркорни қисқача шундай тавсифлаш мумкин:

- эътиқодли, яъни ўз фикр ва қарашларига маҳкам, событқадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек хисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқод журъатни, мардликни, фидоийликни тақозо қиласди;
- маслакли, яъни ўзига хос ақидалари билан бошқалардан ажralиб турувчи ижтимоий, сиёсий, илмий, ғоявий ва диний йўл соҳиби;
- тақвадор, яъни бирорнинг ҳақига хиёнат килмайдиган;

- шарм-ҳаёли, яъни ҳар қандай ножӯя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия оладиган;
- ориятли, яъни ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортадиган;
- адишали, яъни оқибатини ўйлаб иш қиладиган, юз-хотирни биладиган, фаросатли;
- виждонли, яъни ноҳақ, адолатсиз ишлардан газабга келадиган, буларга қаршилик билдирадиган; ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб, хурсанд бўладиган, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзиладиган, яъни виждон азобига тушадиган.

Содда килиб айтганда:

Иймон уч нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод — бу ишонч. Иқрор — сўзда буни тан олиш. Амал — яхши ишлар билан уни исботлаш.

Инсоф — бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилик, баробарлик, соғдиллик ва ҳакикаттўйликлар. Ўзгани ўз ўрнига ва шунингдек, ўз ўрнига ўзгани хаёлан кўйиб кўриш ҳам инсофга киради. Юкорида таъкидлаганимиздек, тўқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом беморни ўз ўрнига куйиб кўролса ва аксинча ҳам худди шундай бўлса, олам-гулистон — инсофлилар сафи кўпаяверади.

Инсоф — ҳар қандай кишининг, хусусан, раҳбар ёки тадбиркорнинг жамият олдида, теварак-атрофидаги кишилар назарida ўз хатти-ҳаракати билан маънавий масъулиягини хис этишининг ифодасидир.

Адолат — бу барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир. Адолатпарвар тадбиркор ёки раҳбарнинг ахлоқий хислатлари bemalol қонун ўрнини боса олади. Улуғ аллома Носириддин Тусий ижтимоий адолатнинг уч асосий талаби мавжудлигини ва жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканини алоҳида уқтирган эди.

**Адолатнинг биринчи талаби:**

- ахоли турли табакаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир.

**Адолатнинг иккинчи талаби:**

- эл-улуснинг ҳак-хукукини тенг таъминлаган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш.

**Адолатнинг учинчи талаби:**

- барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва хукукига қараб, ҳар бир инсон ўз улшини олишга имкон яратишдан иборат.

Бу каби давр ва ҳаёт тажрибасида тасдиқланган фикрлар орадан саккиз аср чамаси ўтиб, Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятида ўзига хос тарзда ифода топмоқда. Бунга ишонч ҳосил қымкот учун юргобошимизнинг маърузаларидан биридаги ушбу фикрга дикқат қиласли:

«Давлат жамиятнинг кескин табакаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару, камбаал қашшокларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак».

Бундан шу холоса келиб чиқадики, ҳар турли қинғир йўллар билан ҳаддан ташқари бойлик ортириб ўзини қўярга жой тополмай, «тўқликқа шўхлик» қиласаларнинг жиловини тортиб қўйиш билан бирга, ҳалол меҳнат кишиларига имконият яратиб бериш, уларни қўллаб-куватлаш, зурур бўлса, рағбатлантириб бориш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланган.

Адолатнинг иккинчи талаби сифатида Президент жамият тараққиёти ва унинг сиёсий мухитини белгилашда раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга катта аҳамият беради ва бу масалага ҳал қыдувчи маънавий-сиёсий омил, туб ислоҳотларнинг таянчи ва бош йўналтирувчи кучи, деб карайди:

«Халқнинг дардига бефарк карайдиган, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва тамагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақига, халқимиз фаронлигига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди. Бизга шундай раҳбарлар керакки, токи улар элим деб, юртим деб куйиб-ёниб, ўз ҳаловатларидан кечиб меҳнат қилинлар!»

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилек қилмас экан, мустакил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан ишларимиз кўнгилдаги-дек бўлмайди.

Адолатли жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик ишига рағбати кучли бўлади. Шунинг учун ҳам Президентимиз:

«Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатта интилиш — халқимиз маънавий-рухий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик яғаси бутун иктисолий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»,

масаласини долзарб вазифа қилиб қўйди.

Иктидорли<sup>1</sup> деганда бирор соҳа бўйича лаёкатини онгли равишда сезган, ўзидағи қобилиятни тўла намоён қилиш учун қатъият кўрсата оладиган кишилар тушунилади. Иктидорли одамлар куч-кувватини аямайди ва кутиладиган натижасига — мақсадига етади, яъни ўзини бор бўйича кўрсатади.

Улар ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби ҳислат ва фазилатларга эга бўлишади, ўз хатти-ҳаракатларига ҳамиша танқидий кўз билан

<sup>1</sup> Иктидорли тушунчадан фарқли ўлароқ, истеъод тушуничаси ҳам бор. Истеъод — бу ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва тақрорланмас қобилиятдир. Қобилият, иктидорни тинимсиз меҳнат туфайли тарбиялаш мумкин. Аммо истеъод ибораси аждодида буюк сиймолар ўтган авлод фарзандлари орасида бирор истеъод эгаси бўй кўрсатиб қолганда тилга олинади.

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КЎРИНГ**

қарайдилар, доимо олға қараб интиладилар, эришган самаралари билан ҳеч қачон чекланиб қолишмайди. Иктидорли инсонлар ўз фаолиятлари билан ҳатто баъзи бир камхарат катта истеъод эгаларига қараганда ҳам жамиятга кўпроқ фойда етказишиди.

Қайд килинган фазилатлар мужассамланмаган раҳбар раҳбарлик лавозимига ёки таниш-билиш ёки қариндош-уругчиллик, ёнин пора бериб эришган. Бу нафакат давлатнинг, балки бутун ҳалқнинг турган-битган шўридирир.

**96**

**Ўзига, жамоага ва жамиятга нисбатан тадбиркор маданияти нималарда намоён бўлади?**

Амалиётда тадбиркор ёки раҳбар маданияти аник кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Уларни қўйидаги уч гурухга бўлиш мумкин (18-жадвал):

*18-жадвал*

**Тадбиркор ёки раҳбар маданиятига баҳо берни учун  
қўлланиладиган кўрсаткичлар**

Т/р	Объект	Кўрсаткичлар тизими	
		1	2
1.	Тадбиркорнинг ўзига нисбатан маданиятилиги		<ul style="list-style-type: none"><li>♦ Суз билан ишнинг бирлиги;</li><li>• ўз касбий маҳоратини, иктидоримаънавий комиллигини ўстириш устида қайфуриш;</li><li>• оқилона турмуш тарзи, жисмоний соғломлигини саклаш;</li><li>• ўз-ўзини танқид асосида ўз камчиликларини бўйнига олмоқ;</li><li>• ўзини интизомга бўйсундириш;</li><li>• ўз малакасини оширишга бўлган интилиш ва унинг уддасидан чиқа олиш;</li><li>• ҳаракатнинг мақсадга қаратилганилиги ва катъийлиги;</li></ul>

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ**

18-жадвалнинг давоми

1	2	3
		<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзига ва меҳнат фаолиятига бўлган талабчанлик;</li> <li>♦ Ахлоқнинг куйидаги алифболарига катъий риоя килиш:</li> <li>• камтаринлик;</li> <li>• ҳакгўйлик;</li> <li>• ҳалоллик;</li> <li>• ўзини тута билишилик;</li> <li>• оддийлик;</li> <li>• тўғрилик, виждонлилик.</li> </ul>
2.	Тадбиркорнинг жамоага нисбатан маданиятлилиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>♦ Ҳалқпарварлиги, яъни:</li> <li>• кишиларга эътибор ва хурмат;</li> <li>• кишиларга хайриҳоҳ ва илтифотли бўлиш;</li> <li>• олижоноблик ва бегаразлик, холислик;</li> <li>• кишиларнинг қадр-кимматига етиш кабилар.</li> <li>♦ Фуқаролик ва қасбий бурчини бажариши:</li> <li>• одамларга ишонч, кишиларнинг ўз кучига, қобилиятига бўлган ишончини кўллаб-куватлай олиш, унинг шахсий камчиликларини бартараф килишга йўналтира билиш;</li> <li>• юкори нутк маданиятига эга бўлиш ва ташки кўринишдаги озодалиги;</li> <li>• салбий фазилатларга эга бўлган, конун-коидаларга риоя кильмайдиган, адабсиз кишиларга, шу жумладан, қавму-кариндош ва яқин таниш-билишларга нисбатан тоқати йўқ.</li> <li>♦ Ўзаро муносабатдаги куйидаги оддий этика коидаларига риоя килиш:</li> <li>• хушмуомала;</li> <li>• сиполик;</li> <li>• камсукумлик;</li> <li>• андишали;</li> <li>• вазмилиник.</li> <li>♦ Мехнат ва дўстликдаги шерикчиликда:</li> <li>• ўзаро ёрдам ва кувватлаш;</li> </ul>

1	2	3
		<ul style="list-style-type: none"> <li>хозиржавоблик ва мажбурийлик, сўзсиз бажаришлиқ;</li> <li>принципиаллик ва ишонч;</li> <li>талабчанилик.</li> </ul>
3.	Тадбиркорнинг жамиятга нисбатан маданиятилиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>юқори даражадаги фуқаролик, ватанпарварлик ва байнаминалилк;</li> <li>жамият баҳт-саодати йўлида ҳолол меҳнаткилиш, юрт боилигини кўпайтириш ҳақида гамхўрлик килиш;</li> <li>қонунларга, хукукий акт ва битимларга, давлат интизомига қатъий риоя килиш;</li> <li>ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, жамият манфаатлари бузилишига нисбатан шафқатсиз бўлиш;</li> <li>хукукий, моддий ва маънавий жавобгарлиники тан олиш ва риоя килиш;</li> <li>кўлғиҳрлиликка очик кўнгиллик бўлиш ва уни хурмат килиш.</li> </ul>

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбиркор ёки раҳбар қайси бўғинда раҳбар бўлишидан қатъи назар, ўзининг асосий мажбурияти, яъни кўл остидагиларни ўзининг мисолида тарбиялашни унутмаслиги керак. Чунки раҳбар нафакат мансабдор, у ўз навбатида ҳам тарбиячи, ҳам социолог, ҳам психологиядир, содда килиб айтганда, раҳбар — бу кишилар ўргасидаги мураккаб муносабатларни созловчи, уйғулаштирувчи «муҳандисдир». Бугунги кундаги жамиятимиз ана шундай раҳбарларга ва тадбиркорларга ўта муҳтождир.

97

### Ходимларни қабул қилиш маданияти билан танишмисиз?

Тадбиркор ўз навбатида раҳбардир. У ходимларни қабул қилиш маданиятига эга бўлиши лозим. Чунки, ходимларни қабул қилиш, уларнинг ташвишларига кулоқ солиш,

## СИЗ ТАДВИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ

оғирларини енгил қилиш ҳар бир раҳбарнинг бурчи ва вазифаси хисобланади. Шунинг учун ҳам қабул маданиятига риоя қилиш учун раҳбар кўйидагиларга эътибор бермоғи лозим:

- сұхбатдошингизни қанча вақтингиз борлиги тўғрисида огохлантириинг;
- факат сұхбатдошингиз гапларини инобатта олиб, вазиятни кўз олдингизга келтириинг;
- тўхтатиб бўлмайдиган, узил-кесил мунозарадан ўзингизни тийинг;
- ўз фикрингизни ишончли ва батафсил айтинг;
- ўз ғоянгизни изчиллик билан баён этинг;
- овозингизни баланд қилмасдан гапириинг, сўзларингиз дона-дона ва равон бўлсин;
- қарши танбеҳ ҳолларда ўзингизга нисбатан танқидий ёндошинг;
- шунчаки фикрлаш ёки ҳакиқатан ҳам шунақами — булар ўртасидаги фаркни билинг;
- саволларни шундай тузингки, уларни тушуниш бир хилда бўлсин;
- муаммо мухокамасини аниқ ечим билан тугатинг;
- ишни қалаштирунган. Зудлик билан кўрсатма беринг;
- сұхбатдошингизнинг юмуши ўзи учун ўта мухим эканлигини унутманг.

Қабулингизда бўлган шахснинг муаммосини ҳал этишга имконият бўлмаган тақдирда ҳам сиз уни самимий, илтифот билан кузатинг ва хайриҳоҳлик билан ишининг ўнгланиб кетишига умид баҳшида этинг. Умуман, хизмат юзасидан қабул чоғингизда кўйидаги қоидага риоя қилсангиз, нур устига аъло нур бўлур эди:

Учрашув чоғида — хушфөйллик.

Кулоқ солиш чоғида — эътибор, рағбат.

Баҳслашув чоғида — кўп нарсани билишга кизикувчалик.

Танқид чоғида — ўзини тута билишлик.

Ташкилотда раҳбарлардан қайси бири, қандай масала юзасидан кишиларни қабул қилиши аниқ белгилаб қўйи-

лиши зарур. Бўйсунувчиларни илтимосига кўра, қабул қилганда раҳбар уларга илтимос ва таклифларини қиска баён қилишини ўргатиши лозим. Агар раҳбар ўзи таклиф қилиб қабул этса, бўйсунувчи бу ҳакда олдиндан хабардор қилиниши керак. Сұхбат чоғида ишонч мухитини вужудга келтириши лозим, сұхбатдошни мажбур қилиш, шаънини пастга уриш мумкин эмас.

98

## Муаммо мұхокамасида тадбиркор ўзини қандай тутмоли лозим?

Ҳар қандай муаммони мұхокама қилиш чоғида ўзаро тўғри муносабат ўрнатиш учун тадбиркор ҳамма вакт ўзида мұайян фазилатлар ва раҳбарлик услубини ҳосил қилишга интилиши керак. Кишилар билан очиқ ва тўғри мұомалада бўлиш, дўстона муносабат ўрнатиш, ҳар доим бир хил мұомала қилиш, арзимас ишлар юзасидан тортишмаслик, ўз хатоларини тан ола билиш ва ҳоказолар шундай фазилатлар жумласига киради.

Айтайлик, Сиз бирор бир муаммони мұхокама қиляпсиз. Шу жараёнда:

- мұхокама қилинаётган муаммони ва шу мұхокамага қатнашувчиларнинг сонини чегараланг;
- диккәтни нуктаи назарга эмас, балки манфаатта алоҳида эътибор беринг;
- ечимдан олдин унинг имкониятларини ажратинг;
- натижани объектив ҳолдан келтириб чиқаринг.

### Сизнинг муқаддас бурчингиз:

- мұхокама қатнашчилари ҳам инсон эканлигини унутманг;
- онда-сонда ўзингизни бошқалар ўрнига кўйиб кўринг;
- хавфсирашингиздан келиб чиқиб хulosалар қиласлик;
- сизнинг муаммоингиз бошқаларнинг айби туфайли эмас;
- натижани мўлжал олиш;
- ўзингизнинг ва ўзгаларнинг ҳиссиётини хис этиш;

- эшитаёттанингизни билдириш ва кўрсатиш.

**Муҳокама давомида:**

- муаммонинг муҳимлигини кўрсатинг;
- манфаатдорликни муаммонинг бир қисми сифатида ажратинг;
- объектив мезонларга таянинг;
- мақсаддан четлашманг;
- муаммонинг аҳамиятини камситманг;
- нуқтаи назардаги ҳар хил фикрга унча эътиборни қаратманг;
- мураккаб, оғир ҳолатларда ўзингизни йўқотманг;
- ўз манфаатингизни шараф билан намоён қилинг;
- фаол бўлинг;
- муҳим жиҳатлардан бошланг;
- муҳолиф нуқтаи назарига хужум қилманг, унга зимдан мўраланг;
- танқиддан қочманг, аксинча, ундан ишингиз омади йўлида фойдаланинг;
- ўзингизга қаратилган хужумни муаммога нисбатан хужумга йўналтирманг;
- тасдиқлаш эмас, балки кўпроқ савол-жавобдан фойдаланинг;
- асоссиз хужумнинг кушандаси — бу сукутдир. Шундан фойдаланинг.

Ҳар бир раҳбар муҳокама қилиниши лозим бўлган ёки тасодифан юзага келиб қолган муаммони, энг аввало, ўзи обдон тушуниб етган ёки ҳеч бўлмаса, ўша муаммонинг ечими бўйича ўзининг мустакил фикрига эга бўлиш лозим. Шундагина, у муаммо ечими бўйича таклиф қилинган мутахассислар билан тенгма-тeng мунозара, баҳс юрита олиши мумкин.

**99**

**Кенгаш ва мажлисларни олиб бориш  
маданиятини биласизми?**

Тадбиркор раҳбар кенгаш ва мажлисларни олиб бориш маданиятига ҳам эга бўлиши керак. Кенгаш — бу жамоа фикри, ақл заковатини муайян масалани муҳокама этиш

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ


ва оқилона қарор қабул қилиш мақсадида уюштириладиган мажлисдир. Соҳибқирон Амир Темур кенгаш тўғрисида шундай дейди<sup>1</sup>:

Кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учидаги айтилгани, иккинчиси — дилдан чиққани. Тил учидаги айтилганини (шунчаки) эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим кулогига кўярдим. Ва дилимга жойлардим.

Агар (ғаним устига) лашкар тортмоқчи бўлсанам, уруш ярашдан ўтага сўз ташлаб, амиrlарим кўнгилларининг бу икквидан кай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солишишиб кўярдим.

Агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига такқослаб кўярдим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр килардим.

Ўз вазифаси ва олиб борилиш шаклига қараб кенгашлар турлича бўлади (17-чизма).



17-чизма. Кенгаш хиллари.

### Кенгашгача:

- мажлис режасини тузиб унга тайёргарлик кўринг;

<sup>1</sup> Қаранг: Темур тузуклари. Т., F. Фудом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1996, 26-бет.

## СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ

- мажлисда кўриладиган масалалар юзасидан тайёрланган материалларни мажлис қатнашувчиларига олдиндан жўнатинг;
- мажлисга фикрлари ўта муҳим бўлган кишиларни таклиф қилинг;
- мажлисни зарурат туғилган ҳоллардагина чакиринг.

### Кенгаш вақтида:

- кенгашни белгиланган вақтда бошланг;
- кенгашни ўтказишнинг ягона тартибини белгиланг;
- ортиқча хуруж, шахсий қарши чиқиши ҳолларига йўл қўйманг;
- кенгаш мақсадини ҳар бир қатнашувчи эътиборига етказинг.

### Кенгаш унсурлари:

- кун тартибини муҳокама қилиш;
- кенгашни ўтказиш тартибини муҳокама қилиш;
- муаммоларни аниқлаш;
- муаммолар таҳлилини қилиш;
- муқобил вариантларни излаш;
- муқобил вариантларни баҳолаш;
- карор қабул қилиш.

### Кенгашдан сўнг:

- кенгаш қарорини тайёрлаш;
- кўрсатувларни тайёрлаш;
- ахборотларни жўнатиш.

Шуни унугмангки, кенгаш ўтказувчи раислар ва тингловчилар турли тоифадаги кишилар, яъни

Раис:	Тингловчи:
<ul style="list-style-type: none"><li>• бўгувчи</li><li>• вахимачи</li><li>• чалғитувчи</li><li>• лол қолдирувчи</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• индамаслар</li><li>• тажовузкорлар</li><li>• гийбатчилар</li><li>• билағонлар</li><li>• ҳаддан ташкари ишчанлар</li><li>• сўнгти оёклар</li></ul>

бўлиши мумкин.

100

Минбарга чиққанда тадбиркор ўзини  
қандай тутмоғи лозим?

Тадбиркор раҳбар маданияти унинг минбарга чикиб сўзлаган чоғида, у ерда ўзини тутишида, нутқида ҳам ўз аксими топади. Айтайлик,

**Сиз минбардасиз:**

- нутқингиз жуда ҳам тушунарли ва осон қабул қилиммоғи лозим;
- ўзни намоён қилиш — энг самарали усулдир;
- нутқни дарров бошламанг. «Сизга эътибор беришга» имкон беринг;
- маълумот, рақамларни ўқиб беринг;
- микрофон борлигини унутманг.

**Айрим тавсиялар:**

- нутқ маъноли, бурро, дона-дона, таъсирчан бўлиши кераклигини унугманг;
- нутқ чоғида хатога йўл қўйманг;
- нутқингизда кўча сўзларини кўлламанг;
- тингловчилар дикқатини қозонинг;
- мухим фикрларни такрорланг, уларга ургу беринг ва имо-ишора билан тушуниринг;
- нутқингизда ҳаддан ташқари рақамларни кўп ишлатманг;
- тингловчига вакт-вакти билан танаффус беринг;
- психологик танаффус — бу энг оддий ва тажрибада синаалган услубдир.

**Нутқингиз услубини танлар экансиз, қуйидагиларни  
эсда тутинг:**

- ҳаддан ташқари баланд овозда нутқ қилиш тингловчиларда ўз ҳукмини ўтказаяпти, деган таассурутни қолдиради;
- ҳаддан ташқари паст овоздаги нутқ қабул қилувчанликни пасайтиради ва акс садо бўлишини талаб қиласди;

- ҳаддан ташқари имиллаб нутқ сүзлаш, вақтни чўза-япти фикрини туғдиради;
- ҳаддан ташқари тез нутқ эса, Сизнинг аудиторияга бўлган хурматсизлигингиз аломатидир.

**Шуни эсда тутингки, тингловчи қўйнадагиларга қараб  
Сизга баҳо беради:**

- минбарда Сиз ўзингизни қандай тутаяпсиз?
- Сиз қандай гапираяпсиз?
- Сиз қандай кийингансиз?
- гапираётганингизни Сиз қанчалик даражада била-сиз?

## **101**

### **Музокараларда тадбиркор нималарга эътибор беришини биласизми?**

Тадбиркор музокараларда ҳам ўзини қандай тушишни билмоғи лозим. **Музокара** — бу шарт-шароит, томонларнинг талаблари ҳакида фикр алмашибни англатади. Музокара — бу маҳсус фаолият тури бўлиб, ўзининг қонун-коидалари ва қонунияятларига эга. Бу жараёнда бир-бирини ўзаро бойитиш, тараккij эттириш, ҳамкорликда муаммоларни таҳлил қилиш кабиларга эришилади. Музокараларни ўтказишдан мақсад ўзаро манфаатли ечимларни топиш, кескин кўришидаги ихтилофлардан қочишидир.

**Шуни эсда тутингки:**

- музокарадаги ютуқ, энг аввало, мунозаранинг мантикийлиги эвазига эришилади;
- шеригингиз ёки сұхбатдошингиз сўзларидаги мантиққа эътибор беринг. Билингки, у ҳам маҳсус тайёрланиб келган;
- шеригингизнинг ўз мунозараси жараёнида йўл кўйган камчиликларини ахтариб топинг. Мунозараларнинг мантикий кетма-кетлиги борасидаги узилишибни аниқланг;
- ўзингизнинг мавқеингизни кучайтирувчи далилларни топинг;

- музокараларни ишончли олиб боринг. Аммо ўз фикрингизни зўрлаб ўтказманг. Шеригингизнинг «шохини синдириш» умидида ҳаракат қилинг. Фикрингизни аниқ ва қисқа баён этинг;
- фаол бўлинг. Аммо «кудуқни сув пайдо бўлгунча кавлаш лозимлигини» унутманг;
- музокара жараёнида турли ҳолатлар, яъни дикқатбозлик, таранглик, қовушмаслик, тўсқинликлар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда реалист, мавжуд шарт-шароит, ҳолатни тўғри ҳисобга олиб иш кўринг. Ўзингизни йўқотманг, муваффакият қозониши йўлини астойдил изланг;
- шеригингиз мавқеини кучайтирувчи далилларни алоҳида ажратманг. Мухим бўлмаган, арзимаган келишмовчиликларга дикқат билан ёндошманг;
- товардан кўра форя қимматлироқ эканини унутманг.

#### Билингки:

- музокара муваффакиятига олдиндан тайёрланилади;
- шеригингизни олдиндан ўрганинг. Унинг кучли ва кучсиз томонларини аникланг. Бу ҳақда соҳибқирон Амир Темур шундай дейди<sup>1</sup>:

Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон тарафлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.

Чунончи, Чингизхон авлодидан бўлмиш Туғлук Темурхон Мовароуннахр мулкими босиб олиш қасдила кўшин тортиб Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, менга, Амир Ҳожи Барлос ва Амир Боязид Жалойир номига ёрлиғ жұнатиб, унинг ҳузурига боришимизни талаб килган эди. Улар мен билан кенгашдилар:

«Ўз эл-улусимиз билан Хурсонга кетайликми ёки Туғлук Темурхон қошига борайликми?». Мен уларга бундай йўл кўрсатдим:

«Туғлук Темурхоннинг ҳузурига борсангиз иккى фойда, бир зиёни бордир. Хурсон томонга ўтиб кетишнинг (эса) иккى зиёни, бир фойдаси бордир».

<sup>1</sup> Қаранг: Темур тузуклари. Т., F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 27-бет.

- мақсадингизни амалга ошириш йўлини белгиланг. Майда-чўйдалардан воз кечиб, мақсадни химоя килинг;
- муваффақиятингизнинг йўналишларини белгилаб олинг;
- танаффусларни назарда тутинг;
- музокара олиб боришга тайёргарлик кўринг;
- музокара олиб бориш режасини тузинг. Ишни кун тартибининг муҳим жиҳатларидан бошланг. Дастреб эътиrozлар чикмайдиган масалаларни муҳокама қилинг. Асосий мақсадингиздан четлашманг.

**102**

## Телефонда сўзлашиш маданиятини биласизми?

Тадбиркор раҳбар сифатида телефонда гаплашиш маданиятини ҳам билиш керак. **Телефон** — бу бошқарув алоқаси воситаларидан бўлиб ҳисобланади. Ундан тўғри фойдаланиш раҳбар меҳнатини осонлаштиради ва яқинлаштиради. Телефонда сўзлашиш маданиятига эришмок учун қуидагиларга амал қилмоқ зарур:

### Сўзлашувчача:

- шу сўзлашув зарурми? Дастреб шуни аникланг;
- кўнғироқ қилишдан мақсад нима? Муҳим сўзлашув режасини тузиб олинг;
- кўлингизда дафттар қалам ва календар бўлсин;
- алоқадошингиз иш тартибини унутманг.

### Сўзлашув вақтида:

- ўзингизни таништиринг;
- телефон гўшагига гапиринг;
- дона-дона гапиринг;
- эркин сўзланг;
- кўча сўзларини ишлатманг;
- сухбатдошингизни бўлманг;
- паққосдан рад жавобини берманг;
- диккат билан эшитинг;
- зарур маълумотларни эслаб қолинг ва ёзинг.

**Сўзлашув таркиби:**

- |                  |   |
|------------------|---|
| дастлабки босқич | — ўзаро муносабат мухитини яратиш, сұхбатдошнинг вазиятини аниқлаш; |
| асосий босқич    | — муаммони ва илтимосни қисқача ифодалаш;                           |
| тайёрлов босқичи | — муаммони, илтимос ва шартларни мухокама қилиш;                    |
| якуний босқич    | — сўзлашув якунини, келишув муддати ва вақтини белгилаб олиш;       |
| тугаллаш         | — миннатдорчилик билдириш ва хайрлашиш.                             |

**Сўзлашувдан сўнг:**

- сўзлашув якунини ёзib олинг;
- нимани ваъда қилганингизни ҳам ёзинг;
- натижани баҳоланг.

**Шуни унутманги:**

- агар Сиз сўзлашув чоғида ёмон эшитаётган бўлсангиз, бу — шеригингиз ҳам ёмон эшитаяпти, деган гап эмас;
- шеригингизга ҳамма ҳам фақат арзимаган нарсалар билан қўнгироқ қиласди, деб ўйламанг;
- телефонда гаплашиш харажатини факат компания ёки ташкилот харажати, деб ўйламанг.

**Эслатма:**

Қўнгироққа қандай жавоб беришга қараб, кишининг кимлигини билиб олиш мумкин. Айтайлик, нотаниш одам билан қўнгироқлашиб қолдингиз. Афсуски, уни кўрмагансиз. Лекин, руҳшунослар фикрича, инсоннинг дастлабки қаломиданоқ, унинг кимлигини билиб олиш мумкин. Телефондаги сұхбатдошингиз агарда:

- «Алё» деса, у акл-заковатли, кўнгилчан, хазил-мутойибага мойил. Бундайларнинг асаблари мустаҳкам, анча-мунча нарсага жаҳли чиқавермайди.

- «Алло». Бундай кишилар ичимдагини топ қабилида иш юритади. Улар билан оғир-босик гаплашиб, ортиқча эҳтиорисиз, мақсадни билдириб қўя қолган маъқул. Шошма-шошарлик қилсангиз, факат унинг асабига тегасиз.
- «Алло» сўзининг ҳарфини “у”га ўхшатиб чўзиб айтадиган одамлар кўпинча асабий бўлади. Одатда ўрта ёшларда, аммо латофатлиман, деб ўйлайдиган аёллар ноз аралаш шундай жавоб беради.
- «Эшитаман!» давлат муассасаларида ишлайдиган баъзи куруқ, расмиятчи одамлар шундай гапиради. Уларнинг хурматини келтириб, мулойимроқ муомала қилсангиз, ишингизни битириб беради. Акс ҳолда, қўнфироқ қилганингизга пушаймон бўласиз.
- «Палончиев эшитади!» қабилида жавоб берувчиларнинг аксарияти ўзига юқори баҳо берган кишилар сирасига киради. Бундай жавоб берувчилар билан сұхбатда бўлганда уларнинг иззат хурматини жойига қўйишингиз лозимлигини унутманг.
- «Лаббай!» Бундай жумлани кўпроқ аёллардан эшитасиз. «Лаббай»чилар шошилмайдиган, ишонувчан, сал ваҳимачи бўлади. Кўпол одамларга хос жумла. Бундай кишилар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, ортиқча такаллуфларга берилманг. Барibir унинг қадрига етмайди. Шу боис, тезроқ мақсадга қўчинг.

103

### Топшириқ бериш маданиятига риоя қиласизми?

Ташкилотчиликнинг, хусусан, раҳбарликнинг қоидаси — бу ишни бошқаларга топшириш, раҳбарнинг ўзи эса шу топшириқнинг бажарилиши устидан назорат қилишдир. Агар раҳбар ҳар хил майда-чўйда ишлар билан ўралашиб қолиб, уларга ўз вактини сарфласа, бу жуда хунук иш бўлади.

Раҳбар ўз қўли остидаги ходимиға топшириқ бераркан, у қўйидагиларга эътибор бермоғи лозим:

- топшириқ объектив зарур бўлмоғи лозим;

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

- шу топширикнинг бажарилишига тўлиқ ишонч бўлмоғи керак;
- топширикни беришдан олдин у тўғрида бажарувчи билан маслаҳатлашинг;
- ўзингизга боғлиқ бўлган шароитларни яратиб беринг;
- бўйсунувчининг имконияти ва шароитини ҳисобга олинг;
- топширикни илтимос шаклида ифодаланг;
- топширикни очик кўнгиллилик билан, оҳиста ифодаланг ва беринг;
- топширик бериш жараённада хушмуомала ва самимий бўлишни унутманг;
- қўл остингизда ишлайдиган ходимларни ўқитиш учун вақт топиш зарурлигини эсдан чиқарманг;
- топширикнинг ўта муҳимлигини бўйсунувчига тушунириング ва уни қизиқтиринг;
- бир ходимга бир неча топширик берманг;
- топширикни бажариш муддати ва унинг натижаларини тақдим этиш шаклини аниқ кўрсатинг;
- бўйсунувчи бажарадиган ишни бажарманг;
- топширикнинг бажарилишини талаб қилинг;
- рухсат этилмаган топширикни беришдан сакланинг.

Раҳбар шу нарсани тушуниб олиш керакки, у жами юмушларни миридан-сиригача билиб олиши шарт эмас, бунга ҳожат ҳам йўқ. У куйи бошқариш бўғинларига ҳукуқлар бериш, масъулият ва вазифалар юклаш усулини эгаллаб олмоғи керак. Ҳукуқлар бериш, масъулиятни юклаш ва мақсадли топшириқлар бериш, бошқаришда меҳнат тақсимотининг муҳим шакли, унинг самарадорлигини оширишда қимматли имкон ҳисобланади.

**Шуни эсда тутингки:**

Раҳбар айтиши мумкин	Раҳбар айтиши мумкин эмас
1	2
• Мен ўз фикримни аниқ ва тўла айттолмадим.	• Сиз мени тушунолмайсиз.

1	2
• Мен хатога йўл қўйдим ва уни тузатаман.	• Бу менинг айбим эмас.
• Буни бошқача тушунтиришга ҳаракат қиласман.	• Юз марталаб сизга такрор-ляяпман.
• Асрлаб яшайсану, асрлаб ўрганар экансан.	• Менинг иш тажрибам шу.
• Эҳтимол, бунга биз турлича ёндашар эканмиз.	• Сиз ноҳақсиз, мен ўз фикримда қоламан.

## 104

### Низоли ҳолатларда нима қилиш керак?

Тадбиркор низо ва ихтилофли ҳолатда ўзини тута билиши зарур. Низо ва ихтилофлар — бу меҳнат жамоала-ридаги энг нохуш ҳолатлардан бўлиб ҳисобланади. Ташкилотда раҳбарият ва ходимлар ўргасида юзага келувчи низо «бутун жамоага» эмас, балки «танланган» одамларгагина ёмон таъсир этиши мумкин. Адолатли ва оқил раҳбар бундай низоли ихтилофларни, келишмовчиликни бартараф этиш учун нима қилиши керак?

Албатта, буни бир йўла, кенг миқёсда уддалаш, бартараф этиш мумкин эмас. Балки бу низони бартараф этишда тадбиркор раҳбар ўз хулқи, маданиятига таяниб амал қилмоғи даркор.

#### Даставвал:

- низонинг таъсир қилиш доирасини ажратинг;
- низонинг келиб чиқишидаги сабаб ва баҳонани аниқланг;
- низонинг келиб чиқишида ходимларнинг субъектив баҳоларини ажратинг;
- низонинг қандай оқибатларга олиб келишини баҳоланг;
- низонинг ривожланиш динамикасига баҳо беринг.

**Низони бартараф қилиш жарёнидаги хатти-ҳаракатлар:**

- мавзудан четлашиш. Дикқатни бошқа йўналишга қаратиш;
- муросага келиш. Ҳеч бўлмаса жорий келишувга эришиш;
- конфронтация. Низони музлатиш, сақлаб қолиш;
- ишонтириш. Ҳокимлик позициясида эмас, балки тенг хукуқлик асосида ечимни топиш.

**Эсда туғинг:**

- низо доирасини кенгайтирманг;
- муросага келувчи позитив қарорларни таклиф қилинг;
- чўрт кесар, қатъйлик шаклларни кўлламанг;
- шикоятлар сонини камайтиринг;
- иккинчи даражали томонларга эътибор берманг;
- томонлар гапларини бўлманг, уларнинг бир-бiriни тан олишларига эришинг;
- мавзуга умумий қараашларни ҳосил қилишга ҳаракат қилинг.

Низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва ундан муваффакиятли чиқишининг энг ишончли воситаси — бу ҳар бир касбга хос хулқни, муомала маданиятини шаклланиб, сай-калланиб маҳорат даражасига етказилганидир.

Низоли ҳолатдан муваффакиятли чиқишининг биринчи шарти — бу муросага кела олишликдир. Иккинчи шарти — бу низоли ҳолатни аник идрок этишдир. Яъни, ўз иззат-нафсини енгиб ўтиб, сухбатдоши («ракиби»)дан кечирим сўрашдир.

**Низонинг келиб чиқиши ва унинг асосий сабаблари:**

1. Кўполлик, андишасизлик замирида — 24%;
2. Мажбурият ва натижаларни тақсимлаш замирида — 30%;
3. Кўролмаслик ва баҳиллик замирида — 12%;
4. Эҳтиёткорсизлик, интизомсизлик, жizzакилик, чиқишолмаслик, шўртумшуклик замирида — 34%.

105

Ўзингизни яхши биласизми?

Сиз қандай кишисиз?

Бу саволга жавобни Сиз Пифагорнинг сехрли жадвалини<sup>1</sup> тұлдириш орқали топишиңгиз мүмкін. Инсондаги фазилат ва хислатлар Пифагорнинг Фикрига биноан унинг туғилған куни, ойи ва йили билан боғланған экан. Буни күйидаги мисолда күрсатамиз:

1. Туғилған вакти – 1942 йил 18 март

- Туғилған куни ва ойини құшамиз:

$$1+8+0+0+3=12$$

- Туғилған йилини құшамиз:

$$1+9+4+4=16$$

- Ҳар иккала сонни құшамиз:

$$12+16=28$$

→ биринчи саноқ сони

- Биринчи саноқ сонини құшамиз:

$$2+8=10$$

→ иккінчи саноқ сони

- Биринчи саноқ сонидан 2 сонини айрамиз:

$$28-2=26$$

→ учинчи саноқ сони

- Учинчи ҳисоб сонини құшиб чиқамиз:

$$2+6=8$$

→ түрттінчи саноқ сони

2. Биринчи қатордаги рақамларга туғилған вакти ва иккінчи қаторға эса биринчи, иккінчи, учинчи ва түрттінчи саноқ сонларидан ташкил топған рақамларни күйіб, ҳар иккала қатор сонини құшиб чиқамиз:

$$\begin{array}{l} 1 - \text{қатор} \rightarrow 1831942 \\ 2 - \text{қатор} \rightarrow 2810268 \end{array} \} = 14$$

<sup>1</sup> Карап: Пифагор о нас. «Правда Востока», 10 апреля 1998 г.

Бу деган сүз мазкур киши 14 марта ер юзига келган. Умуман, инсоннинг ўзи ҳаммаси бўлиб 15 марта ер юзига келар экан. Шундан сўнг у бошқа такомиллашган ўлчовларда ўлчанар экан. Олинган ракамларга асосланиб, Пифагорнинг сехрли жадвалини тўлдирамиз. Бунинг учун дастлаб куйидаги жадвални чизамиз ва тўлдирамиз:

Пифагорнинг сехрли жадвали

111	4	0
222	0	888
3	6	9

Ҳар иккала қатордаги бир хил ракамлар сонини жадвалнинг тегишли квадрантларига ёзиб чиқамиз.

- Ҳар иккала қаторда:
  - 1 сони 3 марта
  - 2 сони 3 марта
  - 3 сони 1 марта
  - 4 сони 1 марта
  - 5 сони 0 марта
  - 6 сони 1 марта
  - 7 сони 0 марта
  - 8 сони 3 марта
  - 9 сони 1 марта тақрорланган.

Ҳар бир квадрантлардаги ракамлар мазмуни кўйидагилар билан тавсифланади:

### 1 — квадрант (характери)

I — нозик худбин киши;

II — худбинга яқинроқ киши;

III — яхши одам, бир гапдан қолади;

III — ўзини эркин тутади, кучли иродали;

III — золимга яқинроқ;

III — жуда шафқатсиз, қаҳрли, аммо яқин кишиси учун қилиш мумкин бўлмаган ишни қиласди. Улар билан ишлаш фоят оғир.

**2 — квадрант (биоэнергия даражаси)**

**0** — биоэнергияга эга эмас, уни қабул қилиш учун ундаги барча имконият (канал)лар очик. Бундай кишилар:

- эски буюмларни яхши кўришади;
- атрофдагиларга ёмон муносабатда бўлишмайди;
- бошқалар ҳисобидан овқатланиш пайида бўлишади;
- туғилгандан бошлаб тарбияланган бўлишади.

**2** — яшаши учун биоэнергия етарли. Аммо йини боскичда бу даражадаги биоэнергия етарли эмас. Спорт билан шуғулланмоқ даркор. Атмосфера ҳодисаларига нисбатан жуда зийрак.

**22** — биоэнергия етарли, бошқаларни даволаши мумкин.

**222** — яхши экстрасенс.

**2222** — бундайларни аёллар, шунингдек, учта олти (666) белгисига эга бўлганлар, яъни шайтон кишилар яхши кўришади.

**3 — квадрант (сарапжомлик даражаси)**

**0** — жуда пухта, аниқ киши. Атрофдагилардан ажрабиб туради.

**3** — тартибсизлик бундай кишиларни безовта килали, хоҳласам қиласман, хоҳласам қилмайман қабилида ишлайдиганларга нисбатан аёвсиз бўлишади. Барча нарса уларнинг кайфиятига боғлиқ.

**33** — илм-фанга мойил кишилар (хусусан, математика, физика уларнинг жону дили).

**333** — илм-фанга мойил кишилар. Пухталик, синчковлик кучли. Агар улар илм-фанга жорий килинмаган бўлса, уни амалга оширишга қатъий кишилардир.

**4 — квадрант (соғлиқ даражаси)**

**0** — бундай кишилар касалманд бўлишади. Агар жадвал квадрантларида битта ҳам икки (2) бўлмаса, у ҳолда касалмандлик яна ҳам жиддий бўлади.

**4** — унчалик касалманд эмас. Бундай хасталик даражаси барчага хос.

**44** — жуда ҳам соғлом ёки юқори даражада жўшкин, оташин, серзак кишилар.

**444** — шундок, аммо икки марта юқори даражада соғлом ва жўшқин.

**5 — квадрант (интуиция, зийраклик даражаси)**

**0** — туғилишда зийраклик канали очилмаган. Бундайлар ўёки бу нарсани исботлашга уринишади. Доимо фикрлашда, хисоб-китоб ва эксперимент (тажриба)да бўлишади. Тажрибасизларидан тез-тез хатога йўл кўйиб туришади. Бундай кишиларга яшаш мушкул.

**5** — туғилишда зийраклик канали очилган бўлади. Бундай кишилар кам хато қилишади.

**55** — интуиция (зийраклик) кучли ривожланган (хукукшунослар, терговчилар).

**555** — бўлиб ўтаётган воқеаларни олдиндан кўра оладилар, тушунадилар, килаётган ишларини биладилар.

**5555** — олдиндан кўрадиган. Аммо вақт ва макондан ташқарида узокни кўриш ҳоллари ҳам учрайди.

**6 — квадрант (ердан оёғи узилгашилик даражаси)**

**0** — улар мутахассисликка эга бўлиш учун туфилган. Улар учун жисмоний меҳнат зарур.

**6** — улар учун жисмоний меҳнат зарур, аммо таълим олишни ҳам ўйладиган кишилар.

**66** — жисмоний меҳнат зарур эмас, барча нарсани қила олади.

**666** — шайтонлар, оташин ва жўшқин кишилар. Уларнинг ҳамкорлари кўп икки сонига эга бўлишлари керак.

**6666** — улар кўп меҳнат қилишади. Бундайлар учун жисмоний меҳнат қилишнинг чегараси йўқ. Улар, албатта, олий ўқув юргита киришлари керак. Айниқса, яна тўққиз (9) сони бўлса.

**7 — квадрант (иктидорлилик даражаси)**

**0** — улар 7 сонига кўпроқ эга бўлиш учун курашадилар ва шунинг учун туфилганлар. Аммо 7 сонини раҳм-шафқат йўли билан кўлга киритишга ҳаракат қиласидилар. Уларнинг ҳаёти сермехнат.

**7** — иктидорли, аммо яққол кўринишда эмас. Ўз манфаатларидан ҳам воз кечиб, кишиларга яхшилик, эзгулик кўрсатишга интиладилар.

**77** — жуда ҳам кучли, фариштамонанд аломатли кишилар, мусиқага кизикувчи. Мусаввирик қобилияти бор ва расм чиза оладилар. Улар пичоқ дами устида юриб, яхшини ҳам, ёмонни ҳам уддасидан чикадилар. Бундайлар учун ёпик эшиклар бўлмайди. Мабодо, ишлари судга тушса, уларни кутқариб олишга ёки бу ишда ғолиб чиқишиларига ёрдам беришади.

**777** — ўзига хос аломат. Улар учун ҳаёт ниҳоят оғир кечади.

**7777** — бу хавотир, ташвиш аломати, жуда ҳам ҳушёр бўлиш керак.

#### **8 — квадрант (мажбурийлик даражаси)**

**0** — у ёки бу олган нарсасини қайтариб беришга шошилмайди.

**8** — юксак бурчли кишилар.

**88** — юксак бурчли киши, доимо ёрдам бериш истагида бўладилар.

**888** — халққа хизмат қилишни юксак бурч деб хисоблашади. Бундай аломат И.Гандига хос аломатдир.

**8888** — бу аломат факат 1988 йилда намоён бўлган. Аниқ фанларни ўрганиш қобилиятига эга кишилар.

#### **9 — квадрант (акл)**

**9** — иккинчи тўққизга эга бўлиш учун курашиш керак.

**99** — туғма аклли, хоҳиҳсиз ўрганади.

**999** — жуда ҳам аклли. Қийинчиликсиз ҳамма нарсага эришади.

**9999** — улар учун ҳакиқат ҳар доим очик, нодир аклли, аммо шафқатли эмас, дағал кишилар.

Шундай қилиб, Пифагорнинг сеҳрли жадвали, унинг таълимоти бўйича кишилар тақдирни ана шундай аникланар экан.

Мисолимиздаги кишининг тақдирни юқоридаги жадвалда келтирилган сонлар билан ифодаланади.

У:

- \*111 – яхши одам, бир гапдан қолади;
- \*222 – яхши экстрасенс;
- \*3 – тартибсизликни хуш кўрмайди;
- \*4 – унчалик касалманд эмас;
- \*5 – туғилишда зийраклик канали очилмаган;
- \*6 – учун жисмоний меҳнат зарур, шунинг билан бирга таълим олишни ўйлади;
- \*7 – 7 сонига кўпроқ эга бўлиш учун курашади ва шу учун түгилган. Аммо 7 сонини раҳм-шавқат йўли билан кўлга киритишга ҳаракат қиласидилар. Уларнинг ҳаёти сермекнат;
- \*888 – ҳалққа хизмат қилишни юксак бурч деб ҳисоблайди.
- \*9 – иккинчи тўққизга эга бўлиш учун курашади.

### Характерингиз қандайлигини биласизми?

Буни билиш мақсадида куйидаги саволларга жавоб беринг. Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар	Балл
1	2	3
1.	<p>Сизнинг ҳатти-харакатингизнинг атрофдагиларга таъсир қилишини тез-тез ўйлайсизми?</p> <p>а) жуда камдан-кам ўйлайман;          б) кам ўйлайман;          в) унчалик тез-тез ўйламайман;          г) жуда тез-тез ўйлайман.</p>	<p>0 1 2 3</p>
2.	<p>Қайсарлигингиз туфайли ўз ишуғингиздан келиб чиқсан ҳолда ўзингиз ишонмайдиган у ёки бу нарсани айтиш ҳоллари бўладими?</p> <p>а) бўлади;          б) йўқ, бўлмайди.</p>	<p>0 2</p>
3.	<p>Куйидаги қайд қилинган сифатларнинг қайси бирини кинниларда кўпроқ кўришни истайсиз?</p> <p>а) сабот, матонат;          б) фикрлаш доирасининг кенглиги;          в) басамар, ўзини кўрсата олиш қобилияти.</p>	<p>2 1 0</p>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
4.	Синчковликка мойилмисиз? а) ха; б) йўқ.	2 0
5.	Ноҳушлик ҳоллари бўлганда уни тез унугасизми? а) тез унутаман; б) тез унутмайман.	0 2
6.	Кидмилларингизни таҳлил қилинши ёқтирасизми? а) ха; б) йўқ, ёқирмайман.	2 0
7.	Ўзингизга яхши таниш бўлган кишилар даврасида бўлатуриб, Сиз: а) шу даврага хос ва мос ҳароратни саклашга ҳаракат қиласиз; б) ўзингиз билан банд бўласиз.	2 0
8.	Мураккаб ишга кирешаётib куттилаётган қийинчиликлар тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қиласизми? а) ха; б) йўқ.	0 2
9.	Кўйица қўйд қилинганиларнинг қайси бири Сизга кўпроқ тўғри келади? а) хаёлпараст, хаёл сурувчи; б) кўнгли очик, дали-рули; в) меҳнаткаш; г) пухта, батартиблиқ; д) бесаранжом, бедаловат.	0 1 3 2 2
10.	Агар баҳс чоғида мухолифингиз ҳиссиятта берилиб ўзидан кетса ва Сизга ҳужум қиласа, бундай ҳолда нима қилинган бўладдиниз? а) ҳудди шундай тарзда жавоб қиласиз; б) бундай ҳолатга умуман эътибор бермайсаниз; в) очикдан очик хафа бўласиз; г) танаффус қилишини таклиф қиласиз.	0 2 1 3
11.	Агар ишнингизни қониқарсиз деб тошина, унда Сиз: а) ўзингизни нокулай ҳис этасиз; б) уиласиз; в) ўзингиздан нафратланасиз.	2 1 0
12.	Агар мағлубиятта учрасангиз унда Сиз, энг аввало: а) ўзингизни айбдор деб билласиз; б) тақдирдаги омадсизликни айблайсаниз; в) турли "объектив" ҳолатларни пеш қиласиз.	2 0 0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
13.	<p>Сизни куршаб олган раҳбарингиз, қасбдошларингиз ёки бўйсунувчиларингиз Сизнинг қобилиятингиз ва билимингизга шубҳа билан қараётгаандек туюлмайдими?</p> <p>а) ха; б) йўқ.</p>	0 2
14.	<p>Агар Сизнинг дўстларингиз ёки қасбдошларингиз устингиздан кулишса ёхуд ҳазиллашса ва тегажаклик килишса, унда Сиз:</p> <p>а) уларга нисбатан газабланасиз; б) чекинишига харакат киласиз; в) аччиғланмасдан, ширин сўз билан уларни ўз томонингизга оғдиришга уринасиз; г) уларга кулимсираб жавоб қиласиз, гўёки дунёни сув босса ҳам тўпифингизга сув чиқмагандек ўзингизни сезасиз; д) ўзингизни бефарқ, бепарводек кўрсатиб, ҳаттоқи кулимсираганингизда, ич-ичингиздан нафртланасиз.</p>	0 1 2 0 0
15.	<p>Баҳслашиш тугагандан сўнг ўзингизнинг нуқтаи назарингизни ҳимоя қилиш мақсадида баҳсни фикран янги тасдиқлар билан давом эттирасизми?</p> <p>а) ха; б) йўқ.</p>	0 2

Жавобларни белгиланг ва балларни жамлаб чиқинг.

### **Натижалар:**

**14 баллгача.** Ҳайҳот, Сиз бўш характерли шахссиз. Ўзариб турадиган феъл-авторлисиз, балки, бегамсиз. Сизга бирор ноҳушлик бўлиб қолса, хоҳлаган одамни айглашга тайёр бўласиз, аммо факат ўзингизни эмас. Дўстликда ҳам, хизматда ҳам Сизга суюнмоқ жуда мушкул.

**14 – 23 балл.** Сиз кескин характерга эгасиз. Гарчи, барча киликларингиз тенг баҳоли бўлмаса-да, Сиз ҳаётга нисбатан амалий (реалист) нуқтаи назардан қарайсиз. Сизда янглишиш ва узилишлар ҳам бўлади. Сиз жамоада ҳалол ишловчи, виждонли ва сабр токатлисиз. Шундоқ бўлса ҳам Сизга айрим камчиликларингиздан ҳоли бўлиш учун ўйлашга мавзу бор. Бунинг уддасидан чиқишига қодирсиз.

**24 – 30 балл.** Сиз сабот ва матонатли кишилар тоифасига тааллуқлисиз ва юксак масъулиятиллисиз. Ўз мулоҳазаларингизни қадрлайсиз, шу билан бирга бошқалар фикри

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

билин ҳам ҳисоблашасиз. Содир бўладиган вазиятларга тўғри мўлжал оласиз ва кўпгина холларда тўғри қарор қабул қилиш имкониятига эгасиз. Ўзига ўзи маҳлиё бўлишдан қочасиз ва “жуда юқори балл кучли – бу қаттиқ”, дегани эмас иборасини доимо эсингизда тутасиз.

**30 баллдан юқори.** Эҳтимол бундай юқори балл – ўзингизга баҳо беришда объективликка йўл кўймаслик оқибатидандир. Чунки бундай балл жуда юқори бўлиб – ҳаётда шундай характеристерли одам бўлар экан-да, деган шубҳа уйғотиши мумкин. Агар шундоқ одам бўлса, улар учун бирор бир нарсани тавсия қилишнинг ҳожати йўқ.

### **Сиз тажовузкор эмасмисиз?**

Ҳар бир савол учун берилган жавоблардан фақат бирини танланг. Агар бирор савол бўйича жавоб бера олмасангиз, у ҳолда йиққан балларингизни кўшиб чиқишида унга икки балл қўшинг. Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	2	3
1.	Низодан сўнг ярашини йўлни излашга мойилмисиз? а) ҳар доим; б) ахён-аҳёнда; в) ҳеч качон.	1 2 3
2.	Таиг, мушкул “критик” ҳолларда ўзингизни қандай тутасиз? а) ич-ичимдан қийналаман; б) тўлиқ, хотиржамликни саклайман; в) ўзимни йўқотиб кўяман.	2 1 3
3.	Касбдошларингиз Сизни қандай инсон деб ҳисоблашади? а) ўзига ишонувчан; б) дўстона; в) ювош.	3 2 1

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
4.	"Кўйиб" қолинингиз мумкин бўлган масъудиятли лавозим тақлиф қилишса, бундай ҳолда ўзингизни қандай тутган бўладигиз?	
	а) уни бир қадар эҳтиёткорлик билан қабул қиласдим;	2
	б) иккиланмасдан кўнардим;	3
	в) тинчлигимни ўйлаб унга рад жавобини берардим.	1
5.	Касбдошларингиздан кимдир иш столингиздан бирор қозоғин сўрамасдан олса, ўзингизни қандай тутасиз?	
	а) ҳакорат қиласдим;	3
	б) қайтариб беришни сўрардим;	2
	в) эътибор бермасдим.	1
6.	Турмуш ўргонингиз инчди одатий вактдан кеч қайдта, уни қайси сўзлар билан кутиб олардигиз?	
	а) "Сени бунчалик нима ушлаб қолди?";	2
	б) "Қаерларда шунчалик сангиг юрдин?";	3
	в) "Мен хавотирлана бошладим".	1
7.	Автомобил ҳайдайтанингизда ўзингизни қандай тутасиз?	
	а) автомобилни кувиб ўтишга ҳаракат қиласиз;	2
	б) нечта автомобил Сизни кувиб ўтса ҳам, бунга бепарвосиз;	1
	в) шунчалик тез ҳайдайсизки, ҳеч ким Сизни кувиб ўтолмайди.	3
8.	Ҳаётга инсбатан қандай фикрдаман деб ўйлайсиз?	
	а) осонликча ўзгарувчан;	2
	б) осонликча ўзгарувчан эмас;	1
	в) қатъий.	3
9.	Бирор нарса амалга оширай қолса, нима қилган бўлардигиз?	
	а) курсашб олувчилар таркибидан айбдорни излардим;	3
	б) ўзимни тирадим;	2
	в) оддиндан эхиёт бўлардим.	1
10.	Хозирги ёшлилар бебон бўлиб кетган фикрига қандай ҳарайсиз?	
	а) "уларни ушлаб қамаб юбориш керак";	3
	б) "сиполик" бугунги куннинг удуми эмас, бу табиий ҳол;	2
	в) "милиция хизматини кучайтириб, уларга яхшигина жарима солиш керак".	1

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3
11.	Сиз згалламоқчи бўлган лавозим бошқа кишига насиб этса, ўзингизни қандай хис қиласиз? а) "німа учун бунга мен шунча асабимни сарфладим?"; б) "эҳтимол унинг киёфаси раҳбарга кўпроқ ёқсанга ўхшайди?"; в) "эҳтимол бу лавозимга кейинчалик эришарман".	1 3 2
12.	Даҳшатли фильмларни томоша ҳилгана: а) кўрикаман; б) зерикаман; в) жуда мириқаман.	3 1 2
13.	Ўйиндаги беллашувлга нисбатан ўзингизни қандай тутасиз? а) ютишга ҳаракат қиласман; б) олимпия қоидаси бўйича иш тутаман, яъни энг муҳими ғалаба эмас, балки унда катнашиш; в) ютқизсам, жуда ҳам хафа бўламан.	2 1 3
14.	Йўлдаги тифизлик сабабли муҳим кенгашга кечикиб борсаниз: а) кенгашда ғазабланиб ўтираман; б) ўзимни оқлашга ҳаракат қиласман; в) афсусланаман.	1 2 3
15.	Қадвахона ёки кафеда Сизга яхши хизмат қилишимаса, ўзингизни қандай тутасиз? а) жанжал чиқмаслиги учун ўзимни асрایман; б) маъмурятни чакираман; в) қадвахона директорига шикоят билан бораман.	1 2 3
16.	Болангизни лицейда хафа қилиб кўйиниса, Сиз ўзингизни қандай тутасиз? а) ўқитувчи билан сұхбатлашаман; б) уришган бола ота-онаси билан жанжал қилгани бораман; в) боламга муносиб жавоб қилишни тавсия этаман.	1 3 2
17.	Ўзингизча, Сиз қандай одамсиз? а) ўзимга унчалик ишончда эмасман; б) ўзимга астойдил ишонаман; в) астойдил эмас, айримлар эса мени ишни ўта "котирадиган" деб айтишади.	1 2 3

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
18.	<p>Бордию киравернишда эшик олдида қўл остингизда ишловчи ходим ёки ўзингиздан ёш киши билан туртиниб кетдингиз. У кечирим сўрай бошласа, унга қандай жавоб қиласдингиз?</p> <p>а) "кечирасиз, бунга мен айборман";          б) "зарари йўқ, шунакаси ҳам бўлиб туради";          в) "кўзингизга караб, эхтиёт бўлсангиз бўлмайдими?".</p>	1 2 3
19.	<p>Ўсмиirlар ўртасидаги безорилик тўғрисида газетада ёзилган мақолага қандай муносабатда бўласиз?</p> <p>а) "ахир, улар билан шуғулланадиганлар бормишин?!";          б) "дастлаб уларни тартибга чақириш керак, бу ҳам ёрдам бермаса қамаш керак";          в) "фақат уларга айбни тўнкаш керак эмас, бу ерда тарбиячилар ҳам айбдор".</p>	2 3 1
20.	<p>Қўйидаги ҳайвонларнинг қайси бирини кўпроқ ёқтирасиз?</p> <p>а) арслон;          б) уй мушуги;          в) айик.</p>	3 1 2

Танлаб олган жавобларингизга мос тушувчи балларни жамлаб чиқсангиз, қанчалик даражада тажовузкор эканлигингилини билиб оласиз.

**35 баллгача.** Сиз ҳаддан ташқари тинчликсеварсиз. Эҳтимол, бу Сизнинг ўз кучингиз ва қобилиятингизга нисбатан бўлган ишончсизлигингиздандир. Бу, албатта, Сизни «шамол қайси томонга эssa шу томонга қараб борувчи одам», деб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, Сизга кўпроқ катъийлик зарур.

**36 дан 44 баллгача.** Сиз меъёрида тажовузкорсиз. Бирор, ҳаётга тўла мослашгансиз. Чунки, Сизда ўзингизга нисбатан етарли даражада ишонч бор ва хурматингиз баланд.

**45 ва ундан юқори балл.** Сиз ҳаддан ташқари тажовузкорсиз. Бунинг устига-устак айрим кишиларга нисбатан ўта аёвсиз ва кескинсиз. Атрофдагилар манфаати эвазига ўз кучингизга ишонган ҳолда ютукларга эришиш ва юқори лавозимларга чиқишга умид боелайсиз. Шу сабабли хизматдошларингизнинг кўра олмасликлари Сизни унчалик безовта қилмайди. Аммо заррача имконият топишингиз биланоқ уларни бунинг учун жабрлайсиз.

## СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛӘ ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ

Агар 7 ва ундан күпроқ саволлар бүйича 3 баллдан ва 7 тадан кам саволлар бүйича 1 баллдан йиққан бўлсангиз, у ҳолда тажовузкорлигинги конструктив характерда эмас, балки ўта аёвсиз даражада бўлади. Сиз кутилмаган ишга ва баҳсга киришишга мойилсиз. Ўз хатти-ҳаракатингиз билан Сиз низоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўласиз.

Агар 7 ва ундан күпроқ саволлар бүйича 1 баллдан ва 7 тадан кам саволлар бүйича 3 баллдан йиққан бўлсангиз, у ҳолда ниҳоят даражада ўз қобигингизга ўралгансиз. Бу Сизда тажовузкорлик алангаси йўқ, дегани эмас. Бироқ Сиз уларни усталик билан тинчиласиз.

### Сиз жанжалкаш эмасмисиз?

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдаган бўласиз.

T/p	Саволлар	Балл
1	2	3
1.	Фараз қилинг, жамоат транспортида жанжал келиб чиқиши хавфи бор. Сиз ўзингизни қандай тутардингиз? а) жанжалдан четда туришга ҳаракат қиласман; б) жабрланувчи ҳак бўлса, унинг томонида туриш учун жанжалга аралашибим мумкин; в) ҳар доим бундай жанжалга аралашаман ва охиригача ўз нуқтаи назаримни ўтказишга эришаман.	4 2 0
2.	Раҳбариятнинг йўл қўйган камчиликларни мажлисларда танқид қиласизми? а) хатолари учун ҳар доим танқид қиласман; б) танқид қиласман, аммо бу менинг раҳбарга нисбатан бўлган шахсий муносабатимга боғлиқ; в) танқид қilmайман.	0 2 4
3.	Бошлиғингиз иш режасини баён қилаёттандида унинг номувиқлигини сездингиз. Шунда ўзингизнинг муқобил вариантингизни таклиф қилган бўлармидингиз? а) агар бошкалар ҳам мени кувватлашса, шундагина таклиф қилардим;	2

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3
	б) сўёсиз, албатта, ўзимнинг режимни таклиф қиласман; в) таклиф килишга кўрқаман, чунки бунинг учун мени мукофотдан маҳрум этиши мумкин.	0 4
4.	Ҳамкасларингиз ва ўргокларингиз билан баҳслашини яхши кўрасизми? а) фақат хафа бўлмайдиган ва кейинчалик муносабатларни бузилишига олиб келмайдиганлар билан баҳслашаман; б) баҳслашаман, аммо фақат муҳим ва принципиал масалалар бўйича бўлса; в) барча билан ва ҳар қандай мавзу бўйича ҳам баҳслашавераман.	4 2 0
5.	Навбатда турган бўлсангиз, бирор кимса тартибсиз кириб борса, унда Сиз: а) нима, мен ҳам ундан кам эмасман. Навбатсиз киришга ҳаракат қиласман; б) ичимдан унга нисбатан ғазабланаман; в) ўзимнинг ғазабланәтпанимни очиқ айтаман.	0 4 2
6.	Фараз қилинг, бирор бир лойиҳанинг тақдирни ҳам бўлаяни. Унда амалий, кучли гоялар бўлиши билан бир каторда айрим камчиликлари ҳам бор. Лойиҳанинг тақдирни айнан Сизнинг фикрларингизга боғлиқлигини яққол билиб турибсиз. Ўзингизни қандай тутар эдингиз? а) мазкур лойиҳанинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари ҳакида ўз фикримни айтаман; б) ижобий томонларини алоҳида кўрсатаман ва муаллифга яна лойиҳа устида ишлашни давом эттиришни таклиф қиласман; в) танқид қиласман ва янгилик яратувчи кишиларга янглишиш мумкин эмас деб танбех бераман.	2 4 0
7.	Фараз қилинг, қайнонангиз ҳар доим тежамкорлик тўғрисида гапириб, Сизнинг истрофгарчиликка йўл қўйинингизни юзингизга солади. Ўзи эса эски-туски нарсаларни жуда қимматта сотиб олади. Қайнонангиз охирги сотиб олган буюми хусусида фикрингизни билиб олмоқчи. Унда Сиз: а) ўзига ёккан бўлса, мен у харид қилган нарсани маъкуллайман; б) бу буюмнингизда бадиийлик нафосати йўқ дейман; в) шу сабабли у билан ҳар доим уришаман, баҳслашаман.	4 2 0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
8.	Дам олиш хиёбонида ўсмиirlарнинг чекишаётганинга кўзингиз тушди. Сиз бунга қандай қарайсиз?	
	а) уларга танбеҳ бераман;	0
	б) бирорлар тарбиялаган бегона болаларга танбеҳ бериб, ўзимнинг асабимни бузиб юраманни қабилида иш тутаман;	4
	в) агар бу ҳол жамоат жойида бўлмагандა эди, мен уларни чириридан ўқазар эдим.	2
9.	Қадхваҳонада ҳисоб-китоб қилишда официантка ортиқча нул олиб қолди, ўзингизни қандай тутардингиз?	
	а) официанткага чой пули бериш ниятим бор эди, энди бермайман;	4
	б) назоратим остида қайтадан ҳисоб-китоб қилишни талаб қилардим;	2
	в) у тўғрида нима ўйлаган бўлсан, ҳаммасини очик ойдин айтаман.	0
10.	Сиз дам олиш уйидасиз. Маъмурий ходим ўзининг бевосита ишини, яъни хоналарнинг қандай тозаланганилиги, оиҳонадаги таомнинг хилма-хиллигини таъминланиш даражаси ва ҳоказоларни технирмасдан, бонқа кераксиз юмушлар билан шуулланаланти. Бу ҳол Сизни ажаблантирадими?	
	а) мен унинг устидан шикоят қилиш йўлини топаман. У жазоланишга, ҳатто ишдан ҳайдалишга лойик;	0
	б) ажаблантиради, аммо бу унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди;	4
	в) хизмат кўрсатувчи ходимларни, яъни ошпазни, фаррошини ёки ўз рафикамни койибман.	2
11.	Ўелингиз билан баҳслашасизми ва унинг хақ эквалигига иккор бўласизми? Хатони тан оласизми?	
	а) йўқ;	0
	б) албатта, хатони тан оламан;	4
	в) фикрлар ёрдамида бир карорга келишга ҳаракат қиласман.	2

Ана энди қанчалик жанжалкашсиз ёки бу фазилатта эга эмассиз, танлаган балларингизни жамлаб чиқинг ва ўзингизга баҳо беринг.

**14 балигача.** Сиз бачканасиз. Баҳсланиш учун баҳона излайсиз, гарчи у баҳоналарнинг кўпчилиги тутуруксиз

бўлса-да, Сиз танқид қилишни ёқтирасиз, агар у фойдангиз учун хизмат қилса. Фикрингиз, гарчи у нотўри бўлса ҳам уни зўрлаб ўтказишга ҳаракат қиласиз. Жанжалкаш дейиши-са бунга хафа бўласиз. Ўйланг, эҳтимол Сизда тўла кимматга эга бўлмаган фазилатлар яшириниб ётгандир.

**15 — 29 балл.** Сиз тўғрингизда фикр юритишиша, жанжалкаш одам дейишиди. Хизмат ёки шахсий ишларингизга қандай таъсир қилишидан қатъи назар ўз фикрингизни астойдил ҳимоя қиласиз. Шу сабабли Сизни хурмат қилиша-ди.

**30 — 44 ва ундан юқори балл.** Сиз одобли, хушмуома-ласиз. Низоларни яхши кўрмайсиз, низо чикиб қоладиган бўлса, уни бартараф қила оласиз. Тифиз ҳолатлардан осон-лик билан чиқасиз. Баҳсга киришишдан олдин унинг оқи-бати тўғрисида ўйлайсиз. Яъни, шу баҳс хизмат лавозимин-гизга ёки оғайничилик муносадатларига таъсир қилиши кўз олдингизга келади. Сиз атрофдагиларга ёқимли бўлишни истайсиз. Аммо улар ёрдамга муҳтоҷ бўлиб қолганларида Сиз уларга ҳар доим ҳам ёрдам беришга жазм этмайсиз, улар олдида ўз хурматингизни ўйкотиб қўймайсизми? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

### Сиз ўзингизга бино қўймаганмисиз?

1 ва 10 саволларга «йўқ» деб жавоб берсангиз 1 балл, «ҳа» деб жавоб берсангиз «0» балл кўясиз. Қолган барча саволларга «ҳа» деб жавоб берсангиз 1 балл, «йўқ» деб жа-воб берсангиз «0» балл кўясиз. Факат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шунда-гина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар	"ҳа"	"йўқ"
1	2	3	4
1.	Бажарилиши лозим бўлган ишни бажара туриб, Сиз ўзингизни мағрур хис этасизми?	0	1
2.	Сизда омаддан кўра омадсизлик кўп бўлиб туради.	1	0

**СИЗ ТАДБИРКОР БÜЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4
3.	Бирор нарсан амалга оширишга киришишдан олдин бошқалар буни нима деб ўйлашларини хисобга оласизми?	1	0
4.	Сизни ҳаддан ташқари мақташса, ўзингизни ноқулай сезасизми?	1	0
5.	Одамлар нимани назарда тутганларини эслаб, бўлган гаплар тўғрисида пухта ўйлайсизми?	1	0
6.	Бошқа кишилар жамоасисиз узоқ муддат қаноатда бўла оласизми?	1	0
7.	Қадр-кимматнинг моддий етишмовчиликка боғлиқлигини хис этасизми?	1	0
8.	Сиз умидсиз (пессимист)ми?	0	1
9.	Бошқаларга осонлик билан ҳамдардлик билдирасизми?	0	1
10.	Атроф-мухитта ўзингизни карама-қарши қўя оласизми?	0	1

Энди ўзингизга бино қўйганлик даражангиз билан танишинг:

**2 баллгача.** Сиз мутлақо ўзингизга бино қўймагансиз, камтарин ва акълисиз.

**3 — 6 балл.** Ўзингиз тўғрингизда камдан-кам ўйлайсиз. Аммо ўз қадрингизни биласиз.

**6 баллдан юқори.** Сиз ўзингизга бино қўйгансиз. Атрофдагилар учун Сиз ёқимсиз кишисиз.

**Сиз сир саклай оласизми?**

Тегишли жавобларни танланг ва балларни жамлаб чиқинг.

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

Т/р	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	2	3
1.	<p>Янги гилам сотиб олмоқчысыз, Сиз таңлаётган намуналар ичидә уч хил рангдаги гилам бўлса, қайси бирини таңлаган бўлардингиз?</p> <p>а) кизил; б) ҳаворанг; в) сарик.</p>	6 2 5
2.	<p>Сизни меҳмонинг тақлиф этишиди. Қандай кийим кийган бўлар эдингиз?</p> <p>а) кора шим ва оқ кўйлак; б) дабдабали тунги костюм; в) оддий тоза кийим.</p>	3 1 2
3.	<p>Кўн йиллар кўрмаган яқин танишингизни тасодифан ухратиб қолдингиз. Ўзингизни қандай туттган бўлар эдингиз?</p> <p>а) атрофдагилар эътиборига қарамай, кучоклашиб кўришаман; б) сингил жилмайиб кўл узатаман; в) у эксанлигига иккисиниб, эътиборсиз сўрашаман.</p>	4 3 1
4.	<p>Агар меҳмондорчилик чоғида Сизга бир кини маъкул тушиб колса, қандай муомалада бўлар эдингиз?</p> <p>а) танишиб олишига ҳаракат қилиб, кино ва видео ҳақида сұхбатлашган бўлар эдим; б) уни нима қизиқтириши ҳақида сўз очиб сўрап эдим; в) ўз-ўзидан сұхбат қуриб, у қайси томонга йўналишини күтиб турар эдим.</p>	6 8 4
5.	<p>Сиз кечқурун телевизор томоша қилиб ўтирибсиз. Бир вақт кўшини уйдан ноxуш овоз ва бақирик-чақирик эшиттилди. Сизга бу қандай тарьср этади?</p> <p>а) кўшини хотинини урайпти, деб ишонч билан ютураман; б) эътибор бермайман; в) телевизорни ўчириб, кўшини уйда нима бўлаётганига кулок соламан.</p>	5 3 6
6.	<p>Туғилган кунингизда яқинларингиздан бирни Сизга совға бера туриб, байрам куни очиб кўришини илтимос қиласди. Шунда нима қилас эдингиз?</p> <p>а) тезликда совғани очар эдим; б) туғилган кунимда очардим; в) кичик дарча очиб, ичини кўриб олардим.</p>	7 4 5

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
7.	<b>Сизни ортиқча вазни ташнишлантирадими?</b> а) деч қачон; б) баъзан озиш учун очлик кунларини ўтказаман; в) ҳа, чунки мен иштаҳа билан кўп овқат истеъмол қиласман.	3 6 7

Энди сир сақлай олишингиз ёки унинг уддасидан чиқа олмаслигинги билан танишинг.

**25-бали.** Ўз қобиғингизга ўралган одамсиз, гарчи Сиз билан кўп одамлар тил топишишни хушласа ҳам сир сақлай билиш инсоннинг энг яхши фазилатлариридир, деб ўйлайсиз. Сизнинг олдингизда ҳар қандай файратли одам ҳам тўхтаб қолади. Ўз ишингиз ҳакида кам гапирасиз, кўпчилик Сизни совуққон ва беҳафсала деб ўйлайди. Аслида бундай эмас, дўстлар учун Сиз вакт топа оласиз, маслаҳат ва кулгуни аямайсиз.

**25-35 бали.** Сизни очиқ кўнгилли деб билишади. Ўз хатоларингизни кўрқмай гапирасиз. Агар бошқа дўстлар ва танишларингиз устида гап кетса жим тура олмайсиз. Сиз кўп гапиришни яхши кўрсангиз ҳам, жим турасиз, сир сақлайсиз.

**36 ва ундан юқори бали.** Сиз жамиятнинг севимли аъзосисиз. Ҳамма вақт нималарнидир, қизиқарли, кулгили, бошқаларни жалб эта оладиган нарсалар хусусида гапирасиз. Бирор гийбатни эшитсангиз, унинг ёлғонлиги ҳакида дўстларингизга етказасиз. Улар Сизга ишонадилар, ҳар қандай сирни айтишади.

### **Қандай файрат (темперамент)га эгасиз?**

**Темперамент (файрат)** – бу мижоз, яъни инсон табиатининг түфма хусусияти, инсоннинг ташки дунё таассуротларини сингдириш, улардан таъсирланиш ва жавоб бериш хусусияти. Китобларда 4 хил файрат тўғрисида жуда кўп ёзилган:

- сангвиник;
- холерик;
- флегматик;
- меланхолик.

**Сангвиник (таъсирчан)** – бу хушчақчақ, оёк-күли чақкон сергап, таассуротларга бой, ҳолатини бир зумда ўзгартира оладиган, қийинчиликларни тез енгаоладиган, янги шароитларга бирдан мослаша оладиган кишилардир. Қизықарлы ишда сермаңсул, бошқаларни жалб қила олуучи, жамоада яхши мұхитни сақтай олади, хушчақчақларга мақсаддага эришишга нимадир етмайды, бошлаган ишларини охирига етказа олмайды.

**Холерик (сержахл)** – бу серхаракат, қызғин, катта ҳаёттый күчта эга, тез қизишиб кетувчи ва секин ўзига келувчи, ўзини туга олмайдиган, сабрсиз, ташаббускор, иш кетидан күвган, қийинчиликлардан күркмай муаммоларни тез ҳал килувчи, секин, имирсилаб ишлашни ёктиirmайдиган тоифасига мансуб кишилардир. Керагидан ортиқ фаоллик, қиынкоңылк уларга халакит беради.

**Флегматик (бұшант)** – бу тепса-тебранмаслар, секин охиста, оғир, гап күтарувчи, хиссиётларга зытиборсиз, бир ишни бошқасига ўзgartириши ўта мушкул, ён-атрофдаги ўзгаришларға беҳуш, янгиликларни оғир қабул қилувчи, атрофдагилар билан келишувчан кишилардир.

**Меланхолик (ғамгин)** – бу ғамгинликка мойил, хафакон, тез толикадиган ва ўзига ишонмайдиган, ташвишсиз, ниҳоятда аразчан, жуда оз куладиган, фаоллиги суст, тортинчөк, кам гайрат, арзимаган сабабларга күзларидан ёш оқиб кетаверадиган шахслардир. Улар кулай шароитда олдига күйилған масалаларни муваффакиятли бажаришади. Агар ишда шароит, яньни вазият ўзгарса, қийинчилик туғилса, улар ўзларини панага олиб туришади.

Аммо қайд қилинган темпераментларнинг бирортаси “соф күриниш” да учрамайды. Барчада уларнинг ҳар биридан муйян нисбат (пропорция) да мужассамланған бўлади (флегматикларга хос темперамент жуда кам учрайди). Умуман олганда, “темперамент” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, сўзма-сўз “қисмлар нисбати” маъносини билдиради. Айнан тўрт хилдаги таянч темпераментлар кишидаги умумлашган қисмлар нисбатини аниқлаш учун асос хизматини ўтайди. Шу мақсадда 4 хилдаги темпераментларнинг «паспорт»ларини келтирамиз:

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

**1. Сангвиник «паспорти»**

T/p	Сангвиникларга хос мижозлар	Жавоб-лар
1.	Хушчақчак ва ҳаётдан мамнунсиз.	
2.	Серғайрат ва ишчансиз.	
3.	Ишни кўпинчча охирига етказа олмайсиз.	
4.	Ўзингизга ортиқча баҳо беришга мойилсиз.	
5.	Янгилукни тез илғаб олиш қобилиятига эгасиз.	
6.	Кизиқишиш ва мойилликка бекарорсиз.	
7.	Омадсизлик ва муваффақиятсизликларни осонлик билан унугасиз.	
8.	Турли ҳолатларга осонликча мослашасиз.	
9.	Ҳар кандай янги ишга ҳафсала билан киришасиз.	
10.	Агар иш Сизни қизиқтирмаса, тез ундан совийсиз.	
11.	Янги ишга тез киришасиз, биридан бошқасига тез ўта оласиз.	
12.	Ҳар кунги ишнинг бир хиллиги ва сердиқкат, жуда майдалигидан машакқат чекасиз.	
13.	Одамохун, тез илғовчи, янги одамлар билан тез тил тоға оласиз.	
14.	Мехнатсевар ва бардошлисиз.	
15.	Чиройли, хушфеъл, аниқ ва тез сўзлаш маҳоратига эгасиз.	
16.	Кутилмаган мураккаб ҳолатларда ўзингизни тута оласиз.	
17.	Ҳамма вакт яхши қайғиятда бўласиз.	
18.	Тез ухлайсиз ва тез уйгонасиз.	
19.	Кўпинчча бесаранжомсиз, ўзингизни тута олмай, шошиб қарор қабул киласиз.	
20.	Онда-сонда юзаки қарашга мойилсиз, чалғийсиз, диккатингизни бошқа томонга қаратасиз.	

**2. Холерик «паспорти»**

T/p	Холерикларга хос мижозлар	Жавоб-лар
1	2	3
1.	Сиз камҳафсаласиз.	
2.	Ўзингизни тута олмайдиган, сержаҳлсиз.	
3.	Сабрсизсиз.	
4.	Кескин ва одамлар билан тик муюмала қиласигансиз.	
5.	Дадил ва ташаббускорсиз.	

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
<p>6. Айрим кишилар Сизни қайсар деб айтишади.</p> <p>7. Баҳсларда топкирсиз.</p> <p>8. Салчб-салчб ишлайсиз.</p> <p>9. Таваккалга боргувчисиз.</p> <p>10. Гиначи ва ёмонни эслаб қолувчи эмассиз.</p> <p>11. Нуткингизда тезкорлик, хиссиётта берилувчаникка эгасиз.</p> <p>12. Ҳовликишга мойилсиз ва унга нисбатан мувозанатлашмагансиз.</p> <p>13. Шиддатли жанжалкашсиз.</p> <p>14. Камчиликларга тоқатсизсиз.</p> <p>15. Иродали қарашларга ва имо-ишора қилишга қобилятилсиз.</p> <p>16. Тез ҳаракат қилиш ва ҳал этиш қобилятига эгасиз.</p> <p>17. Ҳормай-толмай янгиликка интиласиз.</p> <p>18. Тезкор ва шиддатли ҳаракатлар соҳибисиз.</p> <p>19. Кўйилган мақсаддага эришишга астойдил ҳаракат киласиз.</p> <p>20. Кайфиятингизни кескин ўзгартиришга мойилсиз.</p>		

**3. Флегматик «паспорти»**

Т/р	Флематикларга хос мижозлар	Жавоб-лар
1	2	3
<p>1. Сиз тинч ва вазминисиз.</p> <p>2. Ишда изчил ва масъулиятлisisiz.</p> <p>3. Эҳтиёт ва ўйлаб иш қиласиз.</p> <p>4. Кута оласиз.</p> <p>5. Бекорга гапиришни ёқтирумайсиз.</p> <p>6. Оҳиста, бир текисда дона-дона, кескин гапирмай нутқ сўзлаш ва имо-ишоралар билан муомала қилиш маданиятига эгасиз.</p> <p>7. Сабрли ва тоқатлисиз.</p> <p>8. Бошлаган ишинингизни охиригача етказасиз.</p> <p>9. Кучингизни бекорга сарфламайсиз.</p> <p>10. Ҳаёт тартибига, иш тизимиға қаттиқ риоя қиласиз.</p> <p>11. Зўрайишини ёнгил қабул қиласиз.</p> <p>12. Койиш ва маъқуллашни унчалик ёқтирумайсиз.</p> <p>13. Зиёнсиз, шаънингизга айтилган сўзларга эътиборсизроқ қарайсиз.</p> <p>14. Ўз қизикиш ва муносабатларингизда қатъийсиз.</p>		

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ**

1	2	3
15.	Ишга секин киришасиз, бир ишдан бошқасига секин ўтасиз.	
16.	Барчага бараварсиз.	
17.	Тартиб ва интизомни ёқтирасиз.	
18.	Янги ҳолатларга қийинчилик билан мослашасиз.	
19.	Камхаракат, инертысиз.	
20.	Ўзингизни тутиб тұра оласиз.	

**4. Меланхолик «паспорти»**

Т/р	Меланхоликларға хос мінезділар	Жавоб-лар
1.	Сиз уятчан ва тортингөксиз.	
2.	Янги ҳолатларда ўзингизни йүқотиб құясиз.	
3.	Нотанишлар билан танишишга қыйналасиз.	
4.	Ўз күчингизге ишонмайсиз.	
5.	Танхоликни осон енгасиз.	
6.	Мұваффакиятсизликдан ўзингизни йүқотиб құясиз.	
7.	Ўзингиз билан бўлишга мойилсиз.	
8.	Тез чарчаб қоласиз.	
9.	Бўш, охиста, пичирлаб гапиришгача қобилиятингиз бор.	
10.	Сұхбатдошингиз характеристига мослаша оласиз.	
11.	Кўзға ёш оладиган даражагача таъсирчансиз.	
12.	Кўллаб-куватлашга ва танбех беришга ўта мойилсиз.	
13.	Ўзингизга ва атрофдагиларга юқори талаблар кўя оласиз.	
14.	Шубҳа, гумон қилишга мойилсиз.	
15.	Ўта сергак ва жуда осон яраланувчансиз.	
16.	Ўта хафа бўлувчисиз.	
17.	Ўз қобигингизга ўралгансиз, ўз фикрларингиз билан бўлишмайсиз.	
18.	Кам фаол ва кўркок, ҳадиксирайдигансиз.	
19.	Одамохунсиз.	
20.	Хамдардлик кўрсатишига ва атрофдагиларга ёрдам беришга тайёрсиз.	

Тест саволларига жавоб берувчининг вазифаси — ўзига мос тушувчи мижозларнинг рўпараси (3-устун)га “+” (плюс) белгисини кўйиб чиқишдан иборат. Шундан сўнг темперамент А.Белов<sup>1</sup> томонидан таклиф қилинган қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\Phi_T = X \cdot \frac{Ax}{A} \cdot 100 + C \cdot \frac{Ac}{A} \cdot 100 + \Phi \cdot \frac{Af}{A} \cdot 100 + M \cdot \frac{Am}{A} \cdot 100$$

Бу ерда:

Фт — темперамент формуласи;

Х — холерик темпераменти;

С — сангвиник темпераменти;

Ф — флегматик темпераменти;

М — меланхолик темпераменти;

А — барча (4 хил) мижозлар бўйича белгиланган “+” (плюс)лар сони;

Aх — холерик “паспорти”да белгиланган “+”лар сони;

Ас—сангвиник “паспорти”да белгиланган “+”лар сони;

Аф — флегматик “паспорти”да белгиланган “+”лар сони;

Ам — меланхолик “паспорти”да белгиланган “+”лар сони.

Фараз қиласлик, “+”ларни ҳисоблаб бўлиб, формула асосида аниқлаб чиқсан темперамент даражаси қуидаги ча бўлсин:

$$\Phi_T = 35\%X + 30\%C + 14\%\Phi + 21\%M$$

Бу деган сўз, мазкур темпераментдаги кишида 35 foiz холерикларнинг мижози, 30 foiz сангвиникларнинг мижози, 14 foiz флегматикларнинг мижози ва 21 foiz меланхоликларнинг мижозлари мужассамланган. Агар у ёки бу мижоз бўйича ижобий жавобларнинг нисбий кўрсаткичи 40 foiz ва ундан юқори бўлса, у ҳолда мазкур темперамент Сизда устувор ҳисобланади. Зоро, бу кўрсаткич 30-39 foizни ташкил киласа, у ҳолда мазкур мижоз яққол кўринган сифатда бўлади ва ҳ.к.

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонов А.А. Познать себя. М., 1993, стр. 126.

Шуни унугмангки, бундай баҳолаш батамом шахсий субъектив ёндашувингизнинг натижасидир. Йўл қўйилиши мумкин бўлган субъективизмни бартараф қилиш учун кўйи-дагича иш тутинг:

- барча кўйган “+” (плюс) белгиларингизга мос ту-шувчи мижозларнинг рўйхатини тузиб чиқинг;
- тузган “паспорт” ингизни Сизни жуда яқин ва яхши биладиган кишига кўрсатинг ҳамда ҳар бир танла-ган мижоз тўғрисида у кишининг фикрини билиб, “Бу ким” деб сўранг;
- эҳтимол, у киши бу “айнан ўзингиз-ку” ёки белги-ланган айрим мижозлар инобатга олинмаса “бу Сизга ўхшаш темпераментта эга киши экан”, деб айтиши мумкин.

Шу тарика ўзингизда қандай темперамент устувор, қоникарли ёки қоникарсиз эканлигини биласиз ва қусурни йўқотишига ҳаракат қиласиз.

### Сиз қанчалик тартибли ва уюшқоқсиз?

Тартибли, уюшқоқ кишига бўлган талаб олдин ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам **таклифга** нисбатан кўп бўлган. Чунки улар басамар ишлайдиган, ишончли, аниқ ва эъти-борли шахслардан хисобланишади.

Тартибли, режали кишини, энг аввало, ундаги иш ус-луби, вактга бўлган масъулияти, ўз меҳнатини ташкил қи-лиш тизими кабилар ажратиб туради. Уюшқоқ киши худди уч марта дунёга келгандек уч баравар кўпроқ иш бажаради. Уюшмаган киши вактнинг эгови. У вактини майда-чўйда ишларга бехуда сарфлайди. Уюшган киши эса ҳам вактини, ҳам ишларини басамар бошқаролади.

Кўйида келтирилган тест топшириклари нафақат тар-тибли ёки уюшқоқлик даражангизни, шунингдек, ўз- ўзини бошқариш сир-асрорларини аниклашга ва ишингизни таш-кил қилишнинг янги қирраларини билиб олишингизга имкон беради.

Хўш, тестдан қандай фойдаланиш керак? Келтирил-ган жавоблардан фақат биттасини, ўзингиз тўғри деб хисоб-лаганни танлаб оласиз. Барчасини танлаб бўлганингиздан

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

сўнг, тест топшириклиаридан кейин келтирилган жадвалга асосланиб жавобларингизга мос тушган балларни жамлаб чиқинг. Сўнгра натижаларга биноан ўзингизнинг тартибли, уюшқоқлик даражангиз билан танишинг.

T/р	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	2	3
1.	<p><b>Амалга ошириш учун тиришаётган бош ва асосий мақсадга эгамисиз?</b></p> <p>а) менда шунака мақсадлар бор;          б) ажабо, шундай ҳам мақсад бўлиши мумкинми? Шундок ҳам ҳаёт шиддатли ўзгарувчан;          в) шундай мақсадим бор ва уни амалга ошириш учун бутун ҳётимни шунга бағишлайдайман;          г) мақсадларим бор, аммо менинг фаoliятим уларни амалга оширишга кўмак беролмайди.</p>	4 0 6 2
2.	<p><b>Хафталик иш режаларини тузасизми, шу мақсадда хафталик дафтарлари, маҳсус чўнтақ дафтарчалари ва бошқалардан фойдаланасизми?</b></p> <p>а) ха;          б) йўк;          в) на ҳа,на йўк дей олмайман,чунки асосий мақсадим миямга жойлашган,хафталик ёки бир кунлик жорий режалар эса бир варақ коғозда ёки хотирамда туради;          г) хафталик дафтар юргизиб режа тузишга ҳаракат қилдим, аммо кейинчалик унинг ҳеч нарса бермаслигини тушундим;          д) режа тузиш бу — катта одамларнинг ўзини уюштириш мақсадида қиласиган ўйини.</p>	6 0 3 0 0
3.	<p><b>Мўлжалланганинг бажарилмаганилиги учун ўзингизни коййисизми?</b></p> <p>а) койийман,агар бажарилмагани сабаби айнан менинг совуқконлигим ёки тепса-тебранмаслигим туфайли бўлган бўлса;          б) объектив ёки субъектив сабаблардан қатби назар ўзимни койийман (тергайман);          в) ўзимни койиб нима қиласман, шундок ҳам бугунги кунда ҳамма бир-бири билан уришиш пайдада;          г) бугун ниманинг удасидан чиқсан бўлсанам — бу яхши, нимага ултурмаган бўлсанам, уни кейин бажараман қабилида ўзимга ҳисоб бераман.</p>	3 6 0 2

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
4.	<p>Қариндошларингиз, дўстларингиз иш билармон кишиларнинг телефон рақамлари ёзилган ён чўнтағингиздаги дафтарчани қандай тутасиз?</p> <p>а) мен ён чўнтағимдаги дафтарчанинг хўжайниман: ундағи номлар, исм-шарифлар ёзувини хоҳлаганимча олиб бораман, агар кимнингдир телефон рақами зарур бўлса уни, албатта, топаман;</p> <p>б) ён дафтарчамдан доимий фойдаланишим сабабли уни тез-тез алмаштириб тураман. Телефон рақамларини кайд килишни илмий тартиб асосида бажараман, аммо қейинчалик фойдаланишда барибири палапартишиликка йўл қўяман;</p> <p>в) телефон рақамларни, исм-шарифларни кўзга ташланадиган ҳарф билан ёзаман, аммо менинг фикримча, энг асосийси уларнинг дафтарчага кайд килиниши, қайси варакда, қандай ёзувда бўлиши шарт эканлиги мухим эмас;</p> <p>г) умум қабул қилинган тизимдан фойдаланаман, яъни имло тартибига биноан исми, отасининг исми, телефон рақами, керак бўлса, унинг маизили, иш жойи, лавозими каби қўшимча маълумотларни ҳам ёзаман.</p>	0 0 0 0 6
5.	<p>Сизни турли-туман буюмлар қуршаб олган. Улардан тез-тез фойдаланасиз. Уларни жой-жойинга қўйишда қандай принцип (тамойил)га риоя қиласиз?</p> <p>а) ҳар бир буюм, ким уни қаерга қўйган бўлса ўша ерда туради;</p> <p>б) ҳар бир буюм ўз жойида бўлиши керак деган тартибга амал қиласман;</p> <p>в) вақт-вақти билан у буюмларнинг жойлашган жойини тартибга тушириб тураман, бошимни "РУВ" этмаслиги учун уларни хоҳлаган жойимга қўяман, маълум вақт ўтгандан сўнг уларни яна тартибга тушираман;</p> <p>г) бу масала ўз-ўзининг ишини ташкил қилишга ҳеч канака дахидор эмас.</p>	0 6 0 0
6.	<p>Иш куннингиз тугаши билан кун давомида қанча вақтингиз, қандай сабаблар билан бефойда ўтсанлигини айтласизми?</p> <p>а) йўқолган вақт тўғрисида айтломан;</p> <p>б) факат бефойда йўқотган вақт жойини айтломан;</p> <p>в) агар беҳуда йўқотилган вақт пулда хисобланганда эди, шундагина уни санар эдим;</p>	2 1 0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
	г) қаерда, қанча ва нима учун бефойда вақт сарфланганлигини ҳамма вақт сезаман; д) нафакат қаерда, қанча ва нима учун бефойда вақт сарфланганлигини ҳисобга оламан, шунингдек, кейинчалик шундай ҳолларнинг олдини олишга ҳаракат қиласман.	4 6
7.	Мажлис ёки кенгашларда куруқ сафсатабозлик хукм сурса, Сиз ўзингизни қандай тутасиз? а) масаланинг мөхиятига эътиборни қаратишларини таклиф қиласман; б) ҳар қандай мажлис ёки кенгаш "тўла" ва "бўмбўш"лик нисбатидан ташкил топади, "бўмбўшлиқ" хукм сургандга тўлаликни кутасан, "тўлалик" хукм сургандга эса толиқасан ва "бўмбўшлиқ"ни кумсайсан. Шу тартибида мажлислар ва кенгашлар ўтаверди, уни ўзгартириш амри маҳол; в) азобланадиган даражада юкланаман; г) ўзимни таскин топтириш учун ўзим билан олиб келган ишлар билан шугулланаман.	3 0 0 6
8.	Айтайлик, маъруза билан чиқмоқчисиз. Маърузанинг мазмуни тўғрисида ўйлашдан ташқари унинг қанча вақта мўлжалланганлигига ҳам эътибор берасизми? а) маърузамнинг мазмунига жиддий эътибор бераман, унинг неча минутта мўлжалланишини аниқлаш тахминан бўлса ҳам бўлади деб ўйлайман, агар маъруза кизикарли бўлса, у ҳолда уни тамомлаш учун доимо қўшимча вақт беришади; б) маърузанинг мазмунига ҳам, давомлигига ҳам бирдек эътибор бераман. Шунингдек, ажратилган вақтта қараб, маъруза вариантлари тўғрисида ўйлайман.	2 6
9.	Ўйлаганингизни амалга ошириш учун вактингизнинг ҳар бир минутидан фойдаланишга ҳаракат қиласизми? а) ҳаракат қиласман, аммо шахсий сабаблар (куватимнинг сустлашуви, кайфиятимнинг тушиши ва х.к.) туфайли бу нарсанинг уддасидан ҳар доим ҳам чиқолмайман; б) майдалашиб кетаманми, деб бунга ҳаракат ҳам қиласайман; в) барibir вақтни кувиб етиб бўлмайди, шу сабабли бунга ҳаракат қилишининг ҳожати ҳам йўқ; г) қандай бўлса ҳам шунга куйиниб ҳаракат қиласман.	3 0 0 6

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ**

1	2	3
10.	<p><b>Илтимос, топшириқ за күрсатмаларни қайд қилининг қандай тизимидан фойдаланасиз?</b></p> <p>а) қайси муддатда бажариш лозимлитетини ён дафтарчамга ёзбік күйман;</p> <p>б) мухим бұлған илтимос, топшириқ за күрсатмаларни ён дафтарчамга ёзаман. Уларнинг күпчилигини эсда саклашга ҳаракат қиласын. Мабодо, айрим майда-чүйдаларни ёддан чиқарып қолсан, бундай ҳолни камчилик деб хисобладынан;</p> <p>в) топширикларни эслашшага ҳаракат қиласын, чунки бу хотираны мустаҳкамлашшага ёрдам беради. Аммо шуни бўйнимга олишим керакки, хотирам мени тез-тез уялтириб туради;</p> <p>г) "кайтма хотира" принципини қўллайман, яъни мен эмас, балки топшириқ берган кишининг ўзи эсда тутсин. Агар топшириқ зарур бўлса, улар бу ҳакда яна эслатишади.</p>	<span style="font-size: 2em;">6</span> <span style="font-size: 1.5em;">3</span> <span style="font-size: 1.5em;">1</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span>
11.	<p><b>Мажлис, кенгаш ва амалий учрашувларга нечоғли аниқлик билан етиб келасиз?</b></p> <p>а) 5-7 минут олдин келаман;</p> <p>б) 1-2 минут олдин ёки белгиланган вактда етиб келаман;</p> <p>в) одатдагидек кечикиб келаман;</p> <p>г) қанчалик вактида келишшага ҳаракат қилсан ҳам барибир доимо кечикиб келаман;</p> <p>д) эҳтимол, "қандай қылса кечикмаслик мумкин" деган илмий-оммабол қўлланма чоп этилса, ундан кечикмаслик йўлларини ўрганармидим.</p>	<span style="font-size: 1.5em;">3</span> <span style="font-size: 1.5em;">6</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span>
12.	<p><b>Берилған топшириқ, күрсатмаларни ўз вактида бажариш лозимлигига қанчалик эътибор берасиз?</b></p> <p>а) топширикни ўз вактида бажариш — лавозим ва бурчимни адо этишимнинг тавсифловчи мухим жиҳаты деб биламан. Аммо айрим юмушларни ўз вактида бажариш имкони бўлмайди;</p> <p>б) ўз вактида бажариш — бу амалпарастлик. Яхшиси бажариш муддатини озрок бўлса ҳам чўзиш мъқулордир;</p> <p>в) ўз вактида бажариш лозимлиги ҳакида камроқ гапириб, кўпроқ ўз муддатида бажаришга эришаман;</p> <p>г) топшириқ за күрсатмаларни ўз вактида бажариш деган сўз — бу янги топширикни олишининг сўзсиз гаровидир. Бажарувчанлик ҳар доим тезкорлик билан жазоланади.</p>	<span style="font-size: 1.5em;">3</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span> <span style="font-size: 1.5em;">6</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span>

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
13.	<p>Айттайлик, Сиз у ёки бу ишни қилишга ёки кимгадир у ёки бу иш бўйича ёрдам беришга ваъда бердингиз. Аммо вазият шундай ўзгардики, берган ваъдангиз устидан чиқиши амри маҳол бўлиб қолди. Шундай ҳолда ўзингизни қандай тутасиз?</p> <p>а) вазият ўзгаргани тўғрисида ваъда берган кишига сўзимнинг устидан чиқа олмаслигимни хабар бераман;</p> <p>б) вазият ўзгарганлиги туфайли ваъдам устидан чиқа олмаслигимни айтишга ҳаракат қиласман;</p> <p>в) ваъдамни бажаришга ҳаракат қиласман, агар бажарсан — яхши, бажармасан — осмон узилиб ерга тушмайди. Чунки менинг камдан-кам ўз ваъдам устидан чиқмаган кунларим бўлган;</p> <p>г) ваъда берган кишимга ҳеч нимани хабар бермайман. Ҳар қандай шароитда бўлса ҳам ваъдамнинг устидан чиқаман.</p>	<p>2</p> <p>0</p> <p>0</p> <p>6</p>

Танлаган рақамларингизга мос тушувчи балларни жамлаб чиқинг. Энди қанчалик тартибли, уюшқоқ эканлигигингиз билан танишишинг.

**72 баллдан юқори.** Агар шу принцип (тамойил)лар билан яшаётган бўлсангиз, у ҳолда ўз ишини тартибли, уюшқоқликда олиб борувчи кишилар тоифасига мансубсиз. Сизга ҳавас қиласа арзиди. Фақат бирдан-бир маслаҳат: ютуклирингиз билан чегараланманг, ўз-ўзини бошқариш сир-синоатларини янада ўзлаштиришни кучайтириб боринг.

**63-71 балл.** Сиз уюшқоқликни, тартиблилини ўз фаолиятингизнинг муҳим бир бўлаги деб ҳисоблайсиз. Бу айнан тартиблилик, уюшқоқлик тўғрисида аҳён-аҳёнда ўйлайдиганлар “олдида” мавқеингиз кўпроқ намоён бўлади. Шундек бўлса ҳам ўзингизни бошқаришингиз ҳакида, уни яхшилаш хусусида хушёр тортишингиз лозим.

**63 баллгача.** Сизнинг турмуш тарзингиз, Сизни курсаб олганлар тартиблилик, уюшқоқликнинг айрим жихатларини ўрганишишингизга ўз таъсирини ўтказган. Тартиблилик фаолиятингизда гоҳо пайдо бўлиб, гоҳо гумдон бўлади. Бу Сиздаги тартиблиликнинг муттасил тизимда эмаслигидан далолат беради. Ваҳоланки, уюшқоқликнинг объектив сабаблари ва принциплари мавжуд. Ўзингизнинг ишлаш

## **СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

техникангизни, хатти-харакатингиз ва сарфлаган вақтнингизни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг. Шунда Сиз бугунги кунда шубҳа туғилмайдиган воқеага гувоҳ бўласиз.

Тартибли раҳбар бўлмоқ учун ўзингизни енгмоғингиз, бардошли ва чидамли бўлишингиз лозим.

### **Сиз ноҳушликларга бардошлимисиз?**

Куйидаги жавобларни танлаб улар рўпарасидаги балларни жамлаган ҳолда ўзингизни билиб олинг. Факат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб, мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	2	3
1.	Бошқаларга ўз муаммоларингиз тўурисида гапириб берасизми? а) албатта; б) камдан-кам; в) йўқ.	1 2 3
2.	АЗоб-уқубат ва хафагарчиликни нечогли кучли ёки енгил бошингиздан кечирасиз? а) вазиятга боғлиқ; б) чидашга ҳаракат қиласман; в) оғир кечади.	0 2 3
3.	Нима учун спиртли ичимликлар ичасиз? а) ҳеч қачон ичмайман; б) ёққани учун ичаман; в) муаммоларни унугиши учун ичаман.	0 1 3
4.	Агар Сиз нимадандир қаттиқ раижисангиз, нима қилган бўлар эдингиз? а) хафачилик ўрнини босувчи хурсандчиликни ўйлаб топардим; б) ўртокларим оддига бораман; в) уйда ўтираман.	0 2 4

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
5.	Агар яқин одамингиз Сизни хафа килса, нима қилган бўлар эдингиз?	
	а) сабабини айтишни талаб килардим;	0
	б) бу воқеани барчага айтиб бераман;	1
	в) бу воқеани сир саклайман.	3
6.	Бахтиёр дамларимда:	
	а) роҳатланаман;	1
	б) бундай дамларни йўқотаман деб кўркаман;	2
	в) ҳёт нохушликлар билан тўлалигини эсда тутаман.	3
7.	Рұҳшунос (психиатр)лар тўғрисида нималарни ўйлайсиз?	
	а) кўпларга ёрдам беришлари мумкин;	2
	б) кишининг ўзи ўзига ёрдам беради;	3
	в) улардаги мижозлар қаторида бўлишни хоҳлайман.	4
8.	Тақдир Сизнинг фикрингизча бу:	
	а) хузур-халоват;	1
	б) адолатсизлик;	2
	в) кишини кувфинда ушловчи.	5
9.	Баҳсадан сўнг разаб, жаҳл чиқиб қолди ва нима тўғрисида ўйлайсиз?	
	а) олдинги курсандчиллик тўғрисида ўйлайман;	1
	б) қасос олишни ўйлайман;	2
	в) аламимни ҳисоблайман.	3

Энди, нохушликларга қанчалик бардошлигингиз билан танишинг.

**15 баллгача.** Сизнинг руҳий мувозанатингиз мактовга арзигули. Нохушликларга жуда осонлик билан бардош берасиз. Уларни тўғри баҳолай оласиз.

**16-26 балл.** Сиз ўзингизни жиддий қўлга олишингиз керак. Муаммоларингизни камроқ бошқаларга юклант.

**27 ва ундан юқори балл.** Бало-қазони текислаш, тузатиш йўлларини ҳали яхши ўрганмагансиз. Бутун кучингизни шунга сафарбар этинг. Ўзингизга қўпроқ ишонч ҳосил килинг.

## Стрессга мойилмисиз?

Кўйидаги саволларга «ҳа» (5 балл) ёки «йўқ» (0 балл) жавобларини бериб, «ҳа» деб белгиланган жавоблардаги балларни жамлаб чиқинг. Факат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга караб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар	Балл
1.	Нохушлик сабабли узок вақт қайғурасизми?	
2.	Кечки дамларда ўзингизга кўп вақт ажратасизми?	
3.	Ортиқча батағсиллик билан галириб бераётган сухбатдошингиз гапини бўласизми?	
4.	Умрбод шошилиб юрасизми?	
5.	Бирордан ёрдам сўраш Сиз учун оғир кечадими?	
6.	Бўш вактларингизда ўзингизнинг муаммоларингиз тўғрисида ўйлайсизми?	
7.	Агар касбдошингиз у ёки бу нарсанинг улдасидан чиколмаётган бўлса, унинг учун ишни бажарасизми?	
8.	Мазали овқатдан ўзингизни тия оласизми?	
9.	Сиз бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажарасизми?	
10.	Сұҳбат чоғида фикрингиз "қаердадир узоқда яширинган"дек тууладими?	
11.	Одамларнинг зерикарли нарсалар тўғрисида гапиришлари хусусидаги фикр хаёлингизга тез-тез келиб турадими?	
12.	Навбатда турганда асабийлашасизми?	
13.	Бошқаларга маслаҳат беришни ёқтирасизми?	
14.	Қарор қабул қилишдан олдин тез-тез иккиланасизми?	
15.	Тез гапирасизми?	

### Натижалар:

**50 баллдан юкори.** Сизда асабийлик жуда ҳам юкори. Стресснинг бўлиши мұқаррар.

**20 дан 50 баллгача.** Стресс бўлиш эҳтимоли бор. Ўзингизни назоратга олишингиз зарур.

**20 баллгача.** Тинч ва вазминисиз. Стресс юз бериш эҳтимоли йўқ ҳисоби.

## Тасодифга ҳар доим тайёрмисиз?

Күйидаги саволларга «ҳа» ёки «йўқ» жавобларини бериб, «ҳа» белгили жавобларни жамлаб чиқинг. Ҳар бир «ҳа» жавоби 1 баллга teng.

Т/р	Саволлар	Балл
1.	Ҳар доим ёнингизда ортиқча ручка ёки қалам бўладими?	
2.	Велосипедингизнинг эҳтиёт қисмлари бўлмаса ҳам, у билан саёхатта чиқсан бўлар эдингизми?	
3.	Уйингизда мушук борми?	
4.	Ҳар доим ҳам соябон ҳамроҳингизми?	
5.	Уйингизда дори-дармонлар саклайсизми?	
6.	Битта ихтисосликдан кўра, унинг иккита бўлгани маъкул эмасмикин?	
7.	Пулни бир неча чўнгтакда саклаб юрасизми?	
8.	Эҳтиёт бўлиш лозимми?	
9.	Яккаланиб қолмаслик учун кўп дўстингиз бўлиши керакмикин?	
10.	Ўйдаги музлатгичингиз ҳар дом маҳсулот билан тўлами?	
11.	Бахтсиз ҳодисалардан сугурталанганимисиз?	
12.	Таваккалчилик ҳар доим ҳам катта бўлмаслиги керакми?	
13.	Сиз автомобилда катта бўлмаган тезликда юришни маъкул деб биласизми?	

Энди, тасодифга қанчалик тайёр эканлигиниз билан танишинг.

**9 баллдан кўп.** Очигини айтганда, Сиз ҳадиксировчи, масъулиятдан қочувчи кишисиз. Аммо, айрим ҳолларда ўйламай-нетмай қиласиган ҳаракатларингиз турмушингизни хушнуд килиши мумкин.

**3-9 балл.** Ҳаддан ташқари бўлмаса ҳам узокни кўрадиган, эҳтиёткор, тадбирли одамсиз. Бу ёмон эмас.

**3 баллгача.** Сиз воқеликни олдиндан мутлако кўра билиш қобилиятига эга эмассиз. Ўзингизга дамба-дам: «Маъкул иш қилаяпманми?», деб савол берасиз.

## Сиркангиз сув кўтарадими?

Сиз қандай одамсиз: асабий, бесаранжом, ваҳимачи ёки аксинчами? Қўйида келтирилган тест саволлари буни аниклаб беради. Агарда 15-саводдан бошқа ҳар бир сўровга “ҳа” деб жавоб берсангиз 1 балл, агарда “йўқ” десангиз “0” балл тўплайсиз.

15-саволга жавоб аксинча хисобланади, яъни “ҳа” десангиз “0” балл, “йўқ” десангиз 1 балл оласиз. Факат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/р	Саволлар	Балл
1	2	3
1.	Тим коронги жойда, айниқса, ёлғиз қолсангиз ўзингизни кимсасиз, беҳол сезасизми?	
2.	Ишим бошимдан ошиб ётибди, деб хисоблайсизми?	
3.	Одамларнинг сиз ҳақингиздаги фикрларига бефарқумисиз?	
4.	Телефон жирингласа, чўчиб кетасизми?	
5.	Майда-чўйда нарсалардан ҳам хавотир олаверасизми?	
6.	Саломатлигингиздан хавотирланасизми?	
7.	Пул ҳакида ташвиш тортасизми?	
8.	Транспортда кетаётганингизда тушишингиз керак бўлган бекатдан ўтиб кетсангиз, кўп қайфурасизми?	
9.	Ухлаш олдидан бирор нарсадан хавотирлансангиз ўйқингиз кочадими?	
10.	Үйку дори ичиб турасизми?	
11.	Қачонлардир тинчлантирувчи дори ичганмисиз?	
12.	Ўзингизни тажанг одам деб хисоблайсизми?	
13.	Агарда жаҳлингиз чиқса ёки ҳаяжонга тушсангиз овозингиз ўзгарадими?	
14.	Уятчамисиз?	
15.	Ўзингизни енгил хис этишингиз осонми?	
16.	Ўзингизни таниш-билишларингизга нисбатан жонсарак деб хисоблайсизми?	
17.	Ҳар доим нималар тўғрисидадир ташвиш чекиб юрасизми?	
18.	Ваҳима хуруж килиб турадими?	
19.	Кайфиятингиз тез бузиладими?	

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
20.	Ҳамма нарсани ташлаб, узокларга кетиб қолгингиз келадими?	
21.	Сиз зўриқиши ёки асабийлашиш оқибатида авж оладиган овқат ҳазм бўлмаслиги ёки баданингизга қизил нарсалар тошиши каби хасталиклардан азобланасизми?	
22.	Шовкин-сурон тез-тез асабингизни бузадими?	
23.	Ишхона да раҳбарингизнинг майдагача талабларидан жаҳлингиз чиқадими?	
24.	Омадингиз келмаса, тушкунликка тушасизми?	
25.	Ухлашга ётишдан олдин кўча эшигини кулфладимми, сувни ўчирдимми деган вахимада қайта-қайта текцирасизми?	
26.	Устингиздан кулишса хафа бўласизми?	
27.	Мехмонга ёки бирор бошқа тадбирга боришдан олдин ҳаяжонланасизми?	
28.	Үйингизга дўстларингиз келмоқчи бўлса, уларни кутиб олиш учун тараддуға кўп вақт сарфлайсизми?	
29.	Хижолатдан кизариб кетасизми?	
30.	Сизга яқин одамлар билан танишиш ёқадими?	

**Натижалар:**

**25-30 балл.** Сиркангиз сув кўтармайди, асабийсиз.

**11-24 балл.** Жаҳлингиз унча тез эмас.

**5-10 балл.** Тепса тебранмассиз, дунёни сув босса ҳам тўпифингизга чиқмайди.

**Танқиддан қўрқмайсизми?**

Сиз танқидга қандай муносабатдасиз? Қўйида тест саволларига тўғри жавоб берсангиз буни билиб оласиз. Факат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

T/p	Саволлар	Балл
1	2	3
1.	<p>Сиз танқидни айрим кишилар ёки жамоа фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш йўли деб ҳисоблайсизми?</p> <p>а) Албаттага, танқид ҳар бир жамоа ёки шахс ҳәтида мухим аҳамиятта эга.          б) Танқид жамоадаги муносабатларни мураккаблаштиради, шу сабабли тан олмайман.          в) Жамоада танқид бўлиши керак, аммо унга ортиқча аҳамият бериш нотўри.</p>	<p>3 0 2</p>
2.	<p>Бирор кишини кўпчилик олдида танқид қилинишига қандай қарайсиз?</p> <p>а) Бундай танқид камчиликларга барҳам беради.          б) Ёлғиз қолганда танқид қилган маъқул.          в) Танқидий фикрни яхшиси юзига айтиш, ҳеч бўлмаганда ҳазил аралаш билдириш керак.</p>	<p>3 1 0</p>
15.	Кўз боғлашга осонгина бериласизми?		
16.	Кимнингдир илтимосини рад этиш қийин эмасми?		
17.	Шошма-шошарликка йўл қўйиб, сўнг уяласизми?		
18.	Кимнинг мутлақ ишончингиздан фойдаланадими?		
19.	Сиз фикрингизга зид ишни қиласизми?		
20.	"Компания учун" иштирок этишни қабул қиласизми, агар у режаларингизни бузадиган бўлса?		

Тўплаган балларни йифиши натижасида куйидаги хуносага келиш мумкин:

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

“ҳа”лар сони 12дан ошса Сиз таъсирга тез бериласиз.

6-11 — Муайян шароитларда таъсирга берилишингиз мумкин.

3-5 — Сиз таъсирга қарши тура оласиз.

1-2 — Сизга таъсир этиш жуда кийин.

**Сиз билан муносабатда бўлиш осонми?**

Ўзингизга маъқул жавобларни танланг ва улар йиғиндисини ҳисоблаб чикинг. Факат жавобларни танлашда балларга тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар	Жавоб-лар
1	2	3
1.	Навбатдаги хизмат можаросидан кейин яратилиши йўлини излашга мойнамисиз? 1.Ҳар доим. 2.Ҳеч качон. 3.Бальзан.	1 2 3
2.	Хавфли вазиятда ўзингизни қандай тутасиз? 1.Хотиржамликни сақлайман. 2.Дилдан қийналаман. 3.Ўзимни йўқотиб кўяман.	1 2 3
3.	Ҳамкасларнинг Сизни қандай ҳисоблашади? 1.Вазмин. 2.Дўстона. 3.Ўзига ишонган.	1 2 3
4.	Агарда масъулиятли лавозимни таклиф этишиса, қандай жавоб берасиз? 1.Рад этаман. 2.Хавфсираб қабул қиласман. 3.Рози бўламан.	1 2 3
5.	Агарда ходимларнингиздан бири рухсатсиз иш столинингиздан көрозд олса, ўзингизни қандай тутасиз?	

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
	1. Ундан яна бошқа бирор нарса керак эмасми, деб сўрайсиз. 2. Кайтаришга мажбур қиласиз. 3. Жазосини берасиз.	1 2 3
6.	Агарда эр (хотин) ишдан одатдагидан кеч қайтса, қандай сўзлар билан кутиб оласиз? 1. Мен хавотирлана бошлаган эдим. 2. Сени нима бунча ушлаб қолди? 3. Сен қаерларда санғиб юрибсан?	1 2 3
7.	Автомобил рулида ўзингизни қандай тутасиз? 1. Кувиб ўтишларга бефарқ қарайман. 2. Кувиб ўтишга ҳаракат қиласман. 3. Ўзингизни кувиб ўтишга имкон бермайсиз.	1 2 3
8.	Ҳәётта бўлган муносабатингизни қандай ҳисоблайсиз? 1. Енгил-елпи. 2. Мувозанатлашган. 3. Қаттиккўллик.	1 2 3
9.	Агарда ҳаммаси амалга ошмаса, қандай йўл тутасиз? 1. Эхтиёткор бўлиб қоласиз. 2. Такдирга тан берасиз. 3. Бошқага ағдарасиз.	1 2 3
10.	Ёшлиларинг тўрий йўл ташлашида Сиз қандай муносабатда бўласиз? 1. Дам олишларига ёрдам кўрсатиш керак. 2. Биз нега уларни етаклаб юришимиз керак? 3. Таъкидлаш вақти келди.	1 2 3
11.	Сиз эгалламоқчи бўлган вазифа бошқага насиб этса, нимани ҳис этасиз? 1. Мен нимага кайфиятимни буздим. 2. Унинг киёфаси бошликка маъқулроқ. 3. Бошқа галда насиб этади.	1 2 3
12.	Даҳшатли фильмга қандай қарайсиз? 1. Зерикаман. 2. Кониқиши оламан. 3. Кўрикаман.	1 2 3

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
13.	Агарда йўл транспорти тирбандлиги туфайли ишга кечиксангиз?	
	1.Кайфиятим бузилади. 2.Кечирим сўрайсиз. 3.Алам қиласди.	1 2 3
14.	Спортдаги мудаффакиятларингизга қандай муносабатда бўласиз.	
	1.Муҳими иштирок этиш. 2.Фалабага интиласиз. 3.Ютқазиш — бу фожеа.	1 2 3
15.	Агарда ресторанда ёмон хизмат кўрсатишса, қандай йўл тутасиз?	
	1.Чидайсиз. 2.Бевосита бошлигини чакирасиз. 3.Директорга шикоят қиласиз.	1 2 3
16.	Агарда фарзандингизни мактабда хафа қилишса, ўзингизни қандай тутасиз?	
	1.Ўқитувчи билан сұхbatлашасиз. 2.Фарзандингизга у ҳам жавоб беришини маслаҳат берасиз. 3.Хафа қилганларнинг ота-оналари билан жанжаллашасиз.	1 2 3
17.	Сиз ўзингизча қандай одамсиз?	
	1.Ўртача. 2.Ўзига ишонувчан. 3.Ўтқир.	1 2 3
18.	Кўл остингиздаги ходим эшик олдида тўқнашиб кетиб, кечирим сўрай бошласа, қандай жавоб берасиз?	
	1.Бу менинг айбим. 2.Ҳечқиси йўқ. 3.Кўзингизга қарасангиз бўлмайдими.	1 2 3
19.	Газетадаги тўполончи хусусида мақолани ўқиб, қандай муносабатда бўласиз?	
	1.Тарбиячилар айбдор. 2.Чоралар кўриш керак. 3.Жазолаш керак.	1 2 3

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
20.	Кайси ҳайвон яқинроқ? 1. Йўлбарс. 2. Уй мушуги. 3. Айик.	1 2 3

**Натижалар:**

36 балл. Сиз ҳаддан ташқари тинчликсеварсиз.

36 дан 44 баллгача. Сиз етарлича тажовузкорсиз.

44 дан юқори. Бошқа кишиларга нисбатан керагидан ортиқча тажовузкорсиз ва мувозанатлашмагансиз.

**Макиавеллизм<sup>1</sup> тарафдоримисиз?**

Куйида келтирилган жавоблардан ўзингизга маъқулини топиб, уларни кўшиб чиқинг. Фақат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

Т/р	Саволлар	Жавоблар					
		Тўлиқ кўшил- майман	Кўпроқ кўшил- майман	50% кўшиламан	Кўпроқ кўшиламан	Тўлиқ кўшиламан	
1	2	3	4	5	6	7	
1.	Кишиларни бошқаришнинг энг яхши усули улар нимани эшитишини хоҳлашса шуни гапириш.	1	2	3	4	5	
2.	Топшириқ бера туриб, аник сабабларини тушунтириш керак эмас, унинг ўрнига бирмунча устун сунъий сабабларни кўрсатиш лозим.	1	2	3	4	5	

<sup>1</sup> Макиавеллизм деганда ўз олдига кўйган мақсадларга эришиш учун ҳар қандай восита ва усусларнинг қўлланилиши тушунилади.

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3	4	5	6	7
3.	Кимгадир ишониш билан ўзингизни хавф остига кўясиз.	1	2	3	4	5
4.	Хавфсизроғи кишиларни камчиликларга мойил, деб хисоблаш бу барибир бир кун намоён бўлади.	1	2	3	4	5
5.	Хатти-ҳаракат қила туриб, ахлоқий хукуқ тўғрисида тўлиқ ишончга эга бўлиш шарт эмас.	1	2	3	4	5
6.	Бурчакларни кирқмасдан олға силжиш қийиндир.	1	2	3	4	5
7.	Ноҳақиқат натижа воситасида оқланиши мумкин.	1	2	3	4	5
8.	Кишилар ўз мулкларини йўқотганликларига нисбатан қариндошларининг вафотини тезроқ ва осонроқ унугтишади.	1	2	3	4	5
9.	Одамларни мажбур этишмаса, улар ишлашмайди.	1	2	3	4	5
10.	Кишиларнинг асосий қисми очик кўнгилли ҳам, худбин ҳам эмас.	1	2	3	4	5

**Натижалар:**

**40 ва ундан юқори балл.** Сизнинг ортиқча хиссиётларингиз йўқ, совукқон ва акли расосиз.

**30-40-балл.** Сиз ўз тамойилларингизда турасиз.

**30 баллгача.** Сиз акли расо, лекин ўзингизни бошқаришингиз қийин.

**Кўл остингиздагиларни тарбиялашга  
мойилмисиз?**

Фақат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ**

Т/п	Саволлар	Жавоблар	
		Ха	Йүк
1.	Ходимингиз бошидан бошлаб ўзини кўрсатса, бундан фурурланасизми?	0	1
2.	Жорий фаолиятда ўз ходимларингизни кузатиб борасизми?	0	1
3.	Кўл остингиздаги ходимнинг ўзи қарор қабул килишинга ундаисизми?	0	1
4.	Сизда "Мана бу менинг ишим", деб қайтариш одати борми?	0	1
5.	Касб масалалари юзасидан ходимлар ўргасидаги ўзаро муносабатта Сизда тақиқлар борми?	0	1
6.	Кўл остингиздаги ходимларга доимий назоратни кўллар эдингизми?	0	1
7.	Кўл остингиздагиларни бегоналар иштироқида танқид киласизми?	0	1
8.	Кўл остингиздагилардан бўш вақтларини қандай ўтказаётганликларини сўрайсизми?	0	1
9.	Лавозимлар таъсири билан боғлиқ кўл остингиздагиларнинг саволларига тўғри жавоб бера оласизми?	1	0
10.	Кўл остингиздаги ходимларнинг лавозим мажбуриятларини аниқ биласизми?	1	0
11.	Кўл остингиздагилар билан ўз курсанд-чиликларингиз ва ғамли дамларингизни баҳам кўрасизми?	1	0
12.	Кўл остингиздагиларнинг шахсий сири-хукуқини хурмат киласизми?	1	0
13.	Кўл остингиздагилар ҳузурида ўз хатоингизни тан олишга қодирмисиз?	1	0
14.	Кўл остингиздагиларнинг ўн йилдан ортиқ иш стажи билан уччалик айтарли бўлмаган ютуклари учун рағбатлантирасизми?	1	0

### Натижалар:

Баллар йиғиндиси 14 ва ундан юқори. Сиз айло дара-жадаги тарбиячисиз.

**9-14 балл.** Сиз акли расо тарбиячисиз ва күл остин-гиздагилар учун яхши таянчсиз.

**5-8 балл.** Тарбиячи сифатида нұктаи-назарингиз бар-карор эмас ва ҳаддан ортиқча қаттықұлсиз.

**5 баллғача.** Сиз ўта қаттықұл вә нозиктабиатсиз.

### Қайси ходимни малака оширишга юборишни биласизми?

Танлаб олинган номзод учун қуидаги тавсифлар бүйіча мос бўлган жавобларни танлаб олинг ва улар олди-даги баллар йиғиндисини хисоблаб чиқинг:

<b>I. Мотив даражаси</b> 1.Ишга бефарқ; 2.Иш түғрисида күпроқ билишни хоҳдайды; 3.Юқори мансабга күтарилиб боришига ишпіёқи баланд; 4.Компанияға содик; 5.Масъулиятни намойиш этади ва компанияға содик.	<b>II. Пенсиягача бўлган вақт</b> 1.5 йилдан камрок; 2.5-10 йил; 3.10-15 йил; 4.15-20 йил; 5.20 йилдан ортиқ.
<b>III. Шахсий имконият</b> 1.Энг юқори нұктага етди; 2.Янада юқорироқ бўлиши мумкин эди; 3.Яна бир "пиллапоя" мавжуд; 4.Бир неча "пиллапоялар" мавжуд; 5.Ишсиз.	<b>IV. Тайёргарлик хусусияти</b> 1.Тор мутахассис; 2.Кўнши соҳадан хабардор; 3.Бир қанча соҳаларда тажрибага эга; 4.Бир қанча соҳаларда яхши тажрибага эга; 5.Ҳар томонлама тажрибага эга ва уни ривожлантиради.
<b>V. Юқори лавозимнинг пайдо бўлиши экстремоллиги</b> 1.Кутилмаяпти; 2.Иккى йил давомида кутилмаяпти; 3.Йил давомида кутилмаяпти; 4.Яқин вақтда бўлади; 5.Мавжуд.	<b>VI. Ижодий қобилиятлари</b> 1.Ўзгаришларга қаршилик кўрсатади; 2.Бошқа томондан ўзгаришларга қаршилик кўрсатади; 3.Фояларга шўнгиг бетади; 4.Фояларни қабул қиласи ва уларни амалга оширади; 5.Фоялардан юқори самарадорлик билан фойдаланади.

### Баллар йиғиндиси:

20-22 балл — биринчи навбатда.

16-20, 23-25 балл — иккинчи навбатда.

25 дан күпроқ балл — учинчи навбатда.

### Тадбиркорлик фаолияти этикасини биласизми?

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мұлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

Т/р	Саволлар	Жавоблар			
		Тұлғық күши- ламан	Күши- ламан	Күшил- майман	Бутун- лай күшил- майман
1	2	3	4	5	6
1.	Ходимларингиз ўз хатоси хусусида хабар беради деб кутиш ярамайды.	0	1	2	3
2.	Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда шуни йўлга қўйиш учун шартнома талаблари ва хавфсизлик талабларини тузиш лозим бўлади.	0	1	2	3
3.	Шундай ҳоллар бўладики, бунда нохуш ахборотни бошлиқдан яшириш лозим бўлади.	0	1	2	3
4.	Шундай қилиш керакки, раҳбар буюрганидек бўлсин.	0	1	2	3
5.	Ҳар доим ҳам хисобот учун харажатларни аниқ хисобга олиб бориш имконияти мавжуд эмас.	0	1	2	3
6.	Баъзан шахсий ишларни иш вактида бажариш лозим.	0	1	2	3

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3	4	5	6
7.	Ходимларнинг меъёрий имкониятларидан юқори мақсадларни кўйиш ҳар доим ҳам тўғрими?	0	1	2	3
8.	Мақсад одатда воситаларни оқлайдими?	0	1	2	3
9.	Агарда фойдали битим банкетни талаб килса, шунда ҳам розилик бермайман.	0	1	2	3
10.	Йўрикномаларни бузмасдан яшаш мумкин эмас.	0	1	2	3
11.	Ҳисоботларда олинган моллар бўйича етишмовчиликни кўрсатиш лозим, ортиқчасини эмас.	0	1	2	3
12.	Ёзув машинасини баъзан шахсий мақсадларда фойдаланишга йўл кўйиш мумкин.	0	1	2	3
13.	Уйга қалам, ручка, қоғозни олиб кетишга йўл кўйиш мумкин.	0	1	2	3
14.	Реклама ҳар доим озгина ёлғон билан бирга бўлиши керак.	0	1	2	3

**Натижалар:**

**10 баллгача — ахлоқийликнинг қуи даражаси.**

**11-15 балл — ахлоқийликнинг ўргача даражаси.**

**26-44 балл — ахлоқийликнинг қабул қилинган даражаси.**

**45 баллдан юқори — ахлоқийликнинг юксак даражаси.**

**Сиз бир зумда аччиғланадиган  
сұхбатдошмисиз?**

Ҳар кандай киши билан сұхбатлашиш чоғида қоник-маслик, жаҳлингиз чиқишига олиб келувчи вазиятларни белгиланг. Билингки, сұхбатдош ўртоғингиз, хизматдошингиз, бевосита бошлиғингиз, раҳбар ёки тасодифий ҳамсуҳбат бўлиши мумкин. Аччиғланишни вужудга келтирувчи ҳолат-

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

лар фоизини ҳисоблаб чиқинг. Бунинг учун аччиелантирувчи вазиятлар сонини 4 га кўпайтиринг.

T/p	Саволлар	Ҳа	Ӣӯқ
1	2	3	4
1.	Суҳбатдошим менга гапириш имкониятини бермайди. Менинг айтадиган гапим бор, лекин айтишга сўз тополмайман. Бу билан ғашимга тегади.		
2.	Суҳбатдошим мулокот ҷоғида доимо мени тўхтатиб кўяди. Бу билан нағсониятимга тегади.		
3.	Гаплашаётган вақтда суҳбатдошим юзимга қарамайди, унинг мени эшитаётганиллигига ишончим комил эмас. Бу эса инсофдан эмас.		
4.	Суҳбатлар кўпинча вақтни беҳуда сарфлаш хиссини вужудга келтиради. Бу эса аччиғланиш вазиятини вужудга келтиради.		
5.	Суҳбатдошим доимо зерикиб ўтиради. Сўзларимга қараганда уни қалам ва қофоз кўпроқ жалб этади. Бу менинг жигимга тегади.		
6.	Суҳбатдошим хеч қачон кулмайди. Менда нокулайлик ва хавотир ҳисси юзага келади. Аччиғланаман.		
7.	Суҳбатдошим доимо мени саволлар ва изоҳлар билан ҷалғитади. Бу этикетдан эмас.		
8.	Нимани гапирсан ҳам, суҳбатдошим ҳовуrimни пасайтиради. Бу ҳол менга хуш келмайди.		
9.	Суҳбатдошим нимаики бўлса, мени рад этишга ҳаракат қиласди. Бу билан аччиғимни чикаради.		
10.	Суҳбатдошим менинг сўзларимнинг маъносини бузиб, унга бошқа мазмун баҳш этади. Бу билан аччиғимга тегади.		
11.	Савол берган вактимда, суҳбатдошим уни ўзимга қайтаради. Бу билан дилимни оғритади.		
12.	Баъзан суҳбатдошим мендан қайта сўрайди, гўёки ўзини эшифтмаганга солади. Бу билан ғашимга тегади.		

СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ

1	2	3	4
13.	Сұхбатдошим охиригача эшигмасдан, кейинчалик құшилиш учун тұхтатиб құяды. Бу билан қарсаламни пир қиласы.		
14.	Сұхбатлашаёттанимизда сұхбатдошим диккәтини бегона нарсаларға жағб этиб үтиради, тамакини зәғилайди, күзойнагини артади ва х.к. Ишончим комилки, у мени диккәт билан тингламаяпты. Бу инсофдан эмас.		
15.	Сұхбатдошим менинг ўрнимга хулоса қиласы. Бу жиғимға тегади.		
16.	Сұхбатдошим доимо хикоямға ўзича құшилишга қарқат қиласы. Бу ғашимға тегади.		
17.	Сұхбатдошим менға баҳо берәёттандек тикилади. Бу мени ҳавотирга солади.		
18.	Сұхбатдошим менға дикқат билан, киприк қокмасдан тикилиб үтиради. Бу мени безовта қиласы.		
19.	Мен қаңонки бир нарсаны таклиф этсам, сұхбатдошим ҳам худи шуни ўйлаёттанини айтади. Бу менға ёқмайди.		
20.	Сұхбатдошим ўзини гүёки, сұхбат билан қызықаёттандек қилиб күрсатынша қарқат қиласы, ҳаддан ташқары калласын ликтіллатади, ох уради ва х.к. Бу менға ёқмайди.		
21.	Мен жиддий нарсалар тұғрисиңде гапирсам, сұхбатдошим қазил, күлгили латифалар ва өзқеаларни аралаштиради. Бу менға ёқади.		
22.	Сұхбатдошим сұхбат чөғида ҳаддан ташқары күп соатта қарайди. Бу менға маъқул эмас.		
23.	Мен хонага кирганимда, у барча иши ии һигишилтиради ва бутун диккәтини менға қаратади. Бу айни мұддао.		
24.	Сұхбатдошим, худди уннинг бирор бир мухим ишини үдалашға халакит берәёттанимдек тұтади. Бу менға ёқмайди.		
25.	Сұхбатдошим ҳамма нарсаны у билан келишишимни талаб этади. Уннинг ҳар кандай фикри савол билан тугайди: "Сиз ҳам үйлайсизми?" ёки "Сиз рози эмасмисиз?". Бу менға ёқади.		

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

**Натижалар:**

Агар жунбишга келтирувчи ҳолатлар сонининг тўрт сонига бўлган кўпайтмаси:

**55** дан кам бўлса, у ҳолда Сиз аччиеланмайдиган одамсиз.

**55-70** лар доирасида бўлса, у ҳолда Сизда аччиеланиш ҳали намоён бўлади.

**70-85** лар доирасида бўлса, у ҳолда Сиз тез аччиелана-диган сухбатдошиз.

**85-100** лар доирасида бўлса, у ҳолда Сиз жуда тез аччиеландиган сухбатдошиз.

**Сиз дилкаш инсонмисиз?**

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз.

T/p	Саволлар	Балл
1	2	3
1.	Агар Сиз хурмат қиласиган киши меҳмонга таклиф этса, бу тақлифни қабул қиласизми? а) Ҳа. б) Факат истисно ҳолларида. в) Йўқ.	20 5 0
2.	Тасаввур этинг, меҳмоңдорчилликда ўзингизга душман деб ҳисоблайдиган одам билан ёима-ён ўтириб қолдингиз. Сиз ўзингизни қандай тутасиз? а) Унга эътибор бермайсан. б) Факат унинг саволларигагига жавоб берасиз. в) У билан зўраки бўлмаган сухбат куришга ҳаракат қиласиз.	0 5 25
3.	Сиз эндиғина танишингиз хонадонининг эшик қўнгирогини босмоқчи бўлаётган эдингиз. Тусатдан ичкаридаги оилавий можародан огоҳ бўлиб қолдингиз. Шунда нима қиласиз? а) Барибир жиринглатасиз. б) Жанскал тутагунча кутиб турасиз. в) Кетасиз.	5 10 0

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3
4.	Агарда Сизга мәхмандорчилликда яхши күрмайдыган овқатингизни таклиф этишса, нима қиласиз? а) Күнглингиз айнишига қарамасдан, овқатни ейсиз. б) Үй өгаларига, овқатни ея олмаслигингизни айтасиз. в) Иштахангиз йүклигини баҳона қиласиз.	10 5 0
5.	Столдан қандай бутербродни таңлаб оласиз? а) Энг яхшиини. б) Энг кичигини. в) Үзингизга якинини.	0 5 10
6.	Агарда гурунглашаёттапларингизда тұсатдағы сұхбат тұхтаб қолса, қандай чора күрар зәннегиз? а) Бошқа бирор, янги мавзуда сұхбат бошлагунча күтиб турасиз. б) Үзингиз янги бир мавзу топасиз.	5 15
7.	Тасавиур этинг, ишда ёки бошқа бирор бир вазиятда иокулай ахволға тушиб қолднегиз. Бу түғрида үз танишларингизга гапириб берар зәннегиз? а) Албатта. б) Факат үртокларимга. в) Ҳеч кимга.	30 5 0
8.	Бошқалардан эшшітан ҳикояға, үзингиздан бирор нареа құшар зәннегиз? а) Ха. б) Ұнчалик катта бүлмаган "такомиллашувлар" билан. в) Деярли йўқ.	15 5 0
9.	Үзингиз билан севиқли кишининг суратини олиб юрасиз да бошқаларға бажонидил күрсатасизми? а) Ха. б) Баъзан. в) Ҳеч качон.	0 5 10
10.	Даврада баён этилған ҳазилни тушунмасаңғыз нима қиласр зәннегиз? а) Бошқалар билан құшилиб кулар зәннегиз. б) Жиддий колар зәннегиз. в) Кимдандыр бу ҳазилнинг маъносини түшүнтириб беришими сүрар зәннегиз.	0 5 10
11.	Агарда даврада ўтирганингизда тұсатдан қаттық тан оғриғини хис этсанғыз, нима қиласр зәннегиз? а) Жимгина сабр қиласиз. б) Баш оғриғига қарши дори сүрайсиз. в) Үйга қайтасиз.	5 10 0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КУРИНГ**

1	2	3
12.	Мехмондорчиликка борганингизда, факат Сизни кизиқтиридиган телекўрсатув бошлангани эсингизга тушшиб қолганда нима қиласр эдингиз? а) Уй эгасидан телевизорни кўйишини сўрар эдингиз. б) Телезиштиришини бошқаларга ҳалакит бермаслиги учун кўшини хонада кўрар эдингиз. в) Сизни кизиқтиридиган кўрсатувдан воз кечган бўлар эдингиз.	0 5 10
13.	Сез меҳмондорчиликдасиз. Ўзингизни қачон яхши сезасиз? а) Мехмонларнинг кўнглини олаётганингизда. б) Сизнинг кўнглингизни бошқалар олганда.	20 5
14.	Мехмондорчиликда қанчалик узоқ қолини олдиндан белгилаб олини одати борми? а) Йўқ. б) Баъзан. в) Ха.	0 5 15
15.	Газета мухабир Сиздан интервью олмоқда: а) Интервьюнинг ўзлон қилинишидан хурсанд бўлар эдингиз. б) Бу воқеанинг ўтган даврда бўлишини хоҳлар эдим. в) Буларнинг барчасига бутунлай бефарқман.	10 0 5
16.	Сиз, умуман, кўришини хоҳламайдиган кишига нисбатан бефарқ муносабатда бўла оласизми? а) Албатта. б) Факат истисно тарикасида. в) Бундай масала устида ўйлаб кўрмагансиз.	15 5 0
17.	Бошқаларнинг фикрига кўшиласизми, агарда у ҳақиқат, аммо Сиз учун ишқулай бўлса-чи? а) Хар доим эмас. б) Факаттина у Сизнинг фикрингизни тасдиқласа. в) Тўғрисини айтганда, нима учун бундай қилиш керак.	25 5 0
18.	Баҳслашини қачон тўхтатасиз? а) Канча тез бўлса, шунча яхши. б) Қачонки, бу баҳс ҳеч қандай маънога эга бўлмаганда. в) Уз мухолифингизни ишонтиргандан кейин.	0 5 10
19.	Агарда Сиз шеърни ёддан билсангиз, даврада ўқир эдингизми? а) Бажонудил. б) Агарда, бу хусусида илтимос қилишса. в) Ҳеч қачон.	20 5 5

СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ

1	2	3
20.	<p>Тасавур этинг, граф Монте Кристо даврида шаҳариниз, ер ости тутқишидасиз, тұстадын билиб қоласызки, күшни хонада Сиздинг әшаддий ғанимиттегін өтібди. У билан қачон девор тақиаллатыб гашлашынин бошлар зәннегіз?</p> <p>а) Илохи борича тезрок.          б) Әлемзілікка қидай олмаганингизда.          в) Ҳеч қачон.</p>	<span style="font-size: 1.5em;">20</span> <span style="font-size: 1.5em;">5</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span>
21.	<p>Яңғы йилни шаҳарининг бөш майдонında күтиб олиши одати борма?</p> <p>а) Ха.          б) Иүк.          в) Хар доим Яңғы йил арағасида ухлайман.</p>	<span style="font-size: 1.5em;">5</span> <span style="font-size: 1.5em;">0</span> <span style="font-size: 1.5em;">10</span>

Хүш, Сиз одамга эл бүлэдиган дилкашмисиз? Танишиг:

280 ва ундаи юқори балы. Шубха туғиладики, күйилгандасалаларга хар доим ҳам диккат қымбаттасыз өки хар доим ҳам уларга түгри жавоб бермегансиз. Иккинчи бор уриниб, ўзингизни яна кайта текшириб күринг.

**200-280 баллгача.** Сиз ўзингиздан хурсанд бўлишин-  
гиз лозим. Бу баҳо Сизнинг муомалага қобилияти эканли-  
гингида намоён бўлади. Сиз бўш вақтингизни кишилар  
ўртасида бажону дил ўтказасиз, ҳар қандай даврада севим-  
ли кишисиз. Сиз жонли ақдга эгасиз, хиссиётли, яхши тинг-  
ловчи ва ҳикоя килувчисиз. Бу ва баъзи бошқа қобилиятлар  
кўпинча шунга олиб келадики, Сиз жамиятда асосий ўрин  
эгаидлайсиз.

**100-200 баллгача.** Сизнинг ижтимоий ҳаётга муносабатингизни аниқлаш осон эмас. Бир томондан жамиятда севимли кишига айланувчи хусусият ва майлларга згасиз. Бошқа томондан эса Сизнинг характеристигизнинг бошқа хислатлари юқоридаги хислатларингизни йўқка чиқаради. Умуман олганда, жамиятда ўзингизни етарлича коникарли хис этасиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Сизнинг ҳар қандай мухитта мослашишингиз осон кечмайди. Бунга кайфиятингиз ҳам мос келади. Лекин, яхши кўрган одамларингиз даврасида кўпинча хуш дакиқаларни ўтказасиз.

50-100 балыгача. Сиз шуны тан олишиңгиз керакки, одатда ёлғызликни ёктирасиз. Тор оила ёки яхши ўттоқлар

## СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛӘ ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ

даврасида ўзингизни катта даврадагиларга нисбатан күпроқ яхши сезасиз. Сиз, эҳтимол интроверт(исёнчи) характерга эгасиз. Лекин, тарихда машхур шахслар күпинча шу тоифага мансуб бўлишган. Бунинг учун сикилманг. Қандай хохласангиз, шундай яшанг.

**50 баллдан кам.** Бу натижа кам. Дилкашроқ бўлишга ҳаракат қилишингиз лозим. Чунки ҳаммага, бутунлай интроверт эканлигинги туруштириб бўлмайди. Буни кўплар тушунмасдан муносабатда бўладилар. 2-3 марта муносабатда бўлишгач, Сизни ёмон киши деган фикрга келишади. Албатта, бунга эътибор килмаслигинги мумкин, фурурингизга тегмаётган бўлса. Агар фурурингизга тегаётган бўлса, ўзингизда дилкашлик хусусиятини ривожлантиришга ҳаракат қилинг.

### Сиз хушмуомалалимисиз?

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз.

Т/п	Саволлар	Балл		
		Ҳа	Баъзан	Йўқ
1	2	3	4	5
1.	Сизни одатдаги иш юзасидан учрашув кутмоқда. Уни кутиш Сизни маромидаги ҳолингиздан чиқариб юборадими?	2	1	0
2.	Холсизланиб қолмагунча, шифокорга боришини орқага ташламайсизми?	2	1	0
3.	Қандайдир йигилишда, мажлисда ёки шунга ўхшаш тадбирларда маъруза, ахборот, ҳабар билан чиқиш топширилса, бу Сизда нокулайлик ва қоникмаслик хиссини туедирмайдими?	2	1	0
4.	Ҳеч қачон бўлмаган шаҳарга хизмат сафарига боришига таклиф этишди. Ушбу хизмат сафарига бормаслик учун имкони борича ҳаракат қиласизми?	2	1	0

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5
5.	Бошингиздан кечиргандарнингизни, ким биландир ўртоказишини хоҳлайсизми?	2	1	0
6.	Агарда кўчадаги нотаниш киши Сизга илтимос (йўл кўрсатиш, вактни айтиш, қандайдир саволга жавоб бериш) билан мурожаат этса, аччиғланмайсизми?	2	1	0
7.	Оталар ва болалар ҳамда турли авлод вакиллари бир-бирларини тушунишдаги қийналиш муаммоси мавжудлигига ишонасизми?	2	1	0
8.	Танишингизга, бир неча ой олдин 10 доллар қарз олганлиги ва қайтаришни унуптанингизни эслатишдан уялмайсизми?	2	1	0
9.	Ресторан ёки ошхонада сифатсизлиги аник кўриниб турган овқатни беришиб, ликобчани жаҳл билан столга кўйибжим турар эдингизми?	2	1	0
10.	Нотаниш киши билан яккана-якка тўғри келиб қолдингиз, у билан сұхбатни бошлаб юбормас эдингизми ва агарда у биринчи гапирса қўшилар эдингизми? Худди шундайми?	2	1	0
11.	Хар қандай узун навбатга туриш, қаерда бўлмасин, Сизни даҳшатга солади (дўконда, кутубхонада, кинотеатр кассасида), диккинафас бўлиб навбат кутиб тургунча мўлжалингиздан воз кечар эдингизми?	2	1	0
12.	Низоли вазиятларни кўриб чиқувчи комиссияда иштирок этишдан кўркмайсизми?	2	1	0
13.	Адабиёт, санъат, маданият асарларини баҳолаш юзасидан Сизнинг ўта индивидуал мезонларнинг мавқуд ва бу борадаги хеч қандай "бегона" фикрларни қабул қилмайсиз. Бу шундайми?	2	1	0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3	4	5
14.	Ҳаммага яхши маълум бўлган масала юзасидан ўзаро гурунгларда нотўғрилиги аниқ бўлган фикрни эшитиб, жим туриш ва баҳсга кирмаслигини афзал кўтарадигизми?	2	1	0
15.	Кимнингдир у ёки бу хизмат масаласини ёки ўқув мавзусини ҳал этиш юзасидан ёрдам сўраши аччиғингизни чикарадими?	2	1	0

**Натижалар:**

**30-32 балл.** Сиз аниқ хушмуомала эмассиз ва бу Сизнинг кулфатингиз, бунда ҳаммадан кўра ўзингиз кўпроқ жабр кўрасиз. Гурухнинг саъй-харакатлари талаб қилинадиган ишларда Сизга ишониш кийин. Хушмуомала бўлишга ҳаракат килинг, ўзингизни назорат килинг.

**25-29 балл.** Сиз, “ичимдагини топ”, индамас, ёлғизликни афзал кўрасиз ва шунинг учун ҳам ўртоқларингиз саноқли. Янги иш, янги муносабатлар зарурияти кўркувга солмаса ҳам, узоқ вактга мувозанатдан чиқариб юборади. Характерингизнинг бу хусусиятини биласиз ва ўзингиздан норози бўлиб юрасиз. Лекин бу норозилик билан чегараланиб қолманг, феъл-авторингиздаги ижобий хислатларни рўёбга чиқариш ўз хукмингизда. Наҳотки, бир нимага кучли берилиб кетганингизда тўсатдан тўлиқ хушмуомалаликка эга бўлганлигингиз ёдингизда бўлмаса? Факат яхшилаб киришиш керак.

**19-24 балл.** Сиз маълум даражада хушмуомаласиз ва нотаниш вазиятда ўзингизни тўлиқ ишонч билан сезасиз. Янги муаммолар билан у ёқ, бу ёқка қараган ҳолда киришиб кетасиз. Баҳс ва музокараларда хушламаган ҳолда иштирок этасиз. Сизнинг фикрларингизда баъзан ҳеч қандай асоссиз кўплаб нохушликлар мавжуд. Бу камчиликлар бартарап этилиши мумкин, уларни эсда сақланг.

**14-18 балл.** Сизда мейёридаги хушмуомалалик мавжуд. Сиз қизиқувчан, қизиқарли ҳамсуҳбатингизни берилби эшитасиз, бошқалар билан муомалада етарлича чидамлисиз, жаҳл қилмасдан ўз нуқтаи-назарингизни химоя қила ола-

сиз. Ноҳуш хис-туйғулар янги кишилар билан учрашувга бора оласиз. Шу билан бирга сершовқин давраларни хушламайсиз. Олифталик билан чикишлар ва сўзамоллик аччи-фингизни чикаради.

**9-13 балл.** Сиз жуда хушмуомаласиз, (баъзан, эҳтимол керагидан ортиқча) кизиқувчан, гапда, турли масалалар юзасида ҳикоя қилишни ёқтирасиз, бу кўпинча атрофин-гиздагилар асабига тегади. Янги одамлар билан бажонидил танишасиз, ҳамманинг дикқат марказида бўлишни яхши кўрасиз, ҳеч кимнинг илтимосини рад этмайсиз, аслида ҳар доим уларни бажара олмайсиз. Баъзан жаҳлингиз чикади, лекин тезда ўзингизга келасиз. Сизга нима етишмайди, бу хизматта майллик, чидам ва жиддий муаммоларга дуч келганда қатъий тура олишлик. Хоҳишингиз бўлганда, ўзингизни чекинмасликка мажбур эта оласиз.

**4-8 балл.** Сиз “кўйлак кийган” йигитсиз (бу кучсиз жинсдагиларга хос). Хушмуомалалик керагидан ортиқча, ҳар доим ҳар қандай воеадан хабардорсиз. Мунозараларда қатнашишни яхши кўрасиз, лекин жиддий мавзулар бош оғригини келтиради. Ҳар қандай масала юзасидан иштиёқ билан сўз оласиз, ҳаттоқи у тўғрисида юзаки тасаввурга эга бўлсангиз ҳам. Ҳамма жойда ўзингизни эркин хис этасиз. Ҳар қандай ишни бажаришга киришаверасиз, гарчи кўпинча раҳбэрлар ва ҳамкасларингиз бирмунча хавотирланиб, шубҳа билан муносабатда бўлишса ҳам. Бу хусусда ўйлаб кўринг.

**3 балл ва ундан камроқ.** Сизнинг хушмуомалалигинги месъеридан ошиб кетган. Сиз ўта гапдонсиз. Сизга алоқадор бўлмаган ишларга аралашмайсиз. Бугунлай хабардор бўлмаган муаммоларингиз юзасидан фикр юритасиз. Ихтиёрий ёки ихтиёrsиз ҳолда атрофингиздагилар ўргасида низо чикишининг сабабчисига айланниб коласиз. Жиддий ишлар — Сиз учун эмас. Ишда ҳам, уйда ҳам Сиз билан бирга бўлиш кийин. Характерингиз ва ўз устингизда ишлashingиз лозим. Аввало, ўзингизда чидамлилик ва ўзингизни тута олишликни, одамларга хурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашингиз керак ва ниҳоят, соғлифингиз тўғрисида ўйланг, бундай турмуш тарзи изсиз ўтмайди.

Агарда у ёки бу фикрларга қатъий равишда қўшилмасангиз, бунда бу икки ҳолни ифода этасиз: ё ўз жавоб-

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

ларингизда аниқ эмассиз, ё ўзингизни идрок этишингиз ишларнинг ахволига унчалик ҳам мос эмас. Таснифлагичнинг бир мунча катъйлиги, муаммога дикқатни жалб этишни, ўйлаб кўришга мажбур этишни, ўзингизни кузатишни максад қилиб кўяди. Буларнинг барчаси ўз комиллигингиз учун зарурдир.

**Кенгашни олиб бора оласизми?**

Жавобларни танлашда тест охириданаги натижаларга караб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз.

Т/р	Саволлар	Балл				
		Йўқ, бундай бўлмайди	Одатда бундай бўлмайди	Ноанник баҳорланг	Одатда шундай бўлади	Хардоим шундай бўлади
1	2	3	4	5	6	7
1.	Қўл остимдагиларга топшириклилар бераман, агарда улар бажарилмаса, масъул шахсни кескин танқид қиласман.	1	2	3	4	5
2.	Менда ҳам кўплаб гоялар ва режалар мавжуд.	1	2	3	4	5
3.	Мен бошқаларнинг кўрсатмаларига кулоқ соламан.	1	2	3	4	5
4.	Мен асосан муҳокама чоғида мантиқий ва тўғри далиллар келтиришга муваффақ бўласман.	1	2	3	4	5
5.	Мен ходимларга ўз вазифаларини мустақил ечишга имкон бераман.	1	2	3	4	5
6.	Агарда мени танқид қилишса ҳеч нарсага қарамасдан химояга ўтаман.	1	2	3	4	5

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5	6	7
7.	Қачонки, бошқа одамлар ўз важларини келтиришса мән эшитаман.	1	2	3	4	5
8.	Қандайдир тадбир ўтказиш учун режаларимни олдиндан тузишга тұғри келади.	1	2	3	4	5
9.	Шахсий хатоларимнинг асосий қисмими тан оламан.	1	2	3	4	5
10.	Бошқаларнинг фикрига мүкобил фикр тақлиф этаман.	1	2	3	4	5
11.	Кимда қийинчиліктер бўлса, шуларни ҳимоя киласман.	1	2	3	4	5
12.	Ўз фикрларимни юқори даражадаги ишонарлилик билан билдираман.	1	2	3	4	5
13.	Менинг ташаббускорлигим тарқалувчандир.	1	2	3	4	5
14.	Мен фикримни бошқа кишилар нұктаи назарларига қаратаман ва уни қарор лойиҳасида акс эттиришга харакат киласман.	1	2	3	4	5
15.	Одатда нұктаи-назаримда ва гипотезаларимда туриб оламан.	1	2	3	4	5
16.	Мен тушунган ҳолда тинг-лайман ва қарши далилларни агрессив тарзда билдираман.	1	2	3	4	5
17.	Ўз фикримни аник ифода-лайман.	1	2	3	4	5
18.	Мен ҳар доим, ниманидир билмасам, шуни тан оламан.	1	2	3	4	5
19.	Ўз қариндошларимни астойдил ҳимоя киласман.	1	2	3	4	5
20.	Мен бегонағояларни ўз ишимда ривожлантиришга харакат киласман.	1	2	3	4	5

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5	6	7
21.	Хар доим шундай ўйлайманки, у ёки бу саволларга бошқалар ҳам жавоб берсін ва далиллар қидираман.	1	2	3	4	5
22.	Мен кишиларга ўз мәхнаттарини қандай ташкил этишлари түгрисіде маслаҳат билан ёрдам бераман.	1	2	3	4	5
23.	Үз лойихаларим, келажакдаги иш режаларим билан шундай шуғулланаманки, бошқаларнинг режалари билан қизиқмайман.	1	2	3	4	5
24.	Одатда фикримдан фарқ киладиган фикрларга ҳам күлоқ соламан.	1	2	3	4	5
25.	Агарда кимдир менинг лойихам билан рози бўлмаса, янги йўлларни излайман.	1	2	3	4	5
26.	Мен билан кўникишлари учун барча воситаларни ишга соламан.	1	2	3	4	5
27.	Үз умидларим, хавотирларим ва шахсий қийинчиликларим түгрисида очиқ гапираман.	1	2	3	4	5
28.	Менинг лойихаларимни кўллаб-куватлашларини ташкил этиш учун доимо имконият излайман.	1	2	3	4	5
29.	Мен бошқа кишиларнинг хис-тўйгуларини тушуманам.	1	2	3	4	5
30.	Мен ўз ғояларимни эшитишга ўз фикрларимни гапиришга кўпроқ ҳаракат қиласман.	1	2	3	4	5
31.	Ҳимояга ўтищдан олдин, мен танқидни дикқат билан эшиптаман.	1	2	3	4	5
32.	Үз фикрларимни изчил баён этаман.	1	2	3	4	5

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5	6	7
33.	Бошқаларга ўз нұқтаи-назарларини баён этишлари учун имкон бераман.	1	2	3	4	5
34.	Бегона фикрлардаги зиддиятларни дікқат билан күзатаман.	1	2	3	4	5
35.	Бошқалар фикрининг ривожланиб бораёттанини тинглаёттанимни күрсатып учун ўз нұктаи-назаримни ўзgartыраман.	1	2	3	4	5
36.	Одатда мен ҳеч кимнинг сүзини бўлмайман.	1	2	3	4	5
37.	Иккиланмайман, чунки бундай эмаслигига, ҳақлигимга ишонаман.	1	2	3	4	5
38.	Бошқа кишиларни ишга руҳлантириш учун кўп вактимни сарфлайман.	1	2	3	4	5
39.	Агарда мұхолиф фикрини кабул қилиб бўлмайдиган бўлса, мен унинг далилларини охирнгача эшитиш шарт эмас, деб хисоблайман.	1	2	3	4	5
40.	Якуналарни чиқариша фаолликни ошириш учун кам сўз сўрайдиганларга ҳам сўз бераман.	1	2	3	4	5

**Натижалар:**

Каршиман, деб жавоб берган 1, 3, 5, 7, 9, 11, 14, 16, 18, 20, 22, 24, 27, 31, 33, 35, 36, 37 ва 40 саволлар рўпарасидаги балларни жамланг ва “A” ҳарфи билан белгиланг (бу натижга 20 дан 100 балл оралиғида бўлади).

“B” ҳарфи билан белгилайдиган баллар йиғиндиси 2, 4, 6, 8, 10, 12, 13, 15, 17, 19, 21, 23, 25, 28, 30, 32, 34, 38 ва 39 саволлар жавобларига кўйилган баллар йиғиндисидан ташкил топади. Бу йиғинди ҳам 20 дан 100 балл оралиғида бўлади.

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

Бу натижалар асосида Сизнинг кенгаш олиб бориш жараёнида дипломатик ёки авторитар услубли раҳбар экан-лигингиз аниқланади. Агар “A”нинг йифиндиси “B”нинг йифиндисидан 10 баллга ортиқ бўлса, у ҳолда яхши дипломатсиз. Агар “B”нинг йифиндиси “A”нинг йифиндисидан хеч бўлмагандан 10 балл ортиқ бўлса, у ҳолда музокарани олиб боришда авторитар, ҳукмдор ва қайсарсиз. Агар ҳар иккала йифинди бир-биридан 10 баллгача тафовут қиласа, у ҳолда Сиздаги услугувазиятга боғлиқ бўлиб ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Жамоа Сиз тўғриңизда аниқ фикрни айта олмайди,

**Сизда тинглаш самарадорлиги қай даражада?**

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга караб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

Т/р	Саволлар	Жавоблар			
		Ҳар доим	Кўпинча	Баъзан	Хеч қачон
1	2	3	4	5	6
1.	Сұхбатдошингизга уни билмасдан туриб фикр билдириш имкониятини берасизми?	4	3	2	1
2.	Сұхбатдошингиз фикрларидағи яширин маънога дикқатингизни қаратасизми?	4	3	2	1
3.	Сұхбатдошингиз нимани гапирганини эслаб қолишига интиласизми?	4	3	2	1
4.	Хабарнинг асосий томонларига дикқатингизни қаратасизми?	4	3	2	1
5.	Ҳамсухбатингизни эшитиб, хабардаги асосий далилларни хотирангизда саклаб қолишига интиласизми?	4	3	2	1

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5	6
6.	Хабарнинг мазмунидан нима келиб чишишга сухбатдошингиз диккатини каратасизми?	4	3	2	1
7.	Сухбат чорига Сиз учун ёкимсиз масалалардан четланиш истагида бўла оласизми?	4	3	2	1
8;	Сухбатдошингиз қарама-карши нуқтai назарни гапираётгандан аччиғланишдан сақлана оласизми?	4	3	2	1
9.	Сухбатдошингиз хабарида ўз диккәтингизни сақлаб қолишга ҳаракат киласизми?	4	3	2	1
10.	Сухбатдошингиз Сиз билан гаплашишга қизикни билдирадими?	4	3	2	1

**Натижалар:**

32 ва ундан юқори балл — аъло.

27-31 балл — яхши.

22-26 балл — ўрта.

22дан кам — шуғулланиш керак.

**Обрўйингизга хавф туғдирувчи қусурларни биласизми?**

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга ҳолис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз. Танлаган жавобларингизни ҳарфларда ёзиб чиқинг.

T/p	Саволлар	Жавоб
1	2	3
1.	<p>Мен ўз мажбуриятларимни мумкин бўлган имкониятниң энг юқори даражасида бажараман:</p> <p>а) Ҳар доим. б) Одатда. в) Баъзан. г) Деярли хеч қачон.</p>	

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛӘ ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3
2.	<p>Ҳозиргача менга ўз корхонам учун мұхым воқеаларын оддийдан аниқ күра билишлик насиб этмади:</p> <p>а) Ҳар доим. б) Одатда. в) Баъзан. г) Деярли ҳеч қачон.</p>	
3.	<p>Менга бұлған ёмон мұносабат ёки баъзи құл остиндеги ларниң иоаниклиги туфайли ишимда баъзи мұваффакиятсизликтер рүй беради:</p> <p>а) Ҳар доим. б) Одатда. в) Баъзан. г) Деярли ҳеч қачон.</p>	
4.	<p>Мен танқид қилиш ҳуқуқини тан оламан, лекин таъқидлашим лозимки, танқидчиларның күпчилигі менга қарши айб күйишігә маънавий жиҳатдан ҳуқуқта эга эмас:</p> <p>а) Түшпа-түғри. б) Қисман түғри. в) Күпроқ түғри эмас. г) Бутунлай нотүғри.</p>	
5.	<p>Ходимларимга мұваффакиятсизликтеримнинг фарқы йўқ:</p> <p>а) Тўлиқ тан оламан. б) Қисман кўшиламан. в) Кўпроқ рози эмасман. г) Бутунлай рози эмасман.</p>	
6.	<p>Мени "ўқитишин" истаётганлар, аввало, ўзлари кўп нарсаға ўрганишлари лозим:</p> <p>а) Тўлиқ кўшиламан. б) Қисман кўшиламан. в) Кўпроқ кўшилмайман. г) Бутунлай кўшилмайман.</p>	
7.	<p>Құл остидагиларнинг фикрига қўшилиш раҳбарнинг заифлигидан далолат беради:</p> <p>а) Тўлиқ кўшиламан. б) Қисман кўшиламан. в) Кўпроқ кўшилмайман. г) Бутунлай кўшилмайман.</p>	
8.	<p>Мен ўзимни аниқ ва холис баҳолайман:</p> <p>а) Ҳар доим. б) Үмуман. в) Баъзан. г) Деярли ҳеч қачон.</p>	

## СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ? РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ

### Натижалар:

Агарда Сизда “А” жавоблари етакчилик қилаёттан бўлса, эҳтиёт бўлинг, обрўйингизга хавф туғдирувчи комплекслар “касалингизга” айланиши мумкин.

Агарда “Б” жавоблари етакчилик қилаёттан бўлса, тан олиш мумкинки, Сиз жуда эҳтиёткорсиз, лекин ушбу “касалликка” мойиллигингизни истисно қилиб бўлмайди.

Агарда Сизда “В” жавоблар етакчилик қилаёттан бўлса, ўз кўл остидагиларингизга нисбатан ҳимоя нуқтаи назарини эгаллагансиз.

Агарда Сизда “Г” жавоблар етакчилик қилаёттан бўлса, тўғрироғи “обрў-эътиборлилик” ролига мос келмайсиз.

Агарда жавобларнинг ҳеч бири аниқ етакчиликка эга бўлмаса, унда бу тест Сизни етарлича баҳолаб бера олмайди.

### Ишдаги стресс ҳолатларни енга оласизми?

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга караб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

Т/п	Саволлар	Балл		
		Баззан	Тез-тез	Ҳар доим
1	2	3	4	5
1.	Сиз билан ишлаетган одамлар билишадики, Сиздан ҳар нарсанни кутиш мумкин.	3	4	5
2.	Сиз ишонасизки, керакли ишни кўнгилдагидек бажармаяпсиз.	3	4	5
3.	Сиз ҳис этасизки, юқоридағи рахбарнинг турли талабларини қондира олиш ҳолатида эмассиз.	3	4	5
4.	Сиз зўрникишларни ҳис этаяпсиз.	3	4	5
5.	Ишни кўнгилдагидек бажариш учун, Сизга кўпроқ вақт керак.	3	4	5

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛӘ ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5
6.	Сиз хис этасизки, иш шахсий ҳаётингизда акс этмоқда.	3	4	5
7.	Сиз қандай топшириқ беришларини күпинча билмайсиз.	3	4	5
8.	Хис этасизки, ишни бажариш учун Сизга юкори вазифа етишмаяпты.	3	4	5
9.	Хис этасизки, Сизга зарур бўлган барча ахборотни ҳазм эта олмаяпсиз.	3	4	5
10.	Бошлиғингиз Сизни қандай баҳолашини билмайсиз?	3	4	5
11.	Юкори бўғиндаги бошлиқларнинг жавобини олдиндан билиш ҳолатида эмассиз.	3	4	5
12.	Сизнинг қарашларингиз бошлиғингизнидан тубдан фарқ қилади.	3	4	5

Тест юзасидан умумий йифиндиси 12-60 баллни ташкил этади. 36 баллдан юкори кўрсаткич ишингизда стрессни келтириб чиқарувчи омиллар кўплигини кўрсатади. Стрессларнинг заарлиги таъсирини қандай камайтириш хусусида ўйлаб кўринг. Бунинг учун кўплаб усуllар мавжуд. Хусусан, нафас олиш машқлари бўшашишга ижобий таъсир этади.

**Тадбиркорликка бўлган қобилиятингизни биласизми?**

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/п	Саволлар	Бала
1	2	3
1.	Янги вазиятда қандай қилиб бойиб кетмоқчисиз? а) Корхонага интилиш, хизмат погоналаридан юкорига интилиш.	3

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАВ КЎРИНГ**

1	2	3
	б) Мавжуд пуллингизни бирор ишга кўйиш ва фойдали тарзда таваккал қилиш. в) Лотереяда омадни синааб кўриш.	6 0
2.	Агарда Сизга актёр сифатида рол ўйнаш имкони берилганда, унда қайси қаҳрамонни талқин қилган бўлур эдингиз? а) Остап Бендерни. б) "Анна Каренина" даги Левинни. в) "Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси" кинофильмидаги Штирицини.	3 0 6
3.	Тасаввур этинг, Сиз 100 минг доллар ишладингиз. Кейин нима қиласиз? а) Пулларни банкка қўясиз ва жамғармадан фойда фоизига яшайсиз. б) Уларни фойда келтирувчи ишга кўйишга таваккал қиласиз. в) Пулларнинг бир кисмини янги ишгз, бир кисмини эса келгуси ишлар учун обрўли банкка қўясиз.	0 3 6
4.	Сизнинг фикрингизча, нул нима келтириши мумкин? а) Ҳокимият. б) Ҳаётда хоҳлагандек яхши яшашни. в) Кўплаб янги ташвишлар.	3 6 0
5.	Агар бойиб кетсангиз, бу тўғрисида газетада ёзишлиарни хоҳлар эдингизми? а) Йўқ. б) Ҳа. в) Мен тўғримда шундай ҳам ёзишади.	0 3 6
6.	Кўйидаги уч гурӯҳ касблардан қайси бири Сизга кўпроқ ёқади? а) Ёзувчи, рассом, бастакор. б) Адвокат, шифокор, сиёсатчи. в) Фирма бошлиги, институт раҳбари, нашриёт директори.	0 6 3
7.	Ўз фикрингизни яратишда ўртоқларингиз ва қариндошларингиз маслаҳатини инобатта оласизми? а) Ҳа. б) Йўқ. в) Саволга жавоб бериш диккат билан фикр юритишни талаб этади.	0 3 6
8.	Тасаввур этинг, 100 минг доллар ишладингиз. Ўзингизни қандай тутасиз?	

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
	а) Ҳаётимдаги квартира, машина, мебел ва бошқа ҳолатлар ўзгарган бўлур эди. б) Ўзимга кўпроқ саёҳат килиш имконини берган бўлур эдим. в) Турмуш тарзимни бутунлай ўзгартирган бўлур эдим.	6 3 0
9.	Тасаввур этинг, Сиз ҳозиргина фирма директори бўлдингиз. Ўз фаолиятингизни нимадаи бошлайсиз? а) Бирга ишлаш лозим бўлган кишиларни ўрганишдан. б) Фирма ишининг асосий йўналишларини аниклашдан. в) Ишончли ёрдамчиларни танлашдан.	3 6 0
10.	Келтирилган таъкидлардан қайси бирини Сиз нисбатан тўғри ҳисоблайсиз, агарда фирма директори бўлсангиз? а) Ишимда нисбий-техник кўнкималар аҳамияти камайди ва концептуал билимлар роли ошди. б) Бошқарув погонаси қанчалик юкори бўлса, шунчалик муомала кўнкимлари ва қобилияtlари нисбий-техник билимларга нисбатан аҳамиятлидир. в) Шахснинг барча сифат хусусиятларига нисбатан талаблар тенг равишда ўзгарди.	3 6 0
11.	Сизнинг фирманинг бирон бир бўлинмада можароли вазият юзага келди. Фирма директори сифатида хатти-харакатингиз қандай бўлади? а) Низолашувчи томонлар фикрларини эшлиши лозим ва уларни келишувга йўл толишига ишонтириш лозим. б) Барчанинг фикрини эшлиши лозим, лекин низони батамом бартараф этишини бўлим раҳбарига топшириш лозим. в) Кичик низонинг катталашиб кетмаслиги учун, имкони бўлган барча нарсаларни килиш зарур.	3 6 0
12.	Катта пулга эга бўлишга қанчалик кучли эҳтиёж сезасиз? а) Доимо. б) Даврий равишида. в) Аввало, йўк.	6 3 0
13.	Агарда Сиз катта суммага эга бўлиб, янги битим тузиш имконияти вужудга келса қайсини афзал кўрар эдингиз? а) Сумманинг учдан биринга. б) Сумманинг учдан иккисига. в) Барча суммага.	0 6 3

### Натижалар:

1. 0-11 балл — жуда паст.
2. 12-19 балл — қуи даражада.
3. 20-27 балл — ўртадан бирмунча қуи.
4. 28-35 балл — ўртадан озгина қуи.
5. 36-43 балл — ўрга.
6. 44-51 балл — ўртадан озгина юқори.
7. 52-59 балл — ўртадан юқори.
8. 60-67 балл — юқори даражада.
9. 68-78 балл — жуда юқори даражада.

Натижаларни қандай изоҳлаш керак? Аниқладингизки, Сизда тадбиркорлик фаолиятига қобилият 1, 2, ёки 3 даражада, бунда Сиз учун бойиб кетишнинг йўли — бу менежер ёки раҳбар ролидан воз кечган ҳолда чидам билан ишлаш.

Агарда Сиз 4, 5, 6 даражада бўлсангиз, унда бойиб кетиш имкониятлари мавжуд, лекин фаол тарзда қобилиятларингизни юксалтиришингиз лозим.

Агарда Сиз 7, 8 даражада бўлсангиз, унда менежер касбига эга бўлиш имкониятлари мавжуд.

Агарда 68 дан 78 баллгача тўплаган бўлсангиз, яъни 9 даражадасиз, унда бизнессле муваффакиятга эришишнинг аниқ имкониятлари мавжуд.

### Мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини бошлиш вақти келмадими?

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга караб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

Т/п	Саволлар	Балл		
		Ҳа	Жавоб беришга қийналаман	Йўқ
1	2	3	4	5
1.	Сиз танлаган фаолият соҳасида мутахассисмисиз?	8	4	0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3	4	5
2.	Ишни тақсимлашга Сизнинг муносабатингиз. а) Ўзимга фақат энг муҳимларини қолганларини бошқаларга. б) Жавоб беришга кийналаман. в) Ишнинг ўзи, яхиси кимга нимани бажариш лозим эканлигини кўрсатади.	4 4 4	2 2 2	8 8 8
3.	Буюртмалар портфелини шакллантириш, молиявий ва самарадорлик истиқболини белгилаш, меҳнатга ҳақ-тӯлашнинг оқилона тизими ва ҳ.к.муаммоларини Сиз еча оласизми?	8	4	0
4.	Алоҳида масалалар бўйича мутахассислар ёрдамини назарда тутасизми?	0	6	8
5.	Сизнинг кўл остидагиларингиз учун назорат зарурми?	4	2	0
6.	Сизнинг кўл остидагиларингизни ишни бажариш усусларини танлаб олишларига ишонч билдирасизми?	4	2	0
7.	Малака оширишга маблағлар сарфлашни капиталнинг фойдали кўйилиши деб хисоблайсизми?	4	2	0
8.	Яқин ўртадаги бир ёки икки йилга ўз фаолиятингиз тўғрисида етарли даражада аниқ тасаввурга эгамисиз?	8	4	0
9.	Агарда Сизга фойдангизни ўз ўртоғингиз ёки ҳамроҳингиз билан бўлиб олишга тўғри келса, улар билан дўстона муносабатни сақлаб қолишингизга ишонасизми?	2	4	0
10.	Сиз қатъий ваъда берасизми, агарда бажаришга ишончингиз бўлмаса?	0	2	4
11.	Тадбиркорлик ёки бошқарувчилик фаолияти билан шугулланишингизга турмуш ўртоғингиз розими?	8	4	0
12.	Вақтингиз жуда ҳам тифиз даврда келажак масалаларни ўйлашга вақт ажратишга қодирмисиз?	8	4	0

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5
13.	Янги ишни очиш учун ёки янги фаолият турини бошлаш учун зарур воситаларга эгамисиз?	8	4	0
14.	А малға оширмокчи бўлган ўй-фикрларингизни ёзиб борасизми?	4	2	0
15.	Сиз ўз иш кунингизни режалаштирасизми?	4	2	0
16.	Қўл остингиздагилар ютуқларини нишонлайсизми ёки уларни кўрмаганиликса оласизми?	4	2	0
17.	Аччиғингиз чиққанини яширишга қодирмисиз?	4	2	0
18.	Ўзингизнинг корхонангизга ўхшаш корхоналар тўғрисида маълумот олганмисиз?	8	4	0
19.	Ўзингизнинг рақобатдошларингизга нисбатан катта фойда олишингиз мумкини?	8	4	0
20.	Сизнинг корхонангизнинг хукукий шаклини танлашда солиқ тизимини ўргандингизми?	8	4	0
21.	Сизнинг ҳамроҳингиз иш бўйича ҳар доим ҳам соғдил бўлмаслигини ҳисобга оласизми?	4	2	0

**Натижалар:**

Агар қобилиятларингизга берилган баҳо 80 баллдан юқори бўлса, ишга кўркмасдан киришаверинг, агарда у 40-80 орасида бўлса, яна бир ўйлаб кўринг, 40 баллгача натижада ишга лозим бўлган ёрдамчилар билан киришишингиз маъқул.

**Ўзингизга ишонасизми?**

Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга караб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

Т/р	Саволлар	Балл				
		Жуда хам кўпинча	Кў- пин- ча	Баъ- зан	Кам- дан- кам	Хеч качон
1	2	3	4	5	6	7
1.	Ўртоқларим мени руҳлантириб туришларини хоҳлар эдим.	4	3	2	1	0
2.	Иш юзасидан ўз масъулитимни доимо ҳис этаман.	4	3	2	1	0
3.	Келажагим тўғрисида ташвишданаман.	4	3	2	1	0
4.	Кўплар мени кўра олмайди.	4	3	2	1	0
5.	Бошқаларга нисбатан кам ташаббускорликка эгаман.	4	3	2	1	0
6.	Руҳий ҳолатим тўғрисида ташвишданаман.	4	3	2	1	0
7.	Аҳмоқ бўлиб кўринишдан кўркаман.	4	3	2	1	0
8.	Менга нисбатан бошқалар ташки қиёфасининг кўриниши яхшиrok.	4	3	2	1	0
9.	Нотаниш кишилар олдида нутқ билан чиқищдан чўйичман.	4	3	2	1	0
10.	Мен кўпинча хатоларга йўл кўяман.	4	3	2	1	0
11.	Одамлар билан лозим бўлган даражада гаплаша олмайман, бу жуда ачинарлидир.	4	3	2	1	0
12.	Мен учун ўзимга ишончим етишмаслиги жуда ачинарлидир.	4	3	2	1	0
13.	Менинг хатти-харакатларимни бошқалар томонидан тез-тез кўллаб-куватлаб турилишини хоҳлар эдим.	4	3	2	1	0
14.	Мен жуда хам камтаринман.	4	3	2	1	0
15.	Менинг ҳаётим фойдасиз.	4	3	2	1	0

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

1	2	3	4	5	6	7
16.	Күплар мен тұғримда нотүрги фикрда.	4	3	2	1	0
17.	Мен ўз фикрларимни хеч ким билан ўртоказлаша олмайман.	4	3	2	1	0
18.	Одамлар мәндан жуда күп нарсаларни кутишади.	4	3	2	1	0
19.	Одамлар ютуқларим билан унча ҳам кизиқмайды.	4	3	2	1	0
20.	Мен озгина уяламан.	4	3	2	1	0
21.	Хис киламанки, күпчилік мени тушунишмайды.	4	3	2	1	0
22.	Ўзимни хавфсиз хис этмайман.	4	3	2	1	0
23.	Күпинча бекорга ҳаяжонланаман	4	3	2	1	0
24.	Хонага кирганимда нотаниш одамлар ўртиришган бўлишса ўзимни нокулай хис этаман.	4	3	2	1	0
25.	Кишилар мен тұғримда гапиришаётганини хис этаман.	4	3	2	1	0
26.	Ўзимни зерикарли хис этаман.	4	3	2	1	0
27.	Одамлар менга нисбатан барчаси деярли енгил қабул килишади.	4	3	2	1	0
28.	Мен билан гёёки ноуаш ҳодиса юз берадигандек туюлади.	4	3	2	1	0
29.	Кишиларнинг менга қандай муносабатда бўлишлари ҳаяжонлантиради.	4	3	2	1	0
30.	Менинг хушмуомала эмаслигим қандай ачинарли.	4	3	2	1	0
31.	Баҳсларда ўзимнинг ҳак эканлигимга ишонч ҳосил килганимда, фикр билдираман.	4	3	2	1	0
32.	Мәндан жамоатчилик нима кутаётганилиги тұғрисида ўйлайман.	4	3	2	1	0

### Натижалар:

Агарда Сиз 0 дан 25 гача балл йиккан бўлсангиз, ўзингизнинг хатти-харакатларингизга асосан ишонасиз, 25 дан 45 баллгacha ўртача даражани, 46 ва ундан юқори бўлса, ўзўзини баҳолашнинг куйи даражада эканлигини билдиради (Сизга нисбатан билдираётган танқидий фикрлардан ташвишланиш, ўз хатти-харакатларингизнинг тўғрилигига нисбатан шубҳаланиш).

### Сиз синчковмисиз?

Кузатувчи одамлар ниманини кўрса ўйлади, фикрлайди, таҳлил қилади. Сиз кузатувчанмисиз? Куйидаги тест саволларига берган жавобларингиз бу сўровимизга жавоб беради. Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	2	3
1.	Аёлларнинг күшбичим, қимматбаҳо сумкаси ўз соҳиби ҳақида кима дей олади? а) Ишидан кўра кўпроқ ўзига зеб беришни ёқтиришни. б) Ўйчан ва ишчанлигини. в) У ишда ҳам шундай бежиримлигини.	3 2 1
2.	Агарда аёл сумкасини қўлтириға қистириб юрса, бу нимани англатади? а) Уятчанлигини. б) Мустакил фикрли ва жиддийлигини. в) Ўзига етарли акли борлигини.	2 3 1
3.	Амалдорнинг қоши ўртасидаги чукур ажни нимани англатади? а) Жиддий ходим эканлигини. б) Жохир ва узокни кўра олмаслигини. в) Яхши амалдорлигини.	3 1 2
4.	Суҳбатдошингизнинг пешонаси кенг ва тўғри бурчак шаклида бўлса: а) У қайсарлигини; б) Дангсалигини; в) Ишончли ва ишчан ходимлигини билдиради.	2 1 3

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
5.	Агар сұхбатдошингиз кўзингизга тик қараб турса: а) Унинг Сизда кўнгли борлигини; б) Сиздан ўзини юқори кўйишини; в) Сизнинг олдингизда ўзини паст тутишини аングлатади.	3 2 1
6.	Танишингиз қадамини катта-катта ташлаб, шахдам юради: а) У бетакаллуф ва ўзини босиб тура олмайди. б) У ўзига ишонмайди. в) У Сизга дўст ва очиқсўнгил.	2 1 3
7.	Танишингиз гапираёттанды бармоқлари асабий букилган бўлса, демак у: а) Гапга кўна қолмайди. б) Уятчан ва кўнгилчан. в) Қаттиққўл ва мурасасиз.	3 1 2
8.	Агарда ҳамкасбингиз сўзларингизни қўлларини чалиштириб, бошини сал орқага ташлаган ҳолда тингласа: а) У ўзига ишонади. б) Ноқўлай ахволда эканлигини яширмоқчи. в) Унча-мунчага ишонмайди.	3 2 1
9.	Агар сұхбатдошингиз қўлларини мушт қилганча, юқоридан қараса: а) Унга сұхбатингиз маъқул эмас. б) У Сизни ёқтиримаяпти. в) У сұхбат мавзусидан ҳаяжонда.	3 2 1
10.	Агарда бошлигингиз бирор нарсани тушунтираётib, бармоқларини қисирлата бошласа: а) У фикрларини изҳор этишга қийналади. б) Максадини аниқ баён этишга уринимоқда. в) Гапираёттан мавзуни яхши тушунади.	3 2 1

**Натижалар:**

Ушбу жавобларга бироз киноя, кулгули қарашингиз ҳам мумкин. Чунки одамнинг кимлигини унинг бир-икки ҳолатига қарабгина билиш мушкул. Демак:

7 тадан кўп балл тўпладингиз. Сиз одамларнинг имо-ишоралари, қарашларига безътиборсиз. Бекор қиласиз. Чунки бу арзимас ҳолатлар ҳам баъзida мураккаб вазиятларни тушунишингизга ёрдам бериши мумкин.

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАВ КЎРИНГ**

**8 тадан 21 баллгача.** Сиз одамларнинг ҳолатларини кузата оласиз. Бироқ ҳар доим ҳам вазиятларни тўғри баҳолай олмайсиз. Демак, ҳар бир воқеа-ҳодисани таҳдил қилиб юринг.

**22 тадан 30 баллгача.** Кўпчилик Сизга синчков, деб эмас, балки вазиятларни олдиндан кўра оладиган одам сифатида қарашади. Чунки сизнинг якун ва хулосаларингиз доимо тўғри чиқади.

**Яшашга иштиёқингиз қандай?**

Икки аср оралиғидаги даврда соғлиғим темирдек мустаҳкам, деб юрган айрим кишилар ҳам баъзан хасталик чангалига тушяпти. Эртанги кунига умид қилган, рухан бардам инсонгина ўз вужудини ўзи бошқара олади. Сиз соғлиғингиз ҳакида беҳуда ташвишга тушмайсизми, эртанги кунингиздан умидвормисиз? Бунда ушбу тест саволлари жавоб беради. Жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина ўзингизга холис баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда ўзингизни алдайсиз.

T/p	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	2	3
1.	<b>Соғлиқ:</b> а) соғлиғингиз мунтазам ўй-хаёлингизни банд этади; б) вакти-вакти билангина соғлиғингиздан ташвишланасиз; в) соғлиғим жойида деб ўйлайсизми?	2 1 0
2.	<b>Иштаҳа:</b> а) иштаҳангиз йўқлигидан азият чекасиз; б) овқатни танлаб ейсиз; в) ҳар қандай таомни ёқтириб еяверасиз, овқатга сажда килмайсиз.	2 1 0
3.	<b>Куч-қувват:</b> а) ҳар бир ишни кучингиз етганича бажарасиз, гоҳида мөбёридан ортиқ ҳаракат киласиз; б) бирор ишни бажаришда куч ҳам, иштиёқ ҳам етмайди; в) бир меъёрда ишлайсиз, эртанги кунингиздан хотиржамсиз.	2 1 0

**СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИКЛАБ КЎРИНГ**

1	2	3
4.	Хаётга мұхаббат: а) атрофингиздаги одамларга, мухитта, бошқаларнинг елиб-югуришига киноя билан қарайсиз; б) умуман, ҳаётингиздан мамнунсиз, фактат баъзан нолиб қоласиз; в) яна юз йил ҳудди ҳозиргидай яшашга тайёрсиз.	2 1 0
5.	Кайфият: а) ҳар бир нарсадан жаҳлингиз чикади, асабингиз қақшайди; б) турмуш ташвишлари баъзан жонингизга тегиб кетади; в) кайфиятингизни бузиш осон эмас.	2 1 0
6.	Ташки кўринини: а) ташки кўринишингиздан умуман қоникмайсиз; б) ташки кўринишингиз ўзингиз хоҳлагандай эмаслигидан баъзан хафа бўласиз; в) ёшингизга нисбатан тетик ва кўркам кўринасиз.	2 1 0
7.	Бирор қарорга келишингиз осонми? а) ҳар доим мустакил қарорга келишдан қочасиз; б) баъзан ўзингизга ишонмайсиз; в) ўйламасдан қарор қабул қиласерасиз.	2 1 0

**Натижаларга кўра:**

Агарда 12 ва ундан кўп балл тўплаган бўлсангиз, ҳаётга мұхаббат билан бокмайсиз. Шу боис кўпинча ҳадик билан яшайсиз. Умидсиз кайфиятингиз саломатлигингизга, дўстларингиз ва қариндош уруғлар билан муносабатингизга ёмон таъсири этади.

6 дан 11 гача балл тўплаган бўлсангиз, жуда инжик одамсиз. Гоҳида ўзингизга ишончингиз етишмайди. Кўпроқ одамлар орасида бўлинг, ўзингиз билан ўралашиб қолманг.

5 дан кам балл тўплаган бўлсангиз, анча-мунча нарса-га кайфиятингизни бузиб юрмайсиз, ҳаётни севасиз. Умр тўфонларида ўзингизни йўқотиб кўймайсиз. Одамлар Сизга интилади. Аммо баъзан ўзингизга ортиқча ишончингиз тўғри қарор қабул қилишингизга ҳалал бериши мумкин.

## Ваҳимани енга оласизми?

Куйидаги тест саволларига бериладиган жавобга кўра ваҳима ва қўрқувлар олдида ўзингизни қандай тута олишингизни билишингиз мумкин.

Т/р	Саволлар	Ҳа	Йўқ
1.	Сизга кизил ранг ёқадими?	2	0
2.	Ўйингизни доимо саронжом-саришта тутасизми?	2	0
3.	Кайфиятингиз атрофингиздагилар кайфиятига караб ўзгариб турадими?	2	0
4.	Таваккал иш тутишни ёқтирасизми?	2	0
5.	Жуда кизикконмисиз?	2	0
6.	Ҳамма нарсани кўнглингизга олаверасизми?	2	0
7.	Кўпчилик ичидаги ажralиб туришни хоҳдайсизми?	2	0
8.	Баъзан тунда уйғониб, анча вактгача ухлай олмайсизми?	2	0
9.	Корнингиз тез-тез оғриб турадими?	2	0
10.	Жаҳлингиз тез ва асабингиз чатокми?	2	0

### Натижалар:

**0-6 балл жамғардингиз.** Сиз учча-мунчага ваҳима қилавермайсиз. Кўнглингиз нотинч бўлса ҳам ўзингизни қўлга ола биласиз.

**8-12 балл.** Табиатан ваҳимачи одамсиз. Кўркув ва ташвишларга қарши боришга ўрганинг. Ваҳимачи бўлманг.

**14-20 балл.** Эҳтиёт бўлинг, арзимас нарсалардан ҳам таҳликага тушаверасиз. Ўзингизни қўлга олинг, юракни кенг қилиб, ҳар қандай шароитда ҳам ваҳималардан устун бўлинг.

**СИЗ ТАДБИРКОР БҮЛА ОЛАСИЗМИ?  
РЕЙТИНГИНГИЗНИ АНИҚЛАБ КҮРИНГ**

**Сизнинг асабингиз чатоқми?**

T /p	Саволлар	Жуда хам жашлим чикади	Сал- пал ғашим- га тегади	Парво- йимга кел- майди
1.	Ўқимоқчи бўлган газетангизни кимдир нижимлаб ташлади.	3	1	0
2.	Қизлардек кийиниб олган ёши ўтиңкираган аёлни кўриб қолдингиз.	3	1	0
3.	Метрода тикилинчда суҳбатдошин- гизнинг бурни бурнингизга теккүдай бўлиб кетяпти.	3	1	0
4.	Кимдир — нотаниш одам Сизга қараб аксирди.	3	1	0
5.	Аёл киши кўчада бўрикситиб чекиб ұтаётиди.	3	1	0
6.	Ённингизда кимдир тирноини чайна- япти.	3	1	0
7.	Бирор тинимсиз каттиқ овозда ҳахолаб куляпти.	3	1	0
8.	Кимдир Сизга нимадир килишни ўзи бilmаса ҳам ўргата бошлади.	3	1	0
9.	Ёқтирган йигитнингиз (қизингиз) учрашувга ҳар доим кечисиб келади.	3	1	0
10.	Театрда кимдир ўзини безовта тутаяпти, тинимсиз гап сотяпти.	3	1	0
11.	Ўзингиз ўқимоқчи бўлган асар мазмуни- ни кимдир ҳикоя қила бошлади.	3	1	0
12.	Сизга умуман кераксиз буюмни совфа қилишди.	3	1	0
13.	Атирнинг хиди жуда бадбўй экан.	3	1	0
14.	Гапираётган одам ҳадеб қўлини киммирлата бошлади.	3	1	0
15.	Ҳамкаслингиз хорижий сўзларни тез-тез такрорлайди.	3	1	0

**Натижалар:**

**30 дан кўни балл тўшладингиз.** Арзимаган нарсалардан хам жаҳлингиз чиқади. Сиркангиз сув кўтармайди, юракни кенгрок қилинг. Акс ҳолда асабингиз тезда ишдан чиқади. Сизнинг ҳолатингиз атрофдагиларга малол келади.

**17 дан 30 баллгача.** Сизга ўхшаганлар кўп. Уларнинг энг кўнгилсиз нарсаларгагина жаҳллари чиқади. Пашибадан фил ясаманг.

**0 дан 16 баллгача.** Жаҳлингизни чиқариш осон эмас. Аммо Сизнинг хам нозик ҳисларингиз бор. Бефарқлик хам яхши фазилат эмас.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 1 Тадбиркор — бу:
- а) юридик шахс сифатида доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шүгүлланувчи жисмоний шахс;
  - б) юридик шахс бўлмасдан доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шүгүлланувчи жисмоний шахс;
  - в) пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар асосида иш тутувчи шахс;
  - г) тадбир билан, пухта ўйлаб иш қиласидиган киши;
  - д) а+б+г.
- 2 Тадбиркорлик — бу:
- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолият;
  - б) бозор иқтисодиётидага хўжалик юритишнинг асосий субъекти ҳисобланади;
  - в) тадбир билан, пухта ўйлаб иш тутадиган киши;
  - г) юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият;
  - д) а+г.
- 3 Куйида қайд қилинган пул топиш ўйларининг қайси бири тадбиркорликка кирмайди?
- а) ёлланиб ишлаш орқали пул топиш;
  - б) ерни изжарага бериб, рента олиш орқали пул топиш;
  - в) пулни банкка қўйиб, фоиз олиш орқали пул топиш;
  - г) пулни қарзга бериб, фоиз олиш орқали пул топиш;
  - д) нотёри жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 4 Бизнес – бу:
- а) тадбиркорликнинг энг асосий унсуридир;
  - б) рухсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шугулланиб, пул, даромад топишни билдиради;
  - в) шахсий бойлик, фойда орттиришига қаратилган иш;
  - г) пулдан пул келтириб чиқаришдир;
  - д) б+в+г.
- 5 Бизнесмен – бу:
- а) бизнес билан шугулланувчи шахс;
  - б) бизнес билан шугулланувчи ташкилот;
  - в) ерни ижараага бериб, рента олиш орқали пул топувчи шахс;
  - г) пулни банкка қўйиб, фоиз олиш орқали пул топувчи шахс;
  - д) пулни қарзга бериб, фоиз олиш орқали пул топувчи шахс.
- 6 Бизнес қилишдан мақсад:
- а) фойда олиш ва уни муттасил ошириб боришдир;
  - б) харажатдан кўра кўпроқ даромад олишдир;
  - в) бизнесни ривожлантириш ва социал эҳтиёжларни қондиришдир;
  - г) а+б;
  - д) г+в.
- 7 Куйида қайд қилинганларнинг қайси бири бизнес қилишнинг файри қонуний усуллари хисобланади?
- а) қаллоблик ва товламачилик;
  - б) порахўрлик ва ўерилик;
  - в) тиламчилик ва босқинчилик;
  - г) наркотик моддалар билан шугулланиб пул топши;
  - д) а+б+в+г.
- 8 Фаолият йўналиши бўйича тадбиркорлик куйидаги турларга бўлинади:
- а) товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шугулланувчи тадбиркорлар;

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- б) товарни сотиши, қайта сотиши ва тиjsорат ишларини ташкил этиши билан шүегулланувчи тадбиркорлар;
- в) битта соҳадаги тадбиркорлар;
- г) а+б;
- д) г+в.
- 9 Куйида қайд килингандарнинг қайси бири тадбиркорлик тамойиллари бўлиб ҳисобланади?
- а) мулк соҳиби бўлиши;
- б) иқтисодий эркинлик ва масъулият;
- в) иқтисодий таваккалчилик;
- г) ўз-ўзини бошқариш;
- д) нотўери жавоб йўқ.
- 10 Тадбиркорлик сири деганда тадбиркорнинг:
- а) ўз шаънини авайлаши тушунилади;
- б) ҳалқ орасида обрў-эътиборли бўлишга бўлган ҳаракати тушунилади;
- в) янги технологияни қўллашини маҳфий тутиши тушунилади;
- г) фирмасини эъзозлаши, унга дое туширмаслиги тушунилади;
- д) нотўери жавоб йўқ.
- 11 Тадбиркорлик нуфузи деганда тадбиркорликнинг:
- а) янги товар яратишдаги сирнинг сақланиши тушунилади;
- б) тадбиркорлик доирасида обрў-эътиборли бўлиши тушунилади;
- в) нархларни белгилаш сири тушунилади;
- г) шартнома тузиши сири тушунилади;
- д) нотўери жавоб йўқ.
- 12 Фармон – бу:
- а) ҳокимият олий органи ёки давлат бошлигининг тадбиркорлик фаолиятига оид қонун кучига эга бўлган бўйруғи, фармойиши, амри;
- б) давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликка оид қабул қилинган, улар учун мажбурий бўлган ижтимоий-хукуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида.

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- в) бажарилиши шарт, мажбурий бўлган меъёр, қоида тусига кирган талаб, топшириқ ва ҳ. к;  
г) а+б;  
д) б+в.

13 Қонун – бу:

- а) тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган давлат бошлигининг қонун кучига эга бўлган буйруғи, фармойиши;  
б) расмий орган, ташкилот, мажслис ва шу кабиларнинг тадбиркорлик фаолияти юзасидан бамаслаҳат қабул қилинган хulosаси, тўхтами, ҳукми;  
в) давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликка оид қабул қилинган, улар учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида;  
г) а+б+в;  
д) а+б;

14 Қарор – бу:

- а) давлат бошлигининг тадбиркорлик фаолиятига оид қонун кучига эга бўлган буйруғи, фармойиши, амри;  
б) объектив борлиқда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган зарурий боаланиш, муносабатдир;  
в) давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида;  
г) расмий орган, ташкилот, мажслис ва шу кабиларнинг тадбиркорлик фаолияти юзасидан бамаслаҳат қабул қилган хulosаси, тўхтами, ҳукми;  
д) а+б.

15 Лицензия – бу:

- а) импорт ва экспорт ҳуқуқига эга бўлиш учун ваколатни давлат органлари томонидан тадбиркорларга бериладиган ҳужжат, ёзма рухсат;  
б) ҳусусий тарзда бирор соҳибкорнинг фаолияти билан шугулланишга рухсат берувчи гувоҳнома;

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- в) молия (пул) мажбуриятини акс эттирувчи гувоҳнома, ҳужжат ёки қимматли қозоз тури;
- г) б+в;
- д) нотўри жавоб йўқ.

16 Сертификат – бу:

- а) хусусий тарзда бирор тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга рухсат берувчи гувоҳнома;
- б) молия (пул) мажбуриятини акс эттирувчи гувоҳнома, ҳужжат ёки қимматли қозоз тури;
- в) патентланган қашифиётдан фойдаланиш учун бошқа ташкилот ва шахсларга бериладиган рухсатнома, ҳуқуқ;
- г) савдо-сотик ёки бирор касб-хунар билан шугулланиш учун рухсат берилганини ҳақидаги ҳужжат.
- д) ихтирочининг ўз ихтироси учун олган ҳуқуқини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

17 Патент – бу:

- а) давлатнинг маҳсус қарз облигациялари номи;
- б) ташқи савдода давлатнинг ваколатли муассасалари томонидан товар сифатининг меъёрга мувофиқлигини тасдиқлаб берувчи гувоҳнома;
- в) маълум фаолият тури билан якка тартибда шугулланиш (савдо, воситачилик, фермерлик ва бошқа хизматларни бажсариш) ҳуқуқини берувчи ҳужжат;
- г) ихтирочининг ўз ихтироси учун ҳуқуқини тасдиқловчи, муаллифлик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;
- д) в+г.

18 Санкция деганда:

- а) ҳуқуқий кучга кирувчи ҳужжатнинг юқори орган томонидан тасдиқланиши тушунилади.;
- б) бирор бир нарсани тасдиқлаш, маъқуллаш ёки унга рухсат бериш тушунилади;
- в) ҳуқуқий меъёрларнинг бир қисми. Шу меъёр бузилган тақдирда кўлланиладиган чораларнинг ифодаланиши тушунилади;
- г) белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этмаганларга нисбатан кўлланиладиган чоралар, таъсир усуллари тушунилади;
- д) нотўри жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 19 Рекламация деганда товар сотиб олувчининг товар етказиб берувчига (ёки аксинча):  
а) сифатсиз товар етказиб берганлиги ҳақидаги билдирган шикояти тушунилади;  
б) маҳсулот миқдори ва бутлиги ҳақидаги билдирган шикояти тушунилади;  
в) маҳсулотнинг давлат стандарти ва техник шартларга мос тушмaganлиги ҳақидаги билдирган арзи тушунилади;  
г) товарларнинг вактида етказиб бермаганлиги, тўлов қоидалари бузилганлиги ҳақидаги билдирган шикояти тушунилади;  
д) нотўғи жавоб йўқ.
- 20 Эмансиpация деганда:  
а) вояга етмаган, аммо ота-онасининг розилиги бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, уни тўлиқ ишга яроқли деб эътироф этиши тушунилади;  
б) чеклашларни бекор қилиш, тенг хуқук бериш тушунилади;  
в) 16 ёшига тўлган ўсмир меҳнат шартномаси бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, уни тўлиқ ишга яроқли деб эътироф этиши тушунилади;  
г) а+б+в;  
д) а+в.
- 21 Куйидаги қайси ҳолларда тадбиркор мулкий жавоб гарликка тортилади?  
а) тадбиркор банкрот деб топилса;  
б) тадбиркор қонунда ман қилинган фаолият билан шуғулланса;  
в) ўз маҳсулотини бегона ишлаб чиқарувчилар товарининг ташки қиёфаси ва безаклари билан ишлаб чиқаргандা;  
г) маҳсус лицензия талаб қиласиган тадбиркорлик фаолияти бундай рухсатномасиз амалга оширилса;  
д) нотўғи жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 22 Күйидаги қайси ҳолларда тадбиркор фаолияти суд орқали тұхтатиласы?
- а) амалдаги қонунчылык бузилганда;
  - б) бир неча маротаба огохлантирилишига ва бошқа турдаги жазо чоралари құлланилишига қарамай, күпоп равишда бузилса;
  - в) атроф-мухит ифлосланса;
  - г) хусусий мулк әгаси ёки бошқа субъектларнинг ҳуқуқи паймол қилинганда;
  - д) солик ва кредит мажбuriятлари бажарылмаганда.
- 23 Жисмоний шахс – бу:
- а) мамлакатнинг ҳуқуқлы бўлиши қобилиятига эга бўлган фуқаросидир;
  - б) ўз мулкига эга бўлиб, мажбuriятлари учун шу мулки билан жавоб берадиган, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва мулкини мустақил бошқарид бораётган ташкилот;
  - в) мустақил муассаса;
  - г) мустақил корхона;
  - д) б+в+г.
- 24 Юридик шахс – бу:
- а) ўз мулки, баланси, мухри, номи, таъсисчилари, уставига эга бўлган корхона;
  - б) фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлган фуқаро;
  - в) мамлакатнинг ҳуқуқлы бўлиши қобилиятига эга бўлган фуқаросидир;
  - г) б+в;
  - д) нотўёри жавоб йўқ.
- 25 Квота деганда:
- а) шартнома шартларига мувофиқ у ёки бу товарга мос келиши шарт бўлган сифат, меъёр, стандарт;
  - б) умумий ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт ва бошқа иқтисодий фаолият соҳаларида келишув асосида ҳар бир иштирокчи учун жорий қилинадиган ҳисса тушиллади;
  - в) давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан товар ишлаб чиқариш, уларни экспорт ва импорт қилиш

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- юзасидан чеклашларнинг жорий этилиши тушунилади;
- г) б+в;
- д) давлат томонидан бирор товарлар, хизматлар, валютта ҳамда бошқа бойликларни мамлакатга келтириш ёки бошқа мамлакатларга олиб кетиш, четга чиқаришни тақиқлаб қўйиш тушунилади.

- 26 Кўйида қайд қилинган ҳужжатларнинг қайси бири тадбиркор мақомини олиш учун асос ҳисобланади?
- а) туман (шахар) ҳокимининг рўйхатдан ўтказиши ҳақидаги қарори нусхаси (давлат ва рус тилларда);
- б) корхона Низоми (давлат ва рус тилларда);
- в) солиқ органлари, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги органлари, ижтимоий суевурта фонди бўлинмалари, меҳнат биржаси ва ҳ. к.да ҳисобга кўйилганлик ҳақидаги белгили анкета;
- г) корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ордер;
- д) нотўёри жавоб йўқ.
- 27 Кўйида қайд қилинган органларнинг қайси бири тадбиркорлик фаолиятига лицензия бериши мумкин?
- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- б) Адлия вазирлиги;
- в) Молия вазирлиги ва Марказий банк;
- г) Ички ишлар вазирлиги;
- д) нотўёри жавоб йўқ.
- 28 Эмбарго – бу:
- а) товар ва хизматларни мамлакат ташқарисига чиқариш;
- б) ички бозорда сотилиш учун мамлакатга хорижий товарлар киритиш ва хизмат келтириш;
- в) товарларни, хизматларни, валюталарни мамлакатдан олиб кетишни ёки мамлакатга киритишни давлат томонидан тақиқлаб қўйилиши;
- г) шартнома шартларига мувофиқ у ёки бу товарга мос келиши шарт бўлган сифат, мевёр, стандарт;
- д) нотўёри жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 29 Куйида қайд қилинган тадбиркорлик фаолиятининг қайси бирига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лицензия беради?
- а) қимматбаҳо металлар ва ноёб ер металлари билан боғлиқ фаолиятга;
  - б) совук қуроллар ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ фаолиятга;
  - в) қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ фаолиятга;
  - г) фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ фаолиятга;
  - д) хусусий ўқув муассасаларини очиш билан боғлиқ фаолиятга.
- 30 Куйида қайд қилинган жиҳатларнинг қайси бири тадбиркорнинг ҳуқуқи ҳисобланади?
- а) ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ, меҳнат шартномаларини тузиш;
  - б) қонунларга мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;
  - в) ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, улар билан тўла-тўйкис ҳисоб-китоб қилиш;
  - г) ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий сугурта қилиш;
  - д) амалдаги қонунлардан ҳамда тузилган шартномалардан келиб чиқадиган барча мажбурияtlарни бажариш.
- 31 Куйида қайд қилинган жиҳатларнинг қайси бири тадбиркорнинг мажбурияти ҳисобланади?
- а) тадбиркорликдан қонунларда белгиланган тартибда солиқ, солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш;
  - б) қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхона ва ташкилотларни таъсис этиши, сотиб олиши ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш;

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- в) қонунларга мувофиқ, ходимларни мустақил ёллаш үшін  
ишидан бўшатиш;  
г) ёлланиб ишилаётган ходимлар билан қонунларга му-  
вофиқ меҳнат шартномаларини тузиш;  
д) нотўери жавоб йўқ.

32

Паритет деганда:

- а) ўзаро муносабатда икки томоннинг тенглиги тушу-  
нлади;  
б) турли мамлакат валюталари ва пулларининг олтинга  
нисбатан қиймати тушунилади;  
в) икки томоннинг манбаатларига тааллукли бўлган  
бирор конфликтни қараб чиқишида, бирон масалани  
ҳал қилишида томонларнинг тенг ҳуқуқли ваколат-  
лари тушунилади;  
г) тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий (сиё-  
сий) ҳаракатда иштирок этиши тушунилади;  
д) нотўери жавоб йўқ.

33

Корхона — бу:

- а) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик  
юритувчи субъект, меҳнат жамоаси;  
б) монополистик бирлашмаларининг бир шакли;  
в) кооперациянинг бирламчи бўевини;  
г) юрик кўп тармоқли корпорация;  
д) кўп тарафлама қўйма корхона.

34

Синдикат — бу:

- а) кўп тарафлама қўйма корхона;  
б) монополистик бирлашманинг бир шакли;  
в) кооперациянинг бирламчи бўевини;  
г) юрик кўп тармоқли корпорация;  
д) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик  
юритувчи субъект, меҳнат жамоаси.

35

Кооператив — бу:

- а) юрик кўп тармоқли корпорация;  
б) кўп тарафлама қўйма корхона;  
в) кооперациянинг бирламчи бўевини;

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 36 Концерн — бу:
- а) монополистик бирлашманиң бир шакли;
  - б) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект, меҳнат жамоаси;
  - в) кўп тарафлама қўшма корхона;
  - г) йирик кўп тармоқли корпорация;
  - д) кооперациянинг бирламчи бўени.
- 37 Концорциум — бу:
- а) кооперациянинг бирламчи бўени;
  - б) йирик кўп тармоқли корпорация;
  - в) монополистик бирлашманиң бир шакли;
  - г) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект, меҳнат жамоаси;
  - д) кўп тарафлама қўшма корхона.
- 38 Мулк шаклларига қараб корхона куйидаги турларга бўлинади:
- а) ҳусусий корхона;
  - б) давлат буюртмаси сақланган корхона;
  - в) ҳам буюртма, ҳам бозорга ишловчи корхона;
  - г) фақат бозорга ишловчи корхона;
  - д) саноат корхоналари.
- 39 Кўламига қараб корхоналар куйидаги турларга бўлинади:
- а) ҳусусий корхоналар;
  - б) ҳиссадорлик корхоналари;
  - в) жамоа корхоналари;
  - г) йирик корхоналар;
  - д) давлат корхоналари.
- 40 Фаолият соҳаси ва ихтисослашувига қараб корхоналар куйидаги турларга бўлинади:
- а) кичик корхоналар;
  - б) қишлоқ хўжалиги корхоналари;

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 41) йұрта корхоналар;  
г) үшірк корхоналар;  
д) фақат бозорга ишловчи корхоналар.
- 42) Эркинлик даражасига қараб корхоналар қуидаги турларға бўлинади:  
а) ижара корхоналари;  
б) хусусий корхоналар;  
в) давлат буюртмаси сақланган корхона;  
г) ҳам буюртма, ҳам бозорга ишловчи корхона;  
д) в+г.
- 43) Куйда қайд қилинганларнинг қайси бири тадбир-корлик шаклларига тааллукли?  
а) якка тартибдаги мәҳнат фаолияти;  
б) хусусий тадбиркорлик фаолияти;  
в) жамоа тартибдаги мәҳнат фаолияти;  
г) аралаш тадбиркорлик;  
д) нотүери жавоб йўқ.
- 44) Хусусий тадбиркорликнинг якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорликдан фарқи шундаки, бу ерда фаолият кўрсатувчилар ўз фаолиятини:  
а) ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар;  
б) ёлланма ишчи кучисиз олиб борадилар;  
в) ёлланма ишчи кучини қисман жалб қилиш ёрдамида олиб борадилар;  
г) б+в;  
д) нотүери жавоб йўқ.
- 45) Ширкат фирма деганда:  
а) айрим шахсларга қарашли бўлган корхона тушунилади;  
б) айрим оиласларга қарашли бўлган корхона тушунилади;  
в) бир неча соҳибларнинг мулкни бирлаштиришига асосланган корхона тушунилади;  
г) давлат мулки ва унинг назорати остида ишловчи корхона тушунилади;  
д) нотүери жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 45 Якка тадбиркорлик — бу шундай фаолият (корхона)-ки, унинг эгаси бўтун даромад ва бизнеснинг бўтун таваккалчилигини:
- a) тўла ўз зиммасига олувчи бир кишидир;
  - б) тўла ўз зиммасига олувчи бир оиласидир;
  - в) тўла ўз зиммасига олувчи бир неча оиласидир;
  - г) а+б;
  - д) ноўгари жавоб йўқ.
- 46 Куйида қайд этилган жавобларнинг қайси бири якка тадбиркорликнинг афзаллик томонлари бўлиб ҳисобланади?
- а) фаолият муддатининг ноаниклиги;
  - б) чекланмаган жавобгарликнинг хукм суриши;
  - в) ихтисослашган менежментларнинг етишимаслиги;
  - г) фаолиятнинг конфиденциаллиги;
  - д) заиф пойdevорга эга эканлиги.
- 47 Куйида қайд этилган жавобларнинг қайси бири якка тадбиркорликнинг камчилик томонлари бўлиб ҳисобланади?
- а) тўла мустақиллик, ҳаракат эркинлиги ва тезкорлик;
  - б) қизиқтирувчи жиҳатларнинг жуда кўплиги;
  - в) ташкилий-хукуқий мақомни ўзгартиришдаги енгиллик;
  - г) фаолиятнинг конфиденциаллиги;
  - д) чекланмаган жавобгарликнинг хукм суриши.
- 48 Куйида қайд қилинган жавобларнинг қайси бири кичик ва ўрта бизнеснинг афзалликлари ҳисобланади?
- а) мослашуҷчанлик ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти;
  - б) маҳаллий шарт-шароитларга тез кўникума ҳосил қилиши;
  - в) операцион харажатларнинг камлиги;
  - г) тезлик билан моддий ютуққа эришиш имконияти;
  - д) хотүгри жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 49 Куйида қайд қилинган жавобларнинг қайси бири кичик ва ўрта бизнеснинг камчиликларига тааллукли?
- a) тадбиркорнинг якка жавобгар эканлиги;
  - б) бир неча касбни қўшиб олиб бориш имконияти;
  - в) операцион харажатларнинг камлиги;
  - г) меҳнат ресурсларининг камроқ жалб қилиниши;
  - д) мосланувчанлик имконияти.
- 50 Хусусий фирмаларда:
- а) «кемага тушганнинг жони бир» қоидасига амал қиласди;
  - б) фирма мулки фирма аъзоларининг ҳиссавий бадаллари асосида шаклланади;
  - в) якка соҳиб эмас, балки жамоа соҳиблик қиласди;
  - г) ўзгаларни ёллаб ўз фаолиятларини олиб борадилар;
  - д) фирма аъзолари хўжалик шартномаси асосида иш юритадилар.
- 51 Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра, саноат ва қурилишда кичик корхоналар туркумiga, одатда, ҳисобот даврида улардаги ходимларнинг ўртача сони қўйидаги чегарадан ошмаган корхоналар киради:
- а) 100 нафаргача;
  - б) 75 нафаргача;
  - в) 50 нафаргача;
  - г) 25 нафаргача;
  - д) 40 нафаргача.
- 52 Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра, ноишлаб чиқариш соҳасида кичик корхоналар туркумiga, одатда, ҳисобот даврида улардаги ходимларнинг ўртача сони қўйидаги чегарадан ошмаган корхоналар киради:
- а) 25 нафаргача;
  - б) 20 нафаргача;
  - в) 15 нафаргача;
  - г) 10 нафаргача;
  - д) 5 нафаргача.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

53

Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра, чакана савдода кичик корхоналар туркумига, одатда, хисобот даврида улардаги ходимларнинг ўртача сони куйидаги чегарадан ошмаган корхоналар киради:

- a) 15 нафаргача;
- б) 5 нафаргача;
- в) 10 нафаргача;
- г) 7 нафаргача;
- д) б нафаргача.

54

Кичик фирмалар:

- а) кооперациялашган ва ихтисослашган қисмлар ва денталлар ишлаб чиқариши соҳасида фаолият кўрсатадилар;
- б) асосан истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар;
- в) умумий технологик ва техник инфратузилма соҳасида фаолият кўрсатадилар;
- г) халқаро меҳнат тақсимотида ҳам иштирок этадилар;
- д) нотўёри жавоб йўқ.

55

Ўрта фирмалар:

- а) кооперациялашган ва ихтисослашган қисмлар ва денталлар ишлаб чиқариши соҳасида фаолият кўрсатадилар;
- б) халқаро меҳнат тақсимотида ҳам иштирок этадилар;
- в) асосан истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар;
- г) умумий технологик ва техник инфратузилма соҳасида фаолият кўрсатадилар;
- д) а+г.

56

Йирик фирмалар:

- а) асосан истеъмол буюмларини ишлаб чиқариши ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар;
- б) умумий технологик ва техник инфратузилма соҳасида фаолият кўрсатадилар;
- в) халқаро меҳнат тақсимотида ҳам иштирок этадилар;

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛARI

- г) кооперациялашган ва ихтисослашган қисмлар ва деталлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатадилар;  
д) нотўёри жавоб йўқ.

57

Ширкат фирмаларда:

- а) ўзгаларни ёллаб ўз фаолиятини олиб боради;  
б) фирмамен якка соҳиб, унинг устидан ҳеч ким хўжайинлик қила олмайди;  
в) хавф-хатар фақат бир киши — соҳиб зиммасига тушади;  
г) «кемага тушганинг жони бир» қоидасига амал қиласиди;  
д) фирма мулки тадбиркорнинг хусусий мулки эвазига шаклланади.

58

Масъулияти чекланмаган ширкатнинг масъулияти чекланган ширкатдан фарки шундаки, унда:

- а) жамият қатнашчилари ўзлари қўшган улушлари доирасида жавобгар бўлади;  
б) ширкат ўз фаолияти учун Низом фонди миқдорида жавобгар ҳисобланади;  
в) ширкат ўз фаолияти учун Низом капиталидан кўп бўлган пул миқдорида жавобгар ҳисобланади;  
г) фирма номига «Лимитед» сўзи қўшилади;  
д) нотўёри жавоб йўқ.

59

Акциядорлик жамияти — бу:

- а) жисмоний шахслар капиталарининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқарииш йўли билан ташкил этилади;  
б) мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятидир;  
в) давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида ишловчи корхонадир;  
г) юридик шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқарииш йўли билан ташкил этилади;  
д) нотўёри жавоб йўқ.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛARI

60

Очиқ турдаги акциядорлик жамият — бу:

- а) акциялари номланған (әгаси ёзилған) ва улар фақат акционер жамияти таъсисчилари ўртасыда тақсимланған жамиятдир;
- б) акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз әркін тасарруф қила оладиган жамиятдир;
- в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашған, акция (улуш, пай)ларининг ёки Низом жамғармасининг 100 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этгандар корхоналардир;
- г) мұхәндислік-маслаҳат хизматларини тиjsоратчылық қоидаларига асосланған ҳолда амалга оширадын корхонадир;
- д) нотүрги жавоб йүк.

61

Холдинг компания — бу:

- а) күп тарафлама құшма корхона;
- б) мулк әгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадыда ташкил этилған ҳисседорлик жамиятдир;
- в) кооперациянинг бирламчи бүгени;
- г) монополистик бирлашманиң бир шакли;
- д) юридик шахс ұкуқыға зәғ бўлған мустақил хўжалик юритувчи субъект, меҳнат жамоаси.

62

Куйида қайд қилинған қайси бир йўл холдинг компаниясини ташкил этиш учун асос қилиб олинади?

- а) янги акциядорлик жамиятларини таъсис этиши йўли билан;
- б) юридик жиҳатдан мустақил корхоналарнинг акция пакетларини бирлаштириш ийли билан;
- в) йирик корхоналарни қайта ташкил қилишда уларнинг таркибий бўлинмаларини мустақил юридик шахс сифатида бунёд этиши йўли билан;
- г) а+в;
- д) нотүрги жавоб йүк.

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

**63**

Холдинг компания:

- а) монополияга қарши органнинг руҳсати билан ташкил этилади;*
- б) маҳаллий ҳокимиятлар руҳсати билан ташкил этилади;*
- в) Адлия вазирлиги руҳсати билаш ташкил этилади;*
- г) Марказий банк руҳсати билан ташкил этилади;*
- д) Давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш қўмитаси руҳсати билан ташкил этилади.*

**64**

Холдинг компанияларининг асосий вазифаси:

- а) соф бошқарувчиликдан иборат;*
- б) акциялар пакетини берувчи компанияларнинг фаолиятига умумий хўжалик раҳбарлигини бажаришдан иборат;*
- в) бирон бир ишлаб чиқариш соҳасини йўлга қўйишдан иборат;*
- г) а+б;*
- д) нотўёри жавоб йўқ.*

**65**

Кўйида қайд қилинган қайси фаолият соҳаларида холдинг компаниялар тузишга йўл қўйилмайди?

- а) темир йўл транспортида;*
- б) ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари савдосида;*
- в) трубопровод транспортида;*
- г) авиаацияда;*
- д) халқаро юқ ташиш билан шуевулланувчи корхоналарда.*

**66**

Хорижий корхона деганда Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган, акция (улуш, пай)лари ёки Низом жамғармасининг:

- а) 52 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналарга айтилади;*
- б) 48 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналарга айтилади;*
- в) 100 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналарга айтилади;*

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 66 | г) 50 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналарга айтилади;  
д) а+б.
- 67 | Күшма (аралаш) корхоналар деганда:  
а) хусусий ва давлат мулки асосида ташкил топган корхона тушунилади;  
б) хусусий ва жамоа мулки асосида ташкил топган корхона тушунилади;  
в) давлат ва жамоа мулки асосида ташкил топган корхона тушунилади;  
г) миллий ва хорижий капитал асосида ташкил топган корхона тушунилади;  
д) нотёри жавоб ийүк.
- 68 | Консалтинг фирма деганда:  
а) ишлаб чыкашига иш юзасидан маслаҳат хизмати күрсатиш ва техникавий лойихаларни экспертиза қилиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;  
б) муҳандислик-маслаҳат хизматларни тијкоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадиган корхоналар тушунилади;  
в) янги техника, технология, товар намуналарини яратиш билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;  
г) хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш ва таҳлил этиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;  
д) монополистик бирлашма шаклидаги корхона тушунилади.
- 69 | Инжиринг корхона деганда:  
а) янги техника, технология, товар намуналарини яратиш билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;  
б) муҳандислик-маслаҳат хизматларни тијкоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадиган корхоналар тушунилади;  
в) ишлаб чыкашига иш юзасидан маслаҳат хизмати күрсатиш ва техникавий лойихаларни экспертиза қилиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- 70 Венчур корхона деганда:
- а) муҳандислик-маслаҳат хизматларни тиҷоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадиган корхоналар тушунилади;
  - б) ишлаб чиқаришга иш юзасидан маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
  - в) янги техника, технология, товар намуналарини яратиш билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
  - г) хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш ва таҳлил этиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
  - д) монополистик бирлашма шаклидаги корхона тушунилади.
- 71 Аудитор фирма деганда:
- а) ишлаб чиқаришга иш юзасидан маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
  - б) янги техника, технология, товар намуналарини яратиш билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
  - в) монополистик бирлашма шаклидаги корхона тушунилади;
  - г) хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш ва таҳлил этиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
  - д) муҳандислик-маслаҳат хизматларни тиҷоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадиган корхоналар тушунилади.
- 72 Картел деганда:
- а) хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш ва таҳлил этиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;

## ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

- б) ишлаб чиқарышга иш юзасидан маслаҳат хизмати күрсатиши ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиши билан шугулланувчи корхона тушунилади;
- в) мұхандислик-маслаҳат хизматларни тијоратчылық қоидаларига асосланған ҳолда амалға оширадиган корхоналар тушунилади;
- г) янги техника, технология, товар намуналарини яратиши билан шугулланувчи корхоналар тушунилади;
- д) монополистик бирлашма шаклидаги корхона тушунилади.
- 73 | Тадбиркорлик шароитлари деганда:
- а) ікәтисодий фаолиятдаги әркинлік тушунилади;
- б) сиёсий вазиятдаги барқарорлық тушунилади;
- в) ҳукуқий мұхиттің мавжудлігі тушунилади;
- г) әрқин ікәтисодий ҳудудтің мавжудлігі тушунилади;
- д) нотүгри жавоб йўқ.
- 74 | Икәтисодни әркинлаштириш деганда:
- а) монополлашган ікәтисоддан әрқин ікәтисодиётга ўтиши тушунилади;
- б) социалистик мусобақадан әрқин рақобатга ўтиши тушунилади;
- в) қаттый белгілінгән нархлардан әрқин нархларга ўтиши тушунилади;
- г) давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчилікка ўтиши тушунилади;
- д) а+б+в+г.
- 75 | Эркин ікәтисодиёт шароитида:
- а) ишлаб чиқарыш либераллаштирилади;
- б) тақсимотни давлат әмас, бозор бажаради;
- в) айрбошлашда монопсония вұжудың келади;
- г) истеъмол мұносабати тенглизикни әмас, балки тенглизикни келтириб чиқаради;
- д) нотүгри жавоб йўқ.
- 76 | Рақобат — бу:
- а) бозор ікәтисодиётіда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш;

- б) мажбурий сафарбарлик;  
в) «социалистик мусобақа»;  
г) товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб берувчи дасттак;  
д) нотўёри жавоб йўқ.
- 77 Адам Смит тилга олган «кўзга кўринмас кўл» нима?  
а) бу — қиймат қонуни;  
б) бу — нарх-наво;  
в) бу — рақобат;  
г) бу — эркин тадбиркорлик;  
д) нотўёри жавоб йўқ.
- 78 Эркин иқтисодий худуд — бу:  
а) ҳуқуқий муҳит мавжуд бўлган худуд;  
б) имтиёзли иқтисодий шароитлар жорий этилган худуд;  
в) фақат бож тўловларидан озод этилган худуд;  
г) фақат солик тўловларидан озод этилган худуд;  
д) нотўёри жавоб йўқ.
- 79 Эркин савдо зонаси — бу:  
а) фақат солик тўловларидан озод этилган зона;  
б) фақат ҳуқуқий муҳит мавжуд бўлган зона;  
в) эркин технологик зона;  
г) бож тўловларидан озод этилган савдо зонаси;  
д) нотўёри жавоб йўқ.
- 80 Фирмада ишлаб чиқарилган маҳсулот фоят ноёб бўлиб, унинг ўрнига ўтадигани бўлмаса, у ҳолда:  
а) бозорда соғ монополия амал қилаётган бўлади;  
б) бозорда соғ рақобат амал қилаётган бўлади;  
в) бозорда фирмалар сони жуда кўп бўлади;  
г) бозорда нарх устидан назорат йўқ бўлади;  
д) бозорда маҳсулот тури стандартлашган бўлади.
- 81 Куйидаги омилларнинг қайси бири ишлаб чиқариш омиллари таркибига киради?  
а) ер, капитал;  
б) технология;

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- в) ишчи күчі;
- г) табиғаткорлық өяси ва қобилятты;
- д) нотұғері жавоб ійік.

82 Табиғаткорлық обьекти деганда:

- а) ақал-заковат ва идрок әгаси тушунилады;
- б) борлықни билишга ва ўзғартиришга қодир шахс тушунилады;
- в) фаоллік билан ҳаракат қыладиган ижтимоий гурұх тушунилады;
- г) киши билишга интилган ва ўз фаолияттіні шүнгә қаратған предмет тушунилады;
- д) нотұғері жавоб ійік.

83 Табиғаткорлық субъекти деганда:

- а) киши билишга интилган ва ўз фаолияттіні шүнгә қаратған предмет тушунилады;
- б) ишлаб чиқарыш ёки хизмат күрсатыш фаолияттадағы табиғаткорлық тушунилады;
- в) воситачилик соҳасидаги табиғаткорлық тушунилады;
- г) молиявий соҳадаги табиғаткорлық тушунилады;
- д) ақли-хуши расо бўлиб, ўз иши юзасидан қонун олдидаги жавоб берга оладиган ҳар бир фуқаро тушунилади.

84 Кўйида қайд килинган капитал турларининг қайси бири табиғаткор капитали бўла олади?

- а) хусусий капитал;
- б) қарз-кредит капитал;
- в) қўшма, ҳамкорликдаги капитал;
- г) а+в;
- д) нотұғері жавоб ійік.

85 Табиғаткорнинг хусусий капитали:

- а) бошқа корхоналардан олинадиган кредитлар эвазига шакланади;
- б) банкдан олинадиган кредитлар эвазига шакланади;
- в) амортизация ажратмалари эвазига шакланади;
- г) чиқариладиган облигациялар эвазига шакланади;
- д) нотұғері жавоб ійік.

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 86 | Тадбиркорнинг қарз-кредит капитали:
- а) амортизация ажратмалари эвазига шакланади;
  - б) чиқарилган облигациялар эвазига шакланади;
  - в) корхона фойдаси эвазига шакланади;
  - г) а+в;
  - д) нотўери жавоб йўқ.

- 87 | Корхона активлари деганда шу корхонанинг:
- а) асосий фондлари тушунилади;
  - б) айланма фондлари тушунилади;
  - в) номоддий активлари тушунилади;
  - г) шахсий инсон омили тушунилади;
  - д) а+б+в.

- 88 | Куйида қайд қилинганларнинг қайси бири номоддий активлар бўлиб ҳисобланади?
- а) кашфиётчилик патентлари;
  - б) савдо маркаси;
  - в) ноу-хау;
  - г) ижара хукуқи;
  - д) нотўери жавоб йўқ.

- 89 | Диспашер — бу:
- а) зарарни баҳолаш бўйича мутахассисдир;
  - б) сугурта пули олишга доир барча даъволарни кўриб чиқувчи мутахассисдир;
  - в) фирманинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилувчи (эккаунтант) мутахассисдир;
  - г) а+б;
  - д) нотўери жавоб йўқ.

- 90 | Тадбиркорлик ғояси — бу:
- а) ўзида мавжуд билимларни акс этувчи ғоядир;
  - б) ўзида инновацион жиҳатларни ифода этувчи ғоядир;
  - в) ўзида мавжуд технология хусусидаги билимни ифода этувчи ғоядир.
  - г) ўзида мавжуд ишлаб чиқарishi хусусидаги билимни ифода этувчи ғоядир;
  - д) нотўери жавоб йўқ.

91

Тадбиркорлик қобиляти:

- a) оддий ишчи кучидан фарқ қылмайды;
- б) алоҳида бир истеъдод, юксак билим мажмуаси ҳам эмас;
- в) бошқаришдек юксак вазифани бажаришга қодир бўлган билим мажмуаси;
- г) б+в;
- д) нотўёри жавоб йўқ.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иктиносод, сиёсат, мағкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаши ва ишлаш давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсаасида: хавфзисликка таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққийт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
8. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан курмокдамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги мъруза. Т., «Ўзбекистон», 1999.
10. Каримов И.А. Изланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик давр талаби. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессиясида сўзланган нутк. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 февраль.
11. Абдуллаев Е.А. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. Т., «Фан», 1985.
12. Абдуллаев Е.А. Сравнительный анализ эффективности региональной экономики. Т., «Мехнат», 1987.
13. Абдуллаев Е.А. Перестройка хозяйственного механизма. Вопросы и ответы. Т., «Мехнат», 1989.
14. Абдуллаев Е.А. Статистиканинг умумий назарияси. Дарслик. Т., «Ўқитувчи», 1993.
15. Абдуллаев Е.А. Статистиканинг умумий назарияси. Тестлар. Ўқув кўлланма. Т.; «Ўқитувчи», 1996.
16. Абдуллаев Е., Бобокулов Т. Кредит: 100 савол ва жавоб, Т., «Мехнат», 1996.
17. Абдуллаев Е., Қоралиев Т. Пул. Т., «Мехнат», 1996.
18. Абдуллаев Е., Яхёев К. Солик; 100 савол ва жавоб. Т., «Мехнат» 1997.
19. Абдуллаев Е. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб . Т., «Мехнат», 1997.

20. Абдуллаев Ё., Шохаззамий Ш. Кимматли коғозлар: 100 савол ва жавоб. Т., «Мехнат» 1997.
21. Абдуллаев Ё., Примов М. Тадбиркорнинг ён дафтарчаси. Т., Бухгалтерлар Ассоциацияси, 1999.
22. Абдуллаев Ё. Макроэкономика статистика: 100 савол ва жавоб. Т., «Мехнат», 1998.
23. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси: 100 савол ва жавоб. Т., «Мехнат», 2000.
24. Агеев А.И. «Предпринимательство: проблемы собственности и культуры», М., 1991.
25. Азбука бизнеса. Л., 1990.
26. Абчук В.А. «Предпримчивость и риск» Л., 1991.
27. Бусыгин А. «Курс предпринимательства». Основной курс. М., 1997.
28. Балашевич М. Кичик бизнес. Ватанимиз ва хорижий давлатлар тажрибалири. М., 1995.
29. Отахонов Ф., Эрназаров У. Хусусий тадбиркорлик. Т., «Адолат», 1995.
30. Осипов Ю. Основы предпринимательского дела. М., МГУ, 1992.
31. Герберг Ньютон Кессон. Пулдорлик санъати. Т., «Камалак», 1996.
32. Фуломов С. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т., 1998.
33. Гафуров Ш. и др. Язык бизнеса. Т., 1995.
34. Жизнин С., Крупнов В. Қандай килиб бизнесмен бўлиш мумкин? Америка тажрибаси. Т., 1992.
35. Котлер Ф. Основы маркетинга. М., 1992.
36. Как добиться успеха. Практические советы деловым людям. М., 1991.
37. Карнеги Д. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей. Т., «Шарқ» НМК, 1992.
38. Кузин Ф.А. Имидж бизнесмена. Благородный бизнес. Под. ред. Осипова Ю. М., 1996.
39. Ким У Жун. Бизнеснинг буюк дунёси. «Осиё бозори» ҳафталик газетаси, 1996.
40. Кадзума Татанси. Вечный дух предпринимательства. М., 1990.
41. Как работают японские предприятия. Перевод с англ. М., 1989.
42. Кадзума Татанси. Вечный дух предпринимательства. Практическая философия бизнесмена. М., 1990.
43. Мирзиёев Ю., Окназаров Ф., Ўрмонов М. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. Т., «Университет», 1993.
44. Мухаммедов М. ва бошқалар. Тадбиркорлик иқтисодиётининг асослари. Самарқанд, 1998.
45. Основы предпринимательского дела. Под рук. и ред. Ю.М. Осипова. М., 1992.
46. Основы предпринимательской деятельности. М., 1994.
47. Основы предпринимательского дела. Благородный бизнес. Под ред. Осипова Ю.М., 1996.
48. Основы предпринимательской деятельности. Под ред. Власовой В. М., М., 1995.
49. Предпринимательство в конце XX века. М., «Наука», 1997.
50. Предпринимательство в конце XX века. М., «Наука», 1992.
51. Правовой словарь предпринимательства. М., 1992.
52. Рюттингер Р. Культура предпринимательства. М., 1992.
53. Райзберг Б. Основы экономики и предпринимательства. М., 1995.

54. Смол М. Как делаются деньги — в кн. Как стать предпринимчивым и богатым. Из Американских рецептов. М., 1991.
55. Словарь терминов современного предпринимательства. Под ред. проф. В. Морковкина. М., 1995.
56. Сервант — Шрайбер Ж.Л., Сервант-Шрайбер П. Ремесло предпринимателя. Десять портретов. М., 1993.
57. Сервант-Шрайбер Ж. Ремесло предпринимателя. М., 1993.
58. Самоукин А., Шишов А. Сборник задач по бизнесу. М., 1990..
59. Современный бизнес. В 2-хт. М., 1995.
60. Словарь-справочник предпринимателя. М., 1992.
61. Секреты успеха. Уроки гениев бизнеса. М., 1992.
62. Справочник делового человека. Т., 1992.
63. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. Комуслар Бош таҳрияти,Т., 1993.
64. Федотова М. Доходы предпринимателя. М., 1993.
65. Фрейнкман Е.Ю. Экономика и бизнес. М., 1994.
66. Хизрич Р., Питрес М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. М., 1991.
67. Хостин А. Курс предпринимательства. М., 1993.
68. Хибберг Л. Советы желающим открыть свое дело. М., 1993.
69. Хўжаев Э., Юнусова Р. Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самарқанд, 1997.
70. Хизрич Р., Питрес М. Предпринимательство. М., 1992.
71. Хоккен П. Я начинаю свое дело. М., 1992.
72. Чжен В.А. Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. Т., 1995.
73. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор конуниятлари асослари. Т., «Шарқ» НМК Бош таҳририяти.
74. Чжен В.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизими. Т., 1995.
75. Чжен В.А. 50 советов начинающим бизнесменам. Т., 1995.
76. Чжен В.А. Сельское предпринимательство. Т., 1995.
77. Янчевский В.Г. Менеджмент, маркетинг, бизнес. Деловым людям о предпринимательстве. М., 1992.
78. Энциклопедический словарь предпринимателя. АЯКС, 1992.

# МУНДАРИЖА

Кириш 3

I БОБ Тадбиркорлик ва бизнеснинг моҳияти 5

II БОБ Тадбиркорликнинг ҳукукий асослари 45

III БОБ Тадбиркорликнинг ташкилий асослари 76

IV БОБ Тадбиркорлик шароитлари ва омиллари 127

V БОБ Сиз тидбиркор бўла оласизми?  
Рейтингингизни аниклаб кўринг 155

Тест тошириқлари 321

Фойдаланилган адабиётлар 346

ЁРКИН АБДУЛЛАЕВ, ФАТХУЛЛА КАРИМОВ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК АСОСЛАРИ  
100 САВОЛ ВА ЖАВОБ

(1-кисм)

«Мехнат» нашриёти — Тошкент — 2000

Рассом *Л. Дабижа*  
Бадий мухаррир *Х. Кутлужов*  
Техник мухаррир *Ж. Бекиева*  
Мусахиҳа *Ф. Темирхўжаева*

2000 йил 2 октябрда босишига рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ , №1  
коозга «Таймс» харфида оффсет усулида босилди. Шартли босма-  
табори 22,0. Нашр табори 22,0. 10000 нусха. Буюртма № 18  
Баҳоси шартнома асосида.

«Мехнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Шартнома № 21—2000.

Андоза нускаси «Мехнат» нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Муродов кўчаси, 1-йи.

Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари:  
100 савол ва жавоб. — Т.: «Мехнат», 2000. — 352 б.

Сардахъа олдида: ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ЎзР  
Халқ таълими вазирлиги.

### 1. Муаллифдош.

Бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаши Миллий дастурни» асосида олий таълим соҳасида жиддий ислоҳотлар ўтказилмоқда. Жумладан, ўкув жараёнида янги педагогик технология жорий этилиб, талабалар мустақил фикрлашга ўргатилипти. Бу жарабён бошқа ўкув фанлари катори «Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари» фанини ўқитиш, бинобарин, унинг шакл-тамойилини тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Шуларни назарда тутиб, ушбу ўкув кўлланма тайёрланди. Мазкур кўлланмана олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида иктисадчи мутахассислар, менежерлар тайёрловчи ўкув юртларидаги машгулотлар, илмий семинар ва сұхбатлар, тренинглар уюштиришига мўлжалланган.

ББК 65.012.1я7